

UO‘K: 821.512.133-3

КВК 84(50‘)6

М 22

Севимли адибимиз Эркин Маликнинг “Шайтонваччанинг найранглари” номли асарининг аввалги уч китоби ўқувчилар томонидан кизгин кутиб олинган эди. Китобхонларнинг бу эътибори муаллифга илҳом бағишлади. У, мана, тўртинчи китобни ҳам ўқувчиларга тақдим этмоқда.

Асар қаҳрамони Шайтонвачча – Гадейбой энди анча улгайган. Шу баробарида унинг шайтоний нияtlари кўлами ҳам кенгайган. Асарда унинг янги қинғирликлари-ю, кутилмаган ҳангомалари ўзига хос маҳорат билан ёритиб берилган.

---

Sevimli adibimiz Erkin Malikning “Shaytonvachchanning nayranglari” nomli asarining avvalgi uch kitobi o‘quvchilar tomonidan qizg‘in kutib olingan edi. Kitobxonlarning bu e‘tibori mual-lifga ilhom bag‘ishladi. U, mana, to‘rtinchi kitobni ham o‘quvchilarga taqdim etmoqda.

Asar qahramoni Shaytonvachcha – Gadoyboy endi ancha ulg‘aygan. Shu barobarida uning shaytoniy niyatlari ko‘lami ham kengaygan. Asarda uning yangi qing‘irliklari-yu, kutilmagan hantomalari o‘ziga xos mahorat bilan yoritib berilgan.

М 22 **Malik, Erkin.**

Shaytonvachchanning nayranglari: Ma‘rifiy qissa, to‘rtinchi kitob. – T.: “Sharq”, 2018. – 256 b.

ISBN 978-9943-26-474-8

UO‘K: 821.512.133-3

КВК 84(50‘)6

ISBN 978-9943-26-474-8 © Erkin Malik, 2018

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2018.

84(59)6  
✓ M 22

ЭРКИН МАЛИК

# ШАЙТОНВАЧЧАНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

*(Катта ёшдагилар учун)*




# SHAYTONVACHCHANING NAYRANGLARI

123494

(Ma'rifiy qissa)

*(Katta yoshdagilar uchun)*



“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АЖИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2018

## ХАЁЛЛАР, ХАЁЛЛАР...

*(Ёки Шайтонваччанинг шаҳар билан хайрлашуви қийин бўлгани)*

Шайтонвачча чикиб бўлмас даҳшатли тузоқдан хамирдан қил суғургандек чикиб, шаҳарнинг бир чек-касига бориб қолди ҳамки, ҳамон ўзига кела олмасди. Воҳ... наҳотки шундоқ жаҳаннамнинг оғзидан кутулиб кетди-я? Наҳотки, юрак ўйноғи бояги ола-тасир дамлар орқада қолди? Ҳа... яхшиям олдига “Кўзимни очиб қўйсанг, ўла-ўлгунимча сени кўчама-кўча реклама қилиб юраман”, деб анави ғирт сўқир гадой кириб қолди-я. Қўшни хонада турадиган гадойбашара никобиям унга иш бериб қолди. Ҳа, Худонинг ўзи юборди, ўша сўқир гадойни. Ахир шайтонни ҳам Худо яратган-да. Охиратгача Одам болалари билан бирга-бирга яшашга Ўзи рухсат бериб қўйган. Шайтонлар дўзахнинг ҳақиқий элчилари. Маҳшар кунда оро йўлда туриб, қолган бандаларни: “Кўчада қолиб кетмасинлар, дўзахимизнинг бир эмас, етти-та дарвозаси ўзларига мунтазир, тўрига чиқаверсинлар”, – деб эшик тагида ҳассакашлик қилиб туришадди. Яратганнинг Ўзи ҳаммага меҳрибон. Мусулмонга ҳам, мусулмон бўлмаганга ҳам. Шайтонваччанинг “Худога шукур-е”, деб юборишига бир баҳя қолди. Шунақа, у Одамшайтонга айлангандан бери битта нарсадан – иймон келтириб, мусулмон бўлиб қолишдан қўрқиб юради.

Нима бўлганда ҳам бугунги хавф-хатар орқада қолди. Хайрият! Ишқилиб, бундай таҳликали кунларни Худонинг ўзи ундан доимо узоқ қилсин. Шундай бўлса ҳам, барибир юраги нотинч, хаёли нимагадир паришон. Бунақа пайтларда Шайтонвачча ўзига келиб олиш учун тарозининг бир палласига ўзини-ю иккинчи палласига Одам болаларини қўйиб кўрарди.

## XAYOLLAR, XAYOLLAR...

*(Yoki Shaytonvachchaning shahar bilan xayrlashuvi  
qiyin bo'lgani)*

Shaytonvachcha chiqib bo'lmaz dahshatli tuzoqdan xamirdan qil sug'urgandek chiqib, shaharning bir chekkasiga borib qoldi hamki, hamon o'ziga kela olmasdi. Voh... nahotki shundoq jahannamning og'zidan qutulib ketdi-ya? Nahotki, yurak o'ynog'i boyagi ola-tasir damlar orqada qoldi? Ha... yaxshiyam oldiga "Ko'zimni ochib qo'ysang, o'la-o'lgunimcha seni ko'chama-ko'cha reklama qilib yuraman", deb anavi g'irt so'qir gadoy kirib qoldi-ya. Qo'shni xonada turadigan gadoybashara niqobiyam unga ish berib qoldi. Ha, Xudoning o'zi yubordi, o'sha so'qir gadoyni. Axir shaytonni ham Xudo yaratgan-da. Oxiratgacha Odam bolalari bilan birga-birga yashashga O'zi ruxsat berib qo'ygan. Shaytonlar do'zaxning haqiqiy elchilari. Mahshar kunida oro yo'lda turib, qolgan bandalarni: "Ko'chada qolib ketmasinlar, do'zaximizning bir emas, yettita darvozasi o'zlariga muntazir, to'riga chiqaversinlar", – deb eshik tagida hassakashlik qilib turishadi. Yaratganning O'zi hammaga mehribon. Musulmonga ham, musulmon bo'lmaganga ham. Shaytonvachchaning "Xudoga shukur-e", deb yuborishiga bir baxya qoldi. Shunaqa, u Odamshaytonga aylangandan beri bitta narsadan – iymon keltirib, musulmon bo'lib qolishdan qo'rqib yuradi.

Nima bo'lganda ham bugungi xavf-xatar orqada qoldi. Xayriyat! Ishqilib, bunday tahlikali kunlarni Xudoning o'zi undan doimo uzoq qilsin. Shunday bo'lsa ham, baribir yuragi notinch, xayoli nimagadir parishon. Bunaqa paytlarda Shaytonvachcha o'ziga kelib olish uchun tarozining bir pallasiga o'zini-yu ikkinchi pallasiga

Боягина тарозининг палласини Одам болалари босиб, иши чаппага кетиб, оёғи осмондан бўлиб турган эди. Мана энди аҳвол тамоман ўзгарди. Тарозининг по-сангиси у тарафда. Унга қасд қилганлар паст бўлиб, бўш қоп билан қолишди. Қўйган тузоқларига ўзлари тушди. Воҳ, шунча даҳмаза-ю, шунча оворагарчилик-а? Кафангадо бўлдинг, шўринг қуриди “108-канал”. Рекламадан топган-тутганларингни энди қусасан. Ҳа, бари осмонга учади-кетади. Кўриниб турибдики, ҳисоб Хўжақишлоқдагидек яна Шайтонваччанинг фойдасига ҳал.

Шунақа, Одам болалари дарахтнинг шохи қолиб баргида юрса, Шайтонвачча шохидаям юрмайди, баргидаям юрмайди, илдизида юради, дарахтни қаеридан, қандоқ қилиб кемиришни яхши билади. Таг-туғи билан кўпориб ташлаш унга ҳеч гапмас. Шайтонвачча бугун Одам болаларидан бир марта эмас, минг марта ғолиб. Бамисоли олтин медалли жаҳон чемпиони. Унда нимага юраги безовта, нимага нотинч?

Унинг аъзои баданини туздек ачиштираётган нарса Дадамирзанинг ҳашамдор саройида кечган осуда дамлари эмас. Йў-ў-қ... сатқайсар. Бу дунё ўзи шунақа, бевафо, бир кун ундоқ бўлса, бир кун бундоқ. Уни безовта қилаётган нарса бошқа. У ҳам бўлса маҳалланинг домласига эрга берган анави Соқовхонимнинг тирик эканлиги. Бир жиҳатдан Одам болаларига қойил ҳам қолиши керак. Улар қилни қирқ ёриб, бу сафар Шайтонваччани ярим йўлда қолдирди. Соқовхонимнинг кўйлагини ўз ажали билан ўлган бир дайди хотинга кийдириб, ўлдига чиқариб, Соқовхонимни асраб қолибдими, қойил қолмай иложи йўқ. Бу ҳойнаҳой “108-канал”нинг иши бўлиши керак. Эртага Шайтонваччанинг зурриёти дунёга келгандан кейин “Мана кўриб қўйинглар, ўзга сайёраликнинг боласи”, деб шов-шувлар кўтаради, унинг учун реклама эшиклари каттароқ очилади. Ажабо, унинг боласи қанақа туғиларкин-а, бўриникига ўхшаган динг қулоқ биланми ёки маймунникига ўхшаган

Odam bolalarini qo'yib ko'rardi. Boyagina tarozining pallasini Odam bolalari bosib, ishi chappaga ketib, oyog'i osmondan bo'lib turgan edi. Mana endi ahvol tamoman o'zgardi. Tarozining posangisi u tarafda. Unga qasd qilganlar past bo'lib, bo'sh qop bilan qolishdi. Qo'ygan tuzoqlariga o'zlari tushdi. Voh, shuncha dahmaza-yu, shuncha ovoragarchilik-a? Kafangado bo'lding, sho'ring quridi "108-kanal". Reklamadan topgan-tutganlaringni endi qusasan. Ha, bari osmonga uchadi-ketadi. Ko'rinib turibdiki, hisob Xo'jaqishloqdagidek yana Shaytonvachchaning foydasiga hal.

Shunaqa, Odam bolalari daraxtning shoxi qolib bargida yursa, Shaytonvachcha shoxidayam yurmaydi, bargidayam yurmaydi, ildizida yuradi, daraxtni qayeridan, qandoq qilib kemirishni yaxshi biladi. Tag-tugi bilan qo'porib tashlash unga hech gapmas. Shaytonvachcha bugun Odam bolalaridan bir marta emas, ming marta g'olib. Bamisoli oltin medalli jahon chempioni. Unda nimaga yuragi bezovta, nimaga notinch?

Uning a'zoyi badanini tuzdek achishtirayotgan narsa Dadamirzaning hashamdor saroyida kechgan osuda damlari emas. Yo'-o'-q... satqaisar. Bu dunyo o'zi shunaqa, bevafo, bir kun undoq bo'lsa, bir kun bundoq. Uni bezovta qilayotgan narsa boshqa. U ham bo'lsa mahallaning domlasiga erga bergan anavi Soqovxonimning tirik ekanligi. Bir jihatdan Odam bolalariga qoyil ham qolishi kerak. Ular qilni qirq yorib, bu safar Shaytonvachchani yarim yo'lda qoldirdi. Soqovxonimning ko'ylagini o'z ajali bilan o'lgan bir daydi xotinga kiydirib, o'ldiga chiqarib, Soqovxonimni asrab qolibdimi, qoyil qolmay iloji yo'q. Bu hoynahoy "108-kanal"ning ishi bo'lishi kerak. Ertaga Shaytonvachchaning zurriyoti dunyoga kelgandan keyin "Mana ko'rib qo'yinglar, o'zga sayyoralikning bolasi", deb shov-shuvlar ko'taradi, uning uchun reklama eshiklari kattaroq ochiladi. Ajabo, uning bolasi qanaqa tug'ilarkin-a, bo'rinikiga o'xshagan ding

узун дум биланми? Ҳа, нима бўлганда ҳам “108-канал” Шайтонваччага ёмонлик қилмабди-ку, зурриётини саклаб қолибди-ку. У бундоқ ўйлаб караса шаҳардаги ҳамма ҳою ҳавасларини боласига қурбон қилибди. Майли, бир ёмоннинг бир яхшиси, дейдилар буни. Қолгани бир гап бўлар. Яна шуниям тан олиши керакки, Соковхоним аёл бошига Дадамирзадан кўра минг марта мардлик қилди. Бошловчининг: “У яна кимлар билан ишқий яқинлик қилган?” – деган саволига: “Мен ўзимгагина жавоб бераман, бошқаларнинг тепасида турмаганман”, – деб болади. Шайтонвачча уруғ ташлаган бошқа стриптизчи хотинларнинг номини сотмади. Дадамирза азалдан пасткаш эди, пасткашлигича қолди. Ола товук тупроқ сочар, ўз айбини ўзи очар, деб биров сўрамаса ҳам қилган ишларини ўртага дoston қилиб ўтирипти-я, вой томи кетган-ей. Шайтонваччага қалбаки ҳужжат қилиб берганларигача айтиб, ҳамма ишни расвои жаҳон қилди. Бунинг учун энди унинг бошини силашармиди, қалбаки ҳужжат қилиб берган гумашталарининг ёнига жўнатишади, кўшмозор бўлгин, деб. Микрофон қўлимга тегди, реклама бўлиб қолай деб, вайсашини қаранглар уни... Ҳе, реклама жонингни олсин, сени. Қилганда ўзига ҳам, Шайтонваччага ҳам қийин қилди. Шайтонваччанинг қалбаки исми, фамилиясини ҳам керакли жойлар энди билиб олишди. Банкдагилар пулларини музлатиб қўйишади энди.

Шайтонвачча шуларни ўйлаб шаҳар чеккасида хийла вақт туриб қолди. Шу... очиғини айтиш керак, шаҳардан кўнгил узолмаётган эди. Ажабо, бу шаҳардан кетадиган бўлса, дунёга келадиган шайтончаларини кўриш насиб қилармикан? Уларнинг тақдирини нима бўлади энди? Бу тарафларини ўйламай уруғни ташлайверган экан, ўзиям, нафси бузук...

Кеч кириб, гадойваччанинг почапўстинидан симилаб совуқ ўта бошлади. Энди қаёққа боради-ю, бу сўққабошини қаёққа уради? Нима бўлганда ҳам бу шаҳардан насибаси узилди. Буни тан олиши керак. Бир вақтлар Дадамирзага “Фалокат юз берган жой-

quloq bilanmi yoki maymunnikiga o'xshagan uzun dum bilanmi? Ha, nima bo'lganda ham "108-kanal" Shaytonvachchaga yomonlik qilmabdi-ku, zurriyotini saqlab qolibdi-ku. U bundoq o'ylab qarasa shahardagi hamma hoyu havaslarini bolasiga qurbon qilibdi. Mayli, bir yomonning bir yaxshisi, deydilar buni. Qolgani bir gap bo'lar. Yana shuniyam tan olishi kerakki, Soqovxonim ayol boshiga Dadamirzadan ko'ra ming marta mardlik qildi. Boshlovchining: "U yana kimlar bilan ishqiy yaqinlik qilgan?" – degan savoliga: "Men o'zimgagina javob beraman, boshqalarning tepasida turmaganman", – deb bopladi. Shaytonvachcha urug' tashlagan boshqa striptizchi xotinlarning nomini sotmadi. Dadamirza azaldan pastkash edi, pastkashligicha qoldi. Ola tovuq tuproq sochar, o'z aybini o'zi ochar, deb birov so'ramasa ham qilgan ishlarini o'rtaga doston qilib o'tiripti-ya, voy tomi ketgan-ey. Shaytonvachchaga qalbaki hujjat qilib berganlarigacha aytib, hamma ishni rasvoyi jahon qildi. Buning uchun endi uning boshini silasharmidi, qalbaki hujjat qilib bergan gumashtalarining yoniga jo'natishadi, qo'shmozor bo'lgin, deb. Mikrofon qo'limga tegdi, reklama bo'lib qolay deb, vaysashini qaranglar uni... He, reklama joningni olsin, seni. Qilganda o'ziga ham, Shaytonvachchaga ham qiyin qildi. Shaytonvachchanning qalbaki ismi, familiyasini ham kerakli joylar endi bilib olishdi. Bankdagilar pullarini muzlatib qo'yishadi endi.

Shaytonvachcha shularni o'ylab shahar chekkasida xiyla vaqt turib qoldi. Shu... ochig'ini aytish kerak, shahardan ko'ngil uzolmayotgan edi. Ajabo, bu shahardan ketadigan bo'lsa, dunyoga keladigan shaytonchalarini ko'rish nasib qilarmikan? Ularning taqdiri nima bo'ladi endi? Bu taraflarini o'ylamay urug'ni tashlayvergan ekan, o'ziyam, nafsi buzuq...

Kech kirib, gadoyvachchanning pochapo'stinidan simillab sovuq o'ta boshladi. Endi qayoqqa boradi-yu, bu so'qqaboshini qayoqqa uradi? Nima bo'lganda ham bu shahardan nasibasi uzildi. Buni tan olishi kerak.







дан, ит кувган гадойдек қочинг, бўлмаса гирдобига тортиб кетади”, деб донолик қилган эди. Бунга энди ўзиям амал килиши керак. Шайтонваччанинг ичи тўкилиб-сўкилиб, гўё шаҳарга қарата, ўзича шундай бир лутфлар ирод қилган бўлди:

– Хайр, эй бевафо шаҳар, бағрингда ёмон яшамадим, хайр, эй пул топиб, ақл топмаган Одам болалари, хайр, эй менинг ҳали дунёга келмаган шайтончаларим, хайр, эй Дадамирза, туф-е, сен хайрлашишга ҳам арзимайсан, Худо сени иймон билан ҳур яратган эди, бойликнинг орқасидан кувиб, бойликнинг кулига айландинг, охиратда, мени айтди дейсан, юзинг билан дўзахга тушасан. Шайтонвачча шундай деб, қўл телефонида Ажинашамолнинг коддини терди.

## ҚАРОР ҚАТЪИЙ

*(Ёки Шайтонваччанинг “Гадой топмас” деган бир жойга бориб қолгани)*

Сал ўтмай, енгил шамол эсиб, шифтдек бўлиб Ажинашамол пайдо бўлди.

– Буюрсинлар, хожам, хизматларига мунтазирман!

– Нима дейишга ҳам ҳайронман. Кўриб турибсан, устимда бир гадойваччанинг ирkit, сассиқ жулдури. Юзимда ниқоб. Ўғрига ўхшайман. Кеча ким эдим-у бугун ким бўлиб қолдим? Ана шунақа, ҳозир устимдаги шу жулдурвоқининг эгаси мендан кўра минг марта бахтлироқ. Битта кўчадан тиланади-да, кейингисига ўтади, кеч бўлса ётадиган бир жой топилади. Мен гадойни на тиланадиган кўчам бор, на ётар жойим?

– Ўзларини жинлар оламига олиб кетардим-у, ахволингизни кўриб, уларнинг ҳафсалалари пир бўлади-да, кейин жинларнинг олдида ўзимниям обрўим тушиб кетади, ишонганинг шу тиланчи, гадоймиди, деб? Ахир, сиз биз учун етиб бўлмас орзусиз-ку.

Bir vaqtlar Dadamirzaga “Falokat yuz bergan joydan it quvgan gadoydek qoching, bo‘lmasa girdobiga tortib ketadi”, deb donolik qilgan edi. Bunga endi o‘ziyam amal qilishi kerak. Shaytonvachchaning ichi to‘kilib-so‘kilib, go‘yo shaharga qarata, o‘zicha shunday bir lutflar irod qilgan bo‘ldi:

– Xayr, ey bevafo shahar, bag‘ringda yomon yashamadim, xayr, ey pul topib, aql topmagan Odam bolalari, xayr, ey mening hali dunyoga kelmagan shaytonchalarim, xayr, ey Dadamirza, tuf-e, sen xayrlashishga ham arzimaysan, Xudo seni iymon bilan hur yaratgan edi, boylikning orqasidan quvib, boylikning quliga aylanding, oxiratda, meni aytdi deysan, yuzing bilan do‘zaxga tushasan. Shaytonvachcha shunday deb, qo‘l telefonidan Ajinashamolning kodini terdi.

## QAROR QAT’IY

*(Yoki Shaytonvachchaning “Gadoy topmas” degan bir joyga borib qolgani)*

Sal o‘tmay, yengil shamol esib, shiftdek bo‘lib Ajinashamol paydo bo‘ldi.

– Buyursinlar, xojam, xizmatlariga muntazirman!

– Nima deyishga ham hayronman. Ko‘rib turibsan, ustimda bir gadoyvachchaning irkit, sassiq juldu-ri. Yuzimda niqob. O‘g‘riga o‘xshayman. Kecha kim edim-u bugun kim bo‘lib qoldim? Ana shunaqa, hozir ustimdagi shu juldurvoqining egasi mendan ko‘ra ming marta baxtliroq. Bitta ko‘chadan tilanadi-da, keyingisiga o‘tadi, kech bo‘lsa yotadigan bir joy topiladi. Men gadoyni na tilanadigan ko‘cham bor, na yotar joyim?

– O‘zlarini jinlar olamiga olib ketardim-u, ahvolingizni ko‘rib, ularning hafsasalari pir bo‘ladi-da, keyin jinlarning oldida o‘zimniyam obro‘yim tushib ketadi, ishonganing shu tilanchi, gadoymidi, deb? Axir, siz biz uchun yetib bo‘lmas orzusiz-ku. Oltin medallar bilan siylab, ko‘ksimizni ko‘tarib turasiz.

Олтин медаллар билан сийлаб, кўксимизни кўтариб турасиз.

– Уни-буни кўй, жинбаччаларинг қайда қолдийкин, шошиб қолиб, улар билан хайр-мазурниям насия қилибман. Шундан сал хавотирдаман.

– Хотирингиз жам бўлсин, хојам, улар ҳозир ўз уйларида, ҳа, сизни қандай қилиб бир зумда гадойни ечинтириб, жулдурина кийиб, юзингизга ниқоб тугиб, қочиб қолганингизни кула-кула онасига айтиб ўтиришибди. Бўлиб ўтган ишлардан камина – қулингиз хабардор. Жуда афсусдаман.

– Жинбаччаларинг мени “қочди” дейишдими-а?

– Қочганингиздан кейин қочди дейди-да, хојам, уларни биласиз-ку, рост гапиришади.

– Баракалла, яхши тарбия бергансан, лекин битта гапни уларга уқтириб кўй, нафақат уларга, бутун жинлар оламига етказ.

Ҳа, Шайтонвачча Ажинашамолни олтин нишон билан сийлагандек сийламоқчи бўлди. Ажинашамолсиз у энди нима ҳам қила оларди? Боши берк кўчага кириб қолган бўлса? Ажинашамол, буюрсинлар нимани етказай, дегандек беўхшов қўлларини қовуштириб, хумдек бошини эгди.

– Шу дейман, нукул Шохдор раис сенларни тутундан тарқаганлар деб ҳақорат қилгани-қилган, шундоқми?

– Шундоқ хојам, шундоқ.

– Раиснинг бундай дейишга ҳечам ҳаққи йўқ. Билмасаларинг билиб кўйларинг, ўнг кулоқ, сўл кулоқ билан яхшилаб эшитиб олларинг, сенлар ҳеч қачон тутундан тарқамагансанлар, “Самум” деган иссиқ шамолнинг ўтидан тарқагансанлар. Қоп-қора, мўнди тутунга ҳечам алоқанглар йўқ.

– Воҳ... нималар деяпсиз, хојам, нималар деяпсиз, тилингизга шакар, – деб қилпанглаб ўйинга тушиб кетди Ажинашамол. – Бундан чиқди наслимиз бир экан-да, а?

– Шунақарок, фақат мен иззат оловидан яралганман. Аллоҳ яратган махлуқлар орасида энг иззатта-

– Uni-buni qo‘y, jinbachchalaring qayda qoldiykin, shoshib qolib, ular bilan xayr-mazurniyam nasiya qilibman. Shundan sal xavotirdaman.

– Xotiringiz jam bo‘lsin, xojam, ular hozir o‘z uylarida, ha, sizni qanday qilib bir zumda gadoyini yechintirib, juldurini kiyib, yuzingizga niqob tutib, qochib qolganingizni kula-kula onasiga aytib o‘tirishibdi. Bo‘lib o‘tgan ishlardan kamina – qulingiz xabardor. Juda afsusdaman.

– Jinbachchalaring meni “qochdi” deyishdimi-a?

– Qochganingizdan keyin qochdi deydi-da, xojam, ularni bilasiz-ku, rost gapirishadi.

– Barakalla, yaxshi tarbiya bergansan, lekin bitta gapni ularga uqtirib qo‘y, nafaqat ularga, butun jinlar olamiga yetkaz.

Ha, Shaytonvachcha Ajinashamolni oltin nishon bilan siylagandek siylamoqchi bo‘ldi. Ajinashamolsiz u endi nima ham qila olardi? Boshi berk ko‘chaga kirib qolgan bo‘lsa? Ajinashamol, buyursinlar nimani yetkazay, degandek beo‘xshov qo‘llarini qovushtirib, xumdek boshini egdi.

– Shu deyman, nuqul Shoxdor rais senlarni tutundan tarqaganlar deb haqorat qilgani-qilgan, shundoqmi?

– Shundoq xojam, shundoq.

– Raisning bunday deyishga hecham haqqi yo‘q. Bilmasalaring bilib qo‘ylaring, o‘ng quloq, so‘l quloq bilan yaxshilab eshitib ollaring, senlar hech qachon tutundan tarqamagansanlar, “Samum” degan issiq shamolning o‘tidan tarqagansanlar. Qop-qora, mo‘ndi tutunga hecham aloqanglar yo‘q.

– Voh... nimalar deyapsiz, xojam, nimalar deyapsiz, tilingizga shakar, – deb qilpanglab o‘yinga tushib ketdi Ajinashamol. – Bundan chiqdi naslimiz bir ekan-da, a?

– Shunaqaroq, faqat men izzat olovidan yaralganman. Alloh yaratgan maxluqlar orasida eng izzattalabi ham o‘zim bo‘laman. Shuning uchun ham

лаби ҳам ўзим бўламан. Шунинг учун ҳам иззатимни жойига қўйишни унутмаларинг. Жинбаччаларинга айтиб қўй, мен қочганим йўқ, мен тадбир қилдим, ҳа!

– Хўп бўлади, хожа, иззатингиз бош устига, жинлар оламида бугун каттакон байрам деяверинг. Хушxabарни етказаман, биз бугун бошқатдан туғилдик, ҳа, бошқатдан туғилдик, яшасин қайта туғилиш, яшасин хожамиз! Садағангиз кетай сизни, мартабамизни бир эмас, минг карра кўтариб юбордингиз. Қоп-қора, мўнди тутун қайдаю, оромижон, исикқина “Самум” шамоли қайда?

– Бўпти, кимга тўю, кимга аза деган эканлар... энди мени гадой топмас бир жойга обориб ташла, бу дунёнинг ташвишларидан чарчаб кетдим.

– Хотирингиз жам бўлсин, шундай жой борлигини биламан. Олдин мана буни орқангизга осиб, тасмаларни тақиб олинг.

– Э, бунинг нимаиди?

– Бу парашут деган нарса, харбийлар айрадромидан ўмариб келдим, нақ танкаларни кўтариб ерга олиб тушадиган энг зўридан.

– Бунинг нима каромат кўрсатади?

– Шаҳарда менга қарши верталёт изғиб юрибди. Мабодо дуч келиб қолиб, думимни кесиб қўйса, мана бу тугмачани босасиз-да, ерга эсон-омон қўнволасиз.

– Воҳ, сен мени чинакам халоскоримсан, Ажинашамол.

– Куллук, хожа, кеттик бўлмаса “Гадой топмас”-га.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, ХИЗР ЖАНОБЛАРИ

*(Ёки Шайтонваччани Хизр деб ўйлашгани)*

Шайтонвачча Ажинашамолнинг беланчагида бошим айланади деб кўзини чирт юмиб оларди. У Ажинашамолнинг беланчагида биринчи мартасида Хўжақишлоққа, иккинчи мартасида барокатли бир шаҳарга бориб тушган эди. Бу сафар қаерга бориб

izzatimni joyiga qo'yishni unutmalar. Jinbach-  
chalariga aytib qo'y, men qochganim yo'q, men  
tadbir qildim, ha!

– Xo'p bo'ladi, xojam, izzatingiz bosh ustiga,  
jinlar olamida bugun kattakon bayram deyavering.  
Xushxabarni yetkazaman, biz bugun boshqatdan tug-  
g'ildik, ha, boshqatdan tug'ildik, yashasin qayta tug-  
g'ilish, yashasin xojamiz! Sadag'angiz ketay sizni,  
martabamizni bir emas, ming karra ko'tarib yubor-  
dingiz. Qop-qora, mo'ndi tutun qaydayu, oromijon,  
isiqqina "Samum" shamoli qayda?

– Bo'пти, kimga to'yu, kimga aza degan ekanlar...  
endi meni gadoy topmas bir joyga oborib tashla, bu  
dunyoning tashvishlaridan charchab ketdim.

– Xotiringiz jam bo'lsin, shunday joy borligini  
bilaman. Oldin mana buni orqangizga osib, tasmalarni  
taqib oling.

– E, buning nimaydi?

– Bu parashut degan narsa, harbiylar ayradromidan  
o'marib keldim, naqd tankalarni ko'tarib yerga olib  
tushadigan eng zo'ridan.

– Buning nima karomat ko'rsatadi?

– Shaharda menga qarshi vertalyot izg'ib yurib-  
di. Mabodo duch kelib qolib, dumimni kesib qo'ysa,  
mana bu tugmachani bosasiz-da, yerga eson-omon  
qo'nvolasiz.

– Voh, sen meni chinakam xaloskorimsan, Aji-  
nashamol.

– Qulluq, xojam, kettik bo'lmasa "Gadoy topmas"ga.

## **XUSH KELIBSIZ, XIZR JANOBLARI**

*(Yoki Shaytonvachchani Xizr deb o'ylashgani)*

Shaytonvachcha Ajinashamolning belanchagida  
boshim aylanadi deb ko'zini chirt yumib olardi. U  
Ajinashamolning belanchagida birinchi martasida  
Xo'jaqishloqqa, ikkinchi martasida barokatli bir



тушаркин, Худо билади. “Гадой топмас” деган жойга обораман, деди. Ишқилиб, тиланадиган кўчалари, тақиллатадиган эшиклари бўлсин-да. Устида гадой жулдури, гадойчилик қилишдан бошқа илож қанча? Шу пайт Шайтонваччага тепадан амр бўлди:

– Тугмачани босинг, хошам.

– Э, ваҳима кима-е, верталёт деганинг кўринмайди-ку.

– “Гадой топмас”га етиб келдик, у ёғига ён-атрофни томоша қил-е-б, сек-и-и-н тушиб бораверасиз, бўлақолинг, ха...

Шайтонвачча мана бўлмасам деб, тугмачани босиб юборди. Юраги “шиғ” этди-ю, бирдан осмону фалакда муаллақ туриб қолди. Кўзи тепага кетиб бундоқ қараса, улкан бир гумбаз уни осмону фалакда ушлаб турибди. Ажинашамол эса унинг атрофида айланиб, момақалдирокдек гумбурларди:

– Хо-ха-хо-о... қалай хошам, мазами?

– Э, ақлингга балли, сенга гап йўқ...

– Ўзларига “оқ йўл” бўлмаса, мен кетдим... жинларга хушxabарни тезроқ етказай...

– Боравер.

Шайтонвачча эътибор қилса, бир жойда турмай, пастга тушиб боряпти экан. Воҳ, ер деганлари шунчалар бепоёнми? Боши, охири кўринмайди-я? Ажабо, шунча ер туриб, Одам болалари нимага ер талашиб, қирпичоқ бўлишаркин? Қизик, қанақа жойга тушиб боряпти ўзи? Воҳ, на бир дарахт, на бир кўча, на бир уй кўринади? Жуда пастда худди тепасидаги гумбазга ўхшаган бир нималар кўринди. Атрофида қора-кура нарсалар ғимирлаб юрибди. Э, улар қўйлар-ку. Чўпон-чўлиқлар орасига тушиб боряпти эканда. Жуда яхши, бунақа одамларнинг кўнгли кенг, қўли очиқ бўлади. Бир амаллаб тил топишиб кетар. Шайтонвачча чўпон ўтовларидан анча наридаги бир тепанинг тагига бориб тушди. Осмону фалакдан тушиб келаётганини бирортаси кўрган бўлса, қизиқсиниб келиб қолса, нима деб, нима қўйишни ўйлаб, бир оз кутиб ўтирди. Биров келиб, кимсан, нимасан дема-

shaharga borib tushgan edi. Bu safar qayerga borib tusharkin, Xudo biladi. “Gadoy topmas” degan joyga oboraman, dedi. Ishqilib, tilanadigan ko‘chalari, taqillatadigan eshiklari bo‘lsin-da. Ustida gadoy juldu-ri, gadoychilik qilishdan boshqa iloj qancha? Shu payt Shaytonvachchaga tepadan amr bo‘ldi:

– Tugmachani bosing, xojam.

– E, vahima qima-e, vertalyot deganing ko‘rinmaydi-ku.

– “Gadoy topmas”ga yetib keldik, u yog‘iga yon-at-rofni tomosha qil-e-b, sek-i-i-n tushib boraverasiz, bo‘laqoling, ha...

Shaytonvachcha mana bo‘lmasam deb, tugmachani bosib yubordi. Yuragi “shig“ etdi-yu, birdan osmon-u falakda muallaq turib qoldi. Ko‘zi tepaga ketib bundoq qarasa, ulkan bir gumbaz uni osmon-u falakda ushlab turibdi. Ajinashamol esa uning atrofida aylanib, momaqaldiroqdek gumburlardi:

– Xo-xa-xo-o... qalay xojam, mazami?

– E, aqlingga balli, senga gap yo‘q...

– O‘zlariga “oq yo‘l” bo‘lmasa, men ketdim... jin-larga xushxabarni tezroq yetkazay...

– Boraver.

Shaytonvachcha e‘tibor qilsa, bir joyda turmay, pastga tushib boryapti ekan. Voh, yer deganlari shunchalar bepoyonmi? Boshi, oxiri ko‘rinmaydi-ya? Ajabo, shuncha yer turib, Odam bolalari nimaga yer talashib, qirpichoq bo‘lisharkin? Qiziq, qanaqa joyga tushib boryapti o‘zi? Voh, na bir daraxt, na bir ko‘cha, na bir uy ko‘rinadi? Juda pastda xuddi tepasidagi gumbazga o‘xshagan bir nimalar ko‘rindi. Atrofida qora-qura narsalar g‘imirlab yuribdi. E, ular qo‘ylar-ku. Cho‘pon-cho‘liqlar orasiga tushib boryapti ekan-da. Juda yaxshi, bunaqa odamlarning ko‘ngli keng, qo‘li ochiq bo‘ladi. Bir amallab til topishib ketar. Shaytonvachcha cho‘pon o‘tovlaridan ancha naridagi bir tepaning tagiga borib tushdi. Osmon-u falakdan

ди. Ўрнидан туриб, парашютини шошмай йиғиб, аста филофига жойлади. Шундай матоҳни ташлаб бўларканми? Бир кунига яраб қолар...

Шайтонвачча тепа устига чиқиб, нотаниш жойларни диққат билан кузата бошлади. “Синалмаган отнинг сиртидан ўтма”, деганлар. Бу жойларни умрида биринчи марта кўриб турган бўлса? Воҳ... Бирдан унинг юраги орзиқиб кетди. У “Думи тутик”лар мадрасасидаги бақир-чақирларга, Хўжақишлоқдаги эшакларнинг ханграшига, хўрозларнинг қичқирғига ва ниҳоят катта шаҳарнинг ғала-ғовурларига ўрганиб қолган экан. Бу ерда шунақанги сокинлик, шунақанги жимжитлик ҳукм сурардики, нақ кулоқ пардалари ёрилай дейди. У биринчи марта ўзини якка-ёлғиз, ғариб ва чорасиз ҳис қилди. Чор атроф кимсасизликдан ютаман дейди. Кўз етгунча пасту баланд кум уюмлари. У ер-бу ерда диккайган, саксовуллар кўзга ташланади. Изғирин шамол этни жунжиқтириб, тезроқ ўзингга бир бошпана топ дегандек бўлади. Димоғи шаҳардаги сон-саноксиз емакхоналарнинг овқат хидларига ўрганиб қолган эканми, бу ерда фақат тупроқ хиди анқирди. Бошқа ёқимли хид сезмади. Ҳов нарида бир-бирига яқин учта ўтов кўринар, нари-берисида қўйлар подаси ғимирларди. Лекин нимагадир одам зоти кўринмасди. У таваккал ўзига яқинроқ бир ўтовга қараб юрди. Шу пайт чўпон итлари хуриб, у томонга қарб югуриб қолди-ку. Энди ўтовдан бирортаси чиқиб, итларини қайириб олар деб ўйлади Шайтонвачча. Ундай бўлмади. Итлар даҳшат солиб, у томон бостириб келаверди. Ҳар бири нақ эшакдек-эшакдек келади. Шайтонвачча нима қиларини билмай ерга ўтириб олди. Ён-берида қўлга илинадиган ҳеч вақо йўқ. Ҳамма ёқ шир кум. Шу пайт кўркқанидан шайтоний кўзлари ишга тушиб кетди-ку. Шу пайт итлар таққа тўхтаб, думини қисиб, ангиллаганича келган томонига қараб мингга қўйиб қолди-я... Шу боришда қўй подаларининг ичиға кириб кетишди. Жон ширин-да. У подага яқин келдиямки одам зоти кўринмади. Шайтонвачча қўйларнинг чўпон-чў-

tushib kelayotganini birortasi ko'rgan bo'lsa, qiziqsinib kelib qolsa, nima deb, nima qo'yishni o'ylab, bir oz kutib o'tirdi. Birov kelib, kimsan, nimasan demadi. O'rnidan turib, parashyutini shoshmay yig'ib, asta g'ilofiga joyladi. Shunday matohni tashlab bo'larkanmi? Bir kuniga yarab qolar...

Shaytonvachcha tepa ustiga chiqib, notanish joylarni diqqat bilan kuzata boshladi. "Sinalmagan otning sirtidan o'tma", deganlar. Bu joylarni umrida birinchi marta ko'rib turgan bo'lsa? Voh... Birdan uning yuragi orziqib ketdi. U "Dumi tugik"lar madrasasidagi baqir-chaqirlarga, Xo'jaqishloqdagi eshaklarning hangrashiga, xo'rozlarning qichqirig'iga va nihoyat katta shaharning g'ala-g'ovurlariga o'rganib qolgan ekan. Bu yerda shunaqangi sokinlik, shunaqangi jimjitlik hukm surardiki, naqd quloq pardalari yorilay deydi. U birinchi marta o'zini yakka-yolg'iz, g'arib va chorasiz his qildi. Chor atrof kimsasizlikdan yutaman deydi. Ko'z yetguncha past-u baland qum uyumlari. U yer-bu yerda dikkaygan, saksovullar ko'zga tashlanadi. Izg'irin shamol etni junjiktirib, tezroq o'zingga bir boshpana top degandek bo'ladi. Dimog'i shahardagi son-sanoqsiz yemakxonalarning ovqat hidlariga o'rganib qolgan ekanmi, bu yerda faqat tuproq hidi anqirdi. Boshqa yoqimli hid sezmedi. Hov narida bir-biriga yaqin uchta o'tov ko'rinar, nari-berisida qo'ylar podasi g'imirlardi. Lekin nimagadir odam zoti ko'rinmasdi. U tavakkal o'ziga yaqinroq bir o'tovga qarab yurdi. Shu payt cho'pon itlari hurib, u tomonga qarab yugurib qoldi-ku. Endi o'tovdan birortasi chiqib, itlarini qayirib olar deb o'yladi Shaytonvachcha. Unday bo'lmadi. Itlar dahshat solib, u tomon bostirib kelaverdi. Har biri naqd eshakdek-eshakdek keladi. Shaytonvachcha nima qilarini bilmay yerga o'tirib oldi. Yon-berida qo'lga ilinadigan hech vaqo yo'q. Hamma yoq shir qum. Shu payt qo'rqqanidan shaytoniy ko'zlari ishga tushib ketdi-ku. Shu payt itlar taqqa to'xtab, dumini qisib, angillaganicha kelgan tomoniga qarab mingga qo'yib





лиғи йўқлигига ишонгач, ноилож ўтов тарафга қараб юрди. Ишқилиб, ўтовда одам бўлсин-да. Ҳа, борга ўхшайди, ўтов орқасида бир нарса потиллаб ишлаб турибди. Ичкарида телевизор қўйилган, ҳойнаҳой уй эгалари сериал кўришаётган бўлсалар керак. У ҳамон гадой қиёфасида эди. Гадойми, касбини қилиши керак, энди бошқа иложи йўқ. Гадойга ўхшаб йиғламсираб овоз берди:

– Ҳақ дў-ў-ст, ё обл-о-о...

Овозга жавоб бўлмади. Эшитишмади шекилли, сериал кизикарли бўлса керак-да. У боягидан ҳам кўра баландроқ овозда:

– Ҳақ дў-ў-ст, ё обл-о-о... ҳақ дў-ў-ст, ё обл-о-о... бир бечорага раҳмингиз келсу-у-н, – деган бўлди.

Шу пайт ўтовдан бир одам шипдек бўлиб чиқди-да, эшик тагида ҳайрон бўлганича туриб қолди. Урвақа-чурвақалари ҳам бор экан, отасининг оёқлари орасидан мўралашди. Хотини чиқиб, эрининг елкасига орқадан иягини тиради. Улар умрларида одам кўрмагандек ҳайратга тушиб қолишган эди. Ё Шайтонвачча боя итдан кўрқиб шайтоний қиёфага кириб қолдимикан? У шошиб олдин бошини, кейин орқасини силаб кўрди. Йўқ, одамлигича турибди. Шоҳ ҳам, дум ҳам ўсиб чиқмапти. Эркак худди андоза олмоқчи бўлган бичиқчидек Шайтонваччанинг бўй-бастига дам юқоридан, дам пастдан қарарди. Шайтонвачча бечораҳол бир аҳволда яна тиланди:

– Ҳақ дў-ў-ст, ё обл-о-о...

– А, нима, яна битта қайтарсинлар, – деб рўпарасидаги одам бирдан қийқириб юборди. Шайтонвачча бир чўчиб тушди-ю, аммо дарровда ўзини қўлга олиб, қийқириққа қийқирик билан жавоб берди. Бу ердагилар бир-бирлари билан қийқириб гаплашса керак, деб ўйлади.

– Ҳақ дў-ў-ст, ё обл-о-о... Худо хайрингизни берс-у-у-н, бир бечорага раҳм қилин-г-г...

Бирдан ҳалиги одам ўлган отаси тирилиб келгандек Шайтонваччага кучоқ очиб ташланди ва ялаб-юл-

goldi-ya... Shu borishda qo‘y podalarining ichiga kirib ketishdi. Jon shirin-da. U podaga yaqin keldiyamki odam zoti ko‘rinmadi. Shaytonvachcha qo‘ylarning cho‘pon-cho‘lig‘i yo‘qligiga ishongach, noiloj o‘tov tarafga qarab yurdi. Ishqilib, o‘tovda odam bo‘lsin-da. Ha, borga o‘xshaydi, o‘tov orqasida bir narsa potillab ishlab turibdi. Ichkarida televizor qo‘yilgan, hoynahoy uy egalari serial ko‘rishayotgan bo‘lsalar kerak. U hamon gadoy qiyofasida edi. Gadoymi, kasbini qilishi kerak, endi boshqa iloji yo‘q. Gadoyga o‘xshab yig‘lamsirab ovoz berdi:

– Haq do‘-o‘-st, yo obl-o-o...

Ovozga javob bo‘lmadi. Eshitishmadi shekilli, serial qiziqarli bo‘lsa kerak-da. U boyagidan ham ko‘ra balandroq ovozda:

– Haq do‘-o‘-st, yo obl-o-o... haq do‘-o‘-st, yo obl-o-o... bir bechoraga rahmingiz kelsu-u-n, – degan bo‘ldi.

Shu payt o‘tovdan bir odam shipdek bo‘lib chiqdi-da, eshik tagida hayron bo‘lganicha turib qoldi. Urvaqa-churvaqalari ham bor ekan, otasining oyoqlari orasidan mo‘ralashdi. Xotini chiqib, erining yelkasiga orqadan iyagini tiradi. Ular umrlarida odam ko‘rmagandek hayratga tushib qolishgan edi. Yo Shaytonvachcha boya itdan qo‘rqib shaytoniy qiyofaga kirib qoldimikan? U shoshib oldin boshini, keyin orqasini silab ko‘rdi. Yo‘q, odamligicha turibdi. Shoh ham, dum ham o‘sib chiqmapti. Erkak xuddi andoza olmoqchi bo‘lgan bichiqchidek Shaytonvachchaning bo‘y-bastiga dam yuqoridan, dam pastdan qarardi. Shaytonvachcha bechorahol bir ahvolda yana tilandi:

– Haq do‘-o‘-st, yo obl-o-o...

– A, nima, yana bitta qaytarsinlar, – deb ro‘parasidagi odam birdan qiyqirib yubordi. Shaytonvachcha bir cho‘chib tushdi-yu, ammo darrovda o‘zini qo‘lga olib, qiyqiriqqa qiyqiriq bilan javob berdi. Bu yerdagilar bir-birlari bilan qiyqirib gaplashsa kerak, deb o‘yladi.



кай бошлади. Бу ерда одат шунақа бўлса керак деб, Шайтонвачча ҳам уни ялаб-юлқади.

– Ана бўлмаса, мана бўлмаса, бир кунмас бир кун шундоқ кун келишини мана бу ерим биларди, – деб кўкрагига гурс-гурс уриб кўйди, ўтовдан чиққан одам. – Э, хотин нима қилиб турибсан, серрайиб, ўчир ўша сериалингни, падарига лаънат, Хизрнинг оёғига поёндоз сол, поёндоз, бўл тезроқ, анқайма-е, нимага анқаясан?

Шайтонвачча дабдурустдан бунақа кутиб олишларидан ҳайрон-у лол бўлиб қолди. Анави одам, шундай кунлар келишини билардим, дедими? Наҳотки у Шайтонваччанинг келишини билган бўлса? Ё бирон яқин кишисига ўхшатвордимикан? Хўжақишлоқдаям шунга ўхшаган иш бўлган эди. Уни жиннихонада ўлган Кавсар деган бир бола билан алмаштирворишганди. Ишқилиб, отам деса отаси бўлишга, тоғам деса тоғаси бўлишга тайёр туриши керак. Ҳар қалай уй эгаси билан оғиз-бурун ўпишиб олди-ку. Яхшиликкадир бу? Қолганига энди, кўрпага қараб оёқ узатаверади.

– Ростингизни айтинг Хизирим, ҳа, худолигингизни айтинг, Хизирим, – деб уй эгаси ҳамон Шайтонваччанинг атрофида гирдикапалак бўлар, унинг ясама соқолларини силаб-сийпаб кафтини табаррук деб юз-кўзларига суртарди. Шайтонвачча “Нимани айтай, нимани дей”, дегандек унга мўлтираб қарар, нима деб жавоб беришни ҳам билмас эди.

– Осмондан тушдингизми, ердан чиқдингизми, а, шундан келинг, ҳазратим?

Шайтонвачча рост гапириб:

– У ёқдан, – дегандек осмонни кўрсатди. Бошқа нима ҳам дея оларди, елкасида дўппайиб парашюти турган бўлса. Бу ёққа келиш, кетиш йўлларини билмаса. Тўғриси айтди-да.

– Айланай сиздан, осмондан тушмай яна қаттанам тушардингиз, билиб турибман сиз Хизр жанобларини, Худонинг ўзи бизга юборган, қани ичкарига, ҳа ичкарига марҳамат қилсинлар...

– Haq do‘-o‘-st, yo obl-o-o... Xudo xayringizni bers-u-u-n, bir bechoraga rahm qilin-g-g...

Birdan haligi odam o‘lgan otasi tirilib kelgandek Shaytonvachchaga quchoq ochib tashlandi va yalab-yulqay boshladi. Bu yerda odat shunaqa bo‘lsa kerak deb, Shaytonvachcha ham uni yalab-yulqadi.

– Ana bo‘lmasa, mana bo‘lmasa, bir kunmas bir kun shundoq kun kelishini mana bu yerim bilardi, – deb ko‘kragiga gurs-gurs urib qo‘ydi, o‘tovdan chiqqan odam. – E, xotin nima qilib turibsan, serrayib, o‘chir o‘sha serialingni, padariga la‘nat, Xizrning oyog‘iga poyondozi sol, poyondozi, bo‘l tezroq, anqayma-e, nimaga anqayasan?

Shaytonvachcha dabdurustdan bunaqa kutib olishlaridan hayron-u lol bo‘lib qoldi. Anavi odam, shunday kunlar kelishini bilardim, dedimi? Nahotki u Shaytonvachchanning kelishini bilgan bo‘lsa? Yo biron yaqin kishisiga o‘xshatvordimikan? Xo‘jaqishloqdayam shunga o‘xshagan ish bo‘lgan edi. Uni jinnixonada o‘lgan Kavsar degan bir bola bilan almashtirvorishgandi. Ishqilib, otam desa otasi bo‘lishga, tog‘am desa tog‘asi bo‘lishga tayyor turishi kerak. Har qalay uy egasi bilan og‘iz-burun o‘pishib oldi-ku. Yaxshilikkadir bu? Qolganiga endi, ko‘rpaga qarab oyoq uzataveradi.

– Rostingizni ayting Xizirim, ha, xudoligingizni ayting, Xizirim, – deb uy egasi hamon Shaytonvachchanning atrofida girdikapalak bo‘lar, uning yasama soqollarini silab-siypab kaftini tabarruk deb yuz-ko‘zlariga surtardi. Shaytonvachcha “Nimani aytay, nimani dey”, degandek unga mo‘ltirab qarar, nima deb javob berishni ham bilmas edi.

– Osmondan tushdingizmi, yerdan chiqdingizmi, a, shundan keling, hazratim?

Shaytonvachcha rost gapirib:

– U yoqdan, – degandek osmonni ko‘rsatdi. Boshqa nima ham deya olardi, yelkasida do‘ppayib parashyuti turgan bo‘lsa. Bu yoqqa kelish, ketish yo‘llarini bilmasa. To‘g‘risini aytdi-da.

Шайтонвачча ҳар ким, ҳар бало бўлишга тайёр эди-ю, аммо Хизр жаноблари бўлишга тайёр эмас эди. Йўқ, у ҳеч қачон Хизр қиёфасига кира олмайди, Худодан кўрқади. Бунақа ишларни Одам болаларига чиқарган. Мен Худоман, дейишдан ҳам тоймайди улар. Сохта пайғамбарлар-ку тарих саҳифаларида бир-бирининг устига мингашиб ётибди. Ишқилиб, бу одам киши билмас бир ўйин қилмаяптимикиан? Шайтонваччага чоҳ қазимаяптимикиан? Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур, деган эканлар. Кейинги пайтларда Шайтонваччанинг анча тажрибаси ошиб, сув кўрмаса этик ечмайдиган бўлиб қолган эди. У танимаган одамларига олдин шайтон ўқини отиб кўрарди. Ўқи тегса, ўзимизники экан, деб хотиржам бўларди-ю, ўқи тегмаса пойчадан олган гулжи кучукдек ўша одамга ёпишиб оларди. Ҳа, ўз йўлига юргизмагунча тинчимас эди. Унга ҳалидан бери пахта қўяётган одамга ҳам шайтон ўқини отиб кўрди. Ўқи тегмади. Воҳ... иймони бутун экан-ку. Зирҳиям қаттиқ. Демак, унинг сиз-бизларида бир гап бор? Эҳтиёт бўлиши керак. Шайтонвачча шундай ўйлар билан ичкари кирдию, у ёқ-бу ёққа қарамай шундоққина пойгакка чўка қолди.

– Ҳай, ҳай, тўрига ўтсинлар-а, тўрига, Хизр буважон, айланай сиздан, – деб уй эгаси елкасидан кучиб, кўярда-қўймай тўрига ўтказди. Бирпасда ёнига пар ёстикларни қалаштириб ташлади. – Ҳай, қизим, қўлга сув обке, – деб қизига иш буюрди. – Хотин, топганингни ўртага тўк, Хизр жанобларини бир меҳмон қилиб, дуоларини олволайлик, қўшниларимиз доғда қолсин.

Шайтонвачча қўлини юва туриб сув қуяётган қизга эътибор қилди, воҳ, дуркунгина, момақаймоқ. Тўлишган ойдек. “Балли болам, бахтли-тахтли бўлгин”, деб нигоҳини ундан зўрға узди. Кейин ўтов ичига кўз югуртирди. Янги чикқан охирги русумдаги телевизор, экрани нақ камбағалнинг ҳовлисидек келади. Бир чеккада компьютер. Қўш камерали муз-

– Aylanay sizdan, osmondan tushmay yana qattanam tushardingiz, bilib turibman siz Xizr janoblarini, Xudoning o‘zi bizga yuborgan, qani ichkariga, ha ichkariga marhamat qilsinlar...

Shaytonvachcha har kim, har balo bo‘lishga tayyor edi-yu, ammo Xizr janoblari bo‘lishga tayyor emas edi. Yo‘q, u hech qachon Xizr qiyofasiga kira olmaydi, Xudodan qo‘rqadi. Bunaqa ishlarni Odam bolalariga chiqargan. Men Xudoman, deyishdan ham toymaydi ular. Soxta payg‘ambarlar-ku tarix sahifalarida bir-birining ustiga mingashib yotibdi. Ishqilib, bu odam kishi bilmas bir o‘yin qilmayaptimikan? Shaytonvachchaga choh qazimayaptimikan? Bir balosi bo‘lmasa shudgorda quyruq na qilur, degan ekanlar. Keyingi paytlarda Shaytonvachchaning ancha tajribasi oshib, suv ko‘rmasa etik yechmaydigan bo‘lib qolgan edi. U tanimagan odamlariga oldin shayton o‘qini otib ko‘rardi. O‘qi tegsa, o‘zimizniki ekan, deb xotirjam bo‘lardiyu, o‘qi tegmasa poychadan olgan gulji kuchukdek o‘sha odamga yopishib olardi. Ha, o‘z yo‘liga yurgizmaguncha tinchimas edi. Unga halidan beri paxta qo‘yayotgan odamga ham shayton o‘qini otib ko‘rdi. O‘qi tegmadi. Voh... iymoni butun ekan-ku. Zirhiyam qattiq. Demak, uning siz-bizlarida bir gap bor? Ehtiyot bo‘lishi kerak. Shaytonvachcha shunday o‘ylar bilan ichkari kirdiyu, u yoq-bu yoqqa qaramay shundoqqina poygakka cho‘ka qoldi.

– Hay, hay, to‘riga o‘tsinlar-a, to‘riga, Xizr buvajon, aylanay sizdan, – deb uy egasi yelkasidan quchib, qo‘yarda-qo‘ymay to‘riga o‘tqazdi. Birpasda yoniga par yostiqlarni qalashtirib tashladi. – Hay, qizim, qo‘lga suv obke, – deb qiziga ish buyurdi. – Xotin, topganingni o‘rtaga to‘k, Xizr janoblarini bir mehmon qilib, duolarini olvolaylik, qo‘shnilarimiz dog‘da qolsin.

Shaytonvachcha qo‘lini yuva turib suv quyayotgan qizga e‘tibor qildi, voh, durkungina, momaqaymoq. To‘lishgan oydek. “Balli bolam, baxtli-taxtli bo‘lgin”,

латкич. Булар электр қувватини анави потиллаб турган матоҳдан олса керак-да. Ажабо, потиллаш овози нимагадир ичкарига эшитилмасди. Ана бўлмаса, ўтов ичига гир айлана “Акфа” ромлари ўрнатилган экан-ку. “Акфа” деганлари “Гадой топмас”ни топиб келибдими, демак, дунёни олгани шу бўлса керак-да. Уй эгаси яшил попукли чилвирни бир тортган эди, тўрт томонда шир-шир қилиб деворлар пайдо бўлди. Компьютеру музлаткичлар, сандиқлар устидаги бахмал кўрпа-тўшаклар кўздан ғойиб бўлиб, ўтов ичида шинамгина уйча пайдо бўлди. Воҳ... Шайтонвачча қаерга келиб қолди ўзи? Бунақаси шаҳардаям йўқ-ку? “108-канал”нинг анави шакилдоқ қизи гапирадиган “Бошқа сайёра” деганлари шу бўлмасин тагин?

– Дуо қилинг, Хизр жаноблари, болалар дарсларини қивосинлар деб, уларни биздан ажратдим.

– Ие, мактаб борми бу ерда? – хайрон бўлди Шайтонвачча. Парашютда тушаётганида шу учта ўтовдан бошқасини кўрмаган эди-да.

– Мактаб қайда дейсиз, бўлса қанийди, болаларим интернет орқали ўқишади, Худога шукр, ўқитувчилари ҳам тайин.

– Омин, уларга илму ладунидан берсин... болаларини ўйлаган бандасини Худо азиз қилсин, кам қилмасин. Болаларни жаннат райҳонлари деган ҳазрати Пайғамбаримизга беҳисоб салому салавогларимиз бўлсин.

Шайтонвачча чўпон ўтовига эмас, митти бир шаҳарчага кириб қолгандек, хайратларини ичига ютиб, сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Бунинг устига уй эгаси уни нукул Хизрдан олиб, Хизрга соларди. Бирдан Шайтонвачча иккиланиб қолди. Шу, ҳар доимгидек сопини ўзидан чиқариб, Хизр бўлиб кўя-қолсинми, а? Ўх-хў-ў... бундан катта шараф борми одам зотига? Хизр алайҳиссалом охиратгача барҳаёт юрадиган Аллохнинг фаришталаридан дейишади. Шайтонвачча шу ҳолатида ўзини тарозининг икки палласига кўйиб кўрди. Бир палласига одамлигини,

deb nigohini undan zo'rg'a uzdi. Keyin o'tov ichiga ko'z yugurtirdi. Yangi chiqqan oxirgi rusumdagi televizor, ekrani naqd kambag'alning hovlisidek keladi. Bir chekkada kompyuter. Qo'sh kamerali muzlatkich. Bular elektr quvvatini anavi potillab turgan matohdan olsa kerak-da. Ajabo, potillash ovozi nimagadir ichkariga eshitilmasdi. Ana bo'lmasa, o'tov ichiga gir aylana "Akfa" romlari o'rnatilgan ekan-ku. "Akfa" deganlari "Gadoy topmas"ni topib kelibdimi, demak, dunyoni olgani shu bo'lsa kerak-da. Uy egasi yashil popukli chilvirni bir tortgan edi, to'rt tomonda shir-shir qilib devorlar paydo bo'ldi. Kompyuter-u muzlatkichlar, sandiqlar ustidagi baxmal ko'rpa-to'shaklar ko'zdan g'oyib bo'lib, o'tov ichida shinamgina uycha paydo bo'ldi. Voh... Shaytonvachcha qayerga kelib qoldi o'zi? Bunaqasi shahardayam yo'q-ku? "108-kanal"ning anavi shaqildoq qizi gapiradigan "Boshqa sayyora" deganlari shu bo'lmasin tag'in?

– Duo qiling, Xizr janoblari, bolalar darslarini qivosinlar deb, ularni bizdan ajratdim.

– Iye, maktab bormi bu yerda? – hayron bo'ldi Shaytonvachcha. Parashyutda tushayotganida shu uchta o'tovdan boshqasini ko'rmagan edi-da.

– Maktab qayda deysiz, bo'lsa qaniydi, bolalarim internet orqali o'qishadi, Xudoga shukr, o'qituvchilari ham tayin.

– Omin, ularga ilm-u ladunidan bersin... bolalarini o'ylagan bandasini Xudo aziz qilsin, kam qilmasin. Bolalarni jannat rayhonlari degan hazrati Payg'ambarimizga behisob salom-u salavotlarimiz bo'lsin.

Shaytonvachcha cho'pon o'toviga emas, mitti bir shaharchaga kirib qolgandek, hayratlarini ichiga yutib, sir boy bermaslikka harakat qilardi. Buning ustiga uy egasi uni nuqul Xizrdan olib, Xizrga solardi. Birdan Shaytonvachcha ikkilanib qoldi. Shu, har doimgidek sopini o'zidan chiqarib, Xizr bo'lib qo'yaqolsinmi, a? O'h-ho'-o'... bundan katta sharaf bormi odam zotiga? Xizr alayhissalom oxiratgacha barhayot yuradigan

иккинчи палласига Шайтонлигини. Одамлиги Хизр бўлиб кўякол, деса, шайтонлиги кўзингни оч, сохтакорлар узоқ яшамайди, шармандаю шармисор бўласан, дерди. Кейин одамлар орасида Хизрнинг бош бармоғининг суяги йўқ деган гаплар юради. Унинг бош бармоғи билан ёнғоқ чакса бўлади.

Шайтонвачча атрофида гирдикапалак бўлаётган уй эгасига, “ўтиринг” дегандек ишора қилди. У итоат билан “хўп деб” ёнига чўка қолди ва “буюрсинлар” дегандек қўл ковуштирди.

– Гапимга кулоқ солинг, кадрдон, – деди ясама хижолатпазлик билан Шайтонвачча, – мендек бир гадойваччани Хизрдек кутиб олганингиз учун бошим осмонга етди, раҳмат, минг бора куллуқ, локин мен Хизрмасман, бор-йўғи кўриб турганингиздек бир гадой, тиланчимаан, холос. Мени Хизр деб, гуноҳи азимга ботирманг. Аллоҳнинг биз бандаларига юборган тўртта улуғ фариштаси бор. Бирлари Жаброил алайҳиссалом, у киши Аллоҳнинг хузуридан бандаларига ваҳий олиб тушадилар. Иккинчилари Микоил алайҳиссалом, ер юзидаги дон-дуну кут-баракага масъуллар. Учинчилари Хизр алайҳиссалом, у киши одам болаларининг мушкулларини осон қилиб юрадилар. Тўртинчилари Азроил алайҳиссалом. У зоти бобаракот бандаларга ўлим шаробини ичирадилар. Каминага келсак, ҳа... бошқа гадойлардан фарқим шуки, дуч келган жойда тиланчилик қилавермайман. Дунёга донғи кетган катта-катта шаҳарларда тиланчилик қиламан. Ҳозирги тил билан айтганда халқаро гадойлар тоифасига кираман.

– Ҳа, ўлманг, мен кўпдан худди сиздақа халқаро тоифадаги гадойни кутаётган эдим-да, таксирим, Худонинг марҳамати билан бугун муродимга етиб турибман, унда Хизи-р-р... э... кечирасиз исмингизни билмайман-да.

– Исминим Гадейбой.

– Э, қандоқ яхши осонгина экан, гапингизни йўқотманг, сўзлайверинг Гадейбой жаноблари.

Allohning farishtalaridan deyishadi. Shaytonvachcha shu holatida o'zini tarozining ikki pallasiga qo'yib ko'rdi. Bir pallasiga odamligini, ikkinchi pallasiga Shaytonligini. Odamligi Xizr bo'lib qo'yaqol desa, shaytonligi ko'zingni och, soxtakorlar uzoq yashamaydi, sharmanda-yu sharmisor bo'lasan, derdi. Keyin odamlar orasida Xizrning bosh barmog'ining suyagi yo'q degan gaplar yuradi. Uning bosh barmog'i bilan yong'oq chaqsa bo'ladi.

Shaytonvachcha atrofida girdikapalak bo'layotgan uy egasiga, "o'tiring" degandek ishora qildi. U itoat bilan "xo'p deb" yoniga cho'ka qoldi va "buyursinlar" degandek qo'l qovushtirdi.

– Gapimga quloq soling, qadrdon, – dedi yasama xijolatpazlik bilan Shaytonvachcha, – mendek bir gadoyvachchani Xizrdek kutib olganingiz uchun boshim osmonga yetdi, rahmat, ming bora qulluq, lokin men Xizmasman, bor-yo'g'i ko'rib turganingizdek bir gadoy, tilanchiman, xolos. Meni Xizr deb, gunohi azimga botirmang. Allohning biz bandalariga yuborgan to'rtta ulug' farishtasi bor. Birlari Jabroil alayhissalom, u kishi Allohning huzuridan bandalariga vahiy olib tushadilar. Ikkinchilari Mikoil allayhissalom, yer yuzidagi don-dun-u qut-barakaga mas'ullar. Uchinchilari Xizr alayhissalom, u kishi odam bolalarining mushkullarini oson qilib yuradilar. To'rtinchilari Azroil alayhissalom. U zoti bobarakot bandalarga o'lim sharobini ichiradilar. Kaminaga kelsak, ha... boshqa gadoylardan farqim shuki, duch kelgan joyda tilanchilik qilavermayman. Dunyoga dong'i ketgan katta-katta shaharlarda tilanchilik qilaman. Hozirgi til bilan aytganda xalqaro gadoylar toifasiga kiraman.

– Ha, o'lmang, men ko'pdan xuddi sizdaqa xalqaro toifadagi gadoyni kutayotgan edim-da, taqsirim, Xudoning marhamati bilan bugun murodimga yetib turibman, unda Xiz-r-r... e... kechirasiz ismingizni bilmayman-da.



– Шу десангиз, навбатдаги сафарим Парижга эди, “чиптанг йўқ”, деб самалётдан тушириб юборишди, курумсоқлар. Ишонмасангиз оркамда парашутимам бор, – деб уни ечиб ёнбошига қўйди Шайтонвачча.

– Воҳ, – деб уй эгасининг кўзи бир ағдарилди, – чиптанг йўқ деб автобусдан, поезддан туширворганларини эшитгандим, энди самалётданам тушириб юборадиган бўлишибди-да, а, вой нокаслар-ей. Аммо-лекин туширвориб хўп яхши иш қилишибди. Раҳмат ўшаларга, мингдан-минг раҳмат. Э, уни-буни қўйинг, Гадой жаноблари, уяммас, буяммас менинг дуоларим Худойимнинг ҳузурида ижобат бўлгани. Сиззи бизга самалётдан Худонинг ўзи туширган, ҳа, шунақа бўган... Билсангиз, бу жойнинг номи “Гадой топмас”. Бир замонлар бу ерлар жаннатмакон жойлар бўлган. Ўҳ-хў-ў... булбуллар сайраган, сувлар шарқираб оккан, хур-хур шамоллар эсан. Нимадир бўлгану, одамлар худди уйларида илон чикқандек бу ерларни ташлаб кетган. Сув йўллари бекилган. Боғ-роғлар қуриган. Шундан кейин “Гадой топмас” бўлиб қолган. Гадой халқи қаердан ҳам топсинки, қачонки бу ерларда на кўча ва на тиланадиган эшикнинг ўзи бўлмаса? Барака қайда – гадой бор жойда дейишади, тўғрими? Лекин қачонки “Гадой топмас”-ни гадой ўз оёғи билан топиб келса, бу ерлар бошқатдан обод бўлиб кетади, деган ривоятлар бор. Мен бу ривоятларга эртага офтоб чиқишига ишонгандек ишонардим. Эй бор Худоё, битта гадойингни биз томонларга юбор деб, кечасию кундузи сўраганим-сўраган эди. Худога осон-да, мана сизни Париждек жойдан олиб қолиб, бизга йўллабди-ку.

Бу гапларни эшитиб, Шайтонваччанинг бирдан кўкраги кўтарилди, ҳа, ичига чироқ ёққандек бўлди. Уй эгасининг ҳамма хатти-ҳаракатлари самимий эканини билиб қолди. Уй эгаси Худога ишонади, ривоятларга ҳам. Бу жойларни илгаригидек обод бўлишини тушларида кўриб чиқади. Қалби тўла эзгулик. Мана Шайтонваччанинг отган ўқи унга нимага тег-

– Ismim Gadoyboy.

– E, qandoq yaxshi osongina ekan, gapingizni yo‘qotmang, so‘zlayvering Gadoyboy janoblari.

– Shu desangiz, navbatdagi safarim Parijga edi, chiptang yo‘q deb samalyotdan tushirib yuborishdi, qurumsoqlar. Ishonmasangiz orqamda parashyutimam bor, – deb uni yechib yonboshiga qo‘ydi Shaytonvachcha.

– Voh, – deb uy egasining ko‘zi bir ag‘darildi, – chiptang yo‘q deb avtobusdan, poyezddan tushirvorganlarini eshitgandim, endi samalyotdanam tushirib yuboradigan bo‘lishibdi-da, a, voy nokaslar-ey. Ammo-lekin tushirvorib xo‘p yaxshi ish qilishibdi. Rahmat o‘shalarga, mingdan ming rahmat. E, uni-buni qo‘ying Gadoy janoblari, uyammas, buyammas mening duolarim Xudoyimning huzurida ijobat bo‘lgani. Sizzi bizga samalyotdan Xudoning o‘zi tushirgan, ha, shunaqa bo‘gan... Bilsangiz, bu joyning nomi “Gadoy topmas”. Bir zamonlar bu yerlar jannatmakon joylar bo‘lgan. O‘h-ho‘-o‘... bulbullar sayragan, suvlar sharqirab oqqan, hur-hur shamollar esgan. Nimadir bo‘lgan-u, odamlar xuddi uylaridan ilon chiqqandek bu yerlarni tashlab ketgan. Suv yo‘llari bekilgan. Bog‘-rog‘lar qurigan. Shundan keyin “Gadoy topmas” bo‘lib qolgan. Gadoy xalqi qayerdan ham topsinki, qachonki bu yerlarda na ko‘cha va na tilanadigan eshikning o‘zi bo‘lmasa? Baraka qayda – gadoy bor joyda deyishadi, to‘g‘rimi? Lekin qachonki “Gadoy topmas”ni gadoy o‘z oyog‘i bilan topib kelsa, bu yerlar boshqatdan obod bo‘lib ketadi, degan rivoyatlar bor. Men bu rivoyatlarga ertaga oftob chiqishiga ishongandek ishonardim. Ey bor Xudoyo, bitta gadoyingni biz tomonlarga yubor deb, kechasi-yu kunduzi so‘raganim-so‘ragan edi. Xudoga oson-da, mana sizni Parijdek joydan olib qolib, bizga yo‘llabdi-ku.

Bu gaplarni eshitib, Shaytonvachchanning birdan ko‘kragi ko‘tarildi, ha, ichiga chiroq yoqqandek bo‘ldi. Uy egasining hamma xatti-harakatlari samimiy ekanini bilib qoldi. Uy egasi Xudoga ishonadi, rivoyatlarga

мади? Шайтонваччанинг кўзига “Кўзимни очиб қўй, кўчама-кўча сени реклама қилиб юраман”, деган тиланчи хазрати Хизрдек кўриниб кетди. Ахир ўша туфайли йўллари очилиб, шунча мартабаларга эришиб турибди-да. Шундай қилиб, Шайтонвачча ҳе йўқ, бе йўқ “Гадой топмас”нинг халоскорига айланиб қолса-я. Одамлар “Гадой топмас”ни гадой топибди, деб, бу жойларга қайтиб келса-я?

## СЎРОҚ

*(Ёки Шайтонваччанинг бирданига иши юришмай қолгани)*

Уй эгаси кўшнилари Одамбой билан Собирбой деганларни чақириб яхши иш қилмади. Олдинига Шайтонвачча уларга ҳам шайтон ўқини отиб кўрди. Ўқ уларга осонгина тегди. Қалбларида иймон деган нарсадан асар ҳам йўқлиги маълум бўлди. Ичлари ўғри урган уйдек бўм-бўш. Демак, улардан хавфсирамасаям бўлади. Бурунларида шайтон соладиган бу ровлари бор. Қаёққа бошласа ўша ёққа юради. Уй эгасидан эса кўркқувлик. Иймони мустаҳкам, юраги тўла эзгулик. Дадамирзага ўхшамайди...

Кўшнилар “Уй эгаси ароқ ичмайди, дастурхонга ҳам кўймайди”, деб ароқни ўзлари билан олиб келишган экан, дўпиллатиб ўртага қўйишди. Шайтонвачча шиша устидаги “Дўзах” деган ёзувни ўқиб, бир чўчиб тушди. Воҳ... унинг “Дўзахи” “Гадой топмас”ни ҳам топиб келибди-да... Қайси партиясидан экан? Олдингисиданмикан, кейингисиданми? Кейингисини сувдан фарқи қолмаган эди? Олдингисидан экан. Бир пиёладан ичишди-ю алжираб қолишди. Энг ёмони Шайтонваччанинг ароғини ичиб, ўзини сўроққа тутиб қолишса бўладими? Ҳа, шайтонсифат одамлар шайтоннинг ўзига тиргалиб қолишса ғалати бўлар экан. Вой падари лаънат, ароқхўрлар-е...

ham. Bu joylarni ilgarigidek obod bo'lishini tushlarida ko'rib chiqadi. Qalbi to'la ezgulik. Mana Shaytonvachchaning otgan o'qi unga nimaga tegmadi? Shaytonvachchaning ko'ziga "Ko'zimni ochib qo'y, ko'chama-ko'cha seni reklama qilib yuraman", degan tilanchi hazrati Xizrdek ko'rinib ketdi. Axir o'sha tufayli yo'llari ochilib, shuncha martabalarga erishib turibdi-da. Shunday qilib, Shaytonvachcha he yo'q, be yo'q "Gadoy topmas"ning xaloskoriga aylanib qolsa-ya. Odamlar "Gadoy topmas"ni gadoy topibdi, deb, bu joylarga qaytib kelsa-ya?

## SO'ROQ

*(Yoki Shaytonvachchaning birdaniga ishi yurishmay qolgani)*

Uy egasi qo'shnilari Odamboy bilan Sobirboy deganlarni chaqirib yaxshi ish qilmadi. Oldiniga Shaytonvachcha ularga ham shayton o'qini otib ko'rdi. O'q ularga osongina tegdi. Qalblarida iymon degan narsadan asar ham yo'qligi ma'lum bo'ldi. Ichlari o'g'ri urgan uydek bo'm-bo'sh. Demak, ulardan xavfsiramasayam bo'ladi. Burunlarida shayton soladigan burovlari bor. Qayoqqa boshlasa o'sha yoqqa yuradi. Uy egasidan esa qo'rqquvlik. Iymoni mustahkam, yuragi to'la ezgulik. Dadamirzaga o'xshamaydi...

Qo'shnilar "Uy egasi aroq ichmaydi, dasturxonga ham qo'ymaydi", deb aroqni o'zlari bilan olib kelishgan ekan, do'pillatib o'rtaga qo'yishdi. Shaytonvachcha shisha ustidagi "Do'zax" degan yozuvni o'qib, bir cho'chib tushdi. Voh... uning "Do'zaxi" "Gadoy topmas"ni ham topib kelibdi-da... Qaysi partiyasidan ekan? Oldingisidanmikan, keyingisidanmi? Keyingisini suvdan farqi qolmagan edi? Oldingisidan ekan. Bir piyoladan ichishdi-yu aljirab qolishdi. Eng yomoni Shaytonvachchaning arog'ini ichib, o'zini so'roqqa

– Х-ў-ўш-ш... хурматли гадой жаноблари, – деди Одамбой тишини ковлаб, – бу ерларга ўзларини қайси шамоллар уч-учириб ке-келди?

– Ҳа, шундан гапир, девона, – деб Собирбой ҳам ёғли кўзларини дўлайди.

– Тақдир шамоллари, тақсирларим, тақдир шамоллари... – деди Шайтонвачча хушёр тортиб.

– Тақдир шамолларимиш... Ортиқбойнинг айтишича (уй эгасининг исми Ортиқбой эди) Парижга кетаётганинда самалётдан тепворишибди-ку, шу ростми? – сап-сарик тишларини кўрсатиб, хахолаб кулди Одамбой.

– Шунақа бўлиб қолди, тақсирлар, шунақа, рост...

– Чипталари йўқмиди?

– Йўғиди, гадойда чипта нима қилсин.

– Сени биламан, сен... сен шипиёнсан, биззи сотгани кегансан, – мушт дўлайди Собирбой.

Шайтонвачча шошиб бошини олиб қочди, нақ нозик жойига тушириб қолса борми, шу билан тамом бўлади-я. Ажинашамолни чақиришга ҳам улгуролмай қолади. Ҳар эҳтимолга қарши унинг кодини эслаб қўйди.

– Кимми лақиллатиб, кимми қулогига лағмон осмоқ-чи-сан... ху онангни сени, – тиззаланиб чақчайди Одамбой.

– Ҳа... ҳозироқ айт кимлигингни, бўлмаса худди тилиб ташлайман-а, – деб Собирбой дастурхондаги пичоққа ёпишди.

– Ҳаддиларингдан ошмаларинг, ким бўлгандаям, бу менинг меҳмоним, – деб улардан баланд келди Ортиқбой.

Ана холос, “ўзимники” деганларим ўзагимдан узаман деб турса-ю, душманним деганим ҳимоясига олиб турса. Аллоҳ қанчалар чевар-а. Бир зумда дўстни душманга, душманни дўстга айлантириб қўйиш Ўзига осон. Шайтонвачча ўйлаб қараса айни дамда халоскори Ажинашамолни чақира олмас ҳам экан.

tutib qolishsa bo‘ladimi? Ha, shaytonsifat odamlar shaytonning o‘ziga tirg‘alib qolishsa g‘alati bo‘lar ekan. Voy padari la‘nat, aroqho‘rlar-e...

– X-o‘o‘sh-sh... hurmatli gadoy janoblari, – dedi Odamboylar tishini kovlab, – bu yerlarga o‘zlarini qaysi shamollar uch-uchirib ke-keldi?

– Ha, shundan gapir, devona, – deb Sobirboy ham yog‘li ko‘zlarini do‘laydi.

– Taqdir shamollari, taqsirlarim, taqdir shamollari... – dedi Shaytonvachcha hushyor tortib.

– Taqdir shamollarimish... Ortiqboyning aytishi-cha (uy egasining ismi Ortiqboy edi) Parijga ketayotganingda samalyotdan tepvorishibdi-ku, shu rostmi? – sap-sariq tishlarini ko‘rsatib, xaxolab kuldi Odamboylar.

– Shunaqa bo‘lib qoldi, taqsirlar, shunaqa, rost...

– Chiptalari yo‘qmidi?

– Yo‘g‘idi, gadoyda chipta nima qilsin.

– Seni bilaman, sen... sen shiptyonsan, bizzi sotgani kegansan, – musht do‘laydi Sobirboy.

Shaytonvachcha shoshib boshini olib qochdi, naqd nozik joyiga tushirib qolsa bormi, shu bilan tamom bo‘ladi-ya. Ajinashamolni chaqirishga ham ulgurolmay qoladi. Har ehtimolga qarshi uning kodini eslab qo‘ydi.

– Kimmi laqillatib, kimmi qulog‘iga lag‘mon os-moq-chi-san... hu onangni seni, – tizzalanib chaqchaydi Odamboylar.

– Ha... hoziroq ayt kimligingni, bo‘lmasa xuddi tilib tashlayman-a, – deb Sobirboy dasturxondagi pichoqqa yopishdi.

– Haddilaringdan oshmalaring, kim bo‘lgandayam, bu mening mehmonim, – deb ulardan baland keldi Ortiqboy.

Ana xolos, “o‘zimniki” deganlarim o‘zagimdan uzaman deb tursa-yu, dushmanim deganim himoyasiga olib tursa. Alloh qanchalar chevar-a. Bir zumda do‘stni dushmanga, dushmani do‘stga aylantirib qo‘yish O‘ziga oson. Shaytonvachcha o‘ylab qarasa ayni damda

Қурғур “сигнал” деганлари бу гумбаз остидан унга етиб боролмаслиги аниқ. Ҳозирги аҳволда, фақат ўзига ишониши керак, шунинг учун сал ботирлик, сал ҳушёрлик, сал хотиржамлик, сал ҳалимлик билан деди:

– Гапларимга ишонасизми, ишонмайсизми бу сизнинг ишингиз, акахонлар, мен гадойман, тўрт томонинг қибла, кет, десаларинг ҳозироқ кетвораман, – деб ўтирган жойидан қўзғалиб қўйди.

– Бор гапни гапир-да, энағар, сени кимлигингни билайлик, билиб қўй, агарда яримта ёлғон гап қилсанг, худди яримтага закуска қиворамиз шунақами-а, Одамбой жў-ў-ра, ҳиқ? – деб Собирбой шеригига қўзини сузди.

– Бўпти, гапир чайналма...

– Бўмаса эшитинглар, жон тақсирларим, одатда, гадойларни сўкмайдилар, сўксалар оғзилари қийшайиб қолади, пичоқ ўқталмайдилар, қўллари қуриб қолади. Мен бу ерда ёлғизман. Ёлғизнинг ёри Худо, дейдилар.

Ох, шу ерда жинбаччалари бўлгандами. Бирининг оғзини қийшайтириб, иккинчисининг қўлини акашак қилиб, тавбасига таянтирарди, афсус...

– Вей, менга кара, гаппи чўзма, – чидай олмади Одамбой, – самалётга чиқишши ўзи бўладими, галварс, мингта чиғириқдан ўтказишларини жиннихонадаги жинни ҳам билади. Виза деганлари сендака гадойваччаларга тушиб қоптими?

– Сиз ҳақсиз, тақсир айланай, аммо пул бўлса чангалда шўрва, дейдилар. Сизлар “Гадой топмас”-да қолиб кетиб, кўп нарсалардан беҳабарга ўхшайсизлар. У ёкларда ҳаёт тамоман бошқача. Кўкидан чўнтак тўладиган қилиб узатсангиз, музлаткичнинг кутисида хоҳлаган давлатингизга музлаткич бўлиб бориб келаверасиз. Яна ўзлари кутиб олиб, ўзлари кузатиб қўйишади. Виза-миза деганлари ҳалигиндай катта-катта бизнесменлар, дипломатларга ишлайди, биздақаларгамас.

xaloskori Ajinashamolni chaqira olmas ham ekan. Qurg'ur "signal" deganlari bu gumbaz ostidan unga yetib borolmasligi aniq. Hozirgi ahvolda, faqat o'ziga ishonishi kerak, shuning uchun sal botirlik, sal hushyorlik, sal xotirjamlik, sal halimlik bilan dedi:

– Gaplarimga ishonasizmi, ishonmaysizmi bu sizning ishingiz, akaxonlar, men gadoyman, to'rt tomoning qibla, ket, desalaring hoziroq ketvoraman, – deb o'tirgan joyidan qo'zg'alib qo'ydi.

– Bor gapni gapir-da enag'ar, seni kimligingni bilaylik, bilib qo'y, agarda yarimta yolg'on gap qilsang, xuddi yarimtaga zakuska qivoramiz shunaqami-a, Odamboy jo'-o'-ra, hiq? – deb Sobirboy sherigiga ko'zini suzdi.

– Bo'pti, gapir chaynalma...

– Bo'masa eshitinglar, jon taqsirlarim, odatda, gadoylarni so'kmaydilar, so'ksalar og'zilari qiyshayib qoladi, pichoq o'qtalmaydilar, qo'llari qurib qoladi. Men bu yerda yolg'izman. Yolg'izning yori Xudo, deydilar.

Oh, shu erda jinbachchalari bo'lgandami. Birining og'zini qiyshaytirib, ikkinchisining qo'lini akashak qilib, tavbasiga tayantirardi, afsus...

– Vey, menga qara, gappi cho'zma, – chiday olmadi Odamboy, – samalyotga chiqishshi o'zi bo'ladimi, galvars, mingta chig'iriqdan o'tkazishlarini jinnixonadagi jinni ham biladi. Viza deganlari sendaqa gadoyvachchalarga tushib qoptimi?

– Siz haqsiz, taqsir aylanay, ammo pul bo'lsa changalda sho'rva, deydilar. Sizlar "Gadoy topmas"da qolib ketib, ko'p narsalardan bexabarga o'xshaysizlar. U yoqlarda hayot tamoman boshqacha. Ko'kidan cho'ntak to'ladigan qilib uzatsangiz, muzlatkichning qutisida xohlagan davlatingizga muzlatkich bo'lib borib kelaverasiz. Yana o'zlari kutib olib, o'zlari kuzatib qo'yishadi. Viza-miza deganlari haliginday katta-katta biznesmenlar, diplomatlarga ishlaydi, bizdaqalargamas.



– Хўш-ш... унда нимага Парижга кетмадинг?

– Самалёт баландлаб кетиб, юкхона совиб кетди, кутини ичидан чиқиб, сал исиниб олмоқчийдим, касофат юкхонага ҳам видеокамера ўрнатилган экан. Ушлаб олишди-ю, боргандан кейин бошоғриқ бўласан деб, парашутга боғлаб, ташлаб юборишди, бор гап шу.

– Парижда пишириб қўйибдими, сен гадойваччага?

– Қаердаки олувчи қўл бўмаса, берувчи қўл ҳам бўмайди. Берувчи қўл бўлмагандан кейин ўша юртдан кут-барака кўтарилади. Худойим таоло берувчи қўлни яхши кўради-да. Биззи ишимиз бойиш, чўнтакни қаппайтиришмас, юртма-юрт юриб, барака улашиш, ҳа! Бизлар ҳечам ўзимизни ўйламаймиз. Кўпчиликни ўйлаймиз. Париждагилар курумсоқлашиб, хасислашиб кетган экан-да, шунга атайлаб, чакиришувди.

– Бўлдида-е, уяммас-буяммас, бу Худонинг иши, – деди Ортиқбой Одамбой билан Собирбойга захрини сочиб, – бугунга етар, ҳар қанча гапларинг бўлса эртага ҳам кун бор, энди турларинг, уйларингга жўналаринг, омин Аллоҳу акбар, сенларни одам деб чакирган мен аҳмоқ...

Шайтонваччанинг кейинги гаплари сал ишонарлироқ чиқдими ёки анавилар маст бўлиб қолишдими, ишқилиб, ароқхўрларни хиқичоги тутиб, узун-қисқа бўлиб, ўтовдан чиқиб кетишди.

## ТОПГАН ТОПАЛОҚНИКИ

*(Ёки Шайтонваччанинг “Гадой топмас”ни ўзиники қилиб олиш режалари)*

Ароқхўрлар кетиб, хонани шамоллатгандан кейин Шайтонвачча Ортиқбойни намоздан гап очиб қолармикан деб кутди. Шом ўтиб, хуфтонга яқинлашиб қолдиямки, шайтон ўқи ўтмаган шундоқ такволи одамдан садо чиқмади. Шайтонвачча намозни эс-

– Xo‘sh-sh... unda nimaga Parijga ketmading?

– Samalyot balandlab ketib, yukxona sovib ketdi, qutini ichidan chiqib, sal isinib olmoqchiydim, kasofat yukxonaga ham videokamera o‘rnatilgan ekan. Ushlab olishdi-yu, borgandan keyin boshog‘riq bo‘lasan deb, parashutga bog‘lab, tashlab yuborishdi, bor gap shu.

– Parijda pishirib qo‘yibdimi, sen gadoyvachchaga?

– Qayerdaki oluvchi qo‘l bo‘masa, beruvchi qo‘l ham bo‘maydi. Beruvchi qo‘l bo‘lmagandan keyin o‘sha yurtdan qut-baraka ko‘tariladi. Xudoyim taolo beruvchi qo‘lni yaxshi ko‘radi-da. Bizzi ishimiz boyish, cho‘ntakni qappaytirishmas, yurtma-yurt yurib, baraka ulashish, ha! Bizlar hecham o‘zimizni o‘ylamaymiz. Ko‘pchilikni o‘ylaymiz. Parijdagilar qurumsoqlashib, xasislashib ketgan ekan-da, shunga ataylab, chaqirishuvdi.

– Bo‘ldida-ey, uyammas-buyammas, bu Xudoning ishi, – dedi Ortiqboy Odamboyl bilan Sobirboyga zahrini sochib, – bugunga yetar, har qancha gaplaring bo‘lsa ertaga ham kun bor, endi turlaring, uylaringga jo‘nalaring, omin Allohu akbar, senlarni odam deb chaqirgan men ahmoq...

Shaytonvachchaning keyingi gaplari sal ishonarliroq chiqdimi yoki anavilar mast bo‘lib qolishdimi, ishqilib, aroqxo‘rlarni hiqichog‘i tutib, uzun-qisqa bo‘lib, o‘tovdan chiqib ketishdi.

## TOPGAN TOPALOQNIKI

*(Yoki Shaytonvachchaning “Gadoy topmas”ni o‘ziniki qilib olish rejalari)*

Aroqxo‘rlar ketib, xonani shamollatgandan keyin Shaytonvachcha Ortiqboyni namozdan gap ochib qolarmikan deb kutdi. Shom o‘tib, xuftonga yaqinlashib qoldiyamki, shayton o‘qi o‘tmagan shundoq taqvoli odamdan sado chiqmadi. Shaytonvachcha namozni eslatgan edi, namoz o‘qishni bilmasligini, faqat kun

латган эди, намоз ўқишни билмаслигини, факат кун ботишга қараб, тез-тез Худога ёлбориб ўтиришини айтди.

– Ибодатнинг энг зўрини қилар экансиз, – деди Шайтонвачча унинг кўнглини кўтарган бўлиб, – ҳа, Худо хоҳласа жаннати бўласиз. Меҳмондорчиликнинг бошидан-охиригача кузатиб ўтирдим. Тавозе билан ўтирдингиз. Намоз ўқимасангиз ҳам анави кўшниларингиздан аълосиз. Лекин буларнинг бари икки ракат намознинг ўрнини боса олмайди, тақсирим, ҳа!

– Мана, Худо сизни менга етказди, сизга қўшилиб, энди намоз ҳам ўқийман, – деди қувона-қувона мезбон.

Ортиқбой таҳоратланиб, меҳмон ўтирса ўтириб, турса туриб, умрида биринчи марта намоз ўқиди.

– Воҳ, намоз деганларининг бунақа бўлишини билмас эканман-а, қаранг қушдек енгил бўлиб қолдим-а, янаям сизлар осмонда учиб юрмас экансизлар?

– Нега энди “Гадой топмас”га осмондан учиб тушдим-ку, – кулди Шайтонвачча.

– Ҳа-я, водариғ...

– Бу ердан кетгунча, намозларни сизга яхшилаб ўргатиб кўяман. Ўзингиз айтдингиз: “Гадой топмас”-ни гадой топди, энди бу ерлар бошқатдан обод бўлади”, деб. Обод бўлиб кетса сиз бу жойларнинг эгаси, энг бадавлат одами бўласиз. Мен бўлсам кўчама-кўча эшик қоқиб, тилан-и-и-б юраман, сиззи эшигингизга ҳам “Ҳақ дў-ў-ст ё об-ло”, деб бораман. Ўшанда ҳайдаб солмасангиз бўлди, – деб кулди Шайтонвачча.

– Худо бизни ўша кунларга етказсин...

Шу куни Шайтонвачча анча бесаранжом ухлади. Бошига кийиб олган гадой ниқоби тинчлик бермаётган эди. Ечди-кийди, кийди-ечди... ечгандан кейин донг қотиб ухлаб қолишдан кўркди. Ҳа, бундан бу ёғига бу ниқобга кўникмай иложи йўқ. Оҳ, унинг суқсурдек ёшлиги... Гадой ниқоби остида қолиб кетдими? Бу ўткинчи дунё деганлари уни не кўйларга

botishga qarab, tez-tez Xudoga yoʻlborib oʻtirishini aytdi.

– Ibodatning eng zoʻrini qilar ekansiz, – dedi Shaytonvachcha uning koʻnglini koʻtargan boʻlib, – ha, Xudo xohlasa jannati boʻlasiz. Mehmondorchilikning boshidan oxirigacha kuzatib oʻtirdim. Tavoze bilan oʻtirdingiz. Namoz oʻqimasangiz ham anavi qoʻshnilaringizdan aʻlosiz. Lekin bularning bari ikki rakat namozning oʻrnini bosa olmaydi, taqsim, ha!

– Mana, Xudo sizni menga yetkazdi, sizga qoʻshilib, endi namoz ham oʻqiyman, – dedi quvona-quvona mezbon.

Ortiqboy tahoratlanib, mehmon oʻtirsam oʻtirib, tursam turib, umrida birinchi marta namoz oʻqidi.

– Voh, namoz deganlarining bunaqa boʻlishini bilmas ekanman-a, qarang qushdek yengil boʻlib qoldim-a, yanayam sizlar osmonda uchib yurmas ekansizlar?

– Nega endi “Gadoy topmas”ga osmondan uchib tushdim-ku, – kuldi Shaytonvachcha.

– Ha-ya, vodarigʻ...

– Bu yerdan ketguncha, namozlarni sizga yaxshilab oʻrgatib qoʻyaman. Oʻzingiz aytdingiz: “Gadoy topmas”ni gadoy topdi, endi bu yerlar boshqatdan obod boʻladi”, deb. Obod boʻlib ketsa siz bu joylarning egasi, eng badavlat odami boʻlasiz. Men boʻlsam koʻchama-koʻcha eshik qoqib, tilan-i-i-b yuraman, sizni eshigingizga ham “Haq doʻ-oʻ-st yo ob-lo”, deb boraman. Oʻshanda haydab solmasangiz boʻldi, – deb kuldi Shaytonvachcha.

– Xudo bizni oʻsha kunlarga yetkazsin...

Shu kuni Shaytonvachcha ancha besaranjom uxladi. Boshiga kiyib olgan gadoy niqobi tinchlik bermayotgan edi. Yechdi-kiydi, kiydi-yechdi... yechgandan keyin dong qotib uxlab qolishdan qoʻrqdi. Ha, bundan bu yogʻiga bu niqobga koʻnikmay iloji yoʻq. Oh, uning suqsurdek yoshligi... Gadoy niqobi ostida qolib ketdimi? Bu oʻtkinchi dunyo deganlari uni ne koʻylarga

соляпти? Шайтон эди, Одамшайтонга айланди, энди бўлса гадойга. Қадимги асл холига қайтармикан? Қайтса, қачон?

Эртасига бомдодни ўкиб бўлгач, Шайтонвачча қўй сутига тайёрланган ширчойни маза қилиб ичди. Ширчой Дадамирзанинг “Такво” кафесида тановул қилган барча овқатларидан ҳам мазалироқ туйилди. Шундан кейин Ортиқбой уни “Гадой топмас” билан таништиргани олиб чиқди. Улар баланд-паст бўлиб кўринаётган қум барханлари томон юришди. Ортиқбой Шайтонваччага барханлар тагидан чиқиб турган марза, эгат изларини кўрсатди. Ҳа, бу қачонлардир яшаган одам қўлларининг излари эди. Ер неча йиллардан бери инсон қўлини соғиниб: “Юзимни қумлардан тозала-да, хоҳлаганингни эк, хоҳлаганингча ҳосил ол”, дегандек бўларди. Қумларни келган жойига қайтармок керак, деган ўй Шайтонваччанинг кўнглидан ўтди. Ҳа, Ажинашамолга айтади, уларни бир кунда “туя кўрдингми, йўқ” қилиб беради. Сув йўлларини очади. Бу ишлар унга чўт эмас. Шайтонваччанинг қулоғига шилдир-шилдир сув овозлари эшитилгандек, қушлар сайрагандек бўлди.

Шайтонваччани кечадан бери Ортиқбойнинг ўтовидаги телевизор, компьютер ва музлаткичлар, ташқарида потиллаб ишлаб турган электр станцияси қаердан келиб қолгани қизиқтираётган эди. Демак, “Гадой топмас” бўлгани билан барибир ташқари билан алоқа бор экан-да. Ортиқбойнинг гап-сўзларидан маълум бўлишича, унинг тирикчилиги отаридаги қўйларидан экан. Бунақа зотдор қўйлар фақат шу “Гадой топмас”дагина сақланиб қолганмиш. Баҳорда туғилган кўзичоқлар сутдан чиқиши билан ҳар бирига яхшигина пул тўлаб, вертолётда келиб, олиб кетишар экан. Яна ейиш-ичишлари, уйдаги ҳашаматлар ҳам ўша вертолётда келадиганлар зиммасида экан. Нима бўлганда ҳам Ортиқбой ва анави ароқхўр қўшнилари “Гадой топмас”ни ташлаб кетишмаса бўлди, экан. Аммо қўшниларида инсоф деган нарса қолмап-

solyapti? Shayton edi, Odamshaytonga aylandi, endi bo'lsa gadoyga. Qadimgi asl holiga qaytarmikan? Qaytsa, qachon?

Ertasiga bomdodni o'qib bo'lgach, Shaytonvachcha qo'y sutiga tayyorlangan shirchoyni maza qilib ichdi. Shirchoy Dadamirzaning "Taqvo" kafesida tanovul qilgan barcha ovqatlaridan ham mazaliroq tuyildi. Shundan keyin Ortiqboy uni "Gadoy topmas" bilan tanishtirgani olib chiqdi. Ular baland-past bo'lib ko'rinayotgan qum barxanlari tomon yurishdi. Ortiqboy Shaytonvachchaga barxanlar tagidan chiqib turgan marza, egat izlarini ko'rsatdi. Ha, bu qachonlardir yashagan odam qo'llarining izlari edi. Ver necha yillardan beri inson qo'lini sog'inib: "Yuzimni qumlardan tozala-da, xohlaganingni ek, xohlaganingcha hosil ol", degandek bo'lardi. Qumlarni kelgan joyiga qaytarmoq kerak, degan o'y Shaytonvachchanning ko'nglidan o'tdi. Ha, Ajinashamolga aytadi, ularni bir kunda "tuya ko'rdingmi, yo'q" qilib beradi. Suv yo'llarini ochadi. Bu ishlar unga cho't emas. Shaytonvachchanning qulog'iga shildir-shildir suv ovozlari eshitilgandek, qushlar sayragandek bo'ldi.

Shaytonvachchani kechadan beri Ortiqboyning o'tovidagi televizor, kompyuter va muzlatkichlar, tashqarida potillab ishlab turgan elektr stansiyasi qayerdan kelib qolgani qiziqtirayotgan edi. Demak, "Gadoy topmas" bo'lgani bilan baribir tashqari bilan aloqa bor ekan-da. Ortiqboyning gap-so'zlaridan ma'lum bo'lishicha, uning tirikchiligi otaridagi qo'ylaridan ekan. Bunaqa zotdor qo'ylar faqat shu "Gadoy topmas"dagina saqlanib qolganmish. Bahorda tug'ilgan qo'zichoqlar sutdan chiqishi bilan har biriga yaxshigina pul to'lab, vertolyotda kelib, olib ketishar ekan. Yana yeyish-ichishlari, uydagi hashamatlar ham o'sha vertolyotda keladiganlar zimmasida ekan. Nima bo'lganda ham Ortiqboy va anavi aroqxo'r qo'shnilari "Gadoy topmas"ni tashlab ketishmasa bo'ldi, ekan.

ти. Беш кўлини оғзига тикиб, тошбақаларнинг тухумидан бепушт аёлларга ҳаб дори тайёрлашаркан. Тошбақа тухуми мавсуми тугагандан кейин юмронкозиқ мавсуми бошланаркан. Юмронкозиқ икки томонлама бизнес экан. Териси алоҳида, гўшти қуритилиб, ундан ҳам ҳаб дори тайёрлашаркан. Буниси эркаклар бепуштлиги учун дори экан. Яна “Гадой топмас”да илгаридан қолиб кетган чучук кўл бормиш. Уни “Сопалаккўл” дейишаркан. Қадимда дунёга машхур чинни идишлар шу кўлнинг лойидан қорилганмиш. Лойини офтобда қуритиб, тошга урса тош синармиш-у, сопалак синмасмиш. Далалар шу кўл суви билан суғорилган экан. Орадан неча йиллар ўтса ҳам сувнинг сатҳи бир энликка ҳам камаймапти. Яна бир мўъжизали тарафи, кўлда фақат хонбалиқлар урчир экан. Баҳорги ёмғир пайтларида тухум кўйиб кўпаяркан. Хонбалиқ тухумлари ҳам махсус идишларга жойланиб, фақат “кўки”га сотиларкан. Яна “Гадой топмас”да каврак деган ўт бўлиб, уни “табиб ўт” дейишаркан. У эрта баҳор майсалар энди ниш ура бошлагандаёқ гуллаб, ердан бош кўтараркан. Чўпонлар кўйларини қишдан чиқиши билан, атайлаб, кавракзорга қараб ҳайдармиш. Қўйлар уни ўт деб ер экан. Агарда қишдан кўйларнинг ўпкаси шамоллаб чиққан бўлса йўтал тутиб, касали маълум бўларкан. Уларни вақтида сўйиб юборишаркан. Бу кавракнинг хизмати экан. Ана сизга ажойиботлар-у, ана сизга “Гадой топмас”нинг мўъжизалари... э, ҳа-а...

Шайтонваччанинг ҳайратдан нақ юраги қинидан чиқай деди. Калласида баҳорги кўзиқориндек шундай бир режалар бодрадики, асти қўяверасиз. Ахир бу “Гадой топмас” деганлари хазинанинг ўзи экан-ку. Ҳа, чўнтақдан тушиб қолган нақдина ёмбининг (олтин куймаси) ўзи! Юмронкозиқ ва тошбақанинг тухуми бепуштликка даво бўлса шу ернинг ўзига сиҳатгоҳ курса бўлади-ку! Э, ҳа... Кумларни чекинтириб, сув обкелиб, яйловларда, анави зотдор кўйларни кўпайтирса-чи? “Сопалаккўл”нинг бўйида чинни заводини

Ammo qo'shnilarida insof degan narsa qolmapti. Besh qo'lini og'ziga tiqib, toshbaqalarning tuxumidan bepusht ayollarga hab dori tayyorlasharkan. Toshbaqa tuxumi mavsumi tugagandan keyin yumronqoziq mavsumi boshlanarkan. Yumronqoziq ikki tomonlama biznes ekan. Terisi alohida, go'shti quritilib, undan ham hab dori tayyorlasharkan. Bunisi erkaklar bepushtligi uchun dori ekan. Yana "Gadoy topmas"da ilgaridan qolib ketgan chuchuk ko'l bormish. Uni "Sopalakko'l" deyisharkan. Qadimda dunyoga mashhur chinni idishlar shu ko'lning loyidan qorilganmish. Loyini oftobda quritib, toshga ursa tosh sinarmish-u, sopalak sinmashmish. Dalalar shu ko'l suvi bilan sug'orilgan ekan. Oradan necha yillar o'tsa ham suvning sathi bir enlikka ham kamaymapti. Yana bir mo'jizali tarafi, ko'lda faqat xonbaliqlar urchir ekan. Bahorgi yomg'ir paytlarida tuxum qo'yib ko'payarkan. Xonbaliq tuxumlari ham maxsus idishlarga joylanib, faqat "ko'ki"ga sotilarkan. Yana "Gadoy topmas"da kavrak degan o't bo'lib, uni "tabib o't" deyisharkan. U erta bahor maysalar endi nish ura boshlagandayoq gullab, yerdan bosh ko'tararkan. Cho'ponlar qo'ylarini qishdan chiqishi bilan, ataylab, kavrakzorga qarab haydarmish. Qo'ylar uni o't deb yer ekan. Agarda qishdan qo'ylarning o'pkasi shamollab chiqqan bo'lsa yo'tal tutib, kasali ma'lum bo'larkan. Ularni vaqtida so'yib yuborisharkan. Bu kavrakning xizmati ekan. Ana sizga ajoyibotlar-u, ana sizga "Gadoy topmas"ning mo'jizalari... e, ha-a...

Shaytonvachchanning hayratdan naqd yuragi qinidan chiqay dedi. Kallasida bahorgi qo'ziqorindek shunday bir rejalar bodradiki, asti qo'yaverasiz. Axir bu "Gadoy topmas" deganlari xazinaning o'zi ekan-ku. Ha, cho'ntakdan tushib qolgan naqdina yombining (oltin quymasi) o'zi! Yumronqoziq va toshbaqaning tuxumi bepushtlikka davo bo'lsa shu yerning o'ziga sihatgoh qursa bo'ladi-ku! E, ha... Quamlarni chekintirib, suv obkelib, yaylovlarda, anavi zotdor



очса-чи? Хонбалиқнинг ўзиниям, тухуминиям четга экспорт қилса-чи? Хўш, бу бойлиқлар энди кимники? Албатта Шайтонваччаники! “Гадой топмас”ни ким топиб келди? Шайтонвачча топиб келди! Демак, топган топалокники. Ҳали бу жойлар шундай жойлар бўлсинки... Шайтонваччани йўқотиш пайига тушиб, унинг бошига “кўки”дан бир миллион тиккан Одам болалари, икки миллион тиккан шайтонлар олами оғзини шундоқ очиб қолсинки, нақд охиратгача ёпиша олмасин. У ўз Одамшайтон салтанатини шу ерга қуради.

## ЖУМБОҚНИНГ УЧИ ТОПИЛДИ

*(Ёки Шайтонваччанинг қандай қилиб минг қўйли бой бўлиб қолгани)*

Шайтонвачча шуларни ўйлаб, атрофни хушҳол кузатар экан, Ортиқбой унга гап қотди:

– Кўнгил кўчангиздан нималар ўтяпти, меҳмон?

– Одамлар нимага бу жойларни ташлаб кетишди экан, шулар ҳақида ўйлаяпман? Бебаҳо, жаннати жойлар экан, эсиз...

– Яшанг, умрингиздан барака топинг, менга ўй-каш, тарафкаш топилганидан бошим осмонга етди. Менам нуқул шуларни ўйлардим. Айтинг-чи, одамларни бу жойларга қайтариб бўлармикан, нима дейсиз?

– Бунинг учун ташлаб кетишганининг сабабини билиш керак, балки сиз биларсиз, аниқ бўлмаса ҳам тахминларингиз бордир?

– Тахминларим кўп, – деди Ортиқбой олисларга тикилиб, – биласизми, меҳмон, олдинига боғларни бирданига совуқ урган, кейин экинзорларни чигиртка босган, ана ундан кейин довул туриб, қумлар бостириб келган, ана шунақа...

– Хўп, нимага бунақа бўлган, ҳамма гап шунда?

– Буни Худодан бошқа ҳеч ким билмайди, меҳмон.

qo‘ylarni ko‘paytirsa-chi? “Sopalakko‘l”ning bo‘yida chinni zavodini ochsa-chi? Xonbaliqning o‘ziniyam, tuxuminiyam chetga eksport qilsa-chi? Xo‘sh, bu boylıklar endi kimniki? Albatta Shaytonvachchaniki! “Gadoy topmas”ni kim topib keldi? Shaytonvachcha topib keldi! Demak, topgan topaloqniki. Hali bu joylar shunday joylar bo‘lsinki... Shaytonvachchani yo‘qotish payiga tushib, uning boshiga “ko‘ki”dan bir million tikkan Odam bolalari, ikki million tikkan shaytonlar olami og‘zini shundoq ochib qolsinki, naqd oxiratgacha yopisha olmasin. U o‘z Odamshayton saltanatini shu yerga quradi.

## JUMBOQNING UCHI TOPILDI

*(Yoki Shaytonvachchaning qanday qilib ming qo‘yli boy bo‘lib qolgani)*

Shaytonvachcha shularni o‘ylab, atrofni xushhol kuzatar ekan, Ortiqboy unga gap qotdi:

– Ko‘ngil ko‘changizdan nimalar o‘tyapti, mehmon?

– Odamlar nimaga bu joylarni tashlab ketishdi ekan, shular haqida o‘ylayapman? Bebaho, jannati joylar ekan, esiz...

– Yashang, umringizdan baraka toping, menga o‘ykash, tarafkash topilganidan boshim osmonga yetdi. Menam nuqul shularni o‘ylardim. Ayting-chi, odamlarni bu joylarga qaytarib bo‘larmikan, nima deysiz?

– Buning uchun tashlab ketishganining sababini bilish kerak, balki siz bilarsiz, aniq bo‘lmasa ham taxminlaringiz bordir?

– Taxminlarim ko‘p, – dedi Ortiqboy olislarga tiki-lib, – bilasizmi, mehmon, oldiniga bog‘larni birdaniga sovuq urgan, keyin ekinzorlarni chigirtka bosgan, ana undan keyin dovul turib, qumlar bostirib kelgan, ana shunaqa...

– Xo‘p, nimaga bunaqa bo‘lgan, hamma gap shunda?

– Биласизми, ўтмишда бунақа воқеалар кўп бўлган? Масалан, Нух пайғамбар даврларида дунёни сув босган. Ҳа, бир қарич ҳам қуруқ жой қолмаган. Юзга яқин одамгина жон сақлаб қолган. Бошқалари сувга ғарқ бўлган. Нимагаки, Нух пайғамбар эллик йили кам минг йил умр кўрганлар. Минг йил-а, бу айтишга осон. Шунча йил давомида бор-йўғи юзга яқин одамни мусулмон қила олганлар. Улар ҳам ўзининг яқин кишилари бўлган. Охири Нух: “Бор Худо-ё, бу қайсар қавмни ер ютсин”, деб қарғаган. Қарғиш қабул бўлган, кейин дунёни сув босган. Шунақа ходисалар Шуайб, Солиҳ, Лут пайғамбарлар даврларида ҳам бўлган. Бир қавмни осмондан ёмғир ёғиб, қора кўмирга айлантириб қўйган. Бир қавмни шундоқ чинқириқ тутганки, турган жойларида ёғочдек қотиб қолган.

– Ана холос, “Гадоё топмас”да ҳам шунга ўхшаган бир нималар бўлган демоқчимисиз, меҳмон?

– Демоқчимасман, шунга ўхшаган нарса бўлгани аниқ, одамларнинг ёмон феъллари Худога ёқмаган.

– Сиз айтинг-чи, меҳмон, одамларнинг нимаси ёқмаган бўлиши мумкин?

– Ҳа, ҳамма гап шунда, ўшани топганимизда, “Гадоё топмас”ни қайтадан гуллатиб, яшнатворган бўлардик. Э... тўхтанг, тўхтанг, – бирдан калласи ишлаб кетди Шайтонваччанинг, – менга тўғриси айтинг, нечта қўйингиз бор?

– Мингта.

– Улардан закот тўлайсизми?

– У нима деганингиз, кимга, нимага тўлашим керак?

– Ҳа, мана тугуннинг учи ҳам топилди, қойил, – деди тантанали овозда Шайтонвачча, орқасидан ёш боладек чапак ҳам чалиб қўйди.

– Айтинг, ичим тошиб кетяпти, нимани топдингиз, меҳмон, а, нимани? – деди Ортиқбой кўзлари катта-катта очилиб.

– Ҳалидан бери иккаламиз қидираётган нарсани топдим...

– Buni Xudodan boshqa hech kim bilmaydi, mehmon.

– Bilasizmi, o‘tmishda bunaqa voqealar ko‘p bo‘lgan? Masalan, Nuh payg‘ambar davrlarida dunyoni suv bosgan. Ha, bir qarich ham quruq joy qolmagan. Yuzga yaqin odamgina jon saqlab qolgan. Boshqalari suvga g‘arq bo‘lgan. Nimagaki, Nuh payg‘ambar ellik yili kam ming yil umr ko‘rganlar. Ming yil-a, bu aytishga oson. Shuncha yil davomida bor-yo‘g‘i yuzga yaqin odamni musulmon qila olganlar. Ular ham o‘zining yaqin kishilari bo‘lgan. Oxiri Nuh: “Bor Xudo-yo, bu qaysar qavmni yer yutsin”, deb qarg‘agan. Qarg‘ish qabul bo‘lgan, keyin dunyoni suv bosgan. Shunaqa hodisalar Shuayb, Solih, Lut payg‘ambarlar davrlarida ham bo‘lgan. Bir qavmni osmondan yomg‘ir yog‘ib, qora ko‘mirga aylantirib qo‘ygan. Bir qavmni shundoq chinqiriq tutganki, turgan joylarida yog‘ochdek qotib qolgan.

– Ana xolos, “Gadoy topmas”da ham shunga o‘xshagan bir nimalar bo‘lgan demoqchimisiz, mehmon?

– Demoqchimasman, shunga o‘xshagan narsa bo‘lgani aniq, odamlarning yomon fe‘llari Xudoga yoqmagani.

– Siz ayting-chi, mehmon, odamlarning nimasi yoqmagani bo‘lishi mumkin?

– Ha, hamma gap shunda, o‘shani topganimizdami, “Gadoy topmas”ni qaytadan gullatib, yashnatvorgan bo‘lardik. E... to‘xtang, to‘xtang, – birdan kallasi ishlab ketdi Shaytonvachchaning, – menga to‘g‘risini ayting, nechta qo‘yingiz bor?

– Mingta.

– Ulardan zakot to‘laysizmi?

– U nima deganingiz, kimga, nimaga to‘lashim kerak?

– Ha, mana tugunning uchi ham topildi, qoyil, – dedi tantanali ovozda Shaytonvachcha, orqasidan yosh boladek chapak ham chalib qo‘ydi.

– Айтинг-да, ўшани менам билай...

– Яхшилаб эшитинг, Ортиқбой ака, шу десангиз... аждодларингиз ҳосилдор ерлар-у боғлардан аввало ушр, кейинига мол-қўй, хуллас, бойликларидан закот тўлашмаган. Шундан кейин Худойим таоло совуқ шамолларини, чигирткаларини, кум тўзонларини юборган. Қарабсизки, жаннатмакон жойлар “Гадой топмас”га айланиб қолган. Ана шунақа...

– Бундоқ тушунтириброк гапиринг-да, меҳмон “ушр” дейсиз, “закот” дейсиз, ўлай агар ҳеч нарсага тушунмаяпман, улар нима дегани? – деб тиззасига уриб, ичи қизиб, бир аҳволда ерга ўтириб қолди Ортиқбой. – Агарда, аждодларимиз қилган хатоларни топган бўлсангиз, ўшани етса молим, етмаса жоним билан тўлашга ҳам тайёрман, ха, ишонаверинг, бу – Ортиқбой йигит сўзим.

– Тушунтираман, нимага тушунтирмай, шундай тушунтирайки... мана, қаранг, сизнинг мингта қўйингиз бор-а. Шу мингта қўйдан ҳар йили камида ўнта-сини закотга беришингиз керак эди.

– Кимга беришим керак ўшани?

– Бева-бечораларга, камбағалларга.

– Зап гапирдингиз-да, меҳмон, “Гадой топмас”да бева-бечора нима қилсин, ўзи учтагина қўшни яшаймиз, уларниям мингтадан қўйи бор, билсангиз.

– Шунақа-да, аждодларингизни ҳам бир вақтлар кўзини ёғ босиб, рўпарасида “Ҳақ дўст ё обло”, деб турган гадойни кўрмай қолгани аниқ.

Ортиқбой Шайтонваччанинг нимага шама қилаётганини тушуниб қолди ва ўтирган жойидан тура солиб, уни кечагидек кучиб, ялаб-юлқаб деди:

– Ўнта қўй сиздан айлансин.

– Шошилманг, – деди Шайтонваччанинг нафси ҳакалак отиб, – неча йилдан бери қўй боқасиз?

– Хў-ў-ш... катта қизим ўн еттига тўлган б-ў-ў-са... ропна-роса йигирма йил бўпти, меҳмон, вох, йигирма йил-а, битта йигитнинг умри. Ота-буваларимизнинг жойини обод қиламан деб келган эдим, ўшандан бери

– Ayting, ichim toshib ketyapti, nimani topdingiz, mehmon, a, nimani? – dedi Ortiqboy ko‘zlari katta-katta ochilib.

– Halidan beri ikkalamiz qidirayotgan narsani topdim...

– Ayting-da, o‘shani menam bilay...

– Yaxshilab eshiting, Ortiqboy aka, shu desangiz... ajdodlaringiz hosildor yerlar-u, bog‘lardan avvalo ushr, keyiniga mol-qo‘y, xullas, boylıklaridan zakot to‘lashmagan. Shundan keyin Xudoyim taolo sovuq shamollarini, chigirtkalarini, qum to‘zonlarini yuborgan. Qarabsizki jannatmakon joylar “Gadoy topmas”ga aylanib qolgan. Ana shunaqa...

– Bundoq tushuntiribroq gapiring-da, mehmon “ushr” deysiz, “zakot” deysiz, o‘lay agar hech narsaga tushunmayapman, ular nima degani? – deb tizzasiga urib, ichi qizib bir ahvolda yerga o‘tirib qoldi Ortiqboy. – Agarda, ajdodlarimiz qilgan xatolarni topgan bo‘lsangiz, o‘shani yetsa molim, yetmasa jonim bilan to‘lashga ham tayyorman, ha, ishonavering, bu – Ortiqboy yigit so‘zim.

– Tushuntiraman, nimaga tushuntirmay, shunday tushuntirayki... mana, qarang, sizning mingta qo‘yingiz bor-a. Shu mingta qo‘ydan har yili kamida o‘ntasini zakotga berishingiz kerak edi.

– Kimga berishim kerak o‘shani?

– Beva-bechoralarga, kambag‘allarga.

– Zap gapirdingiz-da, mehmon, “Gadoy topmas”da beva-bechora nima qilsin, o‘zi uchtagina qo‘shni yashaymiz, ularniyam mingtadan qo‘yi bor, bilsangiz.

– Shunaqa-da, ajdodlaringizni ham bir vaqtlar ko‘zini yog‘ bosib, ro‘parasida “Haq do‘st yo oblo”, deb turgan gadoyni ko‘rmay qolgani aniq.

Ortiqboy Shaytonvachchani nimaga shama qilayotganini tushunib qoldi va o‘tirgan joyidan tura solib, uni kechagidek quchib, yalab-yulqab dedi:

– O‘nta qo‘y sizdan aylansin.







битта дарахт ҳам кўкартира олмадим, экаман, кўкармайди.

Шайтонваччанинг хаёли кеча қўлига сув куйган момақаймоққа кетди. Лекин дарровда хаёлини йиғиб олди. Одам болаларининг кўпчилиги шахвоний нафсидан илинади. Нафсингга эрк берма, сен Одамшайтонсан.

– Энди ўнта қўйни йигирма йилга кўпайтирингчи, қанча бўларкин?

– Икки... ю-ю-эта... нима? Ортиқбойнинг ранги ўчиб, бирдан ияги тушиб кетди.

– Шунақа-да, – деди Шайтонвачча афсус билан, – закот дегани покланиш дегани, ҳа, бу икки челак сувни тоғорага солиб чўмилиш эмас, мана бу ерни, – деб кўкрагини кўрсатди у, – закот, аввало, мана бу ерни ғилли-ғашлардан, хасислик балосидан покланди. Аслида бу гапларни сизга айтмасам бўларакан. “Гадой топмас” гуллаб-яшнасин, аждодларимнинг хатосини етса молим, етмаса жоним билан юваман, деб куйиб-пишганингизга айтган эдим. Энди шарти шу – ҳукм айтилди, амал қиласизми, йўқми бу сизнинг ишингиз. Аммо билгандан кейин амал қилинмаса оқибати ёмон бўлади-я. Борингиздан ҳам ажраб қоласиз.

– Шу пайтгача тўламасак ҳам ҳеч нарса бўмай келаётувди-ку, меҳмон? – зўрға тили айланди Ортиқбойнинг.

– Ҳеч нарса бўмаганими бу? Агарда закотини ҳар йили бериб турганингизда қўйларингиз мингта эмас, миллионта бўлиб кетган бўларди. Ҳа, санаб саноғига етолмай қолардингиз. Биласизми, Худо ҳазрати Пайғамбаримизга нима деган: “Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклaysан, тозалайсан”, – деган.

– Нима қил дейсиз? – деб минғирлади Ортиқбой, – қўйларимни битта ориқ, битта семиз қилиб ажратиб берайми?

– Ҳа, й-ўқ... Бу борада ҳам Худойим таолонинг айтганлари бор. “Ўзингиз суйган нарсадан нафақа

– Shoshilmang, – dedi Shaytonvachchanning nafsi hakalok otib, – necha yildan beri qo‘y boqasiz?

– Xo‘-o‘-sh... katta qizim o‘n yettiga to‘lgan b-o‘-o‘-sa... roppa-rosa yigirma yil bo‘pti, mehmon, voh, yigirma yil-a, bitta yigitning umri. Ota-buvalarimizning joyini obod qilaman deb kelgan edim, o‘shandan beri bitta daraxt ham ko‘kartira olmadim, ekaman, ko‘karmaydi.

Shaytonvachchanning xayoli kecha qo‘liga suv quygan momaqaymoqqa ketdi. Lekin darrovda xayolini yig‘ib oldi. Odam bolalarining ko‘pchiligi shahvoniy nafsidan ilinadi. Nafsingga erk berma, sen Odamshaytonsan.

– Endi o‘nta qo‘yni yigirma yilga ko‘paytiring-chi, qancha bo‘larkin?

– Ikki... yu-yu-zta... nima? Ortiqboyning rangi o‘chib, birdan iyagi tushib ketdi.

– Shunaqa-da, – dedi Shaytonvachcha afsus bilan, – zakot degani poklanish degani, ha, bu ikki chelak suvni tog‘oraga solib cho‘milish emas, mana bu yerni, – deb ko‘kragini ko‘rsatdi u, – zakot avvalo mana bu yerni g‘illi-g‘ashlardan, xasislik balosidan poklaydi. Aslida bu gaplarni sizga aytmasam bo‘larakan. “Gadoy topmas” gullab-yashnasin, ajdodlarimning xatosini yetsa molim, yetmasa jonim bilan yuvaman deb kuyib-pishganingizga aytgan edim. Endi sharti shu – hukm aytildi, amal qilasizmi, yo‘qmi bu sizning ishingiz. Ammo bilgandan keyin amal qilinmasa oqibati yomon bo‘ladi-ya. Boringizdan ham ajrab qolasiz.

– Shu paytgacha to‘lmasak ham hech narsa bo‘may kelayotuvdi-ku, mehmon? – zo‘rg‘a tili aylandi Ortiqboyning.

– Hech narsa bo‘maganimi bu? Agarda zakotini har yili berib turganingizda qo‘ylaringiz mingta emas, millionta bo‘lib ketgan bo‘lardi. Ha, sanab sanog‘iga yetolmay qolardingiz. Bilasizmi, Xudo hazrati Payg‘ambarimizga nima degan: “Mollaridan sadaqa ol. Bu bilan ularni poklaysan, tozalaysan”, – degan.

қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмай-сиз”, деган, ана шунақа. Шунга ўзингиз яхши кўрган кўчқорнинг бўрдоқисидан, совлиқнинг эгизак туғадиганидан ажратасиз. Худо йўлида арзон нарсалар қабул қилинмайди, асл, зўр нарсалар қабул қилинади.

– Қўшниларим-чи, уларам берадимми?

– Яхши савол, уларга мен айтганларни етказиб кўринг-чи, нима дейишар экан, йўлимизга юришса юрди, юришмаса ўзларидан кўрсин. Бизнинг вазифамиз бандаларига етказиб қўйиш.

Шайтонвачча қўшниларнинг “йўқ” дейишларини, устига-устак Ортиқбойнинг устидан кулишларини ҳам биларди. Шунинг учун уларга қарши бир режа ҳам ўйлаб қўйди.

## ТУНГИ ЙЎҚЛОВ

*(Ёки Одамбой билан Собирбойнинг Шайтоваччанинг оёғига йиқилиб тавба қилганлари)*

Шайтонвачча ўзига берилган йигирма йиллик закотни, подадан ажратмади-ю, белгили қилиб, қўйларнинг пешанасига қизил бўёқ суртиб қўйди. Одамбой билан Собирбой Ортиқбойнинг устидан роса кулишди. Аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солишди. Шайтонваччани учига чиққан фирибгарга чиқаришди. Мехмонни иззати уч кун, ҳайдаб юбор, қум саҳроларида эчкемарларга ем бўлсин, дейишди. Ҳа, атайлаб Шайтонваччага эшиттириб шундай дейишди. Ортиқбой нима қилишини билмай, тумсайиб олди. Мол аччиғи, жон аччиғи-да. Шайтонвачча Ортиқбойнинг ҳайдаб солишини кутиб ўтирмади. Учиб тушган парашютдан бир яхши ўтов ясаб, ўша ёққа кўчиб ўтди. Бир ҳисобда яхши бўлди. Бошидаги гадоёй ниқобини ечиб, сал бўлсаям бемалол ухлаши, мириқиб дам олиши мумкин. Ортиқбойнинг қўшнилариغا қарши ўйлаб қўйган режасини бемалол ишга солади. Уларни бир тавбасига таянтирсин.

– Nima qil deysiz? – deb ming‘irladi Ortiqboy, – qo‘ylarimni bitta oriqlik, bitta semiz qilib ajratib beraymi?

– Ha, y-o‘q... Bu borada ham Xudoyim taoloning aytganlari bor. “O‘zingiz suygan narsadan nafaqa qilmaguningizcha, hargiz yaxshilikka erisha olmaysiz”, degan, ana shunaqa. Shunga o‘zingiz yaxshi ko‘rgan qo‘chqorning bo‘rdoqisidan, sovligning egizak tugg‘adiganidan ajratasiz. Xudo yo‘lida arzon narsalar qabul qilinmaydi, asl, zo‘r narsalar qabul qilinadi.

– Qo‘shnilarim-chi, ularam beradimi?

– Yaxshi savol, ularga men aytganlarni yetkazib ko‘ring-chi, nima deyishar ekan, yo‘limizga yurishsa yurdi, yurishmasa o‘zlaridan ko‘rsin. Bizning vazifamiz bandalariga yetkazib qo‘yish.

Shaytonvachcha qo‘shnilarning “yo‘q” deyishlarini, ustiga-ustak Ortiqboyning ustidan kulishlarini ham bilardi. Shuning uchun ularga qarshi bir reja ham o‘ylab qo‘ydi.

## TUNGI YO‘QLOV

*(Yoki Odamboy bilan Sobirboyning Shaytonvachchaning oyog‘iga yiqilib tavba qilganlari)*

Shaytonvachcha o‘ziga berilgan yigirma yillik zakotni, podadan ajratmadi-yu, belgili qilib, qo‘ylarning peshanasiga qizil bo‘yoq surtib qo‘ydi. Odamboy bilan Sobirboy Ortiqboyning ustidan rosa kulishdi. Ahmoqdan olib, ahmoqqa solishdi. Shaytonvachchani uchiga chiqqan firibgarga chiqarishdi. Mehmomni izzati uch kun, haydab yubor, qum sahrolarida echkemarlarga yem bo‘lsin, deyishdi. Ha, ataylab Shaytonvachchaga eshittirib shunday deyishdi. Ortiqboy nima qilishini bilmay, tumsayib oldi. Mol achchig‘i, jon achchig‘i-da. Shaytonvachcha Ortiqboyning haydab solishini kutib o‘tirmadi. Uchib tushgan parashutdan bir yaxshi o‘tov yasab, o‘sha yoqqa ko‘chib o‘tdi. Bir hisobda yaxshi bo‘ldi. Boshidagi gadoy niqobini yechib, sal bo‘lsayam bemalol uxlashi, miriqib dam olishi mum-

Шайтонвачча Ажинашамолни чақириб, нималар қилиш кераклигини унга уқтирди.

Эрта тонг Шайтонвачча Ортиқбой билан ўзининг янги кулбасида бомдодни ўқиб турган эди, бирдан дод-вой бўлиб қолди-ю. Иккала қўшни Шайтонваччанинг ўтовига кириб келиб, унинг оёғига ўзларини таппа-таппа ташлади. Ортиқбой хайрон. Нима гап? Нима бўлди? Тинчликми? Шайтонвачча нима бўлганини яхши биларди, шунинг учун уларга қайрилиб ҳам қарамади. Ажинашамол тунда қўйларнинг кўраси билан уларнинг ўтовини қўшиб кўтариб кетган эди. Ажинашамолга қўйларга тега кўрма, уларда мени ҳаққим бор, деган эди. Ахир, улардан ҳам закот олиши керак-да.

– Жон Гадойбой ака, бир тавбадан минг тавба қилдик, гуноҳимиздан ўтинг, – ҳиқиллади ароқхўрлар. Шайтонвачча уларга жиркангандек қараб:

– Худога тавба қилинг, мен ким бўпман? – деди.

– Худогаям тавба қиламиз, сизгаям, майли урасизми, сўкасизми, нима қилсангиз қилинг, фақат кўраларимизни, ўтовларимизни қайтариб беринг. Ортиқбой икковингиз бизни тўғри йўлга бошлаган экансиз, билмабмиз. Ортиқбой сенам бизни кечир, сен орамиздаги энг каллалигимизсан, бориб турган каллава-рам биз бўламиз.

– Жон Гадойбой жаноблари, раҳмингиз келсин, ўзимиз ҳам, қўйларимиз ҳам кўчада қолдик, бир иложини қилинг.

– Йўқ, – деди Шайтонвачча қатъий, – мен Худонинг ишига аралаша олмайман. Сизларни огоҳлантирдик, сизлар бўлса бизни аҳмоққа, фирибгарга чиқардингиз, энди ўзингиздан кўринг. Бало олдинига молингизга уради, энди навбат бола-чақангизга...

– Хўп, ҳар биримиз икки юзтадан “дўлянгизни” берамиз, илтимос, бир иложини қилинг.

– Э, у менинг “дўляммас”, Худоники...

kin. Ortiqboyning qo'shnilariga qarshi o'ylab qo'ygan rejasini bemalol ishga soladi. Ularni bir tavbasiga tayantirsin. Shaytonvachcha Ajinashamolni chaqirib, nimalar qilish kerakligini unga uqtirdi.

Erta tong Shaytonvachcha Ortiqboy bilan o'zining yangi kulhasida bomdodni o'qib turgan edi, birdan dod-voy bo'lib qoldi-yu. Ikkala qo'shni Shaytonvachchaning o'toviga kirib kelib, uning oyog'iga o'zlarini tappa-tappa tashladi. Ortiqboy hayron. Nima gap? Nima bo'ldi? Tinchlikmi? Shaytonvachcha nima bo'lganini yaxshi bilardi, shuning uchun ularga qayrilib ham qaramadi. Ajinashamol tunda qo'ylarning qo'rasi bilan ularning o'tovini qo'shib ko'tarib ketgan edi. Ajinashamolga qo'ylarga tega ko'rma, ularda meni haqqim bor, degan edi. Axir, ulardan ham zakot olishi kerak-da.

– Jon Gadoyboy aka, bir tavbadan ming tavba qildik, gunohimizdan o'ting, – hiqilladi aroqxo'rlar. Shaytonvachcha ularga jirkangandek qarab:

– Xudoga tavba qiling, men kim bo'pman? – dedi.

– Xudogayam tavba qilamiz, sizgayam, mayli urasizmi, so'kasizmi, nima qilsangiz qiling, faqat qo'ralarimizni, o'tovlarimizni qaytarib bering. Ortiqboy ikkovingiz bizni to'g'ri yo'lga boshlagan ekansiz, bilmabmiz. Ortiqboy senam bizni kechir, sen oramizdagi eng kallaligimizsan, borib turgan kallavaram biz bo'lamiz.

– Jon Gadoyboy janoblari, rahmingiz kelsin, o'zimiz ham, qo'ylarimiz ham ko'chada qoldik, bir ilojini qiling.

– Yo'q, – dedi Shaytonvachcha qat'iy, – men Xudoning ishiga aralasha olmayman. Sizlarni ogohlantirdik, sizlar bo'lsa bizni ahmoqqa, firibgarga chiqardingiz, endi o'zingizdan ko'ring. Balo oldiniga molingizga uradi, endi navbat bola-chaqangizga...

– Xo'p, har birimiz ikki yuztadan “do'lyangizni” beramiz, iltimos bir ilojini qiling.

– E, u mening “do'lyammas”, Xudoniki...

## БОШ ҲОМИЙ

*(Ёки Шайтонваччага Стриптизчининг қўнғироқ қилгани)*

Шайтонваччанинг ишлари ғалати ўзи. Бир орқага кетса шунақанги орқага кетадики, нақ ерга кириб кетай дейди. Бир олдинга босса шунақанги юришиб кетадики, нақ осмону фалакка етай дейди. Келган кунлари унинг соясига Ортиқбойгина қўрпача соларди, энди бўлса Одамбой билан Собирбой ҳам қуллуқ қиладиган бўлиб қолишди. Шайтонваччанинг пешанасига кизил суртилган қўйлари сони олти юзтага етди. Аммо даштга сочилиб кетган қўралару ўтовлар учун Ажинашамолни овора қилиб ўтирмади. Ароқхўрлар миждозларига қўнғироқ қилиб: “Биз кўчада қолиб кетдик, ўтовимизни дайди шамол кўтариб кетди, “Гадой топмас”дан кетамиз”, хаб дорисиз, хонбалиқ тухумисиз қоласиз”, деб уларни кўрқитди. Қайдандир вертолёт вариллаб ўтов келтирди, яна алламбало антенналарни эскисининг ўрнига ўрнатиб кетишди. Буларни кўриб Шайтонваччанинг юраги “шиғ” этди. Ишқилиб янги антенна деганлари “108-канал”ни кўрсатмасин-да. Эскиси олмаятувди. Шайтонвачча бу канални кўрмай ҳам, куймай ҳам тинчгина юрган эди. Ажинашамолга эски антеннага тега кўрма деса бўларкан?

Шундай кунларнинг бирида Дадамирзанинг амакиваччаси – Стриптизчи қўнғироқ қилиб қолса бўладими? Айтишича, Дадамирзанинг пачағи чиқибди. Бошқа сайёраликларга сохта хужжат қилиб берадиган сен бўлдингми, сотқин, хоин, деб қамоққа тикворишибди. Ажаб бўпти, бу кунидан баттар бўлсин? Қилмиш – кидирмиш.

– Эркак кишининг сўзи битта бўлади, Шайтон жаноблари, – деди Стриптизчи шанғиллаб, – келишганимиздек ёмбилар энди сизники, қачон ўз қўллари билан олиб кетадилар?

– Камина бугунги ишни эртага қўймайдиган-

## BOSH HOMIY

*(Yoki Shaytonvachchaga Striptizchining qo'ng'iroq qilgani)*

Shaytonvachchanning ishlari g'alati o'zi. Bir orqaga ketsa shunaqangi orqaga ketadiki, naq yerga kirib ketay deydi. Bir oldinga bossa shunaqangi yurishib ketadiki, naq osmon-u falakka yetay deydi. Kelgan kunlari uning soyasiga Ortiqboygina ko'rpacha solardi, endi bo'lsa Odamboy bilan Sobirboy ham qulluq qiladigan bo'lib qolishdi. Shaytonvachchanning peshanasiga qizil surtilgan qo'ylari soni olti yuztaga yetdi. Ammo dashtga sochilib ketgan qo'ralar-u o'tovlar uchun Ajinashamolni ovora qilib o'tirmadi. Aroqxo'rlar mijozlariga qo'ng'iroq qilib: "Biz ko'chada qolib ketdik, o'tovimizni daydi shamol ko'tarib ketdi, "Gadoy topmas"dan ketamiz", hab dorisiz, xonbaliq tuxumisiz qolasiz", deb ularni qo'rqitdi. Qaydandir vertolyot varillab o'tov keltirdi, yana allambalo antennalarni eskisining o'rniga o'rnatib ketishdi. Bularni ko'rib Shaytonvachchanning yuragi "shig'" etdi. Ishqilib yangi antenna deganlari "108-kanal"ni ko'rsatmasin-da. Eskisi olmayatuvdi. Shaytonvachcha bu kanalni ko'rmay ham kuymay ham tinchgina yurgan edi. Ajinashamolga eski antennaga tega ko'rma desa bo'larkan?

Shunday kunlarning birida Dadamirzaning amakivachchasi – Striptizchi qo'ng'iroq qilib qolsa bo'ladimi? Aytishicha, Dadamirzaning pachag'i chiqibdi. Boshqa sayyoraliklarga soxta hujjat qilib beradigan sen bo'ldingmi, sotqin, xoin, deb qamoqqa tiqvorishibdi. Ajab bo'пти, bu kунidan battar bo'lsin? Qilmish – qidirmish.

– Erkak kishining so'zi bitta bo'ladi, Shayton janoblari, – dedi Striptizchi shang'illab, – kelishganimizdek yombilar endi sizniki, qachon o'z qo'llari bilan olib ketadilar?

– Kamina bugungi ishni ertaga qo'ymaydiganlardan.



лардан. Дарчани очиб, ёмбиларни дераза тоқчасига чиройли қилиб териб қўйинг-да, ўзингизни сал четга олиб туринг, фақат ҳамма иш бехит бўлсин, Дадамирзага ўхшаб “108-канал”нинг рекламасига учиб, ўзингизга жабр қилиб юрманг тагин, келишдикми?

– Келишдик.

Шайтонвачча Ажинашамолни чақириб, унга ёмби топшириғини берди.

– Ёмбиларни нима қилай, холам?

– Гадой топмас бирон-бир жойга беркитиб қўй.

– Унда шу ёққа обкеларканман-да?

– Йў-ўк... бошқа гадой топмасга беркит.

– Хўп бўлади, холам, “Гадой топмас”дан кўпи бораканми, бу дунёда.

Шайтонвачча қумларни йўқотиб, ер бетини очиш ҳақида Ажинашамолга айтган эди. У бу топшириқни бажариш учун бир йил эмас, икки йил эмас, етмиш икки йил керак бўлади, деди. Воҳ... етмиш икки йил-а, унгача ким бор-у ким йўк... Шундан кейин Шайтонваччанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, амалга ошироқчи бўлган режалари (режаларки, уларни фақат Шайтонваччанинг ўзи билади, бошқа ким ҳам билиши мумкин) чиппаққа чиқиб, боши қот-и-и-б юрган эди, Стриптизчи яна кўнғирок қилиб қолди.

– Нима гап, тинчликми? – ёмбилардан хавотирга тушди Шайтонвачча.

– Қойилман, Шайтон жаноблари, қойилман, шунча ёмби битти кафтингизда йўқ бўлиб кетди-я, воҳ, воҳ...

Шайтонвачча Ажинашамолнинг қўлини кўз олдига келтирди. Нақ экскаваторнинг чўмичи-да ўзиям.

– Қўлимми кўрибсиз, энди ўзиммиям кўроқчи-сиз шекилли?

– Йў-йў-ў, – шошиб қолди Стриптизчи, – телефонда гаплашиб турганимизнинг ўзи етади.

– Унда, мақсадга ўтинг, вақтим зик!

– Шу... – деб чайналди Стриптизчи, – каминани канотингизга олсангиз.

Darchani ochib, yombilarni deraza tokchasiga chiroyli qilib terib qo‘ying-da, o‘zingizni sal chetga olib turing, faqat hamma ish bexit bo‘lsin, Dadamirzaga o‘xshab “108-kanal”ning reklamasiga uchib, o‘zingizga jabr qilib yurmang tag‘in, kelishdikmi?

– Kelishdik.

Shaytonvachcha Ajinashamolni chaqirib, unga yombi topshirig‘ini berdi.

– Yombilarni nima qilay, xojam?

– “Gadoy topmas” biron-bir joyga berkitib qo‘y.

– Unda shu yoqqa obkelarkanman-da?

– Yo‘-o‘q... boshqa gadoy topmasga berkit.

– Xo‘p bo‘ladi, xojam, “Gadoy topmas”dan ko‘pi borakanmi, bu dunyoda.

Shaytonvachcha qumlarni yo‘qotib, yer betini ochish haqida Ajinashamolga aytgan edi. U bu topshiriqni bajarish uchun bir yil emas, ikki yil emas, yetmish ikki yil kerak bo‘ladi, dedi. Voh... yetmish ikki yil-a, ungacha kim bor-u kim yo‘q... Shundan keyin Shaytonvachchanning tarvuzi qo‘ltig‘idan tushib, amalga oshirmoqchi bo‘lgan rejalari (rejalarki, ularni faqat Shaytonvachchanning o‘zi biladi, boshqa kim ham bilishi mumkin) chippakka chiqib, boshi qot-i-i-b yurgan edi, Striptizchi yana qo‘ng‘iroq qilib qoldi.

– Nima gap, tinchlikmi? – yombilardan xavotirga tushdi Shaytonvachcha.

– Qoyilman, Shayton janoblari, qoyilman, shuncha yombi bitti kaftingizda yo‘q bo‘lib ketdi-ya, voh, voh...

Shaytonvachcha Ajinashamolning qo‘lini ko‘z oldiga keltirdi. Naq ekskavatorning cho‘michi-da o‘ziyam.

– Qo‘limmi ko‘ribsiz, endi o‘zimmiyam ko‘rmoqchisiz shekilli?

– Yo‘-yo‘-o‘, – shoshib qoldi Striptizchi, – telefonda gaplashib turganimizning o‘zi yetadi.

– Unda, maqsadga o‘ting, vaqtim ziq!

– Shu... – deb chaynaldi Striptizchi, – kaminani qanotingizga olsangiz.

– Ха-ха-ха-а-а... – ўзини тўхтата олмай, маза қилиб кулди Шайтонвачча, – канотга дейсизми, канотим дўзахнинг ўзи-ку, ўйлаб гапиряпсизми?

– Жон қийналмаса жонона қайда, Шайтон жаноблари, бошга тушганни кўроврамиз-да, а, нима дедингиз?

– Гапнинг индаллосини айтганда шогирд тушмоқчиман, денг?

– Ўлманг, ичимдагини, топдингиз.

– Ҳай-ҳай, жуда астойдилга ўхшайдилар-ку? Ниятлари муборак бўлсин. Лекин айтиб қўяй, биззи олам нак қиморхонанинг ўзи-я, бир кун ютсангиз, бир кун ютқизасиз.

– Э, сизларда инсоф боракан-у, бизда чаток, ҳар куни ютқизиш...

– Яна бир шартни қабул қиладилар, унда?

– Бош устига, айтаверсинлар.

– Биззи оламга фақат ибодатдаги пок одамлар қўйилади.

– А?

– Шунақа...

– Ибодат деб, намозни айтяпсизми? – ҳайрон бўлди Стриптизчи.

– Нима, сизларда ибодатнинг бошқачасиям борми?

– Ҳа, йўғ-а... бу масалада хотирингиз жам бўлсин, мен намоз ўқимасам ҳам шаҳарнинг энг манаман деган, зўр имом-домлалари билан ҳамтовоқман.

– Яхши, кўнғироқ қилиб туринг, сизбоб иш топилиши билан айтаман.

## КАТТА РЕЖАЛАР ИШГА ТУШМОҚЧИ

*(Ёки Шайтонваччанинг ишлари янаям юришиб кета бошлагани)*

Биласиз, Шайтонвачча ҳамиша Одам болаларини нафсидан илинтириб, сопини ўзидан чиқариб юради. Бу борада у кўпинча Одам болаларининг оғзидан чиқ-

– Xa-xa-xa-a-a... – o‘zini to‘xtata olmay, maza qilib kuldi Shaytonvachcha, – qanotga deysizmi, qanotim do‘zaxning o‘zi-ku, o‘ylab gapiryapsizmi?

– Jon qiynalmasa jonona qayda, Shayton janoblari, boshga tushganni ko‘rovramiz-da, a, nima dedingiz?

– Gapning indallosini aytganda shogird tushmoqchiman, deng?

– O‘lmang, ichimdagini, topdingiz.

– Hay-hay, juda astoydilga o‘xshaydilar-ku? Niyatlari muborak bo‘lsin. Lekin aytib qo‘yay, bizzi olam naqd qimorxonaning o‘zi-ya, bir kun yutsangiz, bir kun yutqizasiz.

– E, sizlarda insof borakan-u, bizda chatoq, har kuni yutqizish...

– Yana bir shartni qabul qiladilar, unda?

– Bosh ustiga, aytaversinlar.

– Bizzi olamga faqat ibodatdagi pok odamlar qo‘yiladi.

– A?

– Shunaqa...

– Ibodat deb, namozni aytyapsizmi? – hayron bo‘ldi Striptizchi.

– Nima, sizlarda ibodatning boshqachasiyam bormi?

– Ha, yo‘g‘-a... bu masalada xotiringiz jam bo‘lsin, men namoz o‘qimasam ham shaharning eng manaman degan, zo‘r imom-domlari bilan hamtovoqman.

– Yaxshi, qo‘ng‘iroq qilib turing, sizbob ish topilishi bilan aytaman.

## **KATTA REJALAR ISHGA TUSHMOQCHI**

*(Yoki Shaytonvachchaning ishlari yanayam yurishib keta boshlagani)*

Bilasiz, Shaytonvachcha hamisha Odam bolalarini nafsidan ilintirib, sopini o‘zidan chiqarib yuradi. Bu borada u ko‘pincha Odam bolalarining og‘zidan chiqqan so‘ziga e‘tibor qiladi. Alqissa, qadim-qadimdan

қан сўзига эътибор қилади. Алқисса, қадим-қадимдан ўзи шунака бўлиб келган. Масалан, пайғамбар Яъқуб алайҳиссаломнинг ота бир, она бошқа ўғиллари бўларди. Яъқуб алайҳиссалом кенжатоғи Юсуфни бошқаларидан кўра кўпроқ яхши кўрардилар. Ҳа, еру кўкка ишонмасдилар. Доимо ёнларида олиб юрардилар. Бу Юсуфнинг ўғай акаларига ёқмасди. Юсуфни ўйнатгани олиб бориб, ўлдириб юбориш режасини тузидилар. Шунда Яъқуб алайҳиссалом: “Сизлар ўйин билан овора бўлиб кетганингизда Юсуфни бўри еб кетишидан қўрқаман”, деб унамайдилар. Ўғай акалар “Ундай бўлмайди, Юсуф ўз укамиз-ку ахир, уни бўрига едириб қўярмидик”, деб ахийри отасини кўндирадилар. Оқибат Юсуфни қудуққа ташлаб, қўйлагини қонга белаб: “Эй ота, биз ёшлиқ қилибмиз, гапингга кирсак бўларкан, сен айтганингдек бўлди, биз ўйинга берилиб кетиб, ғофил қолибмиз, Юсуфни бўри еб кетибди”, деб ёлғоннинг сопини отанинг сўзларидан чиқарадилар. Албатта, шайтон уларга ўргатган бўлади. Шайтонвачча Стриптизчининг нимага унга шогирд тушмоқчилигини тушунди. Нафси шаҳардаги олди-бердиларга қоникмаяпти. Каттароқ ва янада наҳангини хоҳлаяпти. Шуларни ўйлай туриб, бирдан Шайтонваччанинг калласи ишлаб кетди. Ахир унинг иккита калласи бор-да. Бири ишламаса, бири ишлайди. Шошиб Ажинашамолнинг кодини терди.

– Эшитаман, хожа.

– Узр, сени кейинги пайтларда кўп безовта қилиб қўйяпман, – деб унга пахта қўйган бўлди.

– Буюрсинлар, хизматлари бош устига.

– Ёмбиларни тегирмонингда майдалаб, “Гадой топмас”га сочиб юбор, хўпми?

– Воҳ, шунча ёмбини-я, увол-ку, хожа?

– Айтганимни қил, Одам болаларига ўхшаб, бойликка ўч бўлма, худди кўзингни ёғ босиб, тугдирган жинбаччаларингни ҳам танимай қоласан-а.

– Тавба қилдим.

Шайтонвачча эртасига қум барханларини айланиб юриб, хайратдан юраги ёрилай деди. Ахир тил-

o'zi shunaqa bo'lib kelgan. Masalan, payg'ambar Ya'qub alayhissalomning ota bir, ona boshqa o'g'illari bo'lardi. Ya'qub alayhissalom kenjatoyi Yusufni boshqalaridan ko'ra ko'proq yaxshi ko'rardilar. Ha, yer-u ko'kka ishonmasdilar. Doimo yonlarida olib yurardilar. Bu Yusufning o'gay akalariga yoqmasdi. Yusufni o'ynatgani olib borib, o'ldirib yuborish rejasini tuzadilar. Shunda Ya'qub alayhissalom: "Sizlar o'yin bilan ovora bo'lib ketganingizda Yusufni bo'ri yeb ketishidan qo'rqaman", deb unamaydilar. O'gay akalar "Unday bo'lmaydi, Yusuf o'z ukamiz-ku axir, uni bo'riga yedirib qo'yarmidik", deb axiyri otasini ko'ndiradilar. Oqibat Yusufni quduqqa tashlab, ko'ylagini qonga belab: "Ey ota, biz yoshlik qilibmiz, gapingga kirsak bo'larkan, sen aytganingdek bo'ldi, biz o'yinga berilib ketib, g'ofil qolibmiz, Yusufni bo'ri yeb ketibdi", deb yolg'onning sopini otaning so'zlaridan chiqaradilar. Albatta, shayton ularga o'rgatgan bo'ladi. Shaytonvachcha Striptizchining nimaga unga shogird tushmoqchiligini tushundi. Nafsi shahardagi oldi-berdilarga qoniqmayapti. Kattaroq va yanada nahangini xohlayapti. Shularni o'ylay turib, birdan Shaytonvachchaning kallasi ishlab ketdi. Axir uning ikkita kallasi bor-da. Biri ishlamasa, biri ishlaydi. Shoshib Ajinashamolning kodini terdi.

– Eshitaman, xojam.

– Uzr, seni keyingi paytlarda ko'p bezovta qilib qo'yyapman. – deb unga paxta qo'ygan bo'ldi.

– Buyursinlar, xizmatlari bosh ustiga.

– Yombilarni tegirmoningda maydalab, "Gadoy topmas"ga sohib yubor, xo'pmi?

– Voh, shuncha yombini-ya, uvol-ku, xojam?

– Aytganimni qil, Odam bolalariga o'xshab, boylikka o'ch bo'lma, xuddi ko'zingni yog' bosib, tug'dirgan jinbachchalarini ham tanimay qolasan-a.

– Tavba qildim.

Shaytonvachcha ertasiga qum barxanlarini aylanib yurib, hayratdan yuragi yorilay dedi. Axir tilla tog'lar

ла тоғлар ичига тушиб қолади-ю, янаям юраги қиндан чиқмасинми? Маҳоратингга балли Ажинашамол! Кўз олдида кўз илғамас олтинлар водийси ястаниб ётар, офтобда лов-лов қилиб, кўзни оларди. Ана энди Стриптизчига иш топилди. Шайтондан дарс олиш қанақа бўлишини бир кўриб қўйсин. Шу пайт ёнида Ортиқбой пайдо бўлиб қолиб, у ҳам хайратдан шайтонлаб қолай деди.

– Бу-бу... ни-ни-ма, Га-дой-бой жаноблари? – сўради тили зўрға калимага келиб.

– Буми, бу, – деб энтикди Шайтонвачча ҳам, – бу “Гадой топмас”нинг эртанги дориламон кунлари.

– Ажабо, нимага шунча пайтгача биз кўрмаганмиз-а, ахир бу кумларнинг турган-битгани олтин экан-ку, а, воҳ-воҳ...

– Худо кўрсатса кўрасиз-да, Ортиқбой ака, кўрсатмаса ниманиям кўрардингиз. Юрагингиз пок, яхши одамсиз, шунга Худойим сизга кўрсатиб қўйди-да. Энди кўрганимиз кўрган жойида қолсин, шамолламасин, анави верталётда келадиганларнинг қулоғига етмасин.

– Ажабо, наҳотки улар осмону фалакда юриб кўрмаган дейсиз?

– Айтдим-ку сизга, Худо хоҳлаганига кўрсатади, деб.

Шайтонвачча шундай деб Ажинашамолга буюриб, олтинлар юзини беркитишни кўнглига тугди. Ортиқбой эртасига келиб, кечаги манзарани кўра олмади. Гадойбойга бўлган меҳри минг чандон ошиб, уни хаёлида яна Хизр деб ўйлай бошлади.

## “108-КАНАЛ”ДАН САЛОМ

*(Ёки Шайтонваччанинг ишлари чаппасига кетишига бир баҳя қолгани)*

Ортиқбой анави ароқхўр қўшниларига намоз ўқишни ўргата бошлади. Шайтонвачча унга: “Қўшниларингиз ибодатга кирмагунча бу ерлар хали-бе-

ichiga tushib qoladi-yu, yanayam yuragi qinidan chiqmasinmi? Mahoratingga balli Ajinashamol! Ko‘z oldida ko‘z ilg‘amas oltinlar vodiysi yastanib yotar, oftobda lov-lov qilib, ko‘zni olardi. Ana endi Striptizchiga ish topildi. Shaytondan dars olish qanaqa bo‘lishini bir ko‘rib qo‘ysin. Shu payt yonida Ortiqboy paydo bo‘lib qolib, u ham hayratdan shaytonlab qolay dedi.

– Bu-bu... ni-ni-ma, Ga-doy-boy janoblari? – so‘radi tili zo‘rg‘a kalimaga kelib.

– Bumi, bu, – deb entikdi Shaytonvachcha ham, – bu “Gadoy topmas”ning ertangi dorilamon kunlari.

– Ajabo, nimaga shuncha paytgacha biz ko‘r-maganmiz-a, axir bu qumlarning turgan-bitgani oltin ekan-ku, a, voh-voh...

– Xudo ko‘rsatsa ko‘rasiz-da, Ortiqboy aka, ko‘rsatmasa nimaniam ko‘rardingiz. Yuragingiz pok, yaxshi odamsiz, shunga Xudoyim sizga ko‘rsatib qo‘ydi-da. Endi ko‘rganimiz ko‘rgan joyida qolsin, shamollamasin, anavi vertalyotda keladiganlarning qulog‘iga yetmasin.

– Ajabo, nahotki ular osmon-u falakda yurib ko‘rmagan deysiz?

– Aytdim-ku sizga, Xudo xohlaganiga ko‘rsatadi, deb.

Shaytonvachcha shunday deb Ajinashamolga buyurib, oltinlar yuzini berkitishni ko‘ngliga tugdi. Ortiqboy ertasiga kelib, kechagi manzarani ko‘ra olmadi. Gadoyboyga bo‘lgan mehri ming chandon oshib, uni xayolida yana Xizr deb o‘ylay boshladi.

## “108-KANAL”DAN SALOM

*(Yoki Shaytonvachchaning ishlari chappasiga ketishiga bir baxya qolgani)*

Ortiqboy anavi aroqxo‘r qo‘shnilariga namoz o‘qishni o‘rgata boshladi. Shaytonvachcha unga: “Qo‘shnilaringiz ibodatga kirmaguncha bu yerlar hali-beri obod



ри обод бўлмади”, – деб қўйган эди. Ўтов воқеасидан кейин қўшниларнинг понуги пасайиб, ўлганларининг кунидан Ортиқбойнинг орқасида ўтириб, туриб намоз ўқирди. Ахир ҳомийлари уларга ўтовни текинга обкелиб беришмади-да. Накд куртдек қилиб “кўки”дан санаб олишди. Улар Ортиқбойнинг ўтови билан қўрасини намоз ўқигани учун шамол учирмади, деб ўйлашди. Бу шайтоннинг иши эканини улар қаердан ҳам билсин. Аммо ароқхўрлар Ортиқбойга шарт қўйди: “Ичоврамизам, намозам ўқийверамизам”. “Нима қилай? – сўради Ортиқбой Шайтонваччадан. Шайтонвачча учун бу айни муддао-ку. “Айтганларини қилинг, мусулмончилик – аста-секинчилик”. Шайтонвачча бу икки ароқхўр билан ҳали кўп тўқнаш келишини билмас эди.

Шайтонвачча Ортиқбойни ишга солиб қўйиб, уни зимдан кузатарди. Улар кўпроқ Ортиқбойнинг ўтовида намоз ўқирдилар. Ўша куни Шайтонвачча ўз ўтовида Ортиқбой ҳады қилган эски телевизорни томоша қилиб ўтирарди. Бирдан экранда “108-канал” кўришиб қолди. Воҳ... Шу етмай турувди! Сочини “мальчишка” қилиб олган ўша бошловчи қиз. Шайтонвачча бир муддат дориламон кунларни ўтказган шахри азимни эслади. Шундоқ шаҳардан қўл силтаб кетишига шу қақажон сабаб бўлди-да. Уйгинаси куйса бўлмадимиз, шугинани. Қаёкка борса орқасидан соядек эргашади-я? Энди Шайтонвачча йўқ, нима деб одамларнинг қулоғига лағмон осяпти экан? У “108-канал”ни қанчалик ёмон кўрмасин, барибир унга эт билан тирноқдек бўлиб қолганини биларди. Айниқса, кейинги пайтларда. Ахир, Соқовхоним шу каналнинг назорати ва ҳимоясида-да. Зурриётининг тақдирини фақат шу канал орқали билиши мумкин. Шунгами, бу каналнинг “Гадоё топмас”да пайдо бўлишидан кўпам хафа бўлмади. Қайтага телевизор экранига сурилиброк ўтирди. Одатдаги ола-шовур роликлардан кейин қақажон тилга кирди.

bo‘lmaydi”, – deb qo‘ygan edi. O‘tov voqeasidan keyin qo‘shnilarning popugi pasayib, o‘lganlarining kundan Ortiqboyning orqasida o‘tirib, turib namoz o‘qirdi. Axir homiylari ularga o‘tovni tekinga obkelib berishmadi-da. Naqd qurtdek qilib “ko‘ki”dan sanab olishdi. Ular Ortiqboyning o‘tovi bilan qo‘rasini namoz o‘qigani uchun shamol uchirmadi, deb o‘ylashdi. Bu shaytonning ishi ekanini ular qayerdan ham bilsin. Ammo aroqxo‘rlar Ortiqboyga shart qo‘ydi: “Ichovramizam, namozam o‘qiyveramizam”. “Nima qilay? – so‘radi Ortiqboy Shaytonvachchadan. Shaytonvachcha uchun bu ayni muddao-ku. “Aytganlarini qiling, musulmonchilik – asta-sekinchilik”. Shaytonvachcha bu ikki aroqxo‘r bilan hali ko‘p to‘qnash kelishini bilmas edi.

Shaytonvachcha Ortiqboyni ishga solib qo‘yib, uni zimdan kuzatardi. Ular ko‘proq Ortiqboyning o‘tovida namoz o‘qirdilar. O‘sha kuni Shaytonvachcha o‘z o‘tovida Ortiqboy hadya qilgan eski televizorni tomosha qilib o‘tirardi. Birdan ekranda “108-kanal” ko‘rinib qoldi. Voh... Shu yetmay turuvdi! Sochini “malchishka” qilib olgan o‘sha boshlovchi qiz. Shaytonvachcha bir muddat dorilamon kunlarni o‘tkazgan shahri azimni esladi. Shundoq shahardan qo‘l siltab ketishiga shu qaqajon sabab bo‘ldi-da. Uyginasi kuysa bo‘lmaydimi, shuginani. Qayoqqa borsa orqasidan soyadek ergashadi-ya? Endi Shaytonvachcha yo‘q, nima deb odamlarning qulog‘iga lag‘mon osyapti ekan? U “108-kanal”ni qanchalik yomon ko‘rmasin, baribir unga et bilan tirnoqdek bo‘lib qolganini bilardi. Ayniqsa, keyingi paytlarda. Axir, Soqovxonim shu kanalning nazorati va himoyasida-da. Zurriyotining taqdirini faqat shu kanal orqali bilishi mumkin. Shungami, bu kanalning “Gadoy topmas”da paydo bo‘lishidan ko‘pam xafa bo‘lmadi. Qaytaga televizor ekraniga surilibroq o‘tirdi. Odatdagi ola-shovur roliklardan keyin qaqajon tilga kirdi.

– Ассалому алайкум каналимизнинг ашаддий ва абадий мухлислари...

Э, саломинг билан даф бўл, пешонаси тиришди Шайтонваччанинг. “Гадой топмас”ни ҳам топиб келдинг-а, сен искович. Ҳойнаҳой бу анави янги ўрнатилган антеннанинг иши. Ҳа, майли бир ёмоннинг бир яхшиси, ҳеч бўлмаса зурриёти ҳақида хабар топиб туради-ку. Қақажоннинг саломидан кейин орага олди-сотди билан боғлиқ рекламалар тушди. Рекламанинг кўплиги бу каналнинг томошабини кўплигини билдирарди. Рекламасини эса “Бошқа сайёралик” – Шайтонвачча ушлаб турарди. Аслида рекламадан тушган даромаднинг ярми Шайтонваччаники бўлиши керак. Ҳай майли, даромадни бўлишадиган кунлар ҳам келиб қолар. Қақажон тилга кирди:

– Хабарингиз бор, азизлар, – деди у сал хижолат чеккандек, – бошқа сайёралик яна думини тутқизмай кетди, ҳа, уни бу сафар ҳам кўлдан чиқардик. Аммо бу сафар жуда катта тайёргарлик кўрган эдик. Афсус... Бошқа сайёраликнинг макри олдида биз ерликлар ҳеч ким бўлмай қолдик. Учига чиққан фирибгар экан у. Ҳа! Айёрликда шайтонга дарс бераркан. Лекин бир кунмас, бир кун барибир биз кўйган тузоққа тушади. Ҳа, унга кўйилган чиройли, кўзга кўринмас тузоғимиз бор. Аввал айтганимиздек, унинг зурриёти, бир муштипар онанинг вужудида катта бўляпти. Бошқа сайёраликлар ҳам бизга ўхшаб болани яхши кўради, деган умиддамиз. Шундай бўлгач, зурриётига бефарқ бўлмайди, қандай бўлмасин уни олиб, эркалаб бағрига босишни хоҳлайди. Кўрибсизки, ўзининг боласи ўзига тузоқ бўлиб турибди-да, ҳа, ана шунақа гаплар. Соқовхоним энг малакали доялар ва қилни қирқ ёрадиган кўриқчилар назоратида хомиладорлик даврини чиройли қилиб бошидан кечирмоқда. Бола она қорнида дўмбиллаб-сўмбиллаб ўсяпти. Ҳатто вақтидан олдин дунё юзини кўриши ҳам мумкин. Бошқа сайёраликларнинг гени шунақа шошқалоқроқ бўлса керак-да...

– Assalomu alaykum kanalimizning ashaddiy va abadiy muxlislari...

E, saloming bilan daf bo‘l, peshonasi tirishdi Shaytonvachchaning. “Gadoy topmas”ni ham topib kelding-a, sen iskovich. Hoynahoy bu anavi yangi o‘rnatilgan antennaning ishi. Ha, mayli bir yomonning bir yaxshisi, hech bo‘lmasa zurriyoti haqida xabar topib turadi-ku. Qaqajonning salomidan keyin oraga oldi-sotdi bilan bog‘liq reklamalar tushdi. Reklamaning ko‘pligi bu kanalning tomoshabini ko‘pligini bildirardi. Reklamasini esa “Boshqa sayyoralik” – Shaytonvachcha ushlab turardi. Aslida reklamadan tushgan daromadning yarmi Shaytonvachchaniki bo‘lishi kerak. Hay mayli, daromadni bo‘lishadigan kunlar ham kelib qolar. Qaqajon tilga kirdi:

– Xabaringiz bor, azizlar, – dedi u sal xijolat chekkandek, – boshqa sayyoralik yana dumini tutqizmay ketdi, ha, uni bu safar ham qo‘ldan chiqardik. Ammo bu safar juda katta tayyorgarlik ko‘rgan edik. Afsus... Boshqa sayyoralikning makri oldida biz yerliklar hech kim bo‘lmay qoldik. Uchiga chiqqan firibgar ekan u. Ha! Ayyorlikda shaytonga dars berarkan. Lekin u bir kunmas, bir kun baribir biz qo‘ygan tuzoqqa tushadi. Ha, unga qo‘yilgan chiroyli, ko‘zga ko‘rinmas tuzog‘imiz bor. Avval aytganimizdek, uning zurriyoti bir mushtipar onaning vujudida katta bo‘lyapti. Boshqa sayyoraliklar ham bizga o‘xshab bolani yaxshi ko‘radi, degan umiddamiz. Shunday bo‘lgach, zurriyotiga befarq bo‘lmaydi, qanday bo‘lmasin uni olib, erkalab bag‘riga bosishni xohlaydi. Ko‘ribsizki, o‘zining bolasi o‘ziga tuzoq bo‘lib turibdi-da, ha, ana shunaqa gaplar. Soqovxonim eng malakali doyalar va qilni qirq yoradigan qo‘riqchilar nazoratida homiladorlik davrini chiroyli qilib boshidan kechirmoqda. Bola ona qornida do‘mbillab-so‘mbillab o‘syapti. Hatto vaqtidan oldin dunyo yuzini ko‘rishi ham mumkin. Boshqa sayyoraliklarning geni shunaqa shoshqaloqroq bo‘lsa kerak-da...

Қақажоннинг гап-сўзлари шу дақиқагача Шайтонваччага ёгдек ёқиб турди. Ахир Шайтонваччанинг олдида “108-канал” ўз ожизлигини тан олди, зурриёти ҳақида маълумотлар берди. Аммо канали тушмагур барибир қовун туширди. Бир сўқир гадойваччанинг қиёфасига кириб, қутулиб кетганини, унинг бошига тикилган бир миллион “кўки”ни ва каналнинг телефон рақамларигача эълон қилиб қўйди... Шайтонваччанинг калласига қони гуп этиб урди. Қўшни ўтовдагилар ҳам янги канални кўраётган бўлса-чи? Улар эндигина муросага келиб, Шайтонваччанинг соясига кўрпача сола бошлаган эдилар. Бу ёғи нима бўлади, энди?

Шайтонвачча ўтовидан чиқиб, секингина Ортиқбойнинг ўтовига яқинлашди. Вақт хуфтон бўлиб қолган эди. Сахро тинч. Осмонда юлдузлар милтирайди. Тунги аёзлар юмшаб, “Сопалакқўл” тарафда ниш ура бошлаган майсаларнинг бўйи ҳавода анқиб қолган... Ўтов ичидан ғалати бақириқ-чақириқлар эшитиларди. Овозлар сериалдаги овозга ўхшамасди. Шайтонваччанинг вужуди қулоққа айланиб, ўтовга яқинроқ борди.

– Ҳов, аҳмоқлар, телевизорда сўқир, кўзи кўр деди-ку, буни кўзи бор-ку, – деб жағ урарди Ортиқбой.

– Ўзинг аҳмоқсан, жинни, кўззи юмиб, кўр бўволишдан осони борақанми, уни “Гадой топмас”га самалётмас Ажинашамол обкеб ташаган экан-ку, – деди Одамбой.

– Э, телефонда гаплашгани кўясанларми, йўқми, – ўшқириб берди Собирбой... – алов, алов эшитяпсизми, ҳов бир юзу саккиз, мен “Гадой топмас”данман, ҳа, ҳа сизлар қидираётган бошқа сайёралик бизда, ҳа бизда бемалол, ўзига хон, кўланкаси майдон бўлиб юрибди, егани олдида, емагани орқасида, суюнчини чўзовринг... Оббо, узилиб қолди-ю... алов... алов... дейман...

– Бошқаттан қил, – жеркиб берди Одамбой, – бўлақол, темирни қизиғида босиш керак. Бир миллион “кўки” кўчада ётмайди, галварс.

Qaqajonning gap-soʻzlari shu daqiqagacha Shaytonvachchaga yogʻdek yoqib turdi. Axir Shaytonvachchaning oldida “108-kanal” oʻz ojizligini tan oldi, zurriyoti haqida maʼlumotlar berdi. Ammo kanali tushmagur baribir qovun tushirdi. Bir soʻqir gadoyvachchanning qiyofasiga kirib, qutulib ketganini, uning boshiga tikilgan bir million “koʻki”ni va kanalning telefon raqamlarigacha eʼlon qilib qoʻydi... Shaytonvachchanning kallasiga qoni gup etib urdi. Qoʻshni oʻtovdagilar ham yangi kanalni koʻrayotgan boʻlsa-chi? Ular endigina murosaga kelib, Shaytonvachchanning soyasiga koʻrpacha sola boshlagan edilar. Bu yogʻi nima boʻladi, endi?

Shaytonvachcha oʻtovidan chiqib, sekingina Ortiqboyning oʻtoviga yaqinlashdi. Vaqt xufton boʻlib qolgan edi. Sahro tinch. Osmonda yulduzlar miltiraydi. Tungi ayozlar yumshab, “Sopalakkoʻl” tarafda nish ura boshlagan maysalarning boʻyi havoda anqib qolgan... Oʻtov ichidan gʻalati baqiriq-chaqiriqlar eshitilardi. Ovozlar serialdagi ovozga oʻxshamasdi. Shaytonvachchanning vujudi quloqqa aylanib, oʻtovga yaqinroq bordi.

– Hov, ahmoqlar, televizorda soʻqir, koʻzi koʻr dedi-ku, buni koʻzi bor-ku, – deb jagʻ urardi Ortiqboy.

– Oʻzing ahmoqsan, jinni, koʻzzi yumib, koʻr boʻvolishdan osoni borakanmi, uni “Gadoy topmas”ga samalyotmas Ajinashamol obkeb tashagan ekan-ku, – dedi Odamboylar.

– E, telefonda gaplashgani qoʻyasanlarmi, yoʻqmi, – oʻshqirib berdi Sobirboy... – alov, alov eshityapsizmi, hov bir yuz-u sakkiz, men “Gadoy topmas”danman, ha, ha sizlar qidirayotgan boshqa sayyoralik bizda, ha bizda bemalol, oʻziga xon, koʻlankasi maydon boʻlib yuribdi, yegani oldida, yemagani orqasida, suyunchini choʻzovring... Obbo, uzilib qoldi-yu... alov... alov... deyman...

– Boshqattan qil, – jerkib berdi Odamboylar, – boʻ-

– Бўмаяпти, уланмаяпти...  
– Бўмаса интернетдан кир...  
– Хўп, мана, “Бир юз саккизинчи канал” уланақол,  
жонингдан сени...

– Э каллаварам, ўрисчасигаям гапириб кўр.

– Ўрисчасига нима дейман.

– Шуниям билмайсанми аммамнинг бузоғи, “Сто  
восмой” дейди.

– Воҳ, жавоб беряпти, жимларинг... алов, алов  
нима?.. Фоҳишалар уйи... неччи ёшлиги керак? Йў-  
йў-ў... менинг хотиним бор...

Шайтонвачча вахо-хо-лаб кулиб юборишдан ўзи-  
ни зўрға тийиб, ўтовига кайтди. Ўзини сездирмади-ю,  
ҳарҳолда уларда шубҳа пайдо бўлганини билиб олди.  
Энди эҳтиёт бўлиши керак. Ҳойнаҳой улар “108-ка-  
нал” билан боғланиб сиз қидирган одам “Гадой топ-  
мас”да дейиши билан калака қиляпти деб, телефонни  
ўчирган бўлсалар керак. Ажинашамол олтин ёмбини  
қайсидир бошқа “Гадой топмас”га беркитди. Демак,  
“Гадой топмас” ҳам бу дунёда кўп экан-да. Нима қи-  
либ бўлса ҳам анави миллион “кўки”ни ароқхўрлар-  
нинг калласидан чиқариб ташлаш керак.

Шайтонвачча Стриптизчининг қўнғирок қилиши-  
ни бетоқат бўлиб кутар эди. Бу ёқда олтин заррала-  
ри шамолда аста-секин кумга қоришиб, маҳобатини  
йўқотиб борарди. Ўзи қўнғирок қилишга истиҳола  
қиларди. Ахир, минг қилса ҳам Шайтонвачча энди  
устози-да, устоз мақомида туриши керак.

## ОДАМШАЙТОН ЯГОНА НУСХА

*(Ёки Шохдор раиснинг икки ўт ўртасида қолгани)*

Шайтонвачча “108-канал” кўтарган шов-шувлар  
натижасида нафақат бутун бошли шахарни, балки  
шайтонлар салтанатини ҳам шошириб, эсанкиратиб  
қўйди. Шохдор раис ўша куни телевизор рўпарасида  
“Одамшайтон”ни тузукка тушиб қолишидан кўрқиб,

laqol, temirni qizig'ida bosish kerak. Bir million "ko'ki" ko'chada yotmaydi, galvars.

– Bo'mayapti, ulanmayapti...

– Bo'masa internetdan kir...

– Xo'p, mana, "Bir yuz sakkizinchi kanal" ulanaqol, jo'ningdan seni...

– E kallavaram, o'rischasigayam gapirib ko'r.

– O'rischasiga nima deyman.

– Shuniyam bilmaysanmi ammanning buzog'i, "Сто восьмой" deydi.

– Voh, javob beryapti, jimmlaring... alov, alov nima?.. Fohishalar uyi... nechchi yoshligi kerak? Yo'- yo'-o'... meni xotinin bor...

Shaytonvachcha vaxo-xo-lab kulib yuborishdan o'zini zo'rg'a tiyib, o'toviga qaytdi. O'zini sezdirmedi-yu, harholda ularda shubha paydo bo'lganini bilib oldi. Endi ehtiyot bo'lishi kerak. Hoynahoy ular "108-kanal" bilan bog'lanib, siz qidirgan odam "Gadoy topmas"da deyishi bilan kalaka qilyapti deb, telefonni o'chirgan bo'lsalar kerak. Ajinashamol oltin yombini qaysidir boshqa "Gadoy topmas"ga berkitdi. Demak, "Gadoy topmas" ham bu dunyoda ko'p ekan-da. Nima qilib bo'lsa ham anavi million "ko'ki"ni aroqxo'rlarning kallasidan chiqarib tashlash kerak.

Shaytonvachcha Striptizchining qo'ng'iroq qilishini betoqat bo'lib kutar edi. Bu yoqda oltin zarralari shamolda asta-sekin qumga qorishib, mahobatini yo'qotib borardi. O'zi qo'ng'iroq qilishga istihola qilardi. Axir, ming qilsa ham Shaytonvachcha endi ustozida, ustoz maqomida turishi kerak.

## ODAMSHAYTON YAGONA NUSXA

*(Yoki Shoxdor raisning ikki o't o'rtasida qolgani)*

Shaytonvachcha "108-kanal" ko'targan shov-shuvlar natijasida nafaqat butun boshli shaharni, balki shaytonlar saltanatini ham shoshirib, esankiratib qo'ydi. Shoxdor rais o'sha kuni televizor ro'parasida "Odamshayton"ni



гўё игна устида ўтирди. Мабодо игна-пигна кириб қолмадимикан деб, думининг тагини бир-икки пайпаслаб ҳам кўйди. Аммо Шайтонваччанинг гадои қиёфасига кириб, хамирдан қил суғургандек қутулиб кетганини кўриб, ҳайратдан, умрида биринчи марта суякларини шақиллатиб ўйинга тушиб кетди. Ахир, унинг ихтироси олдида шунча одам, шунча оворагарчилик билан оғзини очиб қолади-ю, ўйинга тушмасинми? Шайтонваччага бўлган меҳри бир эмас, минг чандон ортиб кетди. Лекин буни анави шуъба аъзолари зинҳор билмаслиги керак. Ораларида ғаламислари кўп. Бунинг устига Шайтонваччанинг бошига “108-канал” “кўки”дан бир миллион тикканда, шайтонлар олами икки миллион тикиб кўйган. Икки миллион “кўки”нинг илинжида шайтонларнинг ўзи ҳам турли-туман режалар тузиб ётипти. Айниқса, олдинги йиғилишларнинг бирида эллик фоиз сармоядан ажраб қолишганидан кейин сармояларини қайтадан тўлатиш пайига тушиб қолишган. Одамшайтонни одам болалариники қўлга тушира олмаяптими, шуъба аъзоларининг ҳам қўлидан ҳеч вақо келмайди. Баттар бўлишсин, аммамнинг бузоқлари. Шу пайт Раиснинг калласига бир хур фикр келиб қолиб, Ахборотчини хузурига чақирди.

– Эшитаман, Раис жаноблари, – деб қўлида қоғозкалам билан пайдо бўлди Ахборотчи.

– “Думи тугуқлар” мадрасасида “Одамшайтон”га ўхшаганидан нечтаси бўлса бари хузуримга келсин.

– Хўп бўлади...

Бунақа пайтда “нимага, нега” деб сўралмайди. Раиснинг амри вожиб. Раис Одамшайтоннинг хатти-ҳаракатларини ўзича таҳлил қилиб, наҳотки шайтонлар оламида янги давр бошланяпти, деган хаёлга ҳам бориб қоларди? Лекин аниқ бир хулосага кела олмай қийналарди. Чунки Одамшайтон ҳозирча ягона-да. Якка отнинг чанги чиқса ҳам донғи чиқмас. Бугун бор-у, эртасига кафолат йўқ. Унинг бошига у ёқ-бу ёғи бўлиб уч миллион “кўки” тикилган-а? Ҳа, шунинг ўзи ўлим шарпасидек унинг орқасидан изма-

tuzoqqa tushib qolishidan qo‘rqib, go‘yo igna ustida o‘tirdi. Mabodo igna-pigna kirib qolmadimikan deb, dumining tagini bir-ikki paypaslab ham qo‘ydi. Ammo Shaytonvachchanning gadoy qiyofasiga kirib, xamirdan qil sug‘urgandek qutulib ketganini ko‘rib, hayratdan, umrida birinchi marta suyaklarini shaqillatib o‘yinga tushib ketdi. Axir, uning ixtirosi oldida shuncha odam, shuncha ovoragarchilik bilan og‘zini ochib qoladi-yu, o‘yinga tushmasinmi? Shaytonvachchaga bo‘lgan mehri bir emas, ming chandon ortib ketdi. Lekin buni anavi shu‘ba a‘zolari zinhor bilmasligi kerak. Oralarida g‘alamislari ko‘p. Buning ustiga Shaytonvachchanning boshiga “108-kanal” “ko‘ki”dan bir million tikkanda, shaytonlar olami ikki million tikib qo‘ygan. Ikki million “ko‘ki”ning ilinjida shaytonlarning o‘zi ham turli-tuman rejalar tuzib yotipti. Ayniqsa, oldingi yig‘ilishlarning birida ellik foiz sarmoyadan ajrab qolishganidan keyin sarmoyalarini qaytadan to‘latish payiga tushib qolishgan. Odamshaytonni odam bolalariki qo‘lga tushira olmayaptimi, shu‘ba a‘zolarining ham qo‘lidan hech vaqo kelmaydi. Battar bo‘lishsin, ammamning buzoqlari. Shu payt Raisning kallasiga bir hur fikr kelib qolib, Axborotchini huzuriga chaqirdi.

– Eshitaman, rais janoblari, – deb qo‘lida qog‘oz-qalam bilan paydo bo‘ldi Axborotchi.

– “Dumi tuguklar” madrasasida “Odamshayton”ga o‘xshaganidan nechtasi bo‘lsa bari huzurimga kelsin.

– Xo‘p bo‘ladi...

Bunaqa paytda “nimaga, nega” deb so‘ralmaydi. Raisning amri vojib. Rais Odamshaytonning xatti-harakatlarini o‘zicha tahlil qilib, nahotki shaytonlar olamida yangi davr boshlanyapti, degan xayolga ham borib qolardi? Lekin aniq bir xulosaga kela olmay qiynalardi. Chunki Odamshayton hozircha yagona-da. Yakka otning changi chiqsa ham dong‘i chiqmas. Bugun bor-u, ertasiga kafolat yo‘q. Uning boshiga u yoq-bu yog‘i bo‘lib uch million “ko‘ki” tikilgan-a? Ha, shuning o‘zi o‘lim sharpasidek uning orqasidan

из кувиб юрибди. Бироқ қурмагур жудаям яшовчан, тиришқоқ чикди-да. Тегирмонга тушса бутун чиқадиган хилидан. Ҳатто чўртан балиққа ўхшаб тухум ташлашни ҳам уддалайди. Ажабо, болалари отасига торгармикан? Тортмайдими, қон отадан-ку, тортади-да. Бунақа гибридлардан биттамас, ўнта, юзта, мингтаси бўлса-чи? Воҳ... Анави биққидек семириб ётган такасалтанг шуъба бошлиқларига иш қолармикан? Барининг думини ечиб, кўчага ҳайдайди. У Ахбаротчини бекорга “Думи тугуклар” мадрасасига жўнатмади. Топиб келганини шу бугуноқ думи билан қулоғини кесиб, замбаракка кўйиб, одамлар оламига қараб отади. Албатта, шуъба бошлиқлари орасида уларни кўпайтириб нима қиламиз, биттасини тинчита олмаяпмиз-у, дегувчилари бўлади. Сизлар билмаган нарсани мен биламан, деб оғзига уради-ю, лекин асл мақсадини айтмайди.

Ахборотчи “Думи тугуклар” мадрасасидан сўнпайиб, қуруқ қайтиб келди. Мадрасага унақа талабалар миллион йилда бир келиб қолар экан, шунга у “миллион биринчи” бўлиб рўйхатдан ўтган, исми-шарифиям “Миллион биринчи” бўлиб тарихга кирган экан. Ҳалидан бери не-не орзуларга гарқ бўлиб ўтирган Шохдор раис бу ахборотдан кейин тукқан сигирдек бўшашиб қолди. Демак, Одамшайтон яккаю ягона нусха, уни нима қилиб бўлса ҳам асраш керак. Лекин қандай қилиб? Ҳамма гап шунда! Унинг бошига тикилган икки миллион “кўки”ни бекор қиладимиз? Унда ўзига-ўзи чуқур қазиган бўлади-ю. Шуъба аъзолари шубҳага бориб қолади...

## СТРИПТИЗЧИ “ГАДОЙ ТОПМАС”ДА

*(Ёки Шайтонваччанинг режралари амалга оша бошлагани)*

Ниҳоят, Стриптизчи Шайтонвачча билан боғланди. У “Гадой топмас”га вертолётда келадиган бўлди. Бошқа келадиган йўл ҳам йўқ. Вертолётчилар бу

izma-iz quvib yuribdi. Biroq -qurmagur judayam yashovchan, tirishqoq chiqdi-da. Tegirmonga tushsa butun chiqadigan xilidan. Hatto cho'rtan baliqqa o'xshab tuxum tashlashni ham uddalaydi. Ajabo, bolalari otasiga tortarmikan? Tortmaydimi, qon otadan-ku, tortadi-da. Bunaqa gibridlardan bittamas, o'nta, yuzta, mingtasi bo'lsa-chi? Voh... Anavi biqqidek semirib yotgan takasaltang shu'ba boshliqlariga ish qolarmikan? Barining dumini yechib, ko'chaga haydaydi. U Axbarotchini bekorga "Dumi tuguklar" madrasasiga jo'natmadi. Topib kelganini shu bugunoq dumi bilan qulog'ini kesib, zambarakka qo'yib, odamlar olamiga qarab otadi. Albatta, shu'ba boshliqlari orasida ularni ko'paytirib nima qilamiz, bittasini tinchita olmayapmiz-u, deguvchilari bo'ladi. Sizlar bilmagan narsani men bilaman, deb og'ziga uradi-yu, lekin asl maqsadini aytmaydi.

Axborotchi "Dumi tuguklar" madrasasidan so'p-payib, quruq qaytib keldi. Madrasaga unaqa talabalar million yilda bir kelib qolar ekan, shunga u "million birinchi" bo'lib ro'yxatdan o'tgan, ismi-sharifiyam "Million birinchi" bo'lib tarixga kirgan ekan. Halidan beri ne-ne orzularga g'arq bo'lib o'tirgan Shoxdor rais bu axborotdan keyin tug'gan sigirdek bo'shashib qoldi. Demak, Odamshayton yakka-yu yagona nusxa, uni nima qilib bo'lsa ham asrash kerak. Lekin qanday qilib? Hamma gap shunda! Uning boshiga tikilgan ikki million "ko'ki"ni bekor qiladimi? Unda o'ziga-o'zi chuqur qazigan bo'ladi-yu. Shu'ba a'zolari shubhaga borib qoladi...

## **STRIPTIZCHI "GADOY TOPMAS"DA**

*(Yoki Shaytonvachchaning rejalari amalga osha boshlagani)*

Nihoyat, Striptizchi Shaytonvachcha bilan bog'landi. U "Gadoy topmas"ga vertolyotda keladigan bo'ldi. Boshqa keladigan yo'l ham yo'q. Vertolyotchilar bu

жойни беш кўлдек билишар, “Гадой топмас” деса бас, кўзларини юмиб бўлса ҳам топиб келишаверарди. Фақат, Шайтонвачча Стриптизчига шундай ғалати шартлар қўйдики, эшитиб у бечоранинг жони, ҳалқумига келиб қолди. Шайтондан дарс оламан деб контракт пулига бор-йўғини сотиб, пуллаб бўлди. Энди орқага йўл йўк.

– Ҳозирча шартларим тўртга, яхшилаб у кулоғу бу кулоқлари билан эшитиб олсинлар, – деб шартларни санай кетди Шайтонвачча: – “Бренди” ва “Марлборо” билан хайрлашадилар – бир. Стриптизчи бир чўчиб тушди. – Ғусул қилиб, икки ракат намоз ўқиб, йўлга чиқадилар – икки. – Воҳ... унинг кўзлари косасидан чиқай деди. – Таквода манаман деган битта имом-домлани ўзлари билан ола келадилар – уч. – “А-а”... деди-ю Стриптизчининг ияги пастга тушиб кетди. – “Гадой топмас”да ўзларини кутиб олган гадоисифат бир одамга икки букулиб куллуқ қиладилар – тўрт.

Стриптизчи бу шартларни эшитиб, тамоман ўзини йўқотди. Ахир йўлга деб қанчадан-қанча ичимлик, сигареталар олган эди-да. Улар сабил қоладими энди. Ундан кейин ичишни, чекишни қандай қилиб ташлайди? Сўрғичга ўрганган боладек ўрганиб қолган бўлса? Гусл қилиб, икки ракат намоз ўқиши нимаси? Мабодо ҳаж сафарига кетмаяптими, ишқилиб? Имом-домланинг такводорини қаердан топади? Пешонасига “таквадор” деб ёзиб қўймаган бўлса. Яқинда Дадамирзадан қутулганининг суюнчисига масжидга ишлатарсиз деб битта таквадор имом-домлага “кўки”дан анча-мунча садақа қилган эди, у “кўки”ни чўнтакка урибди-ю, имомликни ҳам, масжидни ҳам ташлаб жуфтакни ростлаб қопти. Ажабо... ажабо, бир эмас минг марта ажабо, унга бу шартларни яна ким қўйяпти? Шайтон жаноблари! Ўйлаб ўйига етолмай қолди?

– Ҳа нима бўлди, таксирим, ҳов бирдагидек нафаслари ичига тушиб кетди, жон қийналмаса жонона қайда, деган ўзларимиди, қийнанг энди ўша азиз

joyni besh qo‘ldek bilishar, “Gadoy topmas” desa bas, ko‘zlarini yumib bo‘lsa ham topib kelishaverardi. Faqat, Shaytonvachcha Striptizchiga shunday g‘alati shartlar qo‘ydiki, eshitib u bechoraning joni halqumiga kelib qoldi. Shaytondan dars olaman deb kontrakt puliga bor-yo‘g‘ini sotib, pullab bo‘ldi. Endi orqaga yo‘l yo‘q.

– Hozircha shartlarim to‘rtta, yaxshilab u qulog‘-u, bu quloqlari bilan eshitib olsinlar, – deb shartlarni sanay ketdi Shaytonvachcha: – “Brendi” va “Marlboro” bilan xayrlashadilar – bir. Striptizchi bir cho‘chib tushdi. – G‘usul qilib, ikki rakat namoz o‘qib, yo‘lga chiqadilar – ikki. – Voh... uning ko‘zlari kosasidan chiqay dedi. – Taqvoda manaman degan bitta imom-domlani o‘zlari bilan ola keladilar – uch. – “A-a”... dedi-yu Striptizchining iyagi pastga tushib ketdi. – “Gadoy topmas”da o‘zlarini kutib olgan gadoysifat bir odamga ikki bukulib qulluq qiladilar – to‘rt.

Striptizchi bu shartlarni eshitib, tamoman o‘zini yo‘qotdi. Axir yo‘lga deb qanchadan qancha ichimlik, sigaretalar olgan edi-da. Ular sabil qoladimi endi. Undan keyin ichishni, chekishni qanday qilib tashlaydi? So‘rg‘ichga o‘rgangan boladek o‘rganib qolgan bo‘lsa? G‘usul qilib, ikki rakat namoz o‘qishi nimasi? Mabodo haj safariga ketmayaptimi, ishqilib? Imom-domlanning taqvodorini qayerdan topadi? Peshonasiga “taqvador” deb yozib qo‘ymagan bo‘lsa. Yaqinda Dadamirzadan qutulganining suyunchisiga masjidga ishlatarsiz deb bitta taqvodor imom-domlaga “ko‘ki”dan ancha-muncha sadaqa qilgan edi, u “ko‘ki”ni cho‘ntakka uribdi-yu, imomlikni ham, masjidni ham tashlab juftakni rostlab qopti. Ajabo... ajabo, bir emas ming marta ajabo, unga bu shartlarni yana kim qo‘yyapti? Shayton janoblari! O‘ylab o‘yiga yetolmay qoldi?

– Ha nima bo‘ldi, taqsim, hov birdagidek nafasлари ichiga tushib ketdi, jon qiynalmasa jonona qayda, degan o‘zlarimidi, qiynang endi o‘sha aziz jonni, dars olishlar boshlandi deb hisoblayversinlar, ha...

жонни, дарс олишлар бошланди деб ҳисоблайверсинлар, ҳа...

– Минг бора узр, Шайтон жаноблари, ростини айтсам, сиз жаноби олийлари бошқача экансиз, шунга сал хаёлим қочди. Шартларингиз бош устига, жаноб, – деди у ясама ялтоқланиб. Бошқа нимаям дея оларди. Гишт қолипдан кўчиб бўлган.

Шундай қилиб, Стриптизчи сўраб-суриштириб, таквода ҳамма ҳавас қиладиган имом-домлани топиб, унинг қўлига “кўки”дан кистириб, камига ўзи кўрмаган, билмаган нарсаларни ваъда қилиб, “Гадой топмас”ни топиб келди. Шайтонвачча уларни Ортикбой билан бирга кутиб олди. Стриптизчи оддийроқ кийимда-ю, имом-домла бўлса вертолётдан тушибок масжидга кириб, намоз ўқийдигандек башанг кийиниб олган эди. Бирдан имом-домла чор атрофга ҳайрон боқиб, тилга кирди:

– Биз қаерларга кеб қолдик-а? Бу қанақа жойлар ўзи? Мадраса қани, масжид қани, қавм-чи? – деб Стриптизчига қаради. Стриптизчи елка қисиб, рўпарасидаги гадойсифат одамга ва унинг шеригига... Шартга биноан гадойсифат одамга икки букилиб қуллуқ қилмади. Тўғрироғи, у ҳам ўзини йўқотиб қўйган эди. Шайтонвачча диққат қилса Стриптизчи вертолёт томонга қараб-қараб қўйяпти. Индамаса бошқа шартлар ҳам сабил қоладиган. Ҳа, Шайтонвачча темирни қизиғида босмаса орқаларига қайтиб, кетворадиган. У дарровда ташаббусни қўлга олди:

– Ҳазратим сўраётган мадраса ҳам, масжид ҳам, қавм ҳам анави тепанинг орқасида, сизларни кутиб турибди, – деб уларни шу томонга бошлади Шайтонвачча. Бахтига кечаси ёмғир салгина сева-лаб ўтган, чангу ғуборларни ювиб, олтин зарралари юзини очиб қўйган, уларни кўз-кўз қилишнинг айни палласи эди. Меҳмонлар ишонқирамай мезбонларга эргашди.

Осмон юзида кечагидан қолиб кетган тўп-тўп булутлар сузиб юрар, офтоб бир кўриниб, бир кў-

– Ming bora uzr Shayton janoblari, rostini aytsam, siz janobi oliylari boshqacha ekansiz, shunga sal xayolim qochdi. Shartlaringiz bosh ustiga, janob, – dedi u yasama yaltoqlanib. Boshqa nimayam deya olardi. G‘isht qolipdan ko‘chib bo‘lgan.

Shunday qilib, Striptizchi so‘rab-surishtirib, taqvoda hamma havas qiladigan imom-domlani topib, uning qo‘liga “ko‘ki”dan qistirib, kamiga o‘zi ko‘rmagan, bilmagan narsalarni va‘da qilib, “Gadoy topmas”ni topib keldi. Shaytonvachcha ularni Ortiqboy bilan birga kutib oldi. Striptizchi oddiyroq kiyimda-yu, imom-domla bo‘lsa vertolyotdan tushiboq masjidga kirib, namoz o‘qiydigandek bashang kiyinib olgan edi. Birdan imom-domla chor atrofga hayron boqib, tilga kirdi:

– Biz qayerlarga keb qoldik-a? Bu qanaqa joylar o‘zi? Madrasa qani, masjid qani, qavm-chi? – deb Striptizchiga qaradi. Striptizchi yelka qisib, ro‘parasidagi gadoysifat odamga va uning sherigiga... Shartga binoan gadoysifat odamga ikki bukilib qulluq qilmadi. To‘g‘rirog‘i, u ham o‘zini yo‘qotib qo‘ygan edi. Shaytonvachcha diqqat qilsa Striptizchi vertolyot tomonga qarab-qarab qo‘yyapti. Indamasa boshqa shartlar ham sabil qoladigan. Ha, Shaytonvachcha temirni qizig‘ida bosmasa orqalariga qaytib, ketvoradigan. U darrovda tashabbusni qo‘lga oldi:

– Hazratim so‘rayotgan madrasa ham, masjid ham, qavm ham anavi tepaning orqasida, sizlarni kutib turibdi, – deb ularni shu tomonga boshladi Shaytonvachcha. Baxtiga kechasi yomg‘ir salgina sevalab o‘tgan, chang-u g‘uborlarni yuvib, oltin zarralari yuzini ochib qo‘ygan, ularni ko‘z-ko‘z qilishning ayni pallasi edi. Mehmonlar ishonqiramay mezbonlarga ergashdi.

Osmon yuzida kechagidan qolib ketgan to‘p-to‘p bulutlar suzib yurar, oftob bir ko‘rinib, bir ko‘rinmay yer yuzini intiq qilar, butun borliq issiq kunlarni sog‘ingan edi. Ular tepalik ustiga endi ko‘tarilgan



ринмай ер юзини интиқ қилар, бутун борлиқ иссиқ кунларни соғинган эди. Улар тепалик устига энди кўтарилган эдилар ҳамки, офтоб булутлар орқасидан “ярк” этиб чиқиб, олтинлар водийсини нак алангала-тиб юборди. Ҳа, барханлар узра ўт кетгандек бўлди. Олов тили бир пасайиб, бир кўтарилиб ёнар эди, гўё. Ортиқбой буни кўриб, олдингидек ҳайратга тушиб, шошиб Гадойбой жанобларига каради. Шайтонвачча “ана шунақа” дегандек оҳиста бош иргаб қўйди. Бу, ўзингизни босинг, дегани эди.

– Воҳ, – деб иккала меҳмон кафтлари билан кўзларини беркитди. Ҳа, кўзлари қамашиб, очолмай қолишди. Имом-домла кўлини соябон қилиб атрофни кузатар экан, дудукланиб тилга кирди:

– Ҳай-й... ҳай... ҳа... ҳай-й... яхшилар, менга бундоқ тушунтиринглар, мен нималарни кўряпман-у, қаерларга келиб қолдим, юрагим қинидан чиқай деяпти, бунақасини кўрмаганман, ўлай агар? – деди.

– Кўркманг тақсирим, кўркманг, – деди Шайтонвачча кулиб, – бунақаси ҳаётда бўлиб туради, сиз тилла куббали мадрасаларни, остонаси тиллодан деган уйларни, эртадан-кечгача тиллаларни шопириб ўйнайдиган қавмларни кўриб турибсиз, ҳа...

Шу пайт офтоб булут орасига кириб кетди-ю, ловуллаб турган олтинлар водийси ола-чалпак кўланка ичида денгиздек чайқалиб кетди. Худди имом-домлани домига тортиб, ғарқ қиладигандек у шошиб ўзини орқага олди ва:

– Аллоҳ таоло ҳазрати Пайғамбаримизга “Агар хоҳласангиз, тоғларни олтинга айлантириб бераман”, деган экан. Ўзига осон-да, мана бутун бошли водийни олтинга айлантириб қўйибди-ку. Воҳ, жонивор, денгиздек чайқалишини қаранг, – деди энтикиб.

– Эҳтиёт бўлсинлар, яна денгиз домига тортиб кетмасин, – деб кулди Шайтонвачча. Ҳа, бойлик тузоғига осонгина илинди, бечора имом. Ҳозиргина масжид билан қавми сўраб-суриштириб турган эди. Олтиннинг иши шу-да, “йилт” этади-ю, мана-

edilar hamki, oftob bulutlar orqasidan “yarq” etib chiqib, oltinlar vodiysini naq alangalatib yubordi. Ha, barxanlar uzra o‘t ketgandek bo‘ldi. Olov tili bir pasayib, bir ko‘tarilib yonar edi, go‘yo. Ortiqboy buni ko‘rib, oldingidek hayratga tushib, shoshib Gadoyboy janoblariga qaradi. Shaytonvachcha “ana shunaqa” degandek ohista bosh irg‘ab qo‘ydi. Bu, o‘zingizni bosing, degani edi.

– Voh, – deb ikkala mehmon kaftlari bilan ko‘zlarini berkitdi. Ha, ko‘zlari qamashib, ocholmay qolishdi. Imom-domla qo‘lini soyabon qilib atrofni kuzatar ekan, duduqlanib tilga kirdi:

– Hay-y... hay... ha... hay-y... yaxshilar, menga bundoq tushuntiringlar, men nimalarni ko‘ryapman-u, qayerlarga kelib qoldim, yuragim qinidan chiqay deyapti, bunaqasini ko‘rmaganman, o‘lay agar? – dedi.

– Qo‘rqmang taqsim, qo‘rqmang, – dedi Shaytonvachcha kulib, – bunaqasi hayotda bo‘lib turadi, siz tilla qubbali madrasalarni, ostonasi tillodan degan uylarni, ertadan kechgacha tillalarni shopirib o‘ynaydigan qavmlarni ko‘rib turibsiz, ha...

Shu payt oftob bulut orasiga kirib ketdi-yu, lovullab turgan oltinlar vodiysi ola-chalpak ko‘lanka ichida dengizdek chayqalib ketdi. Xuddi imom-domlani domiga tortib, g‘arq qiladigandek u shoshib o‘zini orqaga oldi va:

– Alloh taolo hazrati Payg‘ambarimizga “Agar xohlasangiz, tog‘larni oltinga aylantirib beraman”, degan ekan. O‘ziga oson-da, mana butun boshli vodiyni oltinga aylantirib qo‘yibdi-ku. Voh, jonivor, dengizdek chayqalishini qarang, – dedi entikib.

– Ehtiyot bo‘lsinlar, yana dengiz domiga tortib ketmasin, – deb kuldi Shaytonvachcha. Ha, boylik tuzog‘iga osongina ilindi, bechora imom. Hozirgina masjid bilan qavmni so‘rab-surishtirib turgan edi. Oltinning ishi shu-da, “yilt” etadi-yu, manaman deganini ham dinidan chiqaradi. Shunaqa, shayx San’onni yo‘ldan urgan tarso

ман деганини ҳам динидан чиқаради. Шунақа, шайх Санъонни йўлдан урган тарсо қизидек ишваси зўр бўлади олтинни. Унинг қармоғига илинмасликнинг ҳечам иложи йўқ. Бекорга сариқ иблис демайди-лар-да!

– Бу жойлар кимга қарашли? – сўради имом-домла ва беихтиёр қордек оппоқ лама пальтосининг чўнтагини қумга тўлата бошлади.

– Аллоҳга қарашли, – деди Шайтонвачча унга эътибор қилмай.

– Э, Аллоҳники эканига шубҳам йўқ, қайси бахтли инсонники демоқчиман? Эгасиз нарсанинг ўзи бораканми бу дунёда, нима дедингиз? – деб Стриптизчига қаради имом-домла.

Стриптизчи ҳам ўзига кела олмай хангу манг бўлиб турар, шунгами, талмовсираб, елка қисди.

– Олтинларми? Бу олтинлар бундан бу ёғига сизларники, десам ишонасизларми?

– Бизларники?.. Ҳазиллашманг-е... одам чўчиркан.

– Беҳазил...

– Ўзимизики бўлса, қоплаб олсак ҳам бўлавераркан-да, унда?..

Стриптизчи Шайтонваччанинг бу гапидан кейин дарровда эс-ҳушини йиғиб олди ва шу заҳоти ўзини олтинлар водийсининг эгасидек ҳис қилиб, бошини озод кўтарди. Демак, бу жойларни у Шайтон жанобларидан сотиб олади. Сизбоб иш дегани шу бўлса керак-да. Гумаштаси айтяптими, ишонмоқ керак.

– Ҳеч жаҳонда одам ўзиниям чўнтагига ўғирликка тушадими, тўкин-э... чўнтакдагиларни, – деб Стриптизчи имом-домлага ғудранди.

– Э, шунақа денг тақсирим, чўнтагимиз битта денг, билмабман, тавба қилдим, қачон чўнтакка солволақолдим экан бу савилни, хайронман, – деб у чўнтагининг астарини ағдариб, қоқа бошлади.

– Хижолат бўманг, – деди Шайтонвачча, – олтин деган савилнинг шунақа васвасаси бўлади. Унинг яна бир номи – васваса! Ҳали замон сахро шамоли кўз-

qizidek ishvasi zo‘r bo‘ladi oltinni: Uning qarmog‘iga ilinmaslikning hecham iloji yo‘q. Bekorga sariq iblis demaydilar-da!

– Bu joylar kimga qarashli? – so‘radi imom-domla va beixtiyor qordek oppoq lama paltosining cho‘ntagini qumga to‘lata boshladi.

– Allohga qarashli, – dedi Shaytonvachcha unga e‘tibor qilmay.

– E, Allohnik i ekaniga shubham yo‘q, qaysi baxtli insonniki demoqchiman? Egasiz narsaning o‘zi borakanmi bu dunyoda, nima dedingiz? – deb Striptizchiga qaradi imom-domla.

Striptizchi ham o‘ziga kela olmay hang-u mang bo‘lib turar, shungami, talmovsirab, yelka qisdi.

– Oltinlarmi? Bu oltinlar bundan bu yog‘iga sizlarniki, desam ishonasizlarmi?

– Bizlarniki?.. Hazillashmang-e... odam cho‘chir-kan.

– Behazil...

– O‘zimizziki bo‘lsa, qoplab olsak ham bo‘la-verarkan-da, unda?..

Striptizchi Shaytonvachchanning bu gapidan keyin darrovda es-hushini yig‘ib oldi va shu zahoti o‘zini oltinlar vodiysining egasidek his qilib, boshini ozod ko‘tardi. Demak, bu joylarni u Shayton janoblaridan sotib oladi. Sizbob ish degani shu bo‘lsa kerak-da. Gumashtasi aytyaptimi, ishonmoq kerak.

– Hech jahonda odam o‘ziniyam cho‘ntagiga o‘g‘irlikka tushadimi, to‘king-e... cho‘ntakdagilarni, – deb Striptizchi imom-domlaga g‘udrandi.

– E, shunaqa deng taqsirim, cho‘ntagimiz bitta deng, bilmabman, tavba qildim, qachon cho‘ntakka solvolaqoldim ekan bu savilni, hayronman, – deb u cho‘ntagining astarini ag‘darib, qoqa boshladi.

– Xijolat bo‘mang, – dedi Shaytonvachcha, – oltin degan savilning shunaqa vasvasasi bo‘ladi. Uning

ғалади-ю васвасанинг рангини ўчиради. Омадинглар бор экан, кеча ёмғир ёғиб, юзини ювиб, келинчакдек бир ишва қилди-да, сизларга бу васвасaxonим.

– Ҳусну жамолларини бизга кўрсатдилар-у, иш-килиб, бегона кўзларга кўрсатмасинлар-да, омин, Аллоҳу акбар, – деб юзига фотиҳа тортди имом-домла.

Стриптизчи ўйланиб қолди. Шайтон жаноблари “сизни гадойсифат бир одам кутиб олади, ўша одам нима деса шу бўлади”, деган эди. Гадойсифат одам чиндан ҳам ҳазил-мазах қилаётганга ўхшамайди. Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимас. Аввало, бу олтин кукунларини кумдан ажратишнинг ўзи бўлмайди. Кейин сотиб олишга сармойаси етадимми-йўқми, ҳамма гап шунда. Ўзига ўхшаган сармойадорларни бунақа ишларга шерик қилиб бўлмайди. Имом-домланинг бўлса чўнтагида ҳемириси йўқ. Бунинг устига ўримда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлиб турибди. Гадойбашара одам тўғри айтди, олтин васвасаси ёмон бўлади. Бутун дунё шунинг васвасасида бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётибди.

– Сиз билан бақамтироқ гаплашвосам бўладими, – деб Стриптизчи Шайтонваччанинг тирсагидан олиб, четга бошламоқчи бўлди. Албатта, бу Ортиқбой, имом-домланинг олдида ноқулай эди. Кўнглига гумон, шубҳа оралаб қолса ёмон-да.

– Йўқ, – деди у, ҳаммага эшиттириб, – орамиздаги гаплар ошқора бўлгани маъқул, бадгумонлик ёмон-а, тақсирим, – деб имом-домлага қараб қўйди Шайтонвачча.

– Шундай, шундай, – деди имом-домла, кейин қўшиб қўйди, – бир жамоада уч киши бўлсалар-у, улардан иккитасини шивирлашиб гаплашишдан қайтарилганмиз, қартани очиб ўйнаганга нима етсин, бунинг устига шерик бўлсак.

Бу гап Ортиқбойга ҳам маъқул тушди шекилли, бош ирғаб:

– Ҳа, яширадиган нима бор бетта, – деб қўйди.

yana bir nomi – vasvasa! Hali zamon sahro shamoli qo‘zg‘aladi-yu vasvasaning rangini o‘chiradi. Omadinglar bor ekan, kecha yomg‘ir yog‘ib, yuzini yuvib, kelinchakdek bir ishva qildi-da, sizlarga bu vasvasaxonim.

– Husn-u jamollarini bizga ko‘rsatdilar-u, ishqilib, begona ko‘zlarga ko‘rsatmasinlar-da, omin, Allohu akbar, – deb yuziga fotiha tortdi imom-domla.

Striptizchi o‘ylanib qoldi. Shayton janoblari “sizin gadoysifat bir odam kutib oladi, o‘sha odam nima desa shu bo‘ladi”, degan edi. Gadoysifat odam chindan ham hazil-mazax qilayotganga o‘xshamaydi. Biroq holva degan bilan og‘iz chuchimas. Avvalo, bu oltin kukunlarini qumdan ajratishning o‘zi bo‘lmaydi. Keyin sotib olishga sarmoyasi yetadimi-yo‘qmi, hamma gap shunda. O‘ziga o‘xshagan sarmoyadorlarni bunaqa ishlarga sherik qilib bo‘lmaydi. Imom-domlanning bo‘lsa cho‘ntagida hemirisi yo‘q. Buning ustiga o‘rimda yo‘q, mashoqda yo‘q, xirmonda hozir bo‘lib turibdi. Gadoybashara odam to‘g‘ri aytdi, oltin vasvasasi yomon bo‘ladi. Butun dunyo shuning vasvasasida bir-biri bilan qirpichoq bo‘lib yotibdi.

– Siz bilan baqamtiroq gaplashvosam bo‘ladimi, – deb Striptizchi Shaytonvachchaning tirsagidan olib, chetga boshlamoqchi bo‘ldi. Albatta, bu Ortiqboy, imom-domlanning oldida noqulay edi. Ko‘ngliga gumon, shubha oralab qolsa yomon-da.

– Yo‘q, – dedi u, hammaga eshittirib, – oramizdagi gaplar oshkora bo‘lgani ma‘qul, badgumonlik yomon-a, taqsirim, – deb imom-domlaga qarab qo‘ydi Shaytonvachcha.

– Shunday, shunday, – dedi imom-domla, keyin qo‘shib qo‘ydi, – bir jamoada uch kishi bo‘lsalar-u, ulardan ikkitasini shivirlashib gaplashishdan qaytarilganmiz, qartani ochib o‘ynaganga nima yetsin, buning ustiga sherik bo‘lsak.

– Хўп, ана, – деди Стриптизчи мулзам бўлгандек, – қартани очиб ўйнасак ўйнай қоламиз, бу олтин кумлар Жаноби олийларининг бизга бўлган марҳаматлари, шундайми?

Шайтонвачча “шундай” дегандек қўл қовуштириб, куллуқ қилди ва Ортиқбойга қараб қўйди. Ортиқбой ҳам Шайтонваччанинг айтганларини тасдиқлаб, бошини қимирлатди. Ортиқбой нималар бўлаётганини ханузгача тушуниб етгани йўқ, унинг учун нима бўлганда ҳам “Гадой топмас” обод бўлса бўлди эди. Стриптизчининг гадойсифат бир одамга “жаноби олийлари” деб мурожаат қилиши имом-домлани ҳайрон қолдирди. Ким ўзи бу одам, Стриптизчи билан ораларида қанақа яқинлик бор? Бундоқ қараганда ҳеч бир яқинликни кўрмаяпти. Стриптизчи у билан ўлганининг кунидан шунчаки гаплашяпти.

– Менга айтинг-чи, – деди Стриптизчи, – бу олтин кумларнинг баҳоси қанча туради? Сармоямиз етади-ми-йўқми, ҳамма гап шунда. Кейин сизлар кимсизлар, билишим керак?

– Мени исми-шарифим Гадойбой, жаноби олийларининг отган ўқлари бўламан, – деди Шайтонвачча.

– Меники Ортиқбой, – дея жилмайиб қўйди у.

– Ҳа, яшанглар, бу бошқа гап, – деди Стриптизчи очилиб, – менинг исмим Шорасул, шолар авлодиданман, “шо” дегани энг катта уруғ-аймоқ дегани, бу кишимнинг исми-шарифлари ўзлари билан – имом-домла.

– Ҳа, йў-ў... ота-онам қўйган исми-шарифим бор, Абомуслимман, – деб қалин қошлари кўтарилиб, кўкрак керди ва кўшиб қўйди: Абомуслим дегани имомларнинг шайхи, бобокалони дегани бўлади, ана шунақа...

– Мана танишиб ҳам, қадрдонлашиб ҳам олдик, – деди Шайтонвачча, – ўзи, аввало, гапни шундан бошлашимиз керак эди, ҳай майли, анави “васвасахоним” қурғур сал бизларни чалғитиб қўйди-да, сизларга айтсам бу ердаги ишларнинг бизнес режалари алла-

Bu gap Ortiqboyga ham ma'qul tushdi shekilli, bosh irg'ab:

– Ha, yashiradigan nima bor betta, – deb qo'ydi.

– Xo'p, ana, – dedi Striptizchi mulzam bo'lgandek, – qartani ochib o'ynasak o'ynay qolamiz, bu oltin qumlar Janobi oliylarining bizga bo'lgan marhamatlari, shundaymi?

Shaytonvachcha “shunday” degandek qo'l qovushtirib, qulluq qildi va Ortiqboyga qarab qo'ydi. Ortiqboy ham Shaytonvachchaning aytganlarini tasdiqlab, boshini qimirlatdi. Ortiqboy nimalar bo'layotganini hanuzgacha tushunib yetgani yo'q, uning uchun nima bo'lganda ham “Gadoy topmas” obod bo'lsa bo'ldi edi. Striptizchining gadoysifat bir odamga “janobi oliylari” deb murojaat qilishi imom-domlani hayron qoldirdi. Kim o'zi bu odam, Striptizchi bilan oralarida qanaqa yaqinlik bor? Bundoq qaraganda hech bir yaqinlikni ko'rmayapti. Striptizchi u bilan o'lganining kunidan shunchaki gaplashyapti.

– Menga ayting-chi, – dedi Striptizchi, – bu oltin qumlarning bahosi qancha turadi? Sarmoyamiz yetadimi-yo'qmi, hamma gap shunda. Keyin sizlar kim-sizlar, bilishim kerak?

– Meni ismi-sharifim Gadoyboy, Janobi oliylarining otgan o'qlari bo'laman, – dedi Shaytonvachcha.

– Meniki Ortiqboy, – deya jilmayib qo'ydi u.

– Ha, yashanglar, bu boshqa gap, – dedi Striptizchi ochilib, – mening ismim Shorasul, sholar avlodidanman, “sho” degani eng katta urug'-aymoq degani, bu kishimning ismi-shariflari o'zlari bilan – imom-domla.

– Ha, yo'-o'... ota-onam qo'ygan ismi-sharifim bor, Abomuslimman, – deb qalin qoshlari ko'tarilib, ko'krak kerdi va qo'shib qo'ydi: Abomuslim degani imomlarning shayxi, bobokaloni degani bo'ladi, ana shunaqa...

– Mana tanishib ham, qadrdonlashib ham oldik, – dedi Shaytonvachcha, – o'zi, avvalo, gapni



качон тузиб бўлинган, ҳа, бу олтинлар водийсига бир тийин ҳам тўламайсизлар, у шундоғлигича сизларники. Улуғ одамлар “Бойлик эҳсон қилинса, иззат келтиради, беркитилса хорлик келтиради”, деган эканлар. Шунинг учун бу бойликни беркитиб нима ҳам қилдик, одамларга фойдаси тегсин. Нима дедингиз? – деб Ортиқбойга қаради Шайтонвачча.

– Шундай, шундай, яхши одамларни кутиб ётибди бу жойлар, – деб қўшимча қилди Ортиқбой.

Бу гапларни эшитиб Шорасулнинг бирдан “Марлборо” хумори тутиб, беихтиёр икки бармоғини оғзига олиб борди, бармоқлари орасида сигарет йўқлигини сезиб, беихтиёр қулоғининг орқасини қашлади. Шу тобда “Бренди” бўлгандами, бир шишасини тиктурма қилиб бўшатган бўларди. Наҳотки, шунча олтин-а, тузоқмасмикан?

– Шошилманг, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлиб қомайди, – деди Шайтонвачча, худди Шорасулнинг фикрини уққандек, – бу савил “васвасaxonимни” юз-кўзини ювиб, кумдан тозалашнинг ўзи бўлмайди, бунинг учун ариқ қазиб, “Сопалаккўл”дан сув обкелиш керак, сувнинг ўзи билан ҳам иш битмайди, кумни ювадиган завод қуриш керак, заводнинг ўзи билан ҳам бўлмайди, унда ишлаш учун одамлар керак, ўх-хў-ў... булар ҳазилакам ишми? Кейин, Ортиқбой ака икковимизга бундан қандай манфаат – буни ҳам билиб қўйишингиз керак. Бизга олтинни тозалашдан чиққан кумдан ғишт ясаб берайсизлар, ҳа, олтини сизга-ю ғишти “Гадой топмас”га бўлади. Ташқаридан қараганда ғишт сиз учун бир ниқоб. Бошқалар, ҳа, ғишт ишлаб чиқаряпти экан, деб ўйлашади.

– Ғишт ҳам ниқоб учунми? – сўради Абомуслим.

– Йўқ, ғишт масжид, мадраса, уйлар, шифохоналар, болалар боғчалари қуриш учун, ахир ўзлари ҳозир қавм қани деб сўрадилар-ку, а, лаббай...

– Ўлманг, – деди Абомуслим, – “У сизни ердан пайдо қилди ва уни обод қилишингизни талаб қила-

shundan boshlashimiz kerak edi, hay mayli, anavi “vasvasaxonim” qurg‘ur sal bizlarni chalg‘itib qo‘ydi-da, sizlarga aytsam bu yerdagi ishlarning biznes rejaları allaqachon tuzib bo‘lingan, ha, bu oltinlar vodiysiga bir tiyin ham to‘lamaysizlar, u shundog‘ligicha sizlarniki. Ulug‘ odamlar “Boylik ehson qilinsa, izzat keltiradi, berkitilsa xorlik keltiradi”, degan ekanlar. Shuning uchun bu boylikni berkitib nima ham qildik, odamlarga foydasi tegsin. Nima dedingiz? – deb Ortiqboyga qaradi Shaytonvachcha.

– Shunday, shunday, yaxshi odamlarni kutib yotibdi bu joylar, – deb qo‘shimcha qildi Ortiqboy.

Bu gaplarni eshitib Shorasulning birdan “Marlboro” xumori tutib, beixtiyor ikki barmog‘ini og‘ziga olib bordi, barmoqlari orasida sigaret yo‘qligini sezib, beixtiyor qulog‘ining orqasini qashladi. Shu tobda “Brendi” bo‘lgandami, bir shishasini tikturma qilib bo‘shatgan bo‘lardi. Nahotki, shuncha oltin-a, tuzoqmasmikan?

– Shoshilmang, holva degan bilan og‘iz shirin bo‘lib qomaydi, – dedi Shaytonvachcha, xuddi Shorasulning fikrini uqqandek, – bu savil “vasvasaxonimni” yuz-ko‘zini yuvib, qumdan tozalashni o‘zi bo‘lmaydi, buning uchun ariq qazib, “Sopalakko‘l”dan suv obkelish kerak, suvning o‘zi bilan ham ish bitmaydi, qumni yuvadigan zavod qurish kerak, zavodning o‘zi bilan ham bo‘lmaydi, unda ishlash uchun odamlar kerak, o‘h-ho‘-o‘... bular hazilakam ishmi? Keyin, Ortiqboy aka ikkovimizga bundan qanday manfaat – buni ham bilib qo‘yishingiz kerak. Bizga oltinni tozalashdan chiqqan qumdan g‘isht yasab berasizlar, ha, oltini sizga-yu g‘ishti “Gadoy topmas”ga bo‘ladi. Tashqaridan qaraganda g‘isht siz uchun bir niqob. Boshqalar, ha, g‘isht ishlab chiqaryapti ekan, deb o‘ylashadi.

– G‘isht ham niqob uchunmi? – so‘radi Abomuslim.

– Yo‘q, g‘isht masjid, madrasa, uylar, shifoxonalar, bolalar bog‘chalari qurish uchun, axir o‘zlari hozir qavm qani deb so‘radilar-ku, a, labbay...

ди”, дейилади муборак китобда, шунақа ободончиликлар бўлар экан-да бу ерларда ҳам, э баракалло.

– Ҳа, яшанг...

– Лекин шир кумдан гишт ясаб бўлмайди-да, илаштиришга семон керак, уни қандоқ қилиб обкеламиз, бу тарафларга темирйўл тушмаган бўлса, ҳатто машина йўли ҳам йўқ экан, верталётда обкеладиган бўлсак семон олтинданам қимматга тушиб кетади, – деди Шорасул.

– Бу томони ҳам ўйлаб қўйилган, кумга “Сопалаккўл”нинг лойини қўшсангиз, хумдонда пишган гиштдек бўлиб чиқади. Бекорга Сопалаккўл демаганлар. Худойим таоло Одам отанинг лойини шу қўлдан олган, деган ривоятлар ҳам бор, тўғрими, – деб Ортиқбойга қаради Шайтонвачча.

– Ҳа, шундай...

– Ана холос, – деди Абомуслим бирдан шишиниб, – Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло “Инсонни “сол-сол”дан яратдим” дейди, “сол-сол” дегани сопалак дегани. Қўлнинг номини ўхшашлигини қаранг, воҳ кудратингдан... бу жойлар мўъжизанинг ўзи экан.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни қора балчиқдан яратгани учун ҳам Шайтонваччанинг бобокалони Азозил жаноблари Одам алайҳиссаломга сажда қилмаган ва Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган. Бу тарихни Шайтонвачча яхши билади. “Думи тугуклар” мадрасасида кўп ва хўп ўқитишган, қулоғига қуйишган. Лекин Абомуслим “Сопалаккўл”ни “сол-сол”га боғлаб, ривоятга жон киргизворди. Бу лутфдан Шайтонвачча “бағоят хурсандман” дегандек қўлини кўксига қўйиб, Абомуслимга ҳам қуллуқ қилиб қўйди. Шундан кейин Абомуслимнинг жағи яна очилди:

– Мени кечирасизлар-у, камина кулингиз бу ерда нима иш қиламан, ариқ қазиш, кум ювиш қўлимдан келмаса, имомлик қилишга жамоа бўлмаса, ошга ўрток, бошга тўқмоқ бўлмайманми ишқилиб? – деди.

– Сиззи ишингиз, – деди Шайтонвачча унга си-

– O‘lmang, – dedi Abomuslim, – “U sizni yerdan paydo qildi va uni obod qilishingizni talab qiladi”, deyiladi muborak kitobda, shunaqa obodonchiliklar bo‘lar ekan-da bu yerlarda ham, e barakallo.

– Ha, yashang...

– Lekin shir qumdan g‘isht yasab bo‘lmaydi-da, ilashtirishga semon kerak, uni qandoq qilib obkelamiz, bu taraflarga temiryo‘l tushmagan bo‘lsa, hatto mashina yo‘li ham yo‘q ekan, vertalyotda obkeladigan bo‘lsak semon oltindanam qimmatga tushib ketadi, – dedi Shorasul.


– Bu tomoni ham o‘ylab qo‘yilgan, qumga “Sopalakko‘l”ning loyini qo‘shsangiz, xumdonda pishgan g‘ishtdek bo‘lib chiqadi. Bekorga Sopalakko‘l demaganlar. Xudoyim taolo Odam otaning loyini shu ko‘ldan olgan, degan rivoyatlar ham bor, to‘g‘rimi, – deb Ortiqboyya qaradi Shaytonvachcha.


– Ha, shunday...

– Ana xolos, – dedi Abomuslim birdan shishinib, – Alloh subhanahu va taolo “Insonni “sol-sol”dan yaratdim”, deydi, “sol-sol” degani sopalak degani. Ko‘lning nomini o‘xshashligini qarang, voh qudratingdan... bu joylar mo‘jizaning o‘zi ekan.

Alloh taolo Odam alayhissalomni qora balchiqdan yaratgani uchun ham Shaytonvachchanning bobokaloni Azozil janoblari Odam alayhissalomga sajda qilmagan va Allohning dargohidan quvilgan. Bu tarixni Shaytonvachcha yaxshi biladi. “Dumi tuguklar” madrasasida ko‘p va xo‘p o‘qitishgan, qulog‘iga quyishgan. Lekin Abomuslim “Sopalakko‘l”ni “sol-sol”ga bog‘lab, rivoyatga jon kirgizvordi. Bu lutfdan Shaytonvachcha “bag‘oyat xursandman” degandek qo‘lini ko‘ksiga qo‘yib, Abomuslimga ham qulluq qilib qo‘ydi. Shundan keyin Abomuslimning jag‘i yana ochildi:

– Meni kechirasizlar-u, kamina qulingiz bu yerda nima ish qilaman, ariq qazish, qum yuvish qo‘limdan kelmasa, imomlik qilishga jamoa bo‘lmasa, oshga o‘rtoq, boshga to‘qmoq bo‘lmaymanmi ishqilib? – dedi.





новчан қараб, – олтинни кумдан ажратиб олишдан ҳам кийинрок, билсангиз, ха...

– Йўғ-е, шунақа денг, – бирдан сергак тортди Абомуслим, – қанақа иш экан у?

– Гап шундаки, бу ерларга дордан кочган дарди-сарларни обкелиб бўлмайди, бизга такводор ишчилар, такводор курувчилар, такводор деҳқонлар, бир сўз билан айтганда Худодан кўркадиган одамлар керак.

Бирдан ўртага жимлик чўкди. Шорасулни ҳам ҳалидан бери худди шу нарса ўйлантираётган эди. Дарҳақиқат, бу жойларга дуч келган одамни обкелиб ишлатиб бўлмайди. Бундан чиқди, Шайтон жаноблари “Ўзингиз билан битта такводор шерикни ҳам ола келинг”, деб бекорга айтмаган экан-да. Имом-домланинг мана бунақа нозик миссиялари бор экан-ку. Ҳа, Абомуслим ҳам тенгма-тенг шерик бўлса арзир экан. Агарда у топиб келадиган одамлар бўлмаса, унинг елиб-югургани бир пул. Ҳалидан бери чўнтагида ҳемири йўк, шунча бойликка шерик бўлиб турипти, деб ичи чиқмаётган эди. Қойил “Гадой топмас”нинг бизнес режаси чиндан ҳам пухта ўйланган экан. Гадойбой деганлари Худодан кўркадиганлар керак, деяпти. Бунақа одамларнинг нафси ўлик бўлади, дейишади. Шорасул Абомуслимсиз иши битмаслигини сизди ва унга қаттиқроқ қаради. Аслида юмшоқроқ қараши керак эди. Йўк ундай қилмади. Ахир бу ерга у бор-йўғини сарфлаб қўйди-ку. Абомуслим одамларни топиб келмаса нима бўлади? Уям ишласин, пешона терини тўксин-да!

Абомуслим кутилмаганда бошига катта мусибат тушгандек, кўрқиб кетди.

– Йў-ў... йў-ў... – деди у шошиб, – бу иш қўлимдан кемайди, ҳа, ҳечам кемайди, ўх-ҳ-ў... сиз айтган одамларни топишиши ўзи бўларканми, пешонасига “Худодан кўркади”, деб ёзиб қўймаган бўлса, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ Холакани итидек, сакиллаб юриш... э, йўк...

– Sizzi ishingiz, – dedi Shaytonvachcha unga sinovchan qarab, – oltinni qumdan ajratib olishdan ham qiyinroq, bilsangiz, ha...

– Yo‘g‘-e, shunaqa deng, – birdan sergak tortdi Abomuslim, – qanaqa ish ekan u?

– Gap shundaki, bu yerlarga dordan qochgan dar-disarlarni obkelib bo‘lmaydi, bizga taqvodor ishchilar, taqvodor quruvchilar, taqvodor dehqonlar, bir so‘z bilan aytganda Xudodan qo‘rqadigan odamlar kerak.

Birdan o‘rtaga jimlik cho‘kdi. Shorasulni ham halidan beri xuddi shu narsa o‘ylantirayotgan edi. Darhaqiqat, bu joylarga duch kelgan odamni obkelib ishlatib bo‘lmaydi. Bundan chiqdi, Shayton janoblari “O‘zingiz bilan bitta taqvodor sherikni ham ola keling”, deb bekorga aytmagan ekan-da. Imom domlaning mana bunaqa nozik missiyalari bor ekan-ku. Ha, Abomuslim ham tengma-teng sherik bo‘lsa arzir ekan. Agarda u topib keladigan odamlar bo‘lmasa, uning yelib-yugurgani bir pul. Halidan beri cho‘ntagida hemiri yo‘q, shuncha boylikka sherik bo‘lib turipti, deb ichi chiqmayotgan edi. Qoyil “Gadoy topmas”ning biznes rejasi chindan ham puxta o‘ylangan ekan. Gadoyboy deganlari Xudodan qo‘rqadiganlar kerak, deyapti. Bunaqa odamlarning nafi o‘lik bo‘ladi deyishadi. Shorasul Abomuslimsiz ishi bitmasligini sezdi va unga qattiqroq qaradi. Aslida yumshoqroq qarashi kerak edi. Yo‘q unday qilmadi. Axir bu yerga u bor-yo‘g‘ini sarflab qo‘ydi-ku. Abomuslim odamlarni topib kelmasa nima bo‘ladi? Uyam ishlasin, peshona terini to‘ksin-da!

Abomuslim kutilmaganda boshiga katta musibat tushgandek, qo‘rqib ketdi.

– Yo‘-o‘... yo‘-o‘... – dedi u shoshib, – bu ish qo‘limdan kemaydi, ha, hecham kemaydi, o‘h-h-o‘... siz aytgan odamlarni topishshi o‘zi bo‘larkanmi, peshonasiga “Xudodan qo‘rqadi”, deb yozib qo‘ymagan bo‘lsa, shaharma-shahar, qishloqma-qishloq Xolakani itidek, sakillab yurish... e, yo‘q...



– Шерик бўгандан кейин юрасиз-да, Холаканинг итидек сакиллаб, – овозини кўтарди Шорасул, – нима, тайёрга айёр бўмокчимисиз, бунақаси кетмайди, билиб кўйинг, бундан буёғига ишимизнинг бориши сизга боғлиқ. Обкеган одамларингиз бу жойларни ё гуллатиб-яшнатади, ё бу жойлар ўғрихонага айланади. Обкеган ҳар бир одамингизга бошингиз билан жавоб берасиз. Техника мендан, ишчи кучлари сиздан, гап тамом, вассалом.

Бу гаплардан кейин Абомуслим ўз бошига чиндан ҳам тоғ ағдарилганини ҳис қилди. Ҳозиргина олтинлар денгизи ичида хаёлан сузиб юрган эди. Уни бу ёқда шунча ташвишлар кутиб турган экан-у. У бўлса Шорасул юр деса ўйлаб-нетиб ўтирмай, келаверибди. Эй нафсининг кули, очофат банда, зўр бўлсанг энди бу тузоқдан чиқиб кўр-чи?!

– Шу дейман, – дея минғирлади Абомуслим, – билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини, деган экан бир бечора... У шундай деб нимагадир аллақачон кумдан бўшаган иккала чўнтагини ағдариб, қайтадан қоқди ва мингирлашда давом этди: – шу орқага қайтиб, тинчгина сизларни дуои жониларни қилиб юрсаммикан, нима дединглар, қадрдонлар?..

Шайтонвачча: “Чучварани ҳам санабсан”, дегандек Шорасулга қараб кўйди. Ахир, Абомуслим ўйиндан чиқадиган бўлса Шайтонваччанинг режалари барбод бўлади-ку. Бари сабил қолиб, ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келади. Ана-мана деб, иш пишиб турганда-я.

Ўртага ғалати жимлик чўкди. Абомуслимнинг минғирлаши Шорасулга ёкмади. У “Марлборо” чеккандек икки марта бармогини яна оғзига олиб бориб, пастга туширди. Охири Шайтонвачча билан Ортиқбойга юзланиб:

– Сизлар нима дейсизлар? – деди.

Шайтонвачча шу фурсат ичида масалани кўндалангига ҳал қилиб, бир қарорга келиб ҳам улгурган эди.

– Sherik bo‘gandan keyin yurasiz-da, Xolakaning itidek sakillab, – ovozini ko‘tardi Shorasul, – nima, tayyorga ayyor bo‘moqchimisiz, bunaqasi ketmaydi, bilib qo‘ying, bundan buyog‘iga ishimizning borishi sizga bog‘liq. Obkegan odamlaringiz bu joylarni yo gullatib-yashnatadi, yo bu joylar o‘g‘rixonaga aylanadi. Obkegan har bir odamingizga boshingiz bilan javob berasiz. Texnika mendan, ishchi kuchlari sizdan, gap tamom, vassalom.

Bu gaplardan keyin Abomuslim o‘z boshiga chindan ham tog‘ ag‘darilganini his qildi. Hozirgina oltinlar dengizi ichida xayolan suzib yurgan edi. Uni bu yoqda shuncha tashvishlar kutib turgan ekan-u. U bo‘lsa Shorasul yur desa o‘ylab-netib o‘tirmay, kelaveribdi. Ey nafsining quli, ochofat banda, zo‘r bo‘lsang endi bu tuzoqdan chiqib ko‘r-chi?!

– Shu deymen, – deya ming‘irladi Abomuslim, – bilmayin bosdim tikanni, tortadirman jabrini, degan ekan bir bechora... U shunday deb nimagadir allaqachon qumdan bo‘shagan ikkala cho‘ntagini ag‘darib, qaytadan qoqdi va ming‘irlashda davom etdi: – shu orqaga qaytib, tinchgina sizlarni duoyi jonilarni qilib yur-sammikan, nima dedinglar, qadrdonlar?..

Shaytonvachcha: “Chuchvarani hom sanabsan”, degandek Shorasulga qarab qo‘ydi. Axir, Abomuslim o‘yindan chiqadigan bo‘lsa Shaytonvachchaning rejalari barbod bo‘ladi-ku. Bari sabil qolib, hammasini boshqatdan boshlashga to‘g‘ri keladi. Ana-mana deb, ish pishib turganda-ya.

O‘rtaga g‘alati jimlik cho‘kdi. Abomuslimning ming‘irlashi Shorasulga yoqmad. U “Marlboro” chek-kandek ikki marta barmog‘ini yana og‘ziga olib borib, pastga tushirdi. Oxiri Shaytonvachcha bilan Ortiqboyga yuzlanib:

– Sizlar nima deysizlar? – dedi.

Shaytonvachcha shu fursat ichida masalani ko‘n-dalangiga hal qilib, bir qarorga kelib ham ulgurgan edi.

– Нимаям дердик, – деди у ўзини атайин хотир-  
жам кўрсатиб, – сизлар шериксизлар, ким бу ерда  
колади, ким қолмайди, ўзларингиз ҳал қилинглар,  
лекин мен нокулайроқ бўлса ҳам битта гапни айтиб  
қўйишим керак. Шу... десангиз “Гадой топмас”нинг  
яна бир бошқа номи ҳам бор, у “Борса келмас”, бу  
“Гадой топмас”га ўз оёғи билан келиш бор-у, кетиш  
йўқ дегани бўлади. Нима қилайликки, шундай қи-  
лишга мажбурмиз, ҳа, шароит шунга мажбур қилади,  
– деб Шайтонвачча олтинлар водийсига қараб қўйди.

Бу гаплардан Ортиқбой сесканиб кетди. Нима,  
бу одамларни ўлдириб юборамизми?! Лекин бир ҳи-  
собда Гадойбой жаноблари ҳақ. Хазинанинг эшиги  
очишиб қолди-да. Уни бу одамлар кўришди. Қайтиб  
кетишса, Худо билади, нималар бўлади?

– Им-м-м... – деб юборди Абомуслим ичидан оғ-  
риқ туриб. Сал бўлмаса томирлари тортишиб, тах-  
та бўлиб қолай деди. Кўз олдидан бола-чақаси, узун  
сочларини белига ташлаб, ҳовли супураётган гулдек  
хотини, қуриб қўйган ҳашаматли уйлари, маъракаю  
тўй-тўркинлардаги келсинлар, қадамларига ҳасанот  
каби мулозаматлар бир-бир ўтди. Воҳ, жаннатларда  
яшаб юрган экан-ку, нима жин уриб бу дўзахга келиб  
қолди-а? Ўзини биринчи марта ночор, яккаю ёлғиз  
ҳис қилди Абомуслим. Наҳотки “Гадой топмас”га  
уни ажали бошлаб келган бўлса? Номини қаранг-  
лар, – “Гадой топмас”, у бўлса нафсининг кўчасига  
кириб, шу жойларни топиб келиб ўтирибди-я, туф-е...

– Раҳм қилинглар, кўпчиликнинг орқасидан куни-  
ни кўриб юрган, бир бечора одамман, – йиғламсира-  
ди Абомуслим.

Ортиқбойнинг юраги эзилиб, тескари қараб олди.  
Наҳотки уни ўлдириб юборишади. Одамнинг жони-  
дан ҳам азизмикан шу олтин деганлари. Гадойбой  
жанобларининг бунчаям қаҳри қаттиқ бўлмаса. Унақа  
одамга ўхшамаган эди-ку?

– Албатта, албатта раҳм қиламиз, – деди Шай-  
тонвачча, – раҳм-шафқат қилиб, шаҳрингизга эсон-

– Nimayam derdik, – dedi u o‘zini atain xotirjam ko‘rsatib, – sizlar sheriksizlar, kim bu yerda qoladi, kim qolmaydi, o‘zlaringiz hal qilinglar, lekin men noqulayroq bo‘lsa ham bitta gapni aytib qo‘yishim kerak. Shu... desangiz “Gadoy topmas”ning yana bir boshqa nomi ham bor, u “Borsa kelmas”, bu “Gadoy topmas”ga o‘z oyog‘i bilan kelish bor-u, ketish yo‘q degani bo‘ladi. Nima qilaylikki, shunday qilishga majburmiz, ha, sharoit shunga majbur qiladi, – deb Shaytonvachcha oltinlar vodiysiga qarab qo‘ydi.

Bu gaplardan Ortiqboy seskanib ketdi. Nima, bu odamlarni o‘ldirib yuboramizmi?! Lekin bir hisobda Gadoyboy janoblari haq. Xazinaning eshigi ochilib qoldi-da. Uni bu odamlar ko‘rishdi. Qaytib ketishsa, Xudo biladi, nimalar bo‘ladi?

– Im-m-m... – deb yubordi Abomuslim ichidan og‘riq turib. Sal bo‘lmasa tomirlari tortishib, taxta bo‘lib qolay dedi. Ko‘z oldidan bola-chaqasi, uzun sochlarini beliga tashlab, hovli supurayotgan guldek xotini, qurib qo‘ygan hashamatli uylari, ma‘raka-yu to‘y-to‘rkinlardagi kelsinlar, qadamlariga hasanot kabi mulozamatlar bir-bir o‘tdi. Voh, jannatlarda yashab yurgan ekan-ku, nima jin urib bu do‘zaxga kelib qoldi-a? O‘zini birinchi marta nochor, yakka-yu yolg‘iz his qildi Abomuslim. Nahotki “Gadoy topmas”ga uni ajali boshlab kelgan bo‘lsa? Nomini qaranglar – “Gadoy topmas”, u bo‘lsa nafsining ko‘chasiga kirib, shu joylarni topib kelib o‘tiribdi-ya, tuf-e...

– Rahm qilinglar, ko‘pchilikning orqasidan kunini ko‘rib yurgan, bir bechora odamman, – yig‘lamsiradi Abomuslim.

Ortiqboyning yuragi ezilib, teskari qarab oldi. Nahotki uni o‘ldirib yuborishadi. Odamning jonidan ham azizmikan shu oltin deganlari. Gadoyboy janoblarining bunchayam qahri qattiq bo‘lmasa. Unaqa odamga o‘xshamagan edi-ku?

– Albatta, albatta rahm qilamiz, – dedi Shay-

омон жўнатиб ҳам юборамиз, локин битта шарти борда, кўнасимиз?

Ортиқбойнинг юраги илиб, Абомуслимга қаради ва:

– Шартларига кўнақолинг, мехмон, – деди.

– Кўнаман, кўнмай-чи, – кўзларида умид учкунлари ёнди Абомуслимнинг.

– Шарти шуки, ёруғ жаҳонни кўриб турган икки кўзингиз-у тилингизни “Гадоё топмас”га ташлаб кетасиз, шу... кўзингизни ўйиб, тилингизни кесиб оламиз.

– Айбим нима, ахир? – хўнграб юборди Абомуслим.

– Айбингиз бу жойларни кўриб, гувоҳ бўлиб қолганингиз, танланг, тақсирим, танлаш ҳуқуқингиз бор.

Ортиқбой боягидан ҳам баттарроқ аҳволга тушди. Нималар бўляпти бу ерда ўзи? Дунёда кўзсиз, тилсиз яшагандан ўлиб кетган яхшимасми? У бўлса шартларига “кўнақолинг” деб юрибди.

Шорасул рўпарасида турган гадоёсифат одамга тан бергандек қаради. У масалани шундай кўндаланг қўйдики, Абомуслим боши берк кўчага кириб қолди. Бу одам Шайтон жанобларидан анчагина дарс олганга ўхшайди. Каллани ишлашини қаранг. Абомуслимга танлашга имкон ҳам қолдирмади-я.

– Бу дунёда кўзсиз, тилсиз яшагандан кўра ўлимизга рози бўлиб қўяқолинг, тақсирим? – деди Шорасул Абомуслимга қараб.

– Тавба қилдим, “Тавба қилганда ҳам тавбаи Насўх қилдим”, деб қасам ичди Абомуслим, – айтганингизни қиламан, кемага тушганинг жони бир, тамом, вассалом...

– Бу бошқа гап, – деди Шайтонвачча, – билиб қўйинг, у ёққа боргандан кейин аҳмоқлик қилиб юрманг-а, осмонга чиқсангиз оёғингиздан, ерга кирсангиз қулогингиздан тортишади. Бола-чақангиз гаровда, ўзингиз ажалнинг ўқида бўласиз, билиб ишингизни қилинг...

tonvachcha, – rahm-shafqat qilib, shahringizga eson-omon jo‘natib ham yuboramiz, lokin bitta sharti bor-da, ko‘nasizmi?

Ortiqboyning yuragi ilib, Abomuslimga qaradi va:

– Shartlariga ko‘naqoling, mehmon, – dedi.

– Ko‘naman, ko‘nmay-chi, – ko‘zlarida umid uchuqlari yondi Abomuslimning.

– Sharti shuki, yorug‘ jahonni ko‘rib turgan ikki ko‘zingiz-u tilingizni “Gadoy topmas”ga tashlab ketasiz, shu... ko‘zingizni o‘yib, tilingizni kesib olamiz.

– Aybim nima, axir? – ho‘ngrab yubordi Abomuslim.

– Aybingiz bu joylarni ko‘rib, guvoh bo‘lib qolganingiz, tanlang, taqsimim, tanlash huquqingiz bor.

Ortiqboy boyagidan ham battarroq ahvolga tushdi. Nimalar bo‘lyapti bu yerda o‘zi? Dunyoda ko‘zsiz, tilsiz yashagandan o‘lib ketgan yaxshimasmi? U bo‘lsa shartlariga “ko‘naqoling” deb yuribdi.

Shorasul ro‘parasida turgan gadoysifat odamga tan bergandek qaradi. U masalani shunday ko‘ndalang qo‘ydiki, Abomuslim boshi berk ko‘chaga kirib qoldi. Bu odam Shayton janoblaridan anchagina dars olganga o‘xshaydi. Kallani ishlashini qarang. Abomuslimga tanlashga imkon ham qoldirmadi-ya.

– Bu dunyoda ko‘zsiz, tilsiz yashagandan ko‘ra o‘limingizga rozi bo‘lib qo‘yaqoling, taqsimim? – dedi Shorasul Abomuslimga qarab.

– Tavba qildim, “Tavba qilganda ham tavbayi Naso‘h qildim”, deb qasam ichdi Abomuslim, – aytganingizni qilaman, kemaga tushganning joni bir, tamom, vassalom...

– Bu boshqa gap, – dedi Shaytonvachcha, – bilib qo‘ying, u yoqqa borgandan keyin ahmoqlik qilib yurmang-a, osmonga chiqsangiz oyog‘ingizdan, yerga kirsangiz qulog‘ingizdan tortishadi. Bola-chaqangiz garovda, o‘zingiz ajalning o‘qida bo‘lasiz, bilib ishingizni qiling...

Улар келган вертолётларида орқаларига қайтиб кетишди. Ортиқбой узоқ хаёлларга толиб қолди. Гадойбой жанобларини ўйлаб қолди. “Гадой топмас”ни обод қилиш учун мана қанақа каллалари бўлиши керак экан. Уларни қачон, қандоқ қилиб чақириб улгурди экан. Қойил, бизнес режаларини ҳам тузиб қўйибди. “Сопалаккўл”нинг лойини қумга аралаштириб ғишт чиқариш кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Шорасул деганлари завод кураман деяпти. Абомуслим одам олиб келади. Яна кимларни – тақволи, Худодан қўрқадиган одамларни. Ҳа, Гадойбой жаноблари оддий одаммас, у бориб турган Хизр. Бўлмаса ўзидан-ўзи “Гадой топмас” учун бунчалик жон куйдирармиди. Ё “Гадой топмас” орқасидан миллионер бўлиб кетмоқчимикан? Балки бу ерларни обод қилиб, ҳокими мутлақ бўлиб олар. Биздақалар бир чеккада қолиб ҳам кетар. Ҳа, Ортиқбойнинг боши қотгандан-қотди...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Шохдор раиснинг ичига чироқ ёкса ёримайди. Ягона нусха Одамшайтондан на хат, на хабар бор. Жинлар олами ҳам сув куйгандек жимжит. Ахборотчининг ахборот папкаси ҳам бўм-бўш. Аммо шайтонлар салтанатида пасту баланд, висир-висир гаплар юриб қолган. Бунқа пайтда Шохдор раис йиғилиш чақирмаса бўлмайди.

– Х-ў-ўш... оламда нима гаплар, анчадан бери йиғилишмадик, – деб Раис ўзини сиртдан хотиржам кўрсатди.

– Шуъбаларда ишлар ўз йўлида боряпти, ёмон эмас, – деб минғирлади Ахборотчи, – битта янги хабар бор, у ҳам бўлса шаҳардаги энг катта “Стриптиз” ресторани сотилди.

– А?

Раис ичидан бир зил кетди. Худди ҳамёнидан ажраб қолгандек у ёқ-бу ёғини пайпаслаб қўйди. Кейин сўради:

Ular kelgan vertolyotlarida orqalariga qaytib ketishdi. Ortiqboy uzoq xayollarga tolib qoldi. Gadoyboy janoblarini o‘ylab qoldi. “Gadoy topmas”ni obod qilish uchun mana qanaqa kallali bo‘lishi kerak ekan. Ularni qachon, qandoq qilib chaqirishga ulgurdi ekan. Qoyil, biznes rejalarini ham tuzib qo‘yibdi. “Sopalakko‘l”ning loyini qumga aralashtirib g‘isht chiqarish kimning xayoliga kelibdi, deysiz. Shorasul deganlari zavod quraman deyapti. Abomuslim odam olib keladi. Yana kimlarni – taqvoli, Xudodan qo‘rqadigan odamlarni. Ha, Gadoyboy janoblari oddiy odammas, u borib turgan Xizr. Bo‘lmasa o‘zidan o‘zi “Gadoy topmas” uchun bunchalik jon kuydirarmidi. Yo “Gadoy topmas” orqasidan millioner bo‘lib ketmoqchimikan? Balki bu yerlarni obod qilib, hokimi mutlaq bo‘lib olar. Bizdaqalar bir chekkada qolib ham ketar. Ha, Ortiqboyning boshi qotgandan qotdi...

## HAY’AT YIG‘ILISHI

Shoxdor raisning ichiga chiroq yoqsa yorimaydi. Yagona nusxa Odamshaytondan na xat, na xabar bor. Jinlar olami ham suv quygandek jimjit. Axborotchining axborot papkasi ham bo‘m-bo‘sh. Ammo shaytonlar saltanatida past-u baland, visir-visir gaplar yurib qolgan. Bunqa paytda Shoxdor rais yig‘ilish chaqirmasa bo‘lmaydi.

– X-o‘-o‘sh... olamda nima gaplar, anchadan beri yig‘ilishmadik, – deb Rais o‘zini sirdan xotirjam ko‘rsatdi.

– Shu’balarda ishlar o‘z yo‘lida boryapti, yomon emas, – deb ming‘irladi Axborotchi, – bitta yangi xabar bor, u ham bo‘lsa shahardagi eng katta “Striptiz” restorani sotildi.

– A?

Rais ichidan bir zil ketdi. Xuddi hamyonidan ajrab qolgandek u yoq-bu yog‘ini paypaslab qo‘ydi. Keyin so‘radi:



– Унинг бошлиғи анави “Тақво”ни амакиваччаси-миди?

– Ҳа, жаноб, у нафакат ресторанини, шаҳардаги ҳамма кўчмас мулкларини ҳам сотди.

– “Стриптиз”ни сотиб олган одам нима қилмоқчи?

– Кенгайтириб, хос хоналарини кўпайтирмоқчи.

– Ҳа-а... бу бошқа гап, тўйхона қураммикан деб кўрққан эдим, яхши, яхши...

– Рухсат берсангиз, Жаноб раис, шу масалага сал ойдинлик киритсам, – деди хуфиялар шуъбасининг бошлиғи.

– Хоҳлаганингизча киритаверинг.

– Тахминимча “Тақво”нинг амакиваччаси Одамшайтон билан телефон орқали боғланган. Гап-сўзларини хуфияларимиз узуқ-юлуқ бўлса-да, эшитиб қолган.

– Хўш, хўш... – бирдан Раиснинг ичи ёришди, Одамшайтон ҳақида эшитади-ю ичи ёришмасинми?

– Қизиғи шундаки, Одамшайтон Стриптизчига шундоқ шартларни қўйганки, эшитганнинг эси тескари бўлади.

– А, шунақами, қанақа шартлар экан у?

– Унга ароқ ичишни, сигарет чекишни ташлайсан, – деган.

– Йўғ-е, унда Стриптизчи ўзини ўзи осиб қўяқолар, – селкиллаб кулди Раис.

– Буёғини эшитинг, Жаноби олийлари, “Менинг хузуримга йўлга чиқишдан олдин, ғусул қилиб, икки ракат намоз ўқийсиз, деган.

– Воҳ...

– Буям ҳаммаси эмас, Жаноби олийлари, яна ўзлари билан битта энг тақводор мулланиям обкелишни тайинлаган. Шу гаплардан кейин анави Абомуслим бор-ку, ўша йўқолиб қолган. Улар ҳойнаҳой тавба-тазарру қилгани Аллоҳнинг уйига боришмоқчиёв.

– Бизда “ҳойнаҳой”, “моқчиёв” деган ҳардамхаёл гаплар бўлмаслиги керак, жинлар олами қаёққа қараяпти? – овозини кўтарди Раис.

– Uning boshlig‘i anavi “Taqvo”ni amakivachchasi mididi?

– Ha, janob, u nafaqat restoranini, shahardagi hamma ko‘chmas mulklarini ham sotdi.

– “Striptiz”ni sotib olgan odam nima qilmoqchi?

– Kengaytirib, xos xonalarini ko‘paytirmoqchi.

– Ha-a... bu boshqa gap, to‘yxona qurarmikan deb qo‘rqqan edim, yaxshi, yaxshi...

– Ruxsat bersangiz, Janob rais, shu masalaga sal oydinlik kiritsam, – dedi xufiyalar shu‘basining boshlig‘i.

– Xohlaganingizcha kiritavering.

– Taxminimcha “Taqvo”ning amakivachchasi Odamshayton bilan telefon orqali bog‘langan. Gap-so‘zlarini xufiyalarimiz uzuq-yuluq bo‘lsa-da eshitib qolgan.

– Xo‘sh, xo‘sh... – birdan Raisning ichi yorishdi, Odamshayton haqida eshitadi-yu ichi yorishmasinmi?

– Qizig‘i shundaki, Odamshayton Striptizchiga shundoq shartlarni qo‘yganki, eshitganning esi teskari bo‘ladi.

– A, shunaqami, qanaqa shartlar ekan u?

– Unga aroq ichishni, sigaret chekishni tashlaysan, – degan.

– Yo‘g‘-e, unda Striptizchi o‘zini o‘zi osib qo‘yaqolar, – selkillab kuldi Rais.

– Buyog‘ini eshiting Janobi oliylari, “Mening huzurimga yo‘lga chiqishdan oldin, g‘usul qilib, ikki rakat namoz o‘qiysiz, degan.

– Voh...

– Buyam hammasi emas Janobi oliylari, yana o‘zlari bilan bitta eng taqvodor mullaniyam obkelishni tayinlagan. Shu gaplardan keyin anavi Abomuslim bor-ku, o‘sha yo‘qolib qolgan. Ular hoynahoy tavba-tazarru qilgani Allohning uyiga borishmoqchiyov.

– Bizda “hoynahoy”, “moqchiyov” degan hardamxayol gaplar bo‘lmasligi kerak, jinlar olami qayoqqa qarayapti? – ovozini ko‘tardi Rais.

Жинлар шуъбасининг бошлиғи – корамўндивой дик этиб ўрнидан турди.

– Гапир, ҳе тутундан тарқаган, – бурнини жийирди Раис.

– Энди биз тутундан таркамаганмиз, Жаноби олийлари, – бидирлади у, – энди биз “Самум” деган иссиқ шамолдан тарқаганмиз, шунга қараб муомала қилишингизни талаб қиламан, йўқ десангиз истеъфога чиқаман, худди.

– Нима?

– Эшитганингиз.

– Қаттан чикди бу гап, яна?

– Албатта менданмас, доноларнинг доноси Одамшайтондан чикди.

– Яна нималар деди у кўрнамак?

– Раисинглар сизларни тутундан тарқаган деб бе-корларни айтибди, сизлар “Самум” деган иссиқ шамолдан тарқагансизлар, деди. Шундан кейин жинлар, бизам аслзодалардан эканмиз, бундан буюғига чақимчилик, хуфиялик қилмаймиз, деб тўнларини тескари кийиб олишди.

Ҳозиргина Одамшайтон ҳақида эшитиб, Раиснинг ичи ёришиб турган эди. Ёруғи курғур омонат экан, “лип” этиб ўчди-қолди. Наҳотки Одамшайтон иймон келтириб, поклангани Аллоҳнинг уйига бораётган бўлса? Наҳотки бу нодир нусхадан ажраб қолган бўлса? Уни Шохдор раиснинг ўзи тукқан эди-ку. Бу ёғи бир тукқанни, бир тўйдирганни қорнига теп бўптида. Раис чуқур хўрсиниб, минг бир азобда мажлисни ёпти.

## ЭҲ, “108-КАНАЛ”

*(Ёки “108-канал”нинг Шайтонваччанинг ишларига билиб-билмай аралашиб қўйгани)*

– Дикқат қилинг, эфирда “108-канал!” – деб кўрсатувни бошлади отнинг қашқасидек бўлиб қолган бошловчи қиз. – Шаҳри азимдаги миш-мишларга

Jinlar shu'basining boshlig'i – qoramo'ndivoy dik etib o'rnidan turdi.

– Gapir, he tutundan tarqagan, – burnini jiyirdi Rais.

– Endi biz tutundan tarqamaganmiz, Janobi oliylari, – bidirladi u, – endi biz “Samum” degan issiq shamoldan tarqaganmiz, shunga qarab muomala qilishingizni talab qilaman, yo'q desangiz iste'foga chiqaman, xuddi.

– Nima?

– Eshitganingiz.

– Qattan chiqdi bu gap, yana?

– Albatta mendanmas, donolarning donosi Odamshaytondan chiqdi.

– Yana nimalar dedi u ko'rnamak?

– Raisinglar sizlarni tutundan tarqagan deb bekorlarni aytibdi, sizlar “Samum” degan issiq shamoldan tarqagansizlar, dedi. Shundan keyin jinlar, bizam aslzodalardan ekanmiz, bundan buyog'iga chaqimchilik, xufiyalik qilmaymiz, deb to'nlarini teskari kiyib olishdi.

Hozirgina Odamshayton haqida eshitib, Raisning ichi yorishib turgan edi. Yorug'i qurg'ur omonat ekan, “lip” etib o'chdi-qoldi. Nahotki Odamshayton iymon keltirib, poklangani Allohning uyiga borayotgan bo'lsa? Nahotki bu nodir nusxadan ajrab qolgan bo'lsa? Uni Shoxdor raisning o'zi tug'gan edi-ku. Bu yog'i bir tug'ganni, bir to'ydirganni qorniga tep, bo'pti-da. Rais chuqur xo'rsinib, ming bir azobda majlisni yopti.

## **EH, “108-KANAL”**

*(Yoki “108-kanal”ning Shaytonvachchaning ishlariga bilib-bilmay aralashib qo'ygani)*

– Diqqat qiling, efirda “108-kanal!” – deb ko'rsatuvni boshladi otning qashqasidek bo'lib qolgan boshlovchi qiz. – Shahri azimdagi mish-mishlarga qaraganda “Striptiz” restoranining egasi jamiki ko'chmas mol-mulklarini

қараганда “Стриптиз” ресторанининг эгаси жамики кўчмас мол-мулкларини сотган, унинг бу сотди-сотди ишлари Абомуслим деган домланинг тўсатдан йўқолиб қолганидан кейин маълум бўлиб қолди. Гап шундаки, Абомуслимнинг хотини эрини қидириб фолбинга борган. Фолбин “И-би... жинларимнинг дегонларича эрингиз Абомуслум Истирибтизчи билан гапни битта қилибду, ундан кейин чикин “Гадой топмас”га кетибду. Уларни шайтонларнинг каттаси йўлдан урубду”... депти. Биз фолбиннинг фоли қанчалик рост ёки ёлғонлигини билмадиг-у, лекин турли сайтлар, телефон тармоқлари орқали сўраб-суриштириб аниқладик. Маълум бўлишича, Стриптизчи “108-канал”нинг ўлмас қахрамони “Ўзга сайёралик” билан телефон орқали алоқада бўлган. Шогирд тушиб, ундан дарс олмоқчи эканини айтган. У катта пул сўраган. Шунга кўчмас мулкларини сотган. Бироқ энг қизиги, нимагадир Абомуслим уларга кўшилиб қолган. Ҳойнаҳой “Гадой топмас” бу бошқа сайёраликнинг ватани бўлиши керак. Нотаниш сайёра бўлганидан кейин гадойлар уни қандоқ қилиб ҳам топсин? Номини қаранг, “Гадой топмас”. Кейин қахрамонимиз тушмагурнинг бизнинг сайёрамиздаги тўйларини кўриб, никоҳ маросимларини кузатиб, ҳавас қилган бўлиши табиий. Уйланмоқчи бўлган бўлса Абомуслимни никоҳини ўқитгани олиб кетган. Бекорга Стриптизчига, ичишни, чекишни ташлайсан, гусул қилиб, икки ракат намоз ўқийсан, демаган. Агарда бу тахминларимиз тўғри чиқса Абомуслим ҳали-бери сайёрамизга қайтолмасаям керак. Бутун бир сайёрадагиларни никоҳлаб чиқишнинг ўзи бўладими? Қандингни ур Абомуслим. Лекин нима бўлганда ҳам биз ерликлар хушёрликни йўқотмаслигимиз керак, қахрамонимиз Абомуслимнинг тақдири ҳар биримизнинг бошимизга тушиши мумкин. У ўз сайёрасини такводорлар сайёрасига айлантирмоқчига ўхшайди. Ватандошларимизнинг орқасидан “алвидо” деб қолмайлик, яна.

sotgan, uning bu sotdi-sotdi ishlari Abomuslim degan domlanning to'satdan yo'qolib qolganidan keyin ma'lum bo'lib qoldi. Gap shundaki, Abomuslimning xotini erini qidirib folbinga borgan. Folbin "I-bi... jinlarimning degonlaricha eringiz Abomuslim Istiribtizchi bilan gapni bitta qilibdu, undan keyin chikin "Gadoy topmas"ga ketibdu. Ularni shaytonlarning kattasi yo'ldan urubdu"... deпти. Biz folbinning foli qanchalik rost yoki yolg'onligini bilmadig-u, lekin turli saytlar, telefon tarmoqlari orqali so'rab-surishtirib aniqladik. Ma'lum bo'lishicha, Striptizchi "108-kanal"ning o'lmas qahramoni "O'zga sayyoralik" bilan telefon orqali aloqada bo'lgan. Shogird tushib undan dars olmoqchi ekanini aytgan. U katta pul so'ragan. Shunga ko'chmas mulklarini sotgan. Biroq eng qizig'i, nimagadir Abomuslim ularga qo'shilib qolgan. Hoynahoy "Gadoy topmas" bu boshqa sayyoralikning vatani bo'lishi kerak. Notanish sayyora bo'lganidan keyin gadoylar uni qandoq qilib ham topsin? Nomini qarang, "Gadoy topmas". Keyin qahramonimiz tushmagurning bizning sayyoramizdagi to'ylarini ko'rib, nikoh marosimlarini kuzatib, havas qilgan bo'lishi tabiiy. Uylanmoqchi bo'lgan bo'lsa Abomuslimni nikohini o'qitgani olib ketgan. Bekorga Striptizchiga, ichishni, chekishni tashlaysan, g'usul qilib, ikki rakat namoz o'qiysan, demagan. Agarda bu taxminlarimiz to'g'ri chiqsa Abomuslim hali-beri sayyoramizga qaytolmasayam kerak. Butun bir sayyoradagilarni nikohlab chiqishning o'zi bo'ladimi? Qandingni ur Abomuslim. Lekin nima bo'lganda ham biz yerliklar hushyorlikni yo'qotmasligimiz kerak, qahramonimiz Abomuslimning taqdiri har birimizning boshimizga tushishi mumkin. U o'z sayyorasini taqvodorlar sayyorasiga aylanmiqmoqchiga o'xshaydi. Vatandoshlarimizning orqasidan "alvido" deb qolmaylik, yana.

Ko'rsatuvimiz oxirida o'sha o'zga sayyoralikka aytadigan alohida gapimiz bor: – Hov, "108-kanal"ni xonavayron qilgan firibgar, ko'pam haddingdan

Кўрсатувимиз охирида ўша ўзга сайёраликка айтадиган алоҳида гапимиз бор: – Ҳов, “108-канал”-ни хонавайрон қилган фирибгар, кўпам ҳаддингдан ошма, биз сени, албатта, қўлга туширамиз. Билиб қўй, зурриётингни тақдири бизнинг қўлимизда-я. У Соқовхонимнинг вужудида дўмбиллаб-сўмбиллаб катта бўляпти. Туғилганидан кейин болангни бериб бўлмиз сенга. Қани қўлингдан нима келаркин? Лекин болангни ўзингга айрибош қилишимиз ҳам мумкин. Сен қилмишларинг учун биз ерликларнинг олдида жавоб берасан ҳали, шунақа...

Шайтонвачча кўрсатувни дам туриб, дам ўтириб, дам кулиб, дам гижиниб томоша қилди. Воқеа ва ходисаларни, “Гадой топмас” сайёраси деб, орасига никоҳ деган гапларни қўшиб, барини айқаш-уйқаш қилиб ташлагани яхши бўлди. Аммо одамларнинг юрагига шубҳа солиб қўйгани яхши бўлмади. Бу Абомуслимнинг ишини чигаллаштиради энди. Худодан кўркадиганлар пулга учмайдиган халқ. Ҳа, ҳеч қачон пулга сотмайдилар, бу дунёнимас у дунёсини ўйлашади. Бироқ Абомуслимдан қаёққа, нимага борамиз, деб сўрашлари турган гап. “Гадой топмас”-га деса, телевизордан эшитдик, биз бировларнинг сайёрасига бормаимиз, ўзимизнинг сайёрамызда ҳам ишлар тиқилиб ётибди, ўз уйинг – ўлан тўшагинг, деб унамасликлари аниқ. Ахир, мусулмон одам бошқа юртларга илм излаб бориши мумкин, ризқ излаб бормаиди, ризқини қаерда бўлса ҳам Худо етказди.

Шайтонвачча шуларни ўйлаб ўтирган эди, қувлашмачоқ ўйнагандек ҳузурига Одамбой билан Собирбой кириб келди. Бири олиб, бири қўйиб бидирлай кетишди:

– Гадойбой ака, Гадойбой ака, телевизорни кўрдингизми, биззи “Гадой топмас”ни ҳалигиндай, бошқа сайёра деяпти, шу ростми?

– Кейин анови домла Абомуслимни ҳам гапирди, уни тақволи деди, тақволи дегани уйланмаган, сўққа-бош деганими?

oshma, biz seni, albatta, qo'lg'a tushiramiz. Bilib qo'y, zurriyotingni taqdiri bizning qo'limizda-ya. U Soqovxonimning vujudida do'mbillab-so'mbillab katta bo'lyapti. Tug'ilganidan keyin bolangni berib bo'pmiz senga. Qani qo'lingdan nima kelarkin? Lekin bolangni o'zingga ayribosh qilishimiz ham mumkin. Sen qilmishlaring uchun biz yerliklarning oldida javob berasan hali, shunaqa...

Shaytonvachcha ko'rsatuvni dam turib, dam o'tirib, dam kulib, dam g'ijinib tomosha qildi. Voqea va hodisalarni, "Gadoy topmas" sayyorasi deb, orasiga nikoh degan gaplarni qo'shib, barini ayqash-uyqash qilib tashlagani yaxshi bo'ldi. Ammo odamlarning yuragiga shubha solib qo'ygani yaxshi bo'lmadi. Bu Abomuslimning ishini chigallashtiradi endi. Xudodan qo'rqadiganlar pulga uchmaydigan xalq. Ha, hech qachon pulga sotmaydilar, bu dunyonimas u dunyosini o'ylashadi. Biroq Abomuslimdan qayoqqa, nimaga boramiz, deb so'rashlari turgan gap. "Gadoy topmas"ga desa, televizordan eshitdik, biz birovlarining sayyorasiga bormaymiz, o'zimizning sayyoramizda ham ishlar tiqilib yotibdi, o'z uying – o'lan to'shaging, deb unamasliklari aniq. Axir, musulmon odam boshqa yurtlarga ilm izlab borishi mumkin, rizq izlab bormaydi, rizqini qayerda bo'lsa ham Xudo yetkazadi.

Shaytonvachcha shularni o'ylab o'tirgan edi, quvlashmashoq o'ynagandek huzuriga Odamboyl bilan Sobirboyl kirib keldi. Biri olib, biri qo'yib bidirlyay ketishdi:

– Gadoyboyl aka, Gadoyboyl aka, televizorni ko'r-dingizmi, bizni "Gadoy topmas"ni haliginday, boshqa sayyora deyapti, shu rostmi?

– Keyin anovi domla Abomuslimni ham gapirdi, uni taqvoli dedi, taqvoli degani uylanmagan, so'qqabosh deganimi?

– E, yaxshilab eshitmabsan karquloq, xotini folbinga erimni topib ber deb boradi-yu, so'qqabosh bo'ladimi,



– Э, яхшилаб эшитмабсан карқулок, хотини фолбинга эримни топиб бер деб боради-ю, сўққабош бўладими, томи кетган. Такводор дегани сен билан менга ўхшаб ичаверадиам, намозам ўқийверадиам дегани, билдингми, галварс?

– Унда “стриптиз” нима дегани?

– Вох-ха-ха... шуниям билмайсанми, тикка туриб чоптириш дегани, – тўғрими Гадойбой ака.

– Мутлақо тўғри, – деди Шайтонвачча уларнинг елкасига бир-бир қоқиб, – икковингизам ҳақсиз. Лекин мен сочини “мальчишка” қилиб олган ўша қизни кўришим билан телевизорни шартта ўчираман. Нимага десангиз, ўша канал одамларнинг ақлини кирди-чиқди қилиб кўяди. У жинни-санғилар учун очилган канал. Ахир уларни ҳам ўзларибоб каналлари бўлиши керак-да, улар ҳам одам. Уларнияам Худо яратган. Телевизор кўришга, радио эшитишга, интернетларга кириб-чиқишга ҳақлари бор... Сизларнинг ақлингиз жойида, соппа-соғсизлар, тақво нималигини, стриптиз нималигини мендан яхши биларкансизлар... У каналнинг юзи курсин, асло кўрманглар, худди томинглар кетиб қолади-я, хўпми?..

– Хўп бўлади, Гадойбой ака, раҳмат, – дейишди улар бараварига, – ўзи олдингизга нимага келувдик?

– Менга раҳмат айтгани келувдинглар, мана раҳматнияам айтдинглар, энди яхши боринглар, ҳа, борақолинглар.

– Сизам яхши қолинг, бўлмаса...

– Мен яхшиман...

Шайтонвачча ҳам ичиб, ҳам намоз ўқийдиган, ҳалол билан ҳаромни аралаштириб юрадиганлар эрта кунда эсарак бўлиб қолишларини яхши биларди. Одамбой билан Собирбой ҳам кундан-кунга ана шунақа бўлиб борардилар.

tomi ketgan. Taqvodor degani sen bilan menga o‘xshab ichaveradiyam, namozam o‘qiyveradiyam degani, bilingmi, galvars?

– Unda “striptiz” nima degani?

– Vox-xa-xa... shuniyam bilmaysanmi, tikka turib choptirish degani, – to‘g‘rimi Gadoyboy aka.

– Mutlaqo to‘g‘ri, – dedi Shaytonvachcha ularning yelkasiga bir-bir qoqib, – ikkovingizam haqsiz. Lekin men sochini “malchishka” qilib olgan o‘sha qizni ko‘rishim bilan televizorni shartta o‘chiraman. Nimaga desangiz, o‘sha kanal odamlarning aqlini kirdi-chiqdi qilib qo‘yadi. U jinni-sang‘ilar uchun ochilgan kanal. Axir ularni ham o‘zlaribob kanallari bo‘lishi kerak-da, ular ham odam. Ularniyam Xudo yaratgan. Televizor ko‘rishga, radio eshitishga, internetlarga kirib-chiqishga haqlari bor... Sizlarning aqlingiz joyida, soppa-sog‘sizlar, taqvo nimaligini, striptiz nimaligini mendan yaxshi bilarkansizlar... U kanalning yuzi qursin, aslo ko‘rmanglar, xuddi tominglar ketib qoladi-ya, xo‘pmi?..

– Xo‘p bo‘ladi, Gadoyboy aka, rahmat, – deyishdi ular baravariga, – o‘zi oldingizga nimaga keluvdik?

– Menga rahmat aytgani keluvdinglar, mana rahmatniyam aytdinglar, endi yaxshi boringlar, ha, bo-raqolinglar.

– Sizam yaxshi qoling, bo‘lmasa...

– Men yaxshiman...

Shaytonvachcha ham ichib, ham namoz o‘qiydigan, halol bilan haromni aralashtirib yuradiganlar erta kunda esarak bo‘lib qolishlarini yaxshi bilardi. Odamboy bilan Sobirboy ham kundan kunga ana shunaqa bo‘lib borardilar.

## ПУЛ БЎЛСА ЧАНГАЛДА ШЎРВА

*(Ёки Шайтонваччанинг кутилмаганда ҳайрону лол бўлиб қолгани)*

Шайтонвачча Соқовхонимнинг вужудида улғайиб, ой-куни яқинлашаётган зурриётини ўйлаб, хаёл суриб ўтирган эди, Ортиқбой ҳовлиқиб чақириб қолди.

– Гадойбой тақсир, тезроқ ташқарига чиқинг...

– Тинчликми?

– Э, бўлақолинг...

Шайтонвачча ташқарига чиқди-ю Ортиқбойнинг ишораси билан осмону фалакка қаради. Воҳ, парашютлар... баҳор булутлари орасидан бир нималар тушиб келарди... Бу ерларда ҳарбий машқлар ўтказилиб турилар экан-да, деган хаёлга борди Шайтонвачча. Нимагаки тушаётган нарсалар одам зотига ўхшамас эди. Катта-катта бир нимарсалар! Ҳар бири уйдек-уйдек келадиёв. Олдин тўртбурчак бир нарса кум устига астагина кўнди. Кейин бошқалари. Лекин яқинига боришга ҳеч кимнинг юраги бетламади. Ким билади ичида нималар бор? Биров чиқиб автоматдан тариллатиб отиб қолса-я? Кейин буларнинг эгаси бордир, бекордан-бекорга осмону фалакдан тушиб келмаётгандир? Эгасиз нарсанинг ўзи борақанми, бу дунёда? Бир маҳал битта каттакон кути тарс-турс ёрилдида, ичидан юк машинаси чиқиб, ўтов томон лопиллаб юриб кела бошлади. Ана, эгаси ҳам ичида экан. Бола-бақралар, аёллар кўрқиб, ўзларини ўтов ичига урди. Эркаклар ҳам паналаб, бир-бирининг пинжигига тикилишди. Ким билади ҳайдовчиси ким-у, мақсади нима? Бирдан юк машинаси тўхтаб, кабинадан қанотларини кенг ёзиб, шоду хуррам Шорасул чиқиб келди.

– Воҳ бу сизмидингиз, Шорасул ака, омон бўлинг-э... – деб Ортиқбой унинг истиқболига югура кетди.

Шайтонвачча ҳам бориб, “қойил” дегандек кўришиб, унинг кўлини маҳкам қисди. Тушунди, анави уйга ўхшаган нарсаларнинг ҳаммаси “Гадой топмас”-

## PUL BO'LSA CHANGALDA SHO'RVA

*(Yoki Shaytonvachchaning kutilmaganda hayron-u lol bo'lib qolgani)*

Shaytonvachcha Soqovxonimning vujudida ulg'ayib, oy-kuni yaqinlashayotgan zurriyotini o'ylab, xayol surib o'tirgan edi, Ortiqboy hovliqib chaqirib qoldi.

– Gadoyboy taqsir, tezroq tashqariga chiqing...

– Tinchlikmi?

– E, bo'laqoling...

Shaytonvachcha tashqariga chiqdi-yu Ortiqboyning ishorasi bilan osmon-u falakka qaradi. Voh, parashtlar... bahor bulutlari orasidan bir nimalar tushib kelardi... Bu yerlarda harbiy mashqlar o'tkazilib turilar ekan-da, degan xayolga bordi Shaytonvachcha. Nimagaki tushayotgan narsalar odam zotiga o'xshamas edi. Katta-katta bir nimarsalar! Har biri uydek-uydek keladiyov. Oldin to'rtburchak bir narsa qum ustiga astagina qo'ndi. Keyin boshqalari. Lekin yaqiniga borishga hech kimning yuragi betlamadi. Kim biladi ichida nimalar bor? Birov chiqib avtomatdan tarillatib otib qolsa-ya? Keyin bularning egasi bordir, bekordan bekorga osmon-u falakdan tushib kelmayotgandir? Egasiz narsaning o'zi borakanmi, bu dunyoda? Bir mahal bitta kattakon quti tars-turs yorildi-da, ichidan yuk mashinasi chiqib, o'tov tomon lopillab yurib kela boshladi. Ana, egasi ham ichida ekan. Bola-baqralar, ayollar qo'rqib, o'zlarini o'tov ichiga urdi. Erkaklar ham panalab, bir-birining pinjiga tiqilishdi. Kim biladi haydovchisi kim-u, maqsadi nima? Birdan yuk mashinasi to'xtab, kabinadan qanotlarini keng yozib, shod-u xurram Shorasul chiqib keldi.

– Voh bu sizmidingiz, Shorasul aka, omon bo'ling-e... – deb Ortiqboy uning istiqboliga yugura ketdi.

Shaytonvachcha ham borib, “qoyil” degandek ko'rishib, uning qo'lini mahkam qisdi. Tushundi, anavi

га. Шайтонвачча Шорасул шаҳарда юрганида кўнғироқ қилиб, ҳар эҳтимолга қарши “Гадой топмас”ни обод қилиш халқаро жамғармасини очиб, ҳисоб рақамига номига бўлса ҳам озроқ пул ташлаб қўйишни айтган эди. Шорасул гапни шундан бошлади:

– Шу десангиз, Гадойбой ака, шаҳарда юрсам Жаноби олийлари каминага кўнғироқ қилиб топширик бериб қолдилар, бажонидил уни ҳам қойиллатиб келдим, – деди.

– Сир бўлмаса, қандай топширик экан у? – билиб туриб сўради Шайтонвачча.

– “Гадой топмас” халқаро жамғармасини тузиб, ҳисоб рақамларигача очиб, озроқ пул ҳам ташлаб қўйдим. Ошна-огайнилар омон бўлсин, барини шест секундда ест қилиб беришди. Ўзи шартмиди шу жамғарма тузиш, Гадойбой ака? Худо ўзи бу ёқдан мўмайроқ қилиб бериб қўйибди-ку.

– Эсингизда бўлсин, Шорасул ака, – деди Шайтонвачча секингина, – ҳеч қачон Жаноби олийларининг айтганлари муҳокама қилинмайди. Улар жудаям-жудаям узоқларни кўрадилар.

Шорасул “тушундим” дегандек бош ирғаб қўйди.

Осмондан тушган анави уйдек нарсалар ичидан чўмичли экскаватор, бир эмас иккита ағдарма машина, яна бошқасидан битта “ЖИП” чиқди. Қолганлари завод қисмлари-ю ёқилғи-мойлари экан...

– Мана, – деди Шорасул қулочини кенг ёзиб, – “Гадой топмас”ни гуллатишга мен тайёрман, пул бўлса чангалда шўрва дейдилар буни. У атрофга ишчанлик билан қаради-да:

– Имом-домла кўринмайдилар? – деди кафтини ишқаб.

– Ўша кетганларича дом-дараксизлар.

– Хўп замонлар бўлдими, пиширгулик топсанг, куйдиргулик тополмайсан. Одам дегани шунчалар анқонинг уруғи бўб кетибдими, нима дедингиз, Гадойбой ака?

uyga o'xshagan narsalarning hammasi "Gadoy topmas"ga. Shaytonvachcha Shorasul shaharda yurganida qo'ng'iroq qilib, har ehtimolga qarshi "Gadoy topmas"ni obod qilish xalqaro jamg'armasini ochib, hisob raqamiga nomiga bo'lsa ham ozroq pul tashlab qo'yishni aytgan edi. Shorasul gapni shundan boshladi:

– Shu desangiz, Gadoyboy aka, shaharda yursam Janobi oliylari kaminaga qo'ng'iroq qilib topshiriq berib qoldilar, bajonidil uni ham qoyillatib keldim, – dedi.

– Sir bo'lmasa, qanday topshiriq ekan u? – bilib turib so'radi Shaytonvachcha.

– "Gadoy topmas" xalqaro jamg'armasini tuzib, hisob raqamlarigacha ochib, ozroq pul ham tashlab qo'ydim. Oshna-og'aynilar omon bo'lsin, barini shest sekundda est qilib berishdi. O'zi shartmidi shu jamg'arma tuzish, Gadoyboy aka? Xudo o'zi bu yoqdan mo'mayroq qilib berib qo'yibdi-ku.

– Esingizda bo'lsin, Shorasul aka, – dedi Shaytonvachcha sekingina, – hech qachon Janobi oliylarining aytganlari muhokama qilinmaydi. Ular judayam-judayam uzoqlarni ko'radilar.

Shorasul "tushundim" degandek bosh irg'ab qo'ydi.

Osmondan tushgan anavi uydek narsalar ichidan cho'michli ekskavator, bir emas ikkita ag'darma mashina, yana boshqasidan bitta "JIP" chiqdi. Qolganlari zavod qisimlari-yu yoqilg'i moylari ekan...

– Mana, – dedi Shorasul qulochini keng yozib, – "Gadoy topmas"ni gullatishga men tayyorman, pul bo'lsa changalda sho'rva deydilar buni. U atrofga ishchanlik bilan qaradi-da:

– Imom-domla ko'rinmaydilar? – dedi kaftini ish-qab.

– O'sha ketganlaricha dom-daraksizlar.

– Xo'p zamonlar bo'ldimi, pishirgulik topsang, kuydirgulik topolmaysan. Odam degani shunchalar anqoning urug'i bo'b ketibdimi, nima dedingiz, Gadoyboy aka?

Шайтонвачча елка қисди. Шундоқ ҳам Абомус-  
лимдан хавотирда эди.

– Мана биз бормиз-ку, – деб ўртага суқилди  
Собирбой, – кимдан камлигимиз бор, ҳиқ...

– Трактор ҳайдашни биласизми? – сўради ундан  
Шорасул.

– Худо сақласин.

– Самасвал ҳайдашни-чи?

– Икки марта Худо сақласин.

– Биласизми, дарахтни бир тепса, сиздақа қўлидан  
иш келмайдиган такасалтангларнинг мингтаси ёғила-  
ди, – деди Шорасул уларнинг устидан кулиб.

– Яхшиям “Гадой топмас”да дарахт йўғ-а, ҳиқ, –  
деди Собирбой.

– Бўмагани биззи бахтимиз, – деди Одамбой.

– Бўпти, юр икки юз грамм намоз ўқиб олайлик, –  
деб Одамбойнинг елкасига қўл ташлади Собирбой. У  
ҳам бунинг елкасига қўл ташлади. Икковлари оёқла-  
ри чалишиб, қўшиқ айтиб, ўтовлари томон юришди:

Богим бор-у боғим бор, боғимда ароғим бор,

Боғим бор-у богим бор, бевафодан ёрим бор...

– Бу қавмингизга қачон ақл киради? – деб Ор-  
тиқбойга қаради Шайтонвачча.

– Шу ракат сўзига ҳеч тиллари келишмаяпти-да, –  
деб ерга қаради Ортиқбой.

– Бундан чиқди қиблага қараб: икки юз грамм на-  
моз ўқишга ният қилдим дейишадими, воҳ?

– Ўзингиз айтдингиз-ку, мусулмончилик – аста-  
секинчилик деб, ичишлариям кундан-кунга камайиб,  
бир култумданга ўтиб қолган.

– Нечук?

– Ароқ исқотини тугаб қолишидан кўрқишяпти.  
Борини ичволларинг, тугагандан кейин ичмайсанлар,  
деб қўйганман...

– Ҳа... думини кесиб қўйганман денг.

– Шунақа...

– Боплабсиз.

Shaytonvachcha yelka qisdi. Shundoq ham Abo-muslimdan xavotirda edi.

– Mana biz bormiz-ku, – deb o‘rtaga suqildi Sobirboy, – kimdan kamligimiz bor, hiq...

– Traktor haydashni bilasizmi? – so‘radi undan Shorasul.

– Xudo saqlasin.

– Samasval haydashni-chi?

– Ikki marta Xudo saqlasin.

– Bilasizmi, daraxtni bir tepsa, sizdaqa qo‘lidan ish kelmaydigan takasaltanglarning mingtasi yog‘iladi, – dedi Shorasul ularning ustidan kulib.

– Yaxshiyam “Gadoy topmas”da daraxt yo‘g‘-a, hiq, – dedi Sobirboy.

– Bo‘magani bizzii baxtimiz, – dedi Odamboy.

– Bo‘pti, yur ikki yuz gramm namoz o‘qib olaylik, – deb Odamboyning yelkasiga qo‘l tashladi Sobirboy. U ham buning yelkasiga qo‘l tashladi. Ikkovlari oyoqlari chalishib, qo‘shiq aytib, o‘tovlari tomon yurishdi:

Bog‘im bor-u bog‘im bor, bog‘imda arog‘im bor,

Bog‘im bor-u bog‘im bor, bevafo dan yorim bor...

– Bu qavmingizga qachon aql kiradi? – deb Ortiqboyga qaradi Shaytonvachcha.

– Shu rakat so‘ziga hech tillari kelishmayapti-da, – deb yerga qaradi Ortiqboy.

– Bundan chiqdi qiblaga qarab: ikki yuz gramm namoz o‘qishga niyat qildim deyishadimi, voh?

– O‘zingiz aytdingiz-ku, musulmonchilik – astasekinchilik deb, ichishlariyam kundan kunga kamayib, bir qultumdanga o‘tib qolgan.

– Nechuk?

– Aroq isqotini tugab qolishidan qo‘rqishyapti. Borini ichvollaring, tugagandan keyin ichmaysanlar deb qo‘yganman...

– Ha... dumini kesib qo‘yganman deng.

– Shunaqa...

– Boplabsiz.



Шайтонвачча ўлганининг кунидан “боплабсиз”, деди.

Стриптизчи Абомуслимга қисқагина SMS юборди: “Мен келдим, сиз қанисиз?” Жавоб келди: “Мен йўкман, айбдор 108”. У ҳеч нарсага тушунмай Шайтонваччага деди:

– Гадойбой ака, бу дейман, Абомуслим ё касами-ни бузган, ё томи кетиб қолган, ўқинг-чи, SMSидан бирон нарса тушунса бўладими?

– Жуда бўлади-да, унинг томиям жойида, қасаминиям бузгани йўк, у “сизлар айтган одамларни тополмаяпман, айбдор “108-канал” демокчи. Яқинда “108-канал” “Гадой топмас” сайёрасидан келган келгиндилар юртимиздаги энг художўй одамларни овлаб юришибди, уларни “Гадой топмас” сайёрасига олиб кетишмоқчи, эҳтиёт бўлинглар, алдовларига учиб, чапагингизни чалиб қолманг тагин, деб кўрkitиб қўйди. Шунга имом-домланинг иши юришмаётган кўринади.

– Энди нима киламиз, художўй бўлмаса бундайроғи бўлса ҳам обкелавер деймизми, Гадойбой ака?

– Секинроқ, – деб у бармоғини лабига босди, – айтдим-ку сизга, Жаноби олийларининг айтганлари муҳокама қилинмайди, деб.

– Минг бора узр, унда нима қил дейсиз, ахир вақт ўтиб боряпти, бизнес одами учун вақт бу – пул дегани. “Гадой топмас”га дунёнинг нарчасини тушириб қўйдим, ахир.

– Ахволни Жаноби олийларига етказаман, улар шундай қиладиларки, бизга халақит қилганларнинг ўзлари ёрдам беради, ҳа, мана кўрасиз.

Шайтонвачча шундай деб Шорасулни тинчлантирди-ю, ўзини ўзи тинчлантира олмади. У бу ёруғ дунёда кимга ҳам ишонсин? Бунақа ишлар дўсти Ажинашамолнинг қўлидан келмаса. Боши қотгандан қотди. На одам калласи, на шайтон калласи ишлади. Ҳар доимгидек боши берк кўчага кириб қолди. Ўйлаб қўйган режаларидан воз кеча олмайди. Катта

Shaytonvachcha o'lganining kunidan "boplabsiz", dedi.

Striptizchi Abomuslinga qisqagina SMS yubordi: "Men keldim, siz qanisiz?" Javob keldi: "Men yo'qman, aybdor 108". U hech narsaga tushunmay Shaytonvachchaga dedi:

– Gadoyboy aka, bu deyman, Abomuslim yo qasamini buzgan, yo tomi ketib qolgan, o'qing-chi, SMSidan biron narsa tushunsa bo'ladimi?

– Juda bo'ladi-da, uning tomiyam joyida, qasaminiyam buzgani yo'q, u "sizlar aytgan odamlarni topolmayapman, aybdor "108-kanal" demoqchi. Yaqinda "108-kanal" "Gadoy topmas" sayyorasidan kelgan kelgindilar yurtimizdagi eng xudojo'y odamlarni ovlab yurishibdi, ularni "Gadoy topmas" sayyorasiga olib ketishmoqchi, ehtiyot bo'linglar, aldovlariga uchib, chapagingizni chalib qolmang tag'in, deb qo'rqitib qo'ydi. Shunga imom-domlanning ishi yurishmayotgan ko'rinadi.

– Endi nima qilamiz, xudojo'y bo'lmasa bundayrog'i bo'lsa ham obkelaver deymizmi, Gadoyboy aka?

– Sekinroq, – deb u barmog'ini labiga bosdi, – aytdim-ku sizga, Janobi oliylarining aytganlari muhokama qilinmaydi, deb.

– Ming bora uzr, unda nima qil deysiz, axir vaqt o'tib boryapti, biznes odami uchun vaqt bu – pul degani. "Gadoy topmas"ga dunyoning narsasini tushirib qo'ydim, axir.

– Ahvolni Janobi oliylariga yetkazaman, ular shunday qiladilarki, bizga xalaqit qilganlarning o'zlari yordam beradi, ha, mana ko'rasiz.

Shaytonvachcha shunday deb Shorasulni tinchlantirdi-yu, o'zini o'zi tinchlantira olmadi. U bu yorug' dunyoda kimga ham ishonsin? Bunaqa ishlar do'sti Ajinashamolning qo'lidan kelmasa. Boshi qotgandan qotdi. Na odam kallasi, na shayton kallasi ishladi. Har doimgidek boshi berk ko'chaga kirib qoldi.

режалар олдида катта тўсиклар бўлишини ҳам биледи. Тиккама-тикка олишиб, уларни, албатта, енгиб ўтиши керак. Одам болаларига ўхшаб, қўл силтаса унда Шайтонвачча бўлмай қолади. Ахир у бир вақтнинг ўзида ҳам шайтонлар оламини, ҳам Одам болалари оламини ҳайратга солмоқчи-да. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас...

Шу пайт Шайтонваччанинг иккала калласи ҳам ишлаб кетди. Бир гуруҳ ёшлар номидан “108-канал”га, таваккал, бир SMS жўнатди. У қуйидагича эди: “Эй 108-шов-шувли канал. Биз кўп миллионли ёшлар бу каналдан хафамиз. Гап шундаки, биз ёшлар, “Гадой топмас”ни обод қилишга отланган эдик. Бизнинг “Гадой топмас”ни қаёқдаги бошқа “Гадой топмас”га ўхшатиб, шундок оламшумул савоб ишга тўғанок бўлдинглар, келажак авлод сизларни икки дунёда ҳам кечирмайди”. Хатни жўнатди-да, жавоби қанақа бўларкин, деб кута бошлади.

## “108-КАНАЛ” КЕЧИРИМ СЎРАЙДИ

*(Ёки Шайтонваччанинг SMSu иш бергани)*

Абомуслимдан дарак бўлмай, кун ўтиб, Шорасулнинг қон босими ошиб, Шайтонваччанинг калласи ғовлаб турган бир пайтда бирдан “108-канал” кўрсатув бошлаб қолди. Ёнида Ортиқбой билан Шорасул ҳам ўтирди.

Ҳар доимгидек алмойи-алжойи рекламадан кейин қақажон бирдан гапни кечирим сўрашдан бошлаб юборди-ю. Шайтонваччанинг ичи бирдан ёришиб кетди.

– Азиз ва муҳтарам “Гадой топмас”нинг қаҳрамонлари, асримизнинг ҳормас ва толмас ёшлари, биз сизлардан ўнг қўлимизни кўксимизга қўйиб кечирим сўраймиз. Сизлар “Гадой топмас”ни обод қилишдек савоб иш билан банд экансизлар. “Гадой топмас” номи билан жамғармалар очган экансизлар, ҳисоб ра-

O‘ylab qo‘ygan rejalaridan voz kecha olmaydi. Katta rejalar oldida katta to‘siqlar bo‘lishini ham biladi. Tikkama-tikka olishib, ularni, albatta, yengib o‘tishi kerak. Odam bolalariga o‘xshab, qo‘l siltasa unda Shaytonvachcha bo‘lmay qoladi. Axir u bir vaqtning o‘zida ham shaytonlar olamini, ham Odam bolalari olamini hayratga solmoqchi-da. Bu o‘z-o‘zidan bo‘ladigan ish emas...

Shu payt Shaytonvachchanning ikkala kallasi ham ishlab ketdi. Bir guruh yoshlar nomidan “108-kanal”ga, tavakkal, bir SMS jo‘natdi. U quyidagicha edi: “Ey 108-shov-shuvli kanal. Biz ko‘p millionli yoshlar bu kanaldan xafamiz. Gap shundaki, biz yoshlar, “Gadoy topmas”ni obod qilishga otlangan edik. Bizning “Gadoy topmas”ni qayoqdagi boshqa “Gadoy topmas”ga o‘xshatib, shundoq olamshumul savob ishga to‘g‘anoq bo‘ldinglar, kelajak avlod sizlarni ikki dunyoda ham kechirmaydi”. Xatni jo‘natdi-da, javobi qanaqa bo‘larkin, deb kuta boshladi.

### **“108-KANAL” KECHIRIM SO‘RAYDI**

*(Yoki Shaytonvachchanning SMSi ish bergani)*

Abomuslimdan darak bo‘lmay, kun o‘tib, Shorasulning qon bosimi oshib, Shaytonvachchanning kallasi g‘ovlab turgan bir paytda birdan “108-kanal” ko‘rsatuv boshlab qoldi. Yonida Ortiqboy bilan Shorasul ham o‘tirardi.

Har doimgidek almoiyi-aljoyi reklamadan keyin qaqajon birdan gapni kechirim so‘rashdan boshlab yubordi-yu. Shaytonvachchanning ichi birdan yorishib ketdi.

– Aziz va muhtaram “Gadoy topmas”ning qahramonlari, asrimizning hormas va tolmas yoshlari, biz sizlardan o‘ng qo‘limizni ko‘ksimizga qo‘yib kechirim so‘raymiz. Sizlar “Gadoy topmas”ni obod qilishdek savob ish bilan band ekansizlar. “Gadoy topmas” nomi

камингиз борлигини ҳам билдик. Англашилмовчилик шундаки, сизу бизни ўша товламачи, ярамас, карабас-барабас ўзга сайёралик атайлаб чалғитган. У ғаламис, сиз меҳнаткаш ёшларнинг “Гадоё топмас”дек бир жойни обод қилишингизни хоҳламаган. Ҳа, ғайирлиги келган унинг. Минг қилганда ҳам бегона-да. Қайнаса қони кўшилмайди. Шу билан, сиз азизларнинг йўлингизни тўсмоқчи, дастингизни кесмоқчи бўлган. Табиий, унинг чалғитиши билан жамғармангизга пул тушимлари тўхтаган бўлиши керак. Ҳойнаҳой ишларингиз анча орқага кетган бўлса ҳам керак. Каналимиз сизлардан кечирим сўраган ҳолда, бир хушxabар билан дилингизни хушнуд қилмоқчи. Шу билан сизларнинг олдингиздаги гуноҳимизни ювган бўламиз. Қандай хабар дейсизми? Мана бундай хабар. Ўша бошқа сайёралик бизнинг диёрларда ўлиб кетган бир одамнинг қиёфасида яшаб юрган. Унга юртимизнинг тузини еб тузлиғига тупурган Дадамирзадек одамлар, уни одам дейишга ҳам тилинг бормайди кишининг, малъун десак ҳам ҳақимиз кетади, сохта ҳужжатлар қилиб берган. Бундан сизларнинг хабарингиз бор, албатта. Бошқа сайёралик ўша сохта ҳужжат билан банкка жуда катта миқдорда пул қўйган. Сохтакорлиги фош бўлгач, ўша пуллари музлатилган. Энди улар муздан туширилиб, “Гадоё топмас” жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Чапак чалиб кутиб оласизлар, деган умиддамиз. Қарабсизки, ўз-ўзимизнинг пулларимиз, ўз-ўзимизга, юртимиз ободлиғига хизмат қилади. Қалай, хурсандмисизлар? Яшасин “Гадоё топмас”нинг марди майдон ёшлари!

Бу гаплардан кейин Шайтонвачча ҳам чапак чалиб, ўрнидан туриб, ўйинга тушиб кетди. Қойил, SMSи иш берди-я. Иш берганда ҳам қандайки, ўх-х-ў... Ҳам Абомуслимга йўл очилди, ҳам неча миллионли бўлиб қолди. Яхшиям ёшлар ҳаракати эсига тушиб қолгани. Аслида бунақа ишларни ёшлар қилиши керак-да. Қаёқдаги Шайтонваччалармас.

bilan jamg'armalar ochgan ekansizlar, hisob raqamingiz borligini ham bildik. Anglashilmovchilik shundaki, siz-u bizni o'sha tovlamachi, yaramas, karabas-barabas o'zga sayyoralik ataylab chalg'itgan. U g'alamis, siz mehnatkash yoshlarning "Gadoy topmas"dek bir joyni obod qilishingizni xohlamagan. Ha, g'ayirligi kelgan uning. Ming qilganda ham begona-da. Qaynasa qoni qo'shilmaydi. Shu bilan siz azizlarning yo'lingizni to'smoqchi, dastingizni kesmoqchi bo'lgan. Tabiiy, uning chalg'itishi bilan jamg'armangizga pul tushimlari to'xtagan bo'lishi kerak. Hoynahoy ishlarigiz ancha orqaga ketgan bo'lsa ham kerak. Kanalimiz sizlardan kechirim so'ragan holda, bir xushxabar bilan dilingizni xushnud qilmoqchi. Shu bilan sizlarning oldingizdagi gunohimizni yuvgan bo'lamiz. Qanday xabar deysizmi? Mana bunday xabar. O'sha boshqa sayyoralik bizning diyorlarda o'lib ketgan bir odamning qiyofasida yashab yurgan. Unga yurtimizning tuzini yeb, tuzlig'iga tupurgan Dadamirzadek odamlar, uni odam deyishga ham tiling bormaydi kishining, mal'un desak ham haqimiz ketadi, soxta hujjatlar qilib bergan. Bundan sizlarning xabaringiz bor, albatta. Boshqa sayyoralik o'sha soxta hujjat bilan bankka juda katta miqdorda pul qo'ygan. Soxtakorligi fosh bo'lgach, o'sha pullari muzlatilgan. Endi ular muzdan tushirilib, "Gadoy topmas" jamg'armasining hisob raqamiga o'tkaziladi. Chapak chalib kutib olasizlar, degan umiddamiz. Qarabsizki, o'z-o'zimizning pullarimiz, o'z-o'zimizga, yurtimiz obodligiga xizmat qiladi. Qalay, xursandmisizlar? Yashasin "Gadoy topmas"ning mardi maydon yoshlari!

Bu gaplardan keyin Shaytonvachcha ham chapak chalib, o'rnidan turib, o'yinga tushib ketdi. Qoyil, SMSi ish berdi-ya. Ish berganda ham qandayki, o'h-h-o'... Ham Abomuslinga yo'l ochildi, ham necha millionli bo'lib qoldi. Yaxshiyam yoshlar harakati esiga tushib qolgani. Aslida bunaqa ishlarni yoshlar qilishi kerak-da.







Шу қақажони тушмагур, жамғарманинг ҳисоб рақамини ҳам эълон қилиб юбормади-да? Эълон қилиб юборганида борми, пул демагани ёғилиб кетарди-да. Одамлар мурувватли. Майли, шундоғам музлаб ётган пуллари битта SMS билан ўз чўнтагига қайтиб тушди-ку. Ҳа-а... иш дегани бундоқ бўпти. Бу дунёда ким-ким, шайтоннинг пулини ҳам музлатиб бўларканми? Ахир шайтон ўтдан яралган-ку, унинг пуллари ҳам ўзига ўхшаган, теккан жойини куйдиради. Уни музлатиб бўларканми, вой каллаварамлар-ей!

Шайтонвачча бундай қараса. Шорасул унга “қойил” дегандек жилмай-и-иб қараб турибди. Шайтонвачча унга қараб:

– Айтдим-ку, бизга халақит қилганларнинг ўзи ёрдам беради деб, шунақа, Жаноби олийларининг қўллари узу-у-н.

## SMS УСТИГА SMS...

“108-канал” кечирим сўраганидан кейин Абомуслимнинг ишлари баттар чалкашди. Савоб ишга ҳиссамиз қўшилиб қолсин деганларнинг сони кўпайиб кетди. Минглаб одамлар “Мени олинг, “Гадой топмас”га мен бораман”, деб Абомуслимни ҳол-жонига қўйишмаяпти. Бечора қочишга жой тополмай қолди. Масжидга кирса масжидга киришади, дам олай деса атрофини кўрғон қилиб ўраб олишади. Ҳожатга ҳам бемалол боролмай қолди, бечора. Ниҳоят у ўйлаб-ўйлаб: “Бизга умрида ичмаган, умрида чекмаган, умрида бирор марта бетаҳорат юрмаган, зино кўчасига кирмаган, ёлғон гапирмаган, фақат Худодан кўрқадиган, бу дунёнимас, у дунёсини ўйлайдиганлар керак, деб шарт қўйди. Бу шартлардан кейин хоҳловчилар камайиш ўрнига баттар кўпайди. Нукул “Ўшаққа бориб ароқ ичишни ташлаймиз, ўшаққа бориб чекмай қўямиз, ўшаққа бориб таҳорат олишни ўрганамиз, бу дунёнимас, у дунёни ҳам ўша ёқда ўйлаймиз”, деб шовқин кўтариша бош-

Qayoqdagi Shaytonvachchalarmas. Shu qaqajoni tushmagur, jamg'armaning hisob raqamini ham e'lon qilib yubormadi-da? E'lon qilib yuborganida bormi, pul demagani yog'ilib ketardi-da. Odamlar muruvvatli. Mayli, shundog'am muzlab yotgan pullari bitta SMS, bilan o'z cho'ntagiga qaytib tushdi-ku. Ha-a... ish degani bundoq bo'пти. Bu dunyoda kim-kim-u, shaytonning pulini ham muzlatib bo'larkanmi? Axir shayton o'tdan yaralgan-ku, uning pullari ham o'ziga o'xshagan, tekkan joyini kuydiradi. Uni muzlatib bo'larkanmi, voy kallavaramlar-ey!

Shaytonvachcha bunday qarasa. Shorasul unga "qoyil" degandek jilmay-i-ib qarab turibdi. Shaytonvachcha unga qarab:

– Aytdim-ku, bizga xalaqit qilganlarning o'zi yordam beradi deb, shunaqa, Janobi oliylarining qo'llari uzu-u-n.

### SMS USTIGA SMS...

"108-kanal" kechirim so'raganidan keyin Abomuslimning ishlari battar chalkashdi. Savob ishga hissamiz qo'shilib qolsin deganlarning soni ko'payib ketdi. Minglab odamlar "Meni oling, "Gadoy topmas"ga men boraman", deb Abomuslimni holjoniga qo'yishmayapti. Bechora qochishga joy topolmay qoldi. Masjidga kirsam masjidga kirishadi, dam olay desa atrofni qo'rg'on qilib o'rab olishadi. Hojatga ham bemalol borolmay qoldi, bechora. Nihoyat u o'ylab-o'ylab: "Bizga umrida ichmagan, umrida chekmagan, umrida biror marta betahorat yurmagan, zino ko'chasiga kirmagan, yolg'on gapirmagan, faqat Xudodan qo'rqadigan, bu dunyonimas, u dunyosini o'ylaydiganlar kerak, deb shart qo'ydi. Bu shartlardan keyin xohlovchilar kamayish o'rniga battar ko'paydi. Nuqul "O'shaqqa borib aroq ichishni tashlaymiz, o'shaqqa borib chekmay qo'yamiz, o'shaqqa borib

лашди. Бировлар “Жамғармангизга шунча пул ўтказиб кўйдим, окоси, энди мени олсангам-олмасангам оласан”, деб дўқ ура бошлади. Пора тикиштириб, Абомуслимни издан чиқармоқчи бўлаётганлар қанча. Охири Абомуслим: “Гадой топмас”да сиз ўйлаганчалик мўмай пул йўқ, Худо йўлида ишлайсизлар, бунинг устига оч-наҳор ҳам қолиб кетасизлар, ҳали уй-жойлар қурилмаган, кечалари юлдуз санаб, очик далада ётасизлар, бекорга у жойни “Гадой топмас” демаган, ҳаётингиз гадойдан баттар бўлади”, деб ҳам кўрди. “О... кечалари юлдуз санаб, далада ётиш, романтика-ку, уни ейман, буни емайман дейишлар ҳам жонга тегди, биз ўшанақа ҳаётни соғинганмиз, машойихлар мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деган”, деб Абомуслимнинг оғзига уришди. Бечора Абомуслим “Али деса Вали, Вали деса Али” дейишаверди. Абомуслимнинг боши қотиб, нима қиларини билмай, маслаҳат сўраб, SMS устига SMS жўнатди.

Шорасул: “Энди нима қиламиз, Жаноби олийлари айтган художўйларни қандай қилиб бунча оломоннинг ичидан ажратиб оламиз”, деб “уф” тортиб, бетоқат бўларди. Абомуслимнинг боши қанчалик қотган бўлса Шайтонваччанинг ҳам боши шунчалик қотган эди. Шорасул қанчалик бетоқат бўлса, Шайтонвачча ундан баттар бесаранжом бўларди. Бир ёмоннинг бир яхшиси, бир яхшининг бир ёмони деганларидек, қақажон кечирим сўраганида Шайтонвачча қанчалар севинган эди. Хурсандлигидан чапак чалиб, ўйинга ҳам тушиб кетган эди. Энди бўлса, мана бу ташвишлар чиқиб турибди. Ҳозир улардан бахтсизроқ одам йўқ, дунёда.

– Мен бу муаммолар ҳақида Жаноби олийларига етказаман, улар нима деса шу бўлади. Балки, бу ишлардан у кишимнинг хабарлари бордир, ечимини ўйлаб ҳам кўйгандирлар, – деб Шорасулни яна тинчлантирди Шайтонвачча. Аммо ўзи яна тинчини йўқотди, уйкуси ўчди.

– Ох, шунақа диққатпазлик пайтида “Марлборо”

tahorat olishni o'rganamiz, bu dunyonimas, u dunyoni ham o'sha yoqda o'ylaymiz", deb shovqin ko'tarisha boshlashdi. Birovlar "Jamg'armangizga shuncha pul o'tkazib qo'ydim, okosi endi meni olsangam-olmasangam olasan", deb do'q ura boshladi. Pora tiqishtirib, Abomuslimni izdan chiqarmoqchi bo'layotganlar qancha. Oxiri Abomuslim: "Gadoy topmas"da siz o'ylaganchalik mo'may pul yo'q, Xudo yo'lida ishlaysizlar, buning ustiga och-nahor ham qolib ketasizlar, hali uy-joylar qurilmagan, kechalari yulduz sanab, ochiq dalada yotasizlar, bekorga u joyni "Gadoy topmas" demagan, hayotingiz gadoydan battar bo'ladi", deb ham ko'rdi. "O... kechalari yulduz sanab, dalada yotish, romantika-ku, uni yeyman, buni yemayman deyishlar ham jonga tegdi, biz o'shanaqa hayotni sog'inganmiz, mashoyixlar musofir bo'lmaguncha musulmon bo'lmasan degan", deb Abomuslimning og'ziga urishdi. Bechora Abomuslim "Ali desa Vali, Vali desa Ali" deyishaverdi. Abomuslimning boshi qotib, nima qilarini bilmay, maslahat so'rab, SMS ustiga SMS jo'natdi.

Shorasul: "Endi nima qilamiz, Janobi oliylari aytgan xudojo'ylarni qanday qilib buncha olomonning ichidan ajratib olamiz", deb "uf" tortib, betoqat bo'lardi. Abomuslimning boshi qanchalik qotgan bo'lsa Shaytonvachchaning ham boshi shunchalik qotgan edi. Shorasul qanchalik betoqat bo'lsa, Shaytonvachcha undan battar besaranjom bo'lardi. Bir yomonning bir yaxshisi, bir yaxshining bir yomoni deganlaridek, qaqqajon kechirim so'rganida Shaytonvachcha qanchalar sevingan edi. Xursandligidan chapak chalib, o'yinga ham tushib ketgan edi. Endi bo'lsa, mana bu tashvishlar chiqib turibdi. Hozir ulardan baxtsizroq odam yo'q, dunyoda.

– Men bu muammolar haqida Janobi oliylariga yetkazaman, ular nima desa shu bo'ladi. Balki, bu ishlardan u kishimning xabarлари bordir, yechimini

ёмонам хумор килади-да, “Бренди”ни-ку кўёвринг, — деб Шорасул Шайтонваччага шикоят килган бўлди.

— Нима у, берендай-мерандай деганларингиз? — деб жўрттага номларини чалкаштириб сўради Шайтонвачча.

— Э, Гадойбой ака, билманггам, куйманггам, — деди у.

— Бўлмаса мен очик ҳавога чиқай, Жаноби олийлари билан учрашадиган вақт бўбқолди, ё сизам чиқасизми? — деб атайлаб сўради Шайтонвачча.

Шорасулнинг кўз олдига ҳар бири ўн икки килодан келадиган бир нечта ёмбини битта чангалида кўтариб кетган баҳайбат, жундор қўл келди-ю:

— Й-ў-ў... й-ў... ўзлари учрашаверсинлар, мен бир оз мизғиб олай, — деди.

Шайтонвачча очик ҳавода айланиб юрар экан, нимагадир Одамбой билан Собирбойнинг “Гадой топмас”нинг художўйлари биз бўламиз-да, арокниям ичоврамиз, намоззиям ўқоврамиз”, деганларини эслади. Яна “ракат” деган сўзга тиллари келишмай, икки юз грамм намоз ўқишга ният қилдим, деб Ортикбойни хуноб қилаётганлари ҳам ёдига тушди. Шуларни эслаб, калласи бирдан ишлаб кетди. Ҳа, Шайтонвачча ҳамма нарсанинг сопини ўзидан чиқаришга ўрганган, устаси фаранг, ахир. Ниҳоят боши берк кўчадан чиқишнинг йўлини топди. Дарровда “Гадой топмас”ни топиб келадиган вертолётчини телефон орқали чақирди. Кейин Одамбой билан Собирбойнинг олдига кириб:

— Абомуслим у ёқда ишни эплотмаяпти, ёрдам бермасангиз бўлмайди, бу ёқда ишлар тўхтаб қолди, — деди.

— Э, бошидаёқ биззи юборишингиз керак эди, яримта ароққа ярим шаҳарни кўчириб келган бўлардик, — деб керилишди улар.

Шайтонвачча Абомуслимнинг қаердалигини вертолёт ҳайдовчисига тушунтириб, анавиларнинг қўлига яхшигина пул бериб, “Гадой топмас”га келмоқчи

o‘ylab ham qo‘ygandirlar, – deb Shorasulni yana tinchlantirdi Shaytonvachcha. Ammo o‘zi yana tinchini yo‘qotdi, uyqusi o‘chdi.

– Oh, shunaqa diqqatpazlik paytida “Marlboro” yomonam xumor qiladi-da, “Brendi”ni-ku qo‘yovring, – deb Shorasul Shaytonvachchaga shikoyat qilgan bo‘ldi.

– Nima u, berenday-meranday deganlaringiz? – deb jo‘rttaga nomlarini chalkashtirib so‘radi Shaytonvachcha.

– E, Gadoyboy aka, bilmanggam, kuymanggam, – dedi u.

– Bo‘lmasa men ochiq havoga chiqay, Janobi oliylari bilan uchrashadigan vaqt bo‘bqoldi, yo sizam chiqasizmi? – deb ataylab so‘radi Shaytonvachcha.

Shorasulning ko‘z oldiga har biri o‘n ikki kilodan keladigan bir nechta yombini bitta changalida ko‘tarib ketgan bahaybat, jundor qo‘l keldi-yu:

– Y-o‘-o‘... y-o‘... o‘zlari uchrashaversinlar, men bir oz mizg‘ib olay, – dedi.

Shaytonvachcha ochiq havoda aylanib yurar ekan, nimagadir Odamboy bilan Sobirboyning “Gadoy topmas”ning xudojo‘ylari biz bo‘lamiz-da, aroqniyam ichovramiz, namozziyam o‘qovramiz”, deganlarini esladi. Yana “rakat” degan so‘zga tillari kelishmay, ikki yuz gramm namoz o‘qishga niyat qildim, deb Ortiqboyni xunob qilayotganlari ham yodiga tushdi. Shularni eslab, kallasi birdan ishlab ketdi. Ha, Shaytonvachcha hamma narsaning sopini o‘zidan chiqarishga o‘rgangan, ustasi farang, axir. Nihoyat boshi berk ko‘chadan chiqishning yo‘lini topdi. Darrovda “Gadoy topmas”ni topib keladigan vertolyotchini telefon orqali chaqirdi. Keyin Odamboy bilan Sobirboyning oldiga kirib:

– Abomuslim u yoqda ishni eplolmayapti, yordam bermasangiz bo‘lmaydi, bu yoqda ishlar to‘xtab qoldi, – dedi.

– E, boshidayoq bizzi yuborishingiz kerak edi, yarimta aroqqa yarim shaharni ko‘chirib kelgan bo‘lardik, – deb kerilishdi ular.

бўлганларни ресторанга таклиф қилишни тайинлаб жўнатиб юборди. Кейин Абомуслимга SMS жўнатди: “Сизга ёрдамга Ортиқбой билан Собирбой боряпти, мабодо улар бирон ишқал чикаришса дарровда менга SMS жўнатиб”.

Эртасига кечга томон Абомуслимдан шошилишч SMS келди: “Юборган одамларингиз мени шармандаю шармисор килди, “Абомуслим бекорларни айтибди, “Гадоё топмас”дагилар арокниям ичовради, намозиям ўковради, ишонмасангиз юринглар, деб одамларни ресторанга обкириб кетди, нима қилишни билмай колдим?” Жавоб бўлди: “Ресторанга кирмаганлар ҳам борми?” “Бор, жуда озчилик”. “Ўшаларни олинг-да, тезда йўлга тушинг”. “Анави иккала арокхўрни нима қилай?” “Энди уларнинг бизга кераги йўқ, қиладиган ишларини қилиб бўлишди, даф бўлишсин”.

Ҳа-а... Шайтонвачча бу сафар ҳам сопини ўзидан чикариб янглишмади. Одатда, одамлар оқ билан қорани, узун билан қисқани, катта билан кичикни ёнма-ён қўйибгина бир-биридан фарқлайдилар. Анави камчилик одам ресторанга кирмаптими, демак энг художўйлари ўшалар. Нима бўлганда ҳам иккита арокхўрга, анча-мунча такводорни алмашлаб олдику. Бунақа уддабуронлик Шайтонваччадан бошқа яна кимниям қўлидан келарди...

## ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

Шайтонлар салтанатида ғалати сукунат ва жимлик ҳукм суларди. Аммо бу жимлик узокқа чўзилиши мумкин эмас эди. Ҳайъат аъзоларига қолса, “Оч қорним, тинч қулоғим”, деб юраверишса. Кунлари ўтса бўлди-да. Аммо Шохдор раисни бу қониктирмасди. Кемани очик денгизда ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди... Шамол суриб боради-да, бир қояга уриб чилпарчин қилади. Кейин нима бўлади? Асфаласофилин бўлади! Салтанат Одамшайтон қўлига ўтиб кетади. Эҳ, Одамшайтон, Одамшайтон! Шохдор раиснинг

Shaytonvachcha Abomuslimning qayerdaligini vertolyot haydovchisiga tushuntirib, anavilarning qo‘liga yaxshigina pul berib, “Gadoy topmas”ga kelmoqchi bo‘lganlarni restoranga taklif qilishni tayinlab jo‘natib yubordi. Keyin Abomuslimga SMS jo‘natdi: “Sizga yordamga Ortiqboy bilan Sobirboy boryapti, mabodo ular biron ishkal chiqarishsa darrovda menga SMS jo‘nating”.

Ertasiga kechga tomon Abomuslimdan shoshilinch SMS keldi: “Yuborgan odamlaringiz meni sharmandayu sharmisor qildi, “Abomuslim bekorlarni aytibdi, “Gadoy topmas”dagilar aroqniyam ichovradi, namozziyam o‘qovradi, ishonmasangiz yuringlar deb, odamlarni restoranga obkirib ketdi, nima qilishni bilmay qoldim?” Javob bo‘ldi: “Restoranga kirmaganlar ham bormi?” “Bor, juda ozchilik”. “O‘shalarni oling-da, tezda yo‘lga tushing”. “Anavi ikkala aroqxo‘rni nima qilay?” “Endi ularning bizga keragi yo‘q, qiladigan ishlarini qilib bo‘lishdi, daf bo‘lishsin”.

Ha-a... Shaytonvachcha bu safar ham sopini o‘zidan chiqarib yanglishmadi. Odatda, odamlar oq bilan qorani, uzun bilan qisqani, katta bilan kichikni yonmayon qo‘yibgina bir-biridan farqlaydilar. Anavi kamchilik odam restoranga kirmaptimi, demak, eng hudojo‘ylari o‘shalar. Nima bo‘lganda ham ikkita aroqxo‘rga, ancha-muncha taqvodorni almashlab oldi-ku. Bunaqa uddaburonlik Shaytonvachchadan boshqa yana kimniyam qo‘lidan kelardi...

## HAY’AT YIG‘ILISHI

Shaytonlar saltanatida g‘alati sukunat va jimlik hukm surardi. Ammo bu jimlik uzoqqa cho‘zilishi mumkin emas edi. Hay’at a‘zolariga qolsa, “Och qornim, tinch qulog‘im”, deb yuraverishsa. Kunlari o‘tsa bo‘ldi-da. Ammo Shoxdor raisni bu qoniqtirmasdi. Kemani ochiq dengizda o‘z holiga tashlab qo‘yib



гибрид боласи. Қаерларда юрибсаникин? Хе, бошга битган бало! “Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога”... Жинлар хизматини Шохдор раисдан олиб қўйди. Ҳа, қўл-оёқсиз қилиб қўйди, падари лаънат. Яна нималарни режа қиялпти экан у, окпадар?

Шохдор раис шуларни ўйлаб, боши қотиб ўтирганда, Ахборотчи кириб, Одамшайтон ҳақида гап борлигини айтиб қолди. Шу баҳона Раис дарровда йиғилиш чақирди.

– Гапиринглар, Одамшайтонга нима бўпти?

Ҳайъат аъзолари билдики, бошқа гапга ҳожат йўқ, фақат Одамшайтон ҳақида гапириш керак.

– Одамшайтонга нима бўлгани ҳозирча маълуммас, – деди шуъба аъзоларидан бири.

– Унда маълумидан гапиринглар.

– Маълумидан гапирсак, – деб ўрнидан турди хуфиялар шуъбасиниг бошлиғи, – яқинда ғалати иш бўлди. Бошқа сайёрага никоҳ ўқигани кетган Абомуслим шаҳрада пайдо бўлиб қолди. Кўчама-кўча изғиб, ўзига ўхшаган художўйларни кидира кетди. Уларни зўр бериб “Гадой топмас”га олиб кетмоқчи бўлди. Одамлар “108-канал”дан эшитдик, “Гадой топмас” сайёрасида бизга пишириб қўйибдимиз, деб унашмади. Аммо “108-канал” кечирим сўраганидан кейин, бирдан Абомуслимнинг ишлари юришиб кетди. Художўй бўлмаганлар ҳам тақводорман деб Абомуслимнинг оёғини тагига ётиб олишди. Абомуслим нима қилишини билмай қолди. Шу пайт “Биз “Гадой топмас”дан, келдик деб иккитаси пайдо бўлди. Абомуслимни ёлғончига чиқариб, тўпланганларни “Янги иш жойини ювайлик”, деб ресторанга бошлаб қолишди. “Ювамиз, ювамиз!” деб бақиришди ҳаммалари бараварига. Аммо оломоннинг ичидан анча-мунчаси ресторанга кирмади. Киришга ор қилишди. Абомуслим ўшаларни олиб, вертолётда жўнаворди. “Гадой топмас”дан келган анави иккови қолиб кета-а-верди... Бизларни ҳайратга солгани художўйларни хамирдан қил суғургандек ажратиб олга-

bo'lmaydi... Shamol surib boradi-da, bir qoyaga urib chilparchin qiladi. Keyin nima bo'ladi? Asfalasofilin bo'ladi! Saltanat Odamshayton qo'liga o'tib ketadi. Eh, Odamshayton, Odamshayton! Shoxdor raisning gibrid bolasi. Qayerlarda yuribsanikin? He, boshga bitgan balo! "O'zingdan chiqqan baloga, qayga boray davoga"... Jinlar xizmatini Shoxdor raisdan olib qo'ydi. Ha, qo'l-oyoqsiz qilib qo'ydi, padari la'nat. Yana nimalarni reja qilyapti ekan u, oqpadar?

Shoxdor rais shularni o'ylab, boshi qotib o'tirganda, Axborotchi kirib, Odamshayton haqida gap borligini aytib qoldi. Shu bahona Rais darrovda yig'ilish chaqirdi.

– Gapiringlar, Odamshaytonga nima bo'пти?

Hay'at a'zolari bildiki, boshqa gapga hojat yo'q, faqat Odamshayton haqida gapirish kerak.

– Odamshaytonga nima bo'lgani hozircha ma'lummas, – dedi shu'ba a'zolaridan biri.

– Unda ma'lumidan gapiringlar.

– Ma'lumidan gapirsak, – deb o'rnidan turdi xufiyalar shu'basinig boshlig'i, – yaqinda g'alati ish bo'ldi. Boshqa sayyoraga nikoh o'qigani ketgan Abomuslim shahrada paydo bo'lib qoldi. Ko'chama-ko'cha izg'ib, o'ziga o'xshagan xudojo'ylarni qidira ketdi. Ularni zo'r berib "Gadoy topmas"ga olib ketmoqchi bo'ldi. Odamlar "108-kanal"dan eshitdik, "Gadoy topmas" sayyorasida bizga pishirib qo'yibdimi, deb unashmadi. Ammo "108-kanal" kechirim so'rganidan keyin, birdan Abomuslimning ishlari yurishib ketdi. Xudojo'y bo'lmaganlar ham taqvodorman deb Abomuslimning oyog'ini tagiga yotib olishdi. Abomuslim nima qilishini bilmay qoldi. Shu payt "Biz "Gadoy topmas"dan keldik, deb ikkitasi paydo bo'ldi. Abomuslimni yolg'onchiga chiqarib, to'planganlarni yangi ish joyini yuvaylik, deb restoranga boshlab qolishdi. "Yuvamiz, yuvamiz!" deb baqirishdi hammalari baravariga. Ammo olomonning ichidan ancha-munchasi restoranga

ни бўлди. Бундай аклни талаб қиладиган ишлар Одам болаларининг кўлидан келмайди...

– Демак, бу Одамшайтоннинг иши демокчисиз, шундайми?

– Худди шундай, Жаноби олийлари, назаримда у одамга айланиб, Худо йўлига кириб бўлган. Шунинг учун атрофига фақат ўшанақаларни йиғяпти.

– Йигдиям дейлик, хўш, ундан кейин нима қилади?

– Кўпайишиб бизга қарши уруш очади-да, Жаноби олийлари.

– Уруш очса чатоқ бўлади-ку, ҳамма сирларимизни ипидан-игнасигача билади у лаънати.

– Шунга ҳаммамизнинг бошимиз котган.

– Анови оғмачи, “108-канал” ҳақида нима дейсизлар? Бир қарасанг Одамшайтоннинг устидан тинмай магзава ағдаради, бир қарасанг унинг ҳомийсига айланиб қолади. Ҳаммаёқни мошхўрда қилаётган ўша канал эмасми?

– Сезибсиз, Жаноби олийлари, сезибсиз, у каналнинг Одамшайтон билан тили бир. Тили бир бўлмаса музлатилган пуллари “Гадой топмас”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берармиди?

– Яна Соковхонининг корнидаги боласини ўз ҳимоясига олгани-чи?

– “Гадой топмас”дан келган арокхўрларнинг шайтонлари нима деяпти, гапга солиб кўрдингларми?

– Тайинли гап йўқ, эгаларига ўхшаб уларниям томи кетиб бўлган.

– Хуллас, Одамшайтон билан ўртамизда уруш бўлади, денглар? – хавотирга тушиб сўради Раис.

– Унчаликка бормасов, Жаноби олийлари, – деди хуфиялар бошлиғи, – “Гадой топмас”га кетганларнинг орасида биттаси бор. Унинг художўйликка зиғирчаям алоқаси йўқ, ичовриб, ичовриб ошқозонидан айрилган, ўшанга ресторанга кирмаган. Айтмоқчиманки, ҳойнаҳой ўша одамни орқасига қай-

kirmadi. Kirishga or qilishdi. Abomuslim o'shalarni olib, vertolyotda jo'navordi. "Gadoy topmas"dan kelgan anavi ikkovi qolib keta-a-verdi... Bizlarni hayratga solgani xudojo'ylarni xamirdan qil sug'urgandek ajratib olgani bo'ldi. Bunday aqlni talab qiladigan ishlar Odam bolalarining qo'lidan kelmaydi...

– Demak, bu Odamshaytonning ishi demoqchisiz, shundaymi?

– Xuddi shunday, Janobi oliylari, nazarimda u odamga aylanib, Xudo yo'liga kirib bo'lgan. Shuning uchun atrofiga faqat o'shanaqalarni yig'yapti.

– Yig'diyam deylik, xo'sh, undan keyin nima qiladi?

– Ko'payishib bizga qarshi urush ochadi-da, Janobi oliylari.

– Urush ochsa chatoq bo'ladi-ku, hamma sirlarimizni ipidan ignasigacha biladi u la'nati.

– Shunga hammamizning boshimiz qotgan.

– Anovi og'machi, "108-kanal" haqida nima deysizlar? Bir qarasang Odamshaytonning ustidan tinmay mag'zava ag'daradi, bir qarasang uning homiysiga aylanib qoladi. Hammayoqni moshxo'rda qilayotgan o'sha kanal emasmi?

– Sezibsiz, Janobi oliylari, sezibsiz, u kanalni Odamshayton bilan tili bir. Tili bir bo'lmasa muzlatilgan pullarini "Gadoy topmas"ning hisob raqamiga o'tkazib berarmidi?

– Yana Soqovxonimning qornidagi bolasini o'z himoyasiga olgani-chi?

– "Gadoy topmas"dan kelgan aroqxo'rlarning shaytonlari nima deyapti, gapga solib ko'rdinglarmi?

– Tayinli gap yo'q, egalariga o'xshab ularniyam tomi ketib bo'gan.

– Xullas, Odamshayton bilan o'rtamizda urush bo'ladi, denglar? – xavotirga tushib so'radi rais.

– Unchalikka bormasov, Janobi oliylari, – dedi xufiyalar boshlig'i, – "Gadoy topmas"ga ketganlarning

тариб юборишса керагов, ўшанинг шайтонидан ҳам-  
ма нарсани билиб олиш умидидамиз.

Мажлис ҳар доимгидек, ҳардамхаёллик билан ту-  
гади.

## ОРТИҚБОЙ “ГАДОЙ ТОПМАС”НИНГ ВОРИСИ

*(Ёки Шайтонваччанинг чучварани хом санагани)*

Абомуслим одамларни олиб келгандан кейин Шорасул шошиб қолди. Вақт кетяпти, вақт дегани Шорасул учун пул. Олтинни тезроқ қумдан ажратиб олиши керак. Ҳа, шу мақсадда Шайтонваччанинг ўтовида тезда ўзаро мажлисга йиғилдилар. Унда Шайтонвачча, Шорасул, Абомуслим ва Ортиқбой қатнашди. Шу пайтгача “Гадой топмас”нинг учта вориси бор эди. Одамбой билан Собирбой чалкашиб анави томонларда қолиб кетди. Баттар бўлишсин. Алмойи-алжойи саволлари билан Шайтонваччанинг бошини қотираётган эди. Дўстликлариниям, душманликлариниям билиб бўлмасди. Энди улар “Гадой топмас”ни топиб келадими-йўқми Худо билади. Хотинлари тул, болалари етим қолди ҳисоб. Шундай қилиб, Ортиқбойни бу жойларнинг ягона вориси қилиб сайлайдиган бўлишди. Ҳа, каттадир-кичикдир ҳар бир жойнинг ўз эгаси, ўз ҳокими бўлиши керак. Бутун дунё шундай яшаб келяпти, ахир. Ортиқбой бўлса:

– Гадойбой жаноблари бўлсинлар, шулар бўлмаса бу ерларга ҳали-вери одам зоти қадам босмасиди, – деб оёқ тираб олди.

– Йўқ, – деди Шайтонвачча қатъий бош чайқаб, – мен бор-йўғи бир гадойман. Бу жойларни обод қилиш ташвиши билан яшаган ягона соҳиб сизсиз. Яна “Гадой топмас” сизга отамерос. Неча йиллардан бери чироғини ёқиб ўтирибсиз, ахир! Эгалик сизга тан. Шундай қилсак Худога ҳам, бандасига ҳам ёқади.

orasida bittasi bor. Uning xudojo‘ylikka zig‘irchayam aloqasi yo‘q, ichovrib, ichovrib oshqozonidan ayrilgan, o‘shanga restoranga kirmagan. Aytmoqchimanki, hoynahoy o‘sha odamni orqasiga qaytarib yuborishsa keragov, o‘shaning shaytonidan hamma narsani bilib olish umididamiz.

Majlis har doimgidek, hardamxayollik bilan tugadi.

## ORTIQBOY “GADOY TOPMAS”NING VORISI

*(Yoki Shaytonvachchaning chuchvarani xom sanagani)*

Abomuslim odamlarni olib kelgandan keyin Shorasul shoshib qoldi. Vaqt ketyapti, vaqt degani Shorasul uchun pul. Oltinni tezroq qumdan ajratib olishi kerak. Ha, shu maqsadda Shaytonvachchaning o‘tovida tezda o‘zaro majlisga yig‘ildilar. Unda Shaytonvachcha, Shorasul, Abomuslim va Ortiqboy qatnashdi. Shu paytgacha “Gadoy topmas”ning uchta vorisi bor edi. Odamboylar bilan Sobirboy chalkashib anavi tomonlarda qolib ketdi. Battar bo‘lishsin. Almoysi-aljoyi savollari bilan Shaytonvachchaning boshini qotirayotgan edi. Do‘stliklariniyam, dushmanliklariniyam bilib bo‘lmasdi. Endi ular “Gadoy topmas”ni topib keladimiyo‘qmi Xudo biladi. Xotinlari tul, bolalari yetim qoldi, hisob. Shunday qilib, Ortiqboyni bu joylarning yagona vorisi qilib saylaydigan bo‘lishdi. Ha, kattadir-kichikdir har bir joyning o‘z egasi, o‘z hokimi bo‘lishi kerak. Butun dunyo shunday yashab kelyapti, axir. Ortiqboy bo‘lsa:

– Gadoyboy janoblari bo‘lsinlar, shular bo‘lmasa bu yerlarga hali-veri odam zoti qadam bosmasidi, – deb oyoq tirab oldi.

– Yo‘q, – dedi Shaytonvachcha qat‘iy bosh chayqab, – men bor-yo‘g‘i bir gadoyman. Bu joylarni obod qilish tashvishi bilan yashagan yagona sohib sizsiz. Yana “Gadoy topmas” sizga otameros. Necha yillardan beri chirog‘ini yoqib o‘tiribsiz, axir! Egalik sizga tan.

Адолат қарор топади. Мен қачон хумордан чиқаман, қачонки бу жойдаги хонадонларнинг эшигини тақиллатиб, “Ҳақ дўст, ё Оллоҳ” десам, ҳа ўша кунларга тезроқ етказсин...

– Гадойбой биродаримиз нафсиламарини айтганда тўғри айтяптилар, – деб гапга қўшилди Абомуслим, – Аллоҳ таоло бир кавми жазоламокчи бўлса ташқаридан бир одамини ҳоким килиб қўяркан. Гадойбой биродаримиз, минг қилса ҳам бу жойларга бегона, ўзини тортгани шундан. Пичокнинг сопи ўзидан чиқса кесонғич бўлади, хўп деяверинг...

Шорасул Ортиқбойнинг оёқ тираганидан хурсанд бўлиб, унинг ўрнига Гадойбой бўлишини жудаям хоҳлаб турган эди. Нима қилганда ҳам у Шайтон жанобларининг бу ердаги одами-да. Лекин иш бунақасига айланиб кетди. Ичини ит тирнаб, охири ичидагини тилига чиқаришга мажбур бўлди:

– Бу кишининг ворислиги бизнинг ворислик билан тўқнашиб (уришиб дея олмади) қолмайдими, ишқилиб? – деб хавотирини билдирди.

– Хотирингиз жам бўлсин, – деди Шайтонвачча кулиб, – сизнинг ғиштларингизсиз уйлар қачон қурилади-ю, камина қачон “Ҳақ дўст” деб эшикларни тақиллатади.

Шундай килиб, ишларни Ортиқбой бошқарадиган, Абомуслим, Шорасул, Гадойбой жаноблари унга ёрдам берадиган бўлишди.

– Хўп, – деди Ортиқбой жиловни қўлга олиб, – ишни зудлик билан сув обкелишдан бошлаймиз бўлмаса. Абомуслим ака, чақиринг анави канал қазувчиларингизни, улар камида уч киши бўлиши керак эди, шундайми, уч сменада ишламасалар бўлмайди, олдинда баҳор... ишлар тиғиз, эҳ-хе... қалашиб ётибди...

Абомуслим ўтовга Шокир махсум, Эргаш қори, Йўлдош қори деганларни бошлаб кирди. Учовлари ҳам Бисмилло... айтиб киришди ва қўлларини кўксига қўйиб тавозе билан салом-алик қилишди. Шайтонвачча бўлса шу заҳоти уларга ўз ўқини отиб

Shunday qilsak Xudoga ham, bandasiga ham yoqadi. Adolat qaror topadi. Men qachon humordan chiqaman, qachonki bu joydagi xonadonlarning eshigini taqillatib, “Haq do‘st, yo Oллоh” desam, ha o‘sha kunlarga tezroq yetkazsin...

– Gadoyboy birodarimiz nafsilamrini aytganda to‘g‘ri aytyaptilar, – deb gapga qo‘shildi Abomuslim, – Alloh taolo bir qavmni jazolamoqchi bo‘lsa tashqaridan bir odamni hokim qilib qo‘yarkan. Gadoyboy birodarimiz, ming qilsa ham bu joylarga begona, o‘zini tortgani shundan. Pichoqning sopi o‘zidan chiqsa kesong‘ich bo‘ladi, xo‘p deyavering...

Shorasul Ortiqboyning oyoq tiraganidan xursand bo‘lib, uning o‘rniga Gadoyboy bo‘lishini judayam xohlab turgan edi. Nima qilganda ham u Shayton janoblarning bu yerdagi odami-da. Lekin ish bunaqasiga aylanib ketdi. Ichini it tirnab, oxiri ichidagini tiliga chiqarishga majbur bo‘ldi:

– Bu kishining vorisligi bizning vorislik bilan to‘qnashib (urishib deya olmadi) qolmaydimi, ishqilib? – deb xavotirini bildirdi.

– Xotiringiz jam bo‘lsin, – dedi Shaytonvachcha kulib, – sizning g‘ishtlaringizsiz uylar qachon quriladi-yu, kamina qachon “Haq do‘st” deb eshiklarni taqillatadi.

Shunday qilib, ishlarni Ortiqboy boshqaradigan, Abomuslim, Shorasul, Gadoyboy janoblari unga yordam beradigan bo‘lishdi.

– Xo‘p, – dedi Ortiqboy jilovni qo‘lga olib, – ishni zudlik bilan suv obkelishdan boshlaymiz bo‘lmasa. Abomuslim aka, chaqiring anavi kanal qazuvchilaringizni, ular kamida uch kishi bo‘lishi kerak edi, shundaymi, uch smenada ishlamasalar bo‘lmaydi, oldinda bahor... ishlar tig‘iz, eh-he... qalashib yotibdi...

Abomuslim o‘tovga Shokir maxsum, Ergash qori, Yo‘ldosh qori deganlarni boshlab kirdi. Uchchovlari ham Bismillo... aytib kirishdi va qo‘llarini ko‘ksiga qo‘yib tavoze bilan salom-alik qilishdi. Shaytonvachcha



улгурди. Аммо учовига ҳам шайтон ўқлари тегмади. Шайтонваччанинг дами ичига тушиб кетди. Лекин ноумид бўлмади. Одам-ку, фариштамас-ку, буларда ҳам нафс бор-ку. Уларга шундай хўрак ташласинки, Абомуслимга ўхшаб қармоғига илинганини ўзлари билмай колсин. Ортикбой уларнинг исм ва шарифларини хужжатлаштиргач, нима дейсизлар дегандек маслахатчиларига каради.

– Энди гап бундай, – деди Шайтонвачча гапни хўрак ташлашдан бошлаб, – бу ерда тузилажак битимларни сиз-у биз ва Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак. Бу ҳам сизнинг фойдангизга, аслида. Ҳа, олдин даромад, кейин буромад, деганларидек биз бугундан бошлаб “Гадой топмас”нинг жони бўлган “Сопалаккўл”ни учовингизга мулк қилиб бўлиб берамиз. Бутун бошли катта кўлнинг суви ҳам дунёга машхур хонбалиқлари ҳам сизники бўлади. Боғдорчилик, деҳқончилик ишлари бошлангандан кейин, сувлар бебилиска ишлатилмаслиги учун ҳар кубасини фалон пулга сотасизлар. Хонбалиқларнинг тухумларини бўлса бемалол ички ва ташқи бозорларга пуллайверасизлар. Даромадларингиздан йилда бир марта закот тўласангиз бўлди. Бунинг эвазига биринчи навбатда канални тезлатиб, сувни “Гадой топмас”га етказиб беришингиз керак. Кейин кўлни лойқадан тозалашга киришасизлар, лойқани қумга аралаштириб, ундан бу ерда куриладиган уйлар учун ғишт қуйилади. Шундай қилиб, бугундан эътиборан “Гадой топмас”нинг жони сизларнинг қўлингизда, шундоқ катта кўчмас мулк сизларга муборак бўлсин.

– Узр таксирим, – деди Эргаш қори, бу гаплардан заррачаям хурсанд бўлмай, – каминанинг бунақа сиз айтган мулклардан парҳезим бор, ўшасизам ишлайвераман. Мен бу ерга охират умидида келганман, – деб тепадан келди.

– Менам шунақароқман, – деб бошини кўтарди Йўлдош қори, – кейин нимагадир ҳеч ким билмасин деяпсизлар, мен шубҳаю гумонларни ёқтирмайман.

bo'lsa shu zahoti ularga o'z o'qini otib ulgurdi. Ammo uchchoviga ham shayton o'qlari tegmadi. Shaytonvachchaning dami ichiga tushib ketdi. Lekin noumid bo'lmadi. Odam-ku, farishtamas-ku, bularda ham nafs bor-ku. Ularga shunday xo'rak tashlasinki, Abomuslimga o'xshab qarmog'iga ilinganini o'z-lari bilmay qolsin. Ortiqboy ularning ism va shariflarini hujjatlashtirgach, nima deysizlar degandek maslahatchilariga qaradi.

– Endi gap bunday, – dedi Shaytonvachcha gapni xo'rak tashlashdan boshlab, – bu yerda tuzilajak bitimlarni siz-u biz va Allohdan boshqa hech kim bilmasligi kerak. Bu ham sizning foydangizga, aslida. Ha, oldin daromad, keyin buromad, deganlaridek biz bugundan boshlab “Gadoy topmas”ning joni bo'lgan “Sopalakko'l”ni uchchovingizga mulk qilib bo'lib beramiz. Butun boshli katta ko'lining suvi ham dunyoga mashhur xonbaliqlari ham sizniki bo'ladi. Bog'dorchilik, dehqonchilik ishlari boshlangandan keyin, suvlar bebiliska ishlatilmasligi uchun har kubasini falon pulga sotasizlar. Xonbaliqlarning tuxumlarini bo'lsa bemalol ichki va tashqi bozorlarga pullayverasizlar. Daromadlaringizdan yilda bir marta zakot to'lasangiz bo'ldi. Buning evaziga birinchi navbatda kanalni tezlatib, suvni “Gadoy topmas”ga yetkazib berishingiz kerak. Keyin ko'lni loyqadan tozalashga kirishasizlar, loyqani qumga aralashtirib, undan bu yerda quriladigan uylar uchun g'isht quyiladi. Shunday qilib, bugundan e'tiboran “Gadoy topmas”ning joni sizlarning qo'lingizda, shundoq katta ko'chmas mulk sizlarga muborak bo'lsin.

– UZR taqsirim, – dedi Ergash qori, bu gaplardan zarrachayam xursand bo'lmay, – kaminaning bunaqa siz aytgan mulklardan parhezim bor, o'shasizam ishlayveraman. Men bu yerga oxirat umidida kelganman, – deb tepadan keldi.

– Menam shunaqaroqman, – deb boshini ko'tardi Yo'ldosh qori, – keyin nimagadir hech kim bilmasin

Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деганлар. Худо кўриб турибди-ку, яна кимдан ҳам яширамиз?

– Мулк, бойлик деганлари бамисоли чаён, охир-оқибат эгасини чакиб ўлдиради, – деб Шокир махсум деганлари шерикларидан ҳам ошиб тушди.

– Шундай, шундай, – деди Абомуслим, – бойлик ҳаром йўл билан топилса, чаёнга айланади ва охир-оқибат эгасини чакиб ўлдиради. Биз сизга ҳалол-пок тижоратни таклиф қиляпмиз-ку.

– Нима килганда ҳам биз бу ерга тижорат ниятида келмадик, обод қилиш ниятида келдик, – деди Шокир махсум.

– Хўп, бола-чақа нима бўлади, уларга зулум бўлиб қолмайдими? – сўради Шайтонвачча, – уларнинг ейиш, ичишлари бор.

– Биз бу масалада хотиржаммиз, ризқни Худо беради. Ўзларингиз рози бўлиб, бир маошни белгили қилинглар, барака ўшанда, – деди Йўлдош қори.

– Хўп, – деди Ортиқбой уларнинг нақдина даромаддан юз ўгирганларига ҳайрон бўлиб, – ораларингдан бир кишини бошлиқ қилиб сайланглар, бирон зарур иш чиқиб қолса биз ўша кишига мурожаат қилайлик.

Кирганларнинг иккиси бараварига Шокир махсумга қарашди.

– Йў...й-ў.. – деди у ўзини орқага ташлаб, – қиёматда бошлиқлар қўллари боғлиқ ҳолда тириладилар-а, буни мен ҳечам хоҳламайман.

– Бўпти, – деди Йўлдош қори, – қиёматда қўлингизни биринчи бўлиб ўзим ечишга шошиламан.

Шайтонвачча бу одамлар билан тил топиша олмаслигини, улар Дадамирзадан осмон билан ерча фарқ қилишини билиб қолди. Тавба, чўнтақларида ҳемири йўғ-у, осмондан келишини қаранглар, буларни?

– Энди, – деб Ортиқбой яна Абомуслимга қаради, – тол билан терак экадиган миришкорларни чакиринг.

Ўтовга икки киши кириб келди.

deyapsizlar, men shubha-yu gumonlarni yoqtirmayman. Oshing halol bo'lsa ko'chada ich, deganlar. Xudo ko'rib turibdi-ku, yana kimdan ham yashiramiz?

– Mulk, boylik deganlari bamisoli chayon, oxir-oqibat egasini chaqib o'ldiradi, – deb Shokir maxsum deganlari sheriklaridan ham oshib tushdi.

– Shunday, shunday, – dedi Abomuslim, – boylik harom yo'l bilan topilsa, chayonga aylanadi va oxir-oqibat egasini chaqib o'ldiradi. Biz sizga halol-pok tijoratni taklif qilyapmiz-ku.

– Nima qilganda ham biz bu yerga tijorat niyatida kelmadik, obod qilish niyatida keldik, – dedi Shokir maxsum.

– Xo'p, bola-chaqa nima bo'ladi, ularga zulum bo'lib qolmaydimi? – so'radi Shaytonvachcha, – ularning yeyish, ichishlari bor.

– Biz bu masalada xotirjammiz, rizqni Xudo beradi. O'z'laringiz rozi bo'lib, bir maoshni belgili qilinglar, baraka o'shanda, – dedi Yo'ldosh qori.

– Xo'p, – dedi Ortiqboy ularning naqdina daromaddan yuz o'g'irganlariga hayron bo'lib, – oralaringdan bir kishini boshliq qilib saylanglar, biron zarur ish chiqib qolsa biz o'sha kishiga murojaat qilaylik.

Kirganlarning ikkisi baravariga Shokir maxsumga qarashdi.

– Yo'...y-o'.. – dedi u o'zini orqaga tashlab, – qiyomatda boshliqlar qo'llari bog'liq holda tiriladilar-a, buni men hecham xohlamayman.

– Bo'pti, – dedi Yo'ldosh qori, – qiyomatda qo'lingizni birinchi bo'lib o'zim yechishga shoshilaman.

Shaytonvachcha bu odamlar bilan til topisha olmasligini, ular Dadamirzadan osmon bilan yercha farq qilishini bilib qoldi. Tavba, cho'ntaklarida hemiri yo'g'-u, osmondan kelishini qaranglar, bularni?

– Endi, – deb Ortiqboy yana Abomuslimga qaradi, – tol bilan terak ekadigan mirishkorlarni chaqiring.

O'tovga ikki kishi kirib keldi.

– Ўз ишингиз бўйича билганларингизни айтинглар, эшитайлик-чи, – деди Ортиқбой уларга қараб.

– Мен толнинг уч турини биламан: октол, қоратол, мажнунтол, бу жойларга кўпроқ қоратол эккан маъқул, қоратолнинг жони қаттиқроқ бўлади, иссиқ-қаям, совуққаям чидайди. Лекин оралатиб октол ҳам экиш керак. Октол яхши поя беради. Мажнунтол бўлса соя-салқиннинг жони, – деди битталари.

– Биззи диёрларда, қадимда йигирма етти хил терак экилган, ҳозиргача оқтерақ, кўктерақ, пахта терақ, мирзатерақ, бақатерақлар сақланиб қолган. Оқтерақ билан кўктеракни чатиштиришдан мирзатерақ пайдо бўлган. Шунга у икковидан ҳам баланд ўсади. Уйларнинг хариларига ярайди, – деди иккинчилари.

– Э, яшанглар, – деди Ортиқбой хурсанд бўлиб, – ўз ишингизни миришқори экансизлар, нима дедингиз, – деб у Шайтонваччага қаради.

– Сизларга, – деди Шайтонвачча, – каналнинг ҳар икки тарафидан бошидан охиригача ўн қулочдан ерни мулк қилиб берамиз. Каналнинг бир қирғогига тол, иккинчи қирғогига терақ экасизлар. Шарти шу: улар етилганда ҳар ўнта терақ ёки ўнта толдан биттаси ушрга – садақага берилади, даромаддан ҳар кесганингизда бир бора закот тўлаб турасизлар, вассалом.

– Ўн қулоч дейсизми, ариқнинг узунлиги ўн икки чақирим бўлса? – ҳайрон бўлиб сўради терақчи миришқор.

– Ҳа, камми? – кўзи орқага кетди Ортиқбойнинг.

– Йўқ, жуда кўп, бу узундан-узун кўчмас мулкингиз кўзимга бўғма илонни эслатиб юборди, илонни. Хўп дейдиган бўлсак биз морбозга (илон ўргатувчи) ўхшаб қоламиз-ку. Кейин нима бўлишини биласизми, ўша илон биззи тириклайин ютиб юборади-я.

– Қўйинг, бизни фитнага бошламанг, ака, – деди толчи шериги тараф бўлиб.

“Оббо, деди Шайтонвачча ичида, буларга бир нима бўлганими ўзи, нуқул илон, чаёндан келиша-

– O‘z ishingiz bo‘yicha bilganlaringizni aytinglar, eshitaylik-chi, – dedi Ortiqboy ularga qarab.

– Men tolning uch turini bilaman: oqtol, qoratal, majnuntol, bu joylarga ko‘proq qoratal ekan ma‘qul, qoratalning joni qattiqroq bo‘ladi, issiqqayam, sovuqqayam chidaydi. Lekin oralatib oqtol ham ekish kerak. Oqtol yaxshi poya beradi. Majnuntol bo‘lsa soya-salqinning joni, – dedi bittalari.

– Bizzi diyorlarda, qadimda yigirma yetti xil terak ekilgan, hozirgacha oqterak, ko‘kterak, paxta terak, mirzaterak, baqateraklar saqlanib qolgan. Oqterak bilan ko‘kterakni chatishtirishdan mirzaterak paydo bo‘lgan. Shunga u ikkovidan ham baland o‘sadi. Uylarning xarilariga yaraydi, – dedi ikkinchilari.

– E, yashanglar, – dedi Ortiqboy xursand bo‘lib, – o‘z ishingizni mirishkori ekansizlar, nima dedingiz, – deb u Shaytonvachchaga qaradi.

– Sizlarga, – dedi Shaytonvachcha, – kanalning har ikki tarafidan boshidan oxirigacha o‘n qulochdan yerni mulk qilib beramiz. Kanalning bir qirg‘og‘iga tol, ikkinchi qirg‘og‘iga terak ekasizlar. Sharti shu: ular yetilganda har o‘nta terak yoki o‘nta toldan bittasi ushrga – sadaqaga beriladi, daromaddan har kesganingizda bir bora zakot to‘lab turasizlar, vasalom.

– O‘n quloch deysizmi, ariqning uzunligi o‘n ikki chaqirim bo‘lsa? – hayron bo‘lib so‘radi terakchi mirishkor.

– Ha, kammi? – ko‘zi orqaga ketdi Ortiqboyning.

– Yo‘q, juda ko‘p, bu uzundan uzun ko‘chmas mulkingiz ko‘zimga bo‘g‘ma ilonni eslatib yubordi, ilonni. Xo‘p deydigan bo‘lsak biz morbozga (ilon o‘rgatuvchi) o‘xshab qolamiz-ku. Keyin nima bo‘lishini bilasizmi, o‘sha ilon bizni tiriklayin yutib yuboradi-ya.

– Qo‘ying, bizni fitnaga boshlamang, aka, – dedi tolchi sherigi taraf bo‘lib.

“Obbo, dedi Shaytonvachcha ichida, bularga

ди-я. Хе, бир кун келиб, ўша илон-чаёнлар чақиб, жонларингни олсин-а”. Шайтонвачча бундоқ тарозига тортиб кўрса Одам болаларининг палласи босиб, ўзиники осмон бўлиб кетяпти. Ҳа, улар ақллигу, Шайтонвачча аҳмоқ. Шайтоний хўраклари сабил қоляпти.

Бирдан Шайтонвачча ўзини орқага ташлаб, хахолаб кулиб юборди. Турганлар унга хайрон бўлиб қарашди.

– Э, яшанг Абомуслим ака, яшанг, баракалла, э койил, “Гадой топмас”га ростанам Худодан кўрқадиган инсонларни бошлаб келибсиз. Обкеганда ҳам чертиб-чертиб обкебсиз. “Сопалаккўл” бундан буёғига бу ишингиз учун сизга мукофот қилиб берилади. Бу тортиқ топшириқни аъло даражада уддалаганингиз учун. Юқоридаги гапларим шунчаки синов эди, холос. Ўзи бойлик деганлари, бузуқ хотинга ўхшайди, битгасини қўйнида ётиб, бошқасига кўз сузади. Мабодо бойликдан бу нечанчи хушторинг деб сўрасалар, саноғини дакқиюнус давридаёқ эсимдан чиқариб қўйганман, деб жавоб беради.

– Локин, – деди Абомуслим, – ҳамма мулкдан юз ўгираверса у қачон обод бўлади? Камина жон деб олганим бўлсин.

– Қандингизни уринг, “Сопалаккўл” балиғималиғи билан сизники, эртага қуртдек қилиб хонбалиқларни тухуминиям, ўзиниям пуллайсиз, деҳқончилик юришиб кетса, пуллаш навбати сувга келади...

Абомуслимнинг хурсандлигидан оғзи нақ қулоғига етди. У ёқда олтиннинг ярмига шерик, бу ёқда “Сопалаккўл!” Ўх, хў-ў... бераман деса Ўзига осон экан-да. Уни бошлаб келган Шорасул ҳам мулк масаласида ярим йўлда қолиб кетди... У икки букилиб Шайтонваччага куллуқ қилди. Шорасулнинг юраги уриб, ғалати бўлиб кетди. Ахир Абомуслим деганлари ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, шунча бойликка эга бўлиб турса-я, алам қилмайдими? Шорасул бўлса йўқотганларини топиш учун чўлни элакдан ўтказиши

bir nima bo'lganimi o'zi, nuqul ilon, chayondan kelishadi-ya. He, bir kun kelib, o'sha ilon-chayonlar chaqib, jonlaringni olsin-a". Shaytonvachcha bundoq taroziga tortib ko'rsa Odam bolalarining pallasi bosib, o'ziniki osmon bo'lib ketyapti. Ha, ular aqllig-u, Shaytonvachcha ahmoq. Shaytoniy xo'raklari sabil qolyapti.

Birdan Shaytonvachcha o'zini orqaga tashlab, xaxolab kulib yubordi. Turganlar unga hayron bo'lib qarashdi.

– E, yashang Abomuslim aka, yashang, barakalla, e qoyil, “Gadoy topmas”ga rostanam Xudodan qo'rqadigan insonlarni boshlab kelibsiz. Obkeganda ham chertib-chertib obkebsiz. “Sopalakko‘l” bundan buyog‘iga bu ishingiz uchun sizga mukofot qilib beriladi. Bu tortiq topshiriqni a'lo darajada uddalaganingiz uchun. Yuqoridagi gaplarim shunchaki sinov edi, xolos. O'zi boylik deganlari, buzuq xotinga o'xshaydi, bittasini qo'ynida yotib, boshqasiga ko'z suzadi. Mabodo boylikdan bu nechanchi xushtoring deb so'rasalar, sanog'ini daqqiyunus davridayoq esimdan chiqarib qo'yanman, deb javob beradi.

– Lokin, – dedi Abomuslim, – hamma mulkdan yuz o'giraversa u qachon obod bo'ladi? Kamina jon deb olganim bo'lsin.

– Qandingizni uring, “Sopalakko‘l” balig‘i-malig‘i bilan sizniki, ertaga qurtdek qilib xonbaliqlarni tuxuminiyam, o'ziniyam pullaysiz, dehqonchilik yurishib ketsa, pullash navbati suvga keladi...

Abomuslimning xursandligidan og'zi naqd qulog'iga yetdi. U yoqda oltinning yarmiga sherik, bu yoqda “Sopalakko‘l!” O'h, ho'-o'... beraman desa O'ziga oson ekan-da. Uni boshlab kelgan Shorasul ham mulk masalasida yarim yo'lda qolib ketdi... U ikki bukilib Shaytonvachchaga qulluq qildi. Shorasulning yuragi urib, g'alati bo'lib ketdi. Axir Abomuslim deganlari hech narsadan hech narsa yo'q, shuncha boylikka ega bo'lib tursa-ya, alam qilmaydimi? Shorasul bo'lsa yo'qotganlarini topish uchun cho'lni elakdan o'tkazishi



керак... На илож, шайтондан дарс олиш шунақа бўлса керак-да.

Шайтонвачча битта хахолаб кулиш билан мушкул ахволдан чиқиб кетди. Унинг гаплари бошқалар учун чиндан ҳам синовдек туюлди. Аслида Шайтонвачча бойлик билан одам болаларининг бурнидан ип ўтказиб олмоқчи эди. Бироқ бунинг иложини қила олмади. Чучварани хом санаган экан.

– Исми-шарифингиз? – деб Ортиқбой тол, терак экувчиларга муурожаат қилди.

– Каминани қишлоқдагилар Толибжон толчи, дейишади.

– Мени бўлса Мирза теракчи...

– Гап бундай, – деди Ортиқбой бугун кечаси тол билан терак кўчатлари “Гадой топмас”га келиб тушади, эртадан кўчат экишни бошлайсизлар.

– Бунинг ҳечам иложи йўқ, яна уч кун кутиш керак бўлади, – деди Толиб толчи ва тўғрими дегандек шеригига қаради. Шериги “шундай” дегандек бош кимирлатиб, унинг гапини тасдиқлади.

– Нимага энди? Уч кун биз учун жуда катта йўқотиш-ку, – деди Ортиқбой.

– Гап шундаки, – деди Толиб толчи, – бўйига ўсатиган мевасиз дарахтлар ой тўлган кунларда экилади. Ҳозир эксак калтабақай бўлиб, кейинчалик кўзланган ёғочни бермайди. Мевали дарахтлар, аксинча, ой шам еганда экилади, шунга улар тепага қараб ўсмай, ёнга шохлайди ва ҳосилиям мўл бўлади.

– Шундайми, унда сиз айтганча бўлақолсин, бу масалаларда биз йўқмиз, – деди Ортиқбой тан олиб.

Шундай қилиб, “Гадой топмас”да ишлар бошланиб кетди. У ёқда Шорасулнинг усталари олтин заводини, йўғ-е гишт заводини йиғишга тушди. Аёллар ош-овқатга қараган, кир ювган. Бу ёқда қўйлар қўзилай бошлаган. Ўҳ-хў... иш кўп, бош қашишга кўл тегмайди. Осмону фалакдан юкларни олиб тушган парашютлардан ўтовлар ясаб, курувчилар ўзларига бир чиройли бошпаналар қилиб олишган...

kerak... Na iloj, shaytondan dars olish shunaqa bo'lsa kerak-da.

Shaytonvachcha bitta xaxolab kulish bilan mushkul ahvoldan chiqib ketdi. Uning gaplari boshqalar uchun chindan ham sinovdek tuyildi. Aslida Shaytonvachcha boylik bilan odam bolalarining burnidan ip o'tkazib olmoqchi edi. Biroq buning ilojini qila olmadi. Chuchvarani xom sanagan ekan.

– Ismi-sharifingiz? – deb Ortiqboy tol, terak ekuvchilarga murojaat qildi.

– Kaminani qishloqdagilar Tolibjon tolchi, deyi-shadi.

– Meni bo'lsa Mirza terakchi...

– Gap bunday, – dedi Ortiqboy bugun kechasi tol bilan terak ko'chatlari "Gadoy topmas"ga kelib tushadi, ertadan ko'chat ekishni boshlaysizlar.

– Buning hecham iloji yo'q, yana uch kun kutish kerak bo'ladi, – dedi Tolib tolchi va to'g'rimi degandek sherigiga qaradi. Sherigi "shunday" degandek bosh qimirlatib uning gapini tasdiqladi.

– Nimaga endi? Uch kun biz uchun juda katta yo'qotish-ku, – dedi Ortiqboy.

– Gap shundaki, – dedi Tolib tolchi, – bo'yiga o'sadigan mevasiz daraxtlar oy to'lgan kunlarda ekiladi. Hozir eksak kaltabaqay bo'lib, keyinchalik ko'zlangan yog'ochni bermaydi. Mevali daraxtlar, aksincha, oy sham yeganda ekiladi, shunga ular tepaga qarab o'smay, yonga shoxlaydi va hosiliyam mo'l bo'ladi.

– Shundaymi, unda siz aytgancha bo'laqolsin, bu masalalarda biz yo'qmiz, – dedi Ortiqboy tan olib.

Shunday qilib, "Gadoy topmas"da ishlar boshlanib ketdi. U yoqda Shorasulning ustalari oltin zavodini, yo'g'-e g'isht zavodini yig'ishga tushdi. Ayollar osh-ovqatga qaragan, kir yuvgan. Bu yoqda qo'ylar qo'zilay boshlagan. O'h-ho'... ish ko'p, bosh qashishga qo'l tegmaydi. Osmon-u falakdan yuklarni olib tushgan parashutlardan o'tovlar yasab, quruvchilar o'zlariga bir chiroyli boshpanalar qilib olishgan...

## ИШЛАР ЯНА ЧАЛКАШДИ

*(Ёки Одамбой билан Собирбойнинг “108-канал” да пайдо бўлиб қолиши)*

Шайтонвачча катта ишни бошлади-ю, аммо худо-жўй – такводорлар билан биринчи курашдаёқ кураги ерга тегди. Янги келганлар унинг тумшугини киши билмас роса ерга ишқади. Тағинам “Сизларни синамоқчийдим”, деб сувдан куруқ чикиб кетди. Бўлганда – Абомуслимга бўлди. Мукофот олиб, кўчмас мулкки бўлиб қолди. Яна қандай мулк денг? Бутун бошли кўл, чучук суви-ю хонбалиқлари билан. Аммо бунинг эвазига у Шайтонваччанинг қармоғига бус-бутун илинди. Лекин Абомуслим Шайтонвачча учун чавақ балиқдек бир гап. Анави лаққаларни илинтира олмади. Шунга ичидан ичқиринди ўтарди. Калласи ванг... Тама қилмаган хурдир, тама қилган тамага қулдир, деганларидек, Абомуслим бошлаб келган кишилар унинг қулига эмас, у уларнинг қулига айланиб қолди. На чора? Бу одамлар Дадамирзага ҳам, Абомуслимга ҳам ўхшамайди...

Шайтонваччанинг ўз ташвишлари етмагандек хар куни кеч кириши билан Одамбой билан Собирбойнинг хотини хархаша қилиб келишади:

– Эримизни топиб беринг, кечалари кўрқяпмиз.

– Нима, кўрқамизмиш... ўргилдим ўшанақа кўриқчилардан, кечаси бир ерини кесиб кетса билишмайди-ку?

– Униси билан ишингиз бўлмасин... эримизни топиб беринг, вассалом, бўлмаса сизни интернетдан халқаро судга берворамиз.

– Шошмайлар келинпошшолар, шошмайлар, шошган қиз эрга ялчимайди, – дейди Шайтонвачча бирдан пастга тушиб.

– Э, устимиздан кулманг, қизлигимиз қоптими, биззи...

– Воҳ, хўп десанглар топиб бераман, – деб гап ташлаган бўлди Шайтонвачча.

## ISHLAR YANA CHALKASHDI

*(Yoki Odamboyl bilan Sobirboyning "108-kanal" da paydo bo'lib qolishi)*

Shaytonvachcha katta ishni boshladi-yu, ammo xudojo'y – taqvodorlar bilan birinchi kurashdayoq kuragi yerga tegdi. Yangi kelganlar uning tumshug'ini kishi bilmas rosa yerga ishqadi. Tag'inam "Sizlarni sinamoqchiydim", deb suvdan quruq chiqib ketdi. Bo'lganda Abomuslinga bo'ldi. Mukofot olib, ko'chmas mulkli bo'lib qoldi. Yana qanday mulk deng? Butun boshli ko'l, chuchuk suvi-yu xonbaliqlari bilan. Ammo buning evaziga u Shaytonvachchaning qarmog'iga bus-butun ilindi. Lekin Abomuslim Shaytonvachcha uchun chavaq baliqdek bir gap. Anavi laqqalarni ilintira olmadi. Shunga ichidan ichqirindi o'tardi. Kallasi vang... Tama qilmagan hurdir, tama qilgan tamaga quldir, deganlaridek, Abomuslim boshlab kelgan kishilar uning quliga emas, u ularning quliga aylanib qoldi. Na chora? Bu odamlar Dadamirzaga ham, Abomuslinga ham o'xshamaydi...

Shaytonvachchaning o'z tashvihlari yetmagandek har kuni kech kirishi bilan Odamboyl bilan Sobirboyning xotini xarxasha qilib kelishadi:

– Erimizni topib bering, kechalari qo'rqaymiz.

– Nima, qo'rqamizmi... o'rgildim o'shanaqa qo'riqchilardan, kechasi bir yerini kesib ketsa bilishmaydi-ku?

– Unisi bilan ishingiz bo'lmasin... erimizni topib bering, vassalom, bo'lmasa sizni internetdan xalqaro sudga bervoramiz.

– Shoshmaylar kelinposhsholar, shoshmaylar, shoshgan qiz erga yalchimaydi, – deydi Shaytonvachcha birdan pastga tushib.

– E, ustimizdan kulmang, qizligimiz qoptimi, bizzi...

– Voh, xo'p desanglar topib beraman, – deb gap tashlagan bo'ldi Shaytonvachcha.

– Эримизими?

– Ҳа, йў-ў-қ, “қоптими” деган нарсаларингни...

– Вой туркинг курсин... вой ордона-е... – деб икки томонидан бостириб кела бошлашди аёллар.

– Ҳазиллашдим-е... жа кўзим учиб тургани йўқ бировларнинг хотинига...

Шайтонвачча ҳар сафар у деб, бу деб аёлларни тинчитган бўлади. Бўлмаса интернет орқали “Инсон ҳуқуқлари” деган катта идорага ёзиб юборишса борми, ана ундан кейин кўринг томошани. Ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетади-я. У валакисаланг, умбирабаранг эрлари қаерларда юрибдийкин? Ишқилиб, бир кун келиб ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ бўлмасин-да. Лекин Шайтонвачча улардан яхшигина фойдаланди.

Шундай кунларнинг бирида Одамбойнинг ўғли югура келиб, дадамини телевизорда кўряпмиз, деб қолса бўладими. Шайтонвачча шошиб телевизорни ёқди. “108-канал” кўрсатув бошлаган экан. Сочини “мальчишка” килдириб олган ўша таниш қиз, Одамбой билан Собирбой икки ёнида. Эфирга чиқишдан олдин қиттай отволишганми, бирининг кўзи сузилиб, иккинчисиники қисилиб боряпти. Бирдан Одамбойнинг эсига нимадир тушиб қолдими, ишқилиб, ўтирган жойида камерага қараб қийқириб қолди:

– Ҳей-й... салом болаларимнинг онаси Норпош-ш... ҳа-а... мана кўриб кўй, – деб бош бармоғи билан бошловчи қизга ишора қилиб қўйди, – кўчада қопкетганимиз йўқ, ха-ха-ха-а...

Унинг ёнига Собирбой ҳам қўшилди:

– Салом Холпош-ш, севгилим... – деди-ю томоги-га бир нима тикилгандек, ҳиқиллаб қолди...

– Ҳай-ҳай тўхташлар, – деди бошловчи қиз гоҳ унисини, гоҳ бунисини тинчлантирган бўлиб, – салом-алик қилишга улгурасизлар, эшиттиришни бошлаб олайлик. – Узр, – деди бошловчи қиз телетомошабинларга қараб, – кўрсатувимиз ҳар доимгидек жонли бўлганига, шунақа сал қуюшқондан чиқишлар ҳам бўлиб туради. – Шундай қилиб, азизлар, кўрсату-

– Erimizzimi?

– Ha, yo‘-o‘-q, “qoptimi” degan narsalaringni...

– Voy turqing qursin... voy ordona-e... – deb ikki tomonidan bostirib kela boshlashdi ayollar.

– Hazillashdim-e... ja ko‘zim uchib turgani yo‘q birovlarning xotiniga...

Shaytonvachcha har safar u deb, bu deb ayollarni tinchitgan bo‘ladi. Bo‘lmasa internet orqali “Inson huquqlari” degan katta idoraga yozib yuborishsa bormi, ana undan keyin ko‘ring tomoshani. Hammayoq ostin-ustin bo‘lib ketadi-ya. U valakisalang, um-birabarang erlari qayerlarda yuribdiykin? Ishqilib, bir kun kelib oshga o‘rtoq, boshga to‘qmoq bo‘lmasin-da. Lekin Shaytonvachcha ulardan yaxshigina foydalandi.

Shunday kunlarning birida Odamboyning o‘g‘li yugura kelib, dadamni televizorda ko‘ryapmiz, deb qolsa bo‘ladimi. Shaytonvachcha shoshib televizorni yoqdi. “108-kanal” ko‘rsatuv boshlagan ekan. Sochini “malchishka” qildirib olgan o‘sha tanish qiz, Odamboy bilan Sobirboy ikki yonida. Efirga chiqishdan oldin qittay otvolishganmi, birining ko‘zi suzilib, ikkinchisniki qisilib boryapti. Birdan Odamboyning esiga nimadir tushib qoldimi, ishqilib, o‘tirgan joyida kameraga qarab qiyqirib qoldi:

– Hey-y... salom bolalarimning onasi Norposh-sh... ha-a... mana ko‘rib qo‘y, – deb bosh barmog‘i bilan boshlovchi qizga ishora qilib qo‘ydi, – ko‘chada qopketganimiz yo‘q, xa-xa-xa-a...

Uning yoniga Sobirboy ham qo‘shildi:

– Salom Xolposh-sh, sevgilim... – dedi-yu tomog‘iga bir nima tiqilgandek, hiqillab qoldi...

– Hay-hay to‘xtanglar, – dedi boshlovchi qiz goh unisini, goh bunisini tinchlantirgan bo‘lib, – salom-alik qilishga ulgurasizlar, eshittirishni boshlab olaylik. – Uzr, – dedi boshlovchi qiz teletomoshabinlarga qarab, – ko‘rsatuvimiz har doimgidek jonli bo‘lganiga, shunaqa sal quyushqondan chiqishlar ham bo‘lib turadi. –







вимиз эфирда, олдиндан айтиб кўй, ҳозир бўладиган гапларни бизнинг “Гадой топмас”имизга ҳечам алоқаси йўқ. Гап номлари ўхшаш бўлган “Гадой топмас” саёраси ҳақида боради. Тагин олдингидек адаштириб юборманглар. Ёнимда ўтирган Одамбой ака билан Собирбой акалар ўша сайёрадан келишган.

– Келишган деганингиз нимаси, опоқ киз, биз ашағдан сиззи қидириб келганмиз, – деди Одамбой бошловчига гинали караб.

– Ҳа, ҳа машундоқ, – бошини қимирлатиб кўйди Собирбой ҳам.

– Яхши, унда гапни ўшандан бошлаймиз.

– Қайсиндан?

– Нимага қидириб келганларингдан.

Одамбой муштумига бир-икки йўталиб, Собирбойга қаради:

– Нимага қидировдик, сен айтвор, – деди.

– Билмасам, – деб мўлтиради Собирбой.

– Ҳа, буни ҳозир калласи жойидамас, хаёли хотини Холпошга кетди... ҳалиям ўзим тузукман... хўш-ш... ўша куни сиз телевизорда бошқа сайёралик гадойлар кийимида, биззи лақиллатиб қочиб кетди, унинг бошига “кўки”дан бир миллион тикканмиз, деб айтдингизми? – деб бошловчини сўроққа тутди, – айтдингиз, йўқ деб кўринг-чи, ё тонасизми?

– Айтдим, нимага тонарканман, – деб бошловчи киз унга ғалат-и-и... қаради.

– Ўша “кўки”ни олдиндан чўзиб қўйсангиз сизни лақиллатиб кетган ўша карабас-барабасни мана мен тутиб бераман.

– Йўқ, мен тутиб бераман, – деб кўзларини катта-катта очди Собирбой, – Одамбой кўрқоқ одам, мен ўша келгиндини дастурхон устида чавақлаб ташлашимга сал коган, Ортиқбой кўлимни ушлаб комагандами, асфаласофилинга кетти эди.

– Тутиб бераман, ушлаб бераман, деганларнинг кўпини кўрдик. Аввал менга айтинглар-чи, биз қидираётган одамлигига ишончингиз комилми?

Shunday qilib, azizlar, ko'rsatuvimiz efirida, oldindan aytib qo'yay, hozir bo'ladigan gaplarni bizning "Gadoy topmas"imizga hecham aloqasi yo'q. Gap nomlari o'xshash bo'lgan "Gadoy topmas" sayorasi haqida boradi. Tag'in oldingidek adashtirib yubormanglar. Yonimda o'tirgan Odamboylar aka bilan Sobirboylar akalar o'sha sayyoradan kelishgan.

– Kelishgan deganingiz nimasi, opoq qiz, biz ashag'dan sizni qidirib kelganmiz, – dedi Odamboylar boshlovchiga ginali qarab.

– Ha, ha mashundoq, – boshini qimirlatib qo'ydi Sobirboylar ham.

– Yaxshi, unda gapni o'shandan boshlaymiz.

– Qaysindan?

– Nimaga qidirib kelganlaringdan.

Odamboylar mushtumiga bir-ikki yo'talib, Sobirboylar qaradi:

– Nimaga qidirovdik, sen aytvor, – dedi.

– Bilmasam, – deb mo'ltiradi Sobirboylar.

– Ha, buni hozir kallasi joyidamas, xayoli xotini Xolposhga ketdi... haliyam o'zim tuzukman... xo'sh-sh... o'sha kuni siz televizorda boshqa sayyoralik gadoylar kiyimida, bizni laqillatib qochib ketdi, uning boshiga "ko'ki"dan bir million tikkanmiz, deb aytdingizmi? – deb boshlovchini so'roqqa tutdi, – aytdingiz, yo'q deb ko'ring-chi, yo tonasizmi?

– Aytdim, nimaga tonarkanman, – deb boshlovchi qiz unga g'alat-i-i... qaradi.

– O'sha "ko'ki"ni oldindan cho'zib qo'ysangiz sizni laqillatib ketgan o'sha karabas-barabasni mana men tutib beraman.

– Yo'q, men tutib beraman, – deb ko'zlarini katta-katta ochdi Sobirboylar, – Odamboylar qo'rroq odam, men o'sha kelgindini dasturxon ustida chavaqlab tashlashimga sal qogan, Ortiqboylar qo'limni ushlab qomagandami, asfalasofilinga ketti edi.

– Tutib beraman, ushlab beraman, deganlarning

– Юз, йўқ, минг марта комилман!

– Худо урсин алдаётган бўлсам, – деб Собирбой кўзларини лўқ қилди.

– Қизик, у сизлар тарафда нима қилиб юрган экан?

– Қизиксиз-а, опоқ қиз, гадойни қорнидан бошқа нима ғами бор.

– Ҳойнаҳой уни Ажинашамол олиб боргандир-а?

– Э, парашутни сизларда ажинашамол дейдими?

– Парашютда дейсизми, уни осмону фалакка ким олиб чиқибди, Ажинашамол олиб чиқмаган бўлса?

– Нима бало, самалётда учмаганмисиз, опоқ қиз?..

– Самолётда у нима қилиб юрган экан? – ҳайрон бўлди қақажон.

– Шу десангиз, – деди Собирбой шу ерда суҳбатга кўшилиб, – Парижда гадойларнинг бутундунё йиғилиши бўлаётган экан, ўшанга делегат дейсизларми, ишқилиб ўшанақа экан-да, у, ҳа!...

– Ёлғон гапирма, – Собирбойни жеркиб берди Одамбой, – гап бундоқ опоқ қиз, шу десангиз Париждагилар кейинги йилларда жуда хасислашиб, қурумсоқлашиб, хайр-садақа деган нарсаларни эсларидан чиқариб кўйишибди, денг. Ҳа-а... жуда ёмон иш бўпти. Берадиган қўл бўмагандан кейин оладиган қўл ҳам бўмайди-да. Қарабсизки, шундоқ дунёга машҳур шаҳардан бирдан барака кўтарилиб, бозорлари касодга учрабди, одамлари тишининг кирини сўриб юрадиган бўбқопти. Шунга Париж кўчаларида тиланиб, одамларни хайр-эҳсонга ўргатиб, барака киритиб беринг, деб у Гадойбой жанобларини чақиритишган экан-да, опоқ қиз, – деб бошловчи қизга суртилиброк ўтирди Одамбой.

– Шунчалар катта миссия билан бораётган экан, самолётдан нимага тушиб қопти?

– Белати йўғакан, ҳа, белати, опоқ қиз, шунга орқасига бир тепиб, тушириб юборишибди.

– Воҳ, билетсиз ҳам самолётга чиқиб бўларканми?

– Э, қизик гапларни гапирасиз-а, опоқ қиз, қуруғи-

ko'pini ko'rdik. Avval menga aytinglar-chi, biz qidirayotgan odamligiga ishonchingiz komilmi?

– Yuz, yo'q, ming marta komilman!

– Xudo ursin aldayotgan bo'lsam, – deb Sobirboy ko'zlarini lo'q qildi.

– Qiziq, u sizlar tarafda nima qilib yurgan ekan?

– Qiziqsiz-a, opoq qiz, gadoyini qornidan boshqa nima g'ami bor.

– Hoynahoy uni Ajinashamol olib borgandir-a?

– E, parashutni sizlarda ajinashamol deydimi?

– Parashutda deysizmi, uni osmon-u falakka kim olib chiqibdi, Ajinashamol olib chiqmagan bo'lsa?

– Nima balo, samalyotda uchmaganmisiz, opoq qiz?..

– Samolyotda u nima qilib yurgan ekan? – hayron bo'ldi qaqajon.

– Shu desangiz, – dedi Sobirboy shu yerda suhbatga qo'shilib, – Parijda gadoylarning butundunyo yig'ilishi bo'layotgan ekan, o'shanga delegat deysizlarmi, ishqilib o'shanaqa ekan-da, u, ha!...

– Yolg'on gapirma, – Sobirboyini jerkib berdi Odamboylar, – gap bundoq opoq qiz, shu desangiz Parijdagilar keyingi yillarda juda xasishlashib, qurumsoqlashib, xayr-sadaqa degan narsalarni eslaridan chiqarib qo'yishibdi, deng. Ha-a... juda yomon ish bo'пти. Beradigan qo'l bo'magandan keyin oladigan qo'l ham bo'maydi-da. Qarabsizki, shundoq dunyoga mashhur shahardan birdan baraka ko'tarilib, bozorlari kasodga uchrabdi, odamlari tishining kirini so'rib yuradigan bo'bqopti. Shunga Parij ko'chalarida tilanib, odamlarni xayr-ehsonga o'rgatib, baraka kiritib bering, deb u Gadoyboy janoblarini chaqirishgan ekan-da, opoq qiz, – deb boshlovchi qizga surilibroq o'tirdi Odamboylar.

– Shunchalar katta missiya bilan borayotgan ekan, samolyotdan nimaga tushib qopti?

– Belati yo'g'akan, ha, belati, opoq qiz, shunga orqasiga bir tepib, tushirib yuborishibdi.

дан чўзиб қўйинг, музлаткичнинг қутисида дунёнинг хоҳлаган ерига бориб қайтмасангиз Одамбой отимни бошқа қўяман. Гадойбой жаноблари ҳам музлаткичнинг қутисида кетаётган экан, совқотиб қопти, денг. Сал исинволай деб қутидан шудок чиқибди-ю, қўлга тушибди. Самалётнинг юкхонасига камера ўрнатилган экан-да... ана шунақа...

– Сен жаноб деб, у лўттивозга пахта қўйма, – дея Собирбой ҳам Одамбойни жеркиб берди, – у ҳеч қанақа жанобмас, бориб турган қаллоб, фирибгар, йигирма йиллик закот деб ўзингдан икки юзта, мендан икки юзта, Одамбойдан икки юзта, ҳаммаси бўлиб олти юзта қўйни тортиб олди-ку. Бермаймиз десак, Худога айтаман, деб қўрқитди.

Бошловчи қиз гапининг боши-охирини тополмай икки чаккасини ушлаганича ўтириб қолди. Кўрсатув олиб бораётгани ҳам эсидан чиқди. Шу пайт студияда чиройли зар чопонлар кўтарган тўртта барзанги пайдо бўлди. Бошловчи қиз “сизларни ким чақирди”, дегандек уларга савол назари билан қаради. Барзангилар Одамбой билан Собирбойга қараб:

– Ҳурматли бошқа сайёралик меҳмонлар, – деб гавдаларига ярашмаган бир йўсинда бараварига эгилиб, салом беришди, – аввало, хуш келибсизлар, қадамийларга ҳасанот, биз ерликларни сизларга атаган совғаларимиз бор эди, – деб уларга чакқонлик билан зар чопонларни кийдиришди ва белларига шойи белбоғларни боғлашди. – Сарполари муборак бўлсин.

– Ие, бу нимаси, – деди иккаловлари ҳам бир-бирларига қараб, – чопонингизнинг енгини учи берк-ку?

– Воҳ, шундоқ бўптими, буни қаранглар-а, узр ҳурматли меҳмонлар, узр, чевари тушмагурлар сиздек хушрўй йигитларни телевизорда кўргандан кейин шошиб қолиб, енгини тикиб қўйишибди-да... йў-ў-қ буни чевар қизларимиз атайлаб қилишган, меҳмонлар ўз оёқлари билан ҳузуримизга келишсин дейишган-да у офатижонлар, ҳозир борамиз-да, очириб, студияга чиройли бўлиб яна қайтиб келамиз, бунақа

– Voh, biletsiz ham samolyotga chiqib bo‘larkanmi?

– E, qiziq gaplarni gapirasiz-a, opoq qiz, qurug‘idan cho‘zib qo‘ying, muzlatkichning qutisida dunyoning xohlagan yeriga borib qaytmasangiz Odamboy otimni boshqa qo‘yaman. Gadoyboy janoblari ham muzlatkichning qutisida ketayotgan ekan, sovqotib qopti, deng. Sal isinvolay deb qutidan shudoq chiqibdi-yu, qo‘lga tushibdi. Samalyotning yukxonasiga kamera o‘rnatilgan ekan-da... ana shunaqa...

– Sen janob deb, u lo‘ttivozga paxta qo‘yma, – deya Sobirboy ham Odamboy ni jerkib berdi, – u hech qanaqa janobmas, borib turgan qallob, firibgar, yigirma yillik zakot deb o‘zingdan ikki yuzta, mendan ikki yuzta, Odamboydan ikki yuzta, hammasi bo‘lib olti yuzta qo‘yni tortib oldi-ku. Bermaymiz desak, Xudoga aytaman, deb qo‘rqitdi.

Boshlovchi qiz gapining boshi-oxirini topolmay ikki chakkasini ushlaganicha o‘tirib qoldi. Ko‘rsatuv olib borayotgani ham esidan chiqdi. Shu payt studiyada chiroyli zar choponlar ko‘targan to‘rtta barzangi paydo bo‘ldi. Boshlovchi qiz sizlarni kim chaqirdi degandek, ularga savol nazari bilan qaradi. Barzangilar Odamboy bilan Sobirboyga qarab:

– Hurmatli boshqa sayyoralik mehmonlar, – deb gavdalariga yarashmagan bir yo‘sinda baravariga egilib, salom berishdi, – avvalo, xush kelibsizlar, qadamiylarga hasanot, biz yerliklarni sizlarga atagan sovg‘alarimiz bor edi, – deb ularga chaqqonlik bilan zar choponlarni kiydirishdi va bellariga shoyi belbog‘larni bog‘lashdi. – Sarpolari muborak bo‘lsin.

– Iye, bu nimasi, – dedi ikkalovlari ham bir-birlariga qarab, – choponingizning yengini uchi berk-ku?

– Voh, shundoq bo‘ptimi, buni qaranglar-a, uzr hurmatli mehmonlar, uzr, chevari tushmagurlar sizdek xushro‘y yigitlarni televizorda ko‘rgandan keyin, shoshib qolib, yengini tikib qo‘yishibdi-da... yo‘-o‘-q buni chevar qizlarimiz ataylab qilishgan, mehmonlar o‘z oyoqlari bilan huzurimizga kelishsin deyishgan-da u

зар чопонларни, биласизми, илгари фақат пошшолар кийишган... юрақолинглар, ҳа-а баракалла...

– Ҳой Норпош, ҳа, жонингдан сени, куёвтўнларни кўриб қўй, – деб Одамбой яна бошловчи қизга ишора қилиб қўйди. Унинг орқасидан Собирбой:

– Мен пақат сени дейман Холпош-ш, – деб кўзларини ғилтиллади.

Бошловчи қиз баттар эс-хушини йўқотиб, кўрсатувни ҳам эсидан чиқариб уларнинг орқасидан эргашди. Шу пайт барзангиларнинг биттаси орқасига қайтиб кириб:

– Узр, – деди иккала қўлини кўксига қўйиб, – бизга буларнинг жиннихонадан қочгани ҳақида SMS келиб қолди, яхшиям вақтида келдик, бўлмаса сеvimли каналимизнинг обрўсини бир пул қилишарди бу жиннилар...

Шундай қилиб, Шайтонвачча “Гадой топмас”да туриб, битта SMS билан Одамбой билан Собирбойни жиннихонага тикди. Даф бўлларинг-е, деб елпиниб қўйди ўтирган жойида. “Менинг совунимга ҳали кир ювмабсанлар”. Ўшанда “Гадой топмас”га келганида ёлғонга хўп тўн кийдирган эканми, вақтики келиб ёлғони зар чопонга айланиб, ўз ишини қилди-я. Хайрият, Одамбой билан Собирбой “Гадой топмас”да бўлаётган ишларгача етиб боришмади. Куёвтўнларини кийиб, жиннихонага равона бўлишди. Хайр энди “Гадой топмас”, хайр опа-сингил Норпошша-ю Холпошшалар, хайр энди икки этак бола-бақра. Қиёматда юз кўришгунча. Шундай қилиб, Шайтонвачча хотинларнинг хархашасидан ҳам кутилиб олди. Эрларини энди жиннихоналардан қидиришсин. Шайтонваччанинг иши бошида чалкашди-ю, охирига бориб, оёқ-қўлини чўзи-и-б юборди...

ofatijonlar, hozir boramiz-da, ochirib, studiyaga chiroyli bo'lib yana qaytib kelamiz, bunaqa zar choponlarni, bilasizmi, ilgari faqat poshsholar kiyishgan... yura-qolinglar, ha-a barakalla...

– Hoy Norposh, ha, joningdan seni, kuyovto'nlarni ko'rib qo'y, – deb Odamboy yana boshlovchi qizga ishora qilib qo'ydi. Uning orqasidan Sobirboy:

– Men paqat seni deyman Xolposh-sh, – deb ko'zlarini g'iltillatdi.

Boshlovchi qiz battar es-hushini yo'qotib, ko'rsatuvni ham esidan chiqarib, ularning orqasidan ergashdi. Shu payt barzangilarning bittasi orqasiga qaytib kirib:

– UZR, – dedi ikkala qo'lini ko'ksiga qo'yib, – bizga bularning jinnixonadan qochgani haqida SMS kelib qoldi, yahshiyam vaqtida keldik, bo'lmasa sevimli kanalimizning obro'sini bir pul qilishardi bu jinnilar...

Shunday qilib, Shaytonvachcha “Gadoy topmas”da turib, bitta SMS bilan Odamboy bilan Sobirboy ni jinnixonaga tiqdi. Daf bo'llaring-e, deb yelpinib qo'ydi o'tirgan joyida. Meni sovunimga hali kir yuvmabsanlar. O'shanda “Gadoy topmas”ga kelganida yolg'onga xo'p to'n kiydirgan ekanmi, vaqtiki kelib yolg'oni zar choponga aylanib o'z ishini qildi-ya. Xayriyat, Odamboy bilan Sobirboy “Gadoy topmas”da bo'layotgan ishlargacha yetib borishmadi. Kuyov to'nlarini kiyib, jinnixonaga ravona bo'lishdi. Xayr endi “Gadoy topmas”, xayr opa-singil Norposhsha-yu Xolposhshalar, xayr endi ikki etak bola-baqra. Qiyomatda yuz ko'rishguncha. Shunday qilib, Shaytonvachcha xotinlarning xarxashasidan ham qutulib oldi. Erlarini endi jinnixonalardan qidirishsin. Shaytonvachchaning ishi boshida chalkashdi-yu, oxiriga borib, oyoq-qo'lini cho'zi-i-b yubordi...



## “108-КАНАЛ” ЯНА ЭФИРДА

*(Ёки Шайтонваччанинг хурсандчилиги узоққа  
бормагани)*

“108-канал” кейинги пайтда Шайтонваччанинг овунчоғига айланиб қолди, деса ҳам бўлади. “Гадой топмас”даги ишлар йўлга тушиб кетган. Режалар ҳозирча Шайтонваччанинг зарарига-ю, тақводорларнинг фойдасига ишларди. Шунақа, омад деганлари Шайтонваччадан юз ўгириб турибди. Шунгами, у омадни бошқа ёқлардан кидирарди. Фикри-ёди Соқовхонимнинг вужудида ўсаётган зурриётида. Нимагадир “108-канал” бу ҳақда ҳеч нима демай қўйди. Сочини “мальчишка” қилиб олган қақажон нукул, боланг тугилса сени ундоқ қиворамиз, бундоқ қиворамиз, деб кўрқитарди. Кейинги пайтларда кўрқитишлари ҳам, дўқ-пўписалари ҳам нимагадир сувга уриб кетди. Ё боласига бир нима бўлдими-кан? Ишқилиб, Соқовхоним бола ташлаб қўймаган бўлсин-да? Йўқ, йўқ... ундай бўлиши мумкин эмас. У кимсан, Шайтонваччанинг зурриёти-я. У қаерда бўлмасин яшаш учун курашади. Соқовхоним ўлса ўлар-у, у гўрдан бўлсаям чиқиб келади, ҳа!

Шайтонвачча: “108-канал”нинг ашаддий мухлисиман, ўзга сайёраликнинг дунёга келажак боласи ҳақида зудлик билан хабар беришингларни сўрайман”, деб бир эмас, бир неча бор SMS ҳам жўнатди. Кейинги пайтларда SMSларининг жавобини кутарди.

Ва ниҳоят ўша кун ва ўша дақиқалар ҳам етиб келди. Кўрсатув одатдаги олди-қочди клиплар билан бошланди. Аммо нимагадир бу сафар бошловчининг шашти ҳар галгидан паст. Ёниб, тугаб бораётган шамга ўхшайди. Гаплари оғзидан тушиб кетай деяпти. Худди бир нимасини йўқотиб қўйган одамга ўхшайди, бечора.

– Бугун биз, – деди у мотамсаро бир қиёфада, – кўрсатувни катта шов-шувли воқеалар билан бош-

## “108-KANAL” YANĀ EFIRDA

*(Yoki Shaytonvachchaning xursandchiligi uzoqqa bormagani)*

“108-kanal” keyingi paytda Shaytonvachchaning ovunchog‘iga aylanib qoldi, desa ham bo‘ladi. “Gadoy topmas”dagi ishlar yo‘lga tushib ketgan. Rejalar hozircha Shaytonvachchaning zarariga-yu, taqvodorlarning foydasiga ishlardi. Shunaqa, omad deganlari Shaytonvachchadan yuz o‘girib turibdi. Shungami, u omadni boshqa yoqlardan qidirardi. Fikri-yodi Soqovxonimning vujudida o‘sayotgan zurriyotida. Nimagadir “108-kanal” bu haqda hech nima demay qo‘ydi. Sochini “malchishka” qilib olgan qaqajon nuqul, bolang tug‘ilsa seni undoq qivoramiz, bundoq qivoramiz, deb qo‘rqitardi. Keyingi paytlarda qo‘rqitishlari ham, do‘q-po‘pisalari ham nimagadir suvga urib ketdi. Yo bolasiga bir nima bo‘ldimikan? Ishqilib, Soqovxonim bola tashlab qo‘ymagan bo‘lsin-da? Yo‘q, yo‘q... unday bo‘lishi mumkin emas. U kimsan, Shaytonvachchaning zurriyoti-ya. U qayerda bo‘lmasin yashash uchun kurashadi. Soqovxonim o‘lsa o‘lar-u, u go‘rdan bo‘lsayam chiqib keladi, ha!

Shaytonvachcha: “108-kanal”ning ashaddiy muxlisiman, o‘zga sayyoralikning dunyoga kelajak bolasi haqida zudlik bilan xabar berishinglarni so‘rayman”, deb bir emas, bir necha bor SMS ham jo‘natdi. Keyingi paytlarda SMSlarining javobini kutardi.

Va nihoyat o‘sha kun va o‘sha daqiqalar ham yetib keldi. Ko‘rsatuv odatdagi oldi-qochdi kliplar bilan boshlandi. Ammo nimagadir bu safar boshlovchining shashti har galgidan past. Yonib, tugab borayotgan shamga o‘xshaydi. Gaplari og‘zidan tushib ketay deyapti. Xuddi bir nimasini yo‘qotib qo‘ygan odamga o‘xshaydi, bechora.

– Bugun biz, – dedi u motamsaro bir qiyofada, – ko‘rsatuvni katta shov-shuvli voqealar bilan bosh-

ламоқчи бўлган эдик. Минг афсуски, бундай қила олмаймиз... У бир оз сукут сақлаб, томоқ қириб, чуқур хўрсинди. Қақажондаги бу ҳолат Шайтонваччага ҳам кўчиб, аъзои бадани музлай бошлади. Наҳотки! Наҳотки! Хаёл уни ҳар қаёқларга олиб кетди.

– Гап шундаки, – деб чайналди қақажон, – биз соқчи устига соқчилар қўйиб, шаҳарнинг энг қимматли туғуруқхонасини ижарага олиб кутаётган шовшувли режамиз чипакка чиқди. Ҳа, чучварани хом санаб юрган эканмиз. Сиз туғуруқхона дейишим билан ўзга сайёралик боласини учар ликопчада обқочиб кетибди-да, деб ўйлаётгандирсиз? Қанийди шундай бўлганда. Ундай бўлмади-да. Аммо ундан ҳам баттари бўлди. Ўзга сайёралик бизларни яна чув туширди. Чув туширганда ҳам жуда каттага туширди, у иблис, товламачи. Бўйнимизга яна бир дунё қарз-қаволани илиб қўйди. Шундоқ машҳур каналимиз гадойдан баттар аҳволга тушиб қолди. Балки бу охирги кўрсатувимиздир, ҳа, бундан буёғига канални ёпсак ҳам керак, алвид-о-о....

У шундай бир аҳволда гапирардики, гапиряптими, йиғлаяптими тушуниб бўлмасди. Бу ёқда эшитиб ўтирган телетомошабин, чўнтагида борини “ма-е” деб бериб юбориши турган гап. – Биздаги бу аҳволни бизнес тилида, – деди қақажон, – банкрот, касод, даб-дала бўлиш дейилади.

Шайтонвачча ҳозиргина музлай бошлаган эди, энди бўлса қизиб, бир жойда ўтира олмай қолди. Хонанинг у ёғидан-бу ёғига бетоқат юра бошлади. “Нима демоқчи, ўзи бу жиблажибон, бунча аччиқ ичакдек чўзилади, бунча чайналади, гапирақолса-чи. Хит қиворди-ку, лаънати”.

– Гап шундаки, – гапида давом этди қақажон, – биз ўзга сайёраликнинг боласи деб юрган чақалоқ туғилди... – Ҳе, тугилмаям ўлсин. – Айтишгаям тилим бормайди... Шу десангиз, чақалоқнинг қонини текшириб кўрганимиз-да, у кимнинг боласи бўлиб чиқди денг, собиқ “Такво” кафесининг эгаси –

lamoqchi bo'lgan edik. Ming afsuski, bunday qila olmaymiz... U biroz sukut saqlab, tomoq qirib, churur xo'rsindi. Qaqajondagi bu holat Shaytonvachchaga ham ko'chib, a'zoyi badani muzlay boshladi. Nahotki! Nahotki! Xayol uni har qayoqlarga olib ketdi.

— Gap shundaki, — deb chaynaldi qaqajon, — biz soqchi ustiga soqchilar qo'yib, shaharning eng qimmatli tug'uruqxonasini ijaraga olib kutayotgan shov-shuvli rejamiz chipakka chiqdi. Ha, chuchvarani xom sanab yurgan ekanmiz. Siz tug'uruqxona deyishim bilan o'zga sayyoralik bolasini uchar likopchada obqochib ketibdi-da, deb o'ylayotgandirsiz? Qaniydi shunday bo'lganda. Unday bo'lmadi-da. Ammo undan ham battari bo'ldi. O'zga sayyoralik bizlarni yana chuv tushirdi. Chuv tushirganda ham juda kattaga tushirdi, u iblis, tovlamachi. Bo'yimizga yana bir dunyo qarz-qavolani ilib qo'ydi. Shundoq mashhur kanalimiz gadoydan battar ahvolga tushib qoldi. Balki bu oxirgi ko'rsatuvimizdir, ha, bundan buyog'iga kanalni yopsak ham kerak, alvid-o-o....

U shunday bir ahvolda gapirardiki, gapiryaptimi, yig'layaptimi tushunib bo'lmasdi. Bu yoqda eshitib o'tirgan teletomoshabin, cho'ntagida borini “ma-e”, deb berib yuborishi turgan gap. — Bizdagi bu ahvolni biznes tilida, — dedi qaqajon, — bankrot, kasod, dabdala bo'lish deyiladi.

Shaytonvachcha hozirgina muzlay boshlagan edi, endi bo'lsa qizib, bir joyda o'tira olmay qoldi. Xonaning u yog'idan bu yog'iga betoqat yura boshladi. “Nima demoqchi, o'zi bu jibljibon, buncha achchiq ichakdek cho'ziladi, buncha chaynaladi, gapiraqolsa-chi. Xit qivordiku, la'nati”.

— Gap shundaki, — gapida davom etdi qaqajon, — biz o'zga sayyoralikning bolasi deb yurgan chaqaloq tug'ildi... — He, tug'ilmayam o'lsin. — Aytishgayam tilim bormaydi... Shu desangiz, chaqaloqning qonini tekshirib ko'rganimiz-da, u kimning bolasi bo'lib chiqdi

Дадамирзанинг. Биласиз, Дадамирза бошқа сайёраликка сохта ҳужжатлар қилиб бергани учун умри қамоқда чириятти. Баттар бўлсин. Шунча вақтдан бери ўша сотқин дардисарнинг боласига неча миллионлаб сарфлаганимизни билсангиз эди... воҳ... ҳа бир марта “воҳ” эмас, минг марта “воҳ”... кафангадо бўлдик...

Шайтонвачча бу гапларни эшитди-ю, “дод” деганича бошини чангаллаб ўтовидан мингга қўйиб чиқиб кетди. Қаёққа, нимага, ўзи ҳам билмайди. Охири ҳолсизланиб, мадори куриб, “Гадой топмас”нинг бир жойига бориб йиқилди... ҳа, бошидан мушт егандек бир аҳволга тушди. Яхшиям чўлдаги эчкемарлар, илонлар, калтакесаклар ҳали қиш уйқусидан тўла уйғонмаган, бўлмаса тўрт томондан талаб, суягигина қоларди.

Шайтонвачча пешонасига дам-бадам босилаётган муздек-муздек нарсадан ўзига келди. Кўзини очиб, олдинига осмон тўла юлдузларни, яна юлдузга ўхшаган иккита нарсанинг шундоққина тепасида йилтиллаб турганини кўрди. Кўзларини каттароқ очиб қараса Ажинашамол.

– Э, бу сенми, Ажинашамол? – ўрнидан туриб кетди Шайтонвачча, – сени ким чақирди?

– Ҳеч ким хошам, ҳеч ким, аҳволингиз ёмонлашганини юрагим сезди-да... шунга келовирдим...

– Э, юрагим дейсанми, унда сенам одамжинга айланиб қобсан-да, кадрдон?

– Билмадим хошам, билмадим, ундан кўра сизни шу қўйга солганни менга айтинг, худди куқун қилиб, “Гадой топмас”га сочвораман, энасини кўради...

Шайтонвачча айти муддао деган қарорга келди-ю, ўйланиб қолди. Ҳа, не-не орзуларини пучга чиқарган Дадамирзани қайси гўрдан бўлса ҳам топиб, энасини кўрсатиши керак. Ҳам хўрдани, ҳам бурдани урган анави Соқовхонимни-чи? Уни тек қўядими? Йўқ, ҳеч қачон! Агарда у кўзини сузмаганда Дадамирза ипини узмаган бўларди. Битта хотиннинг найранги қирқта эшакка юк бўлади, деганлари шу бўлса керак-

deng, sobiq “Taqvo” kafesining egasi – Dadamirzaning. Bilasiz, Dadamirza boshqa sayyoralikka soxta hujjatlar qilib bergani uchun umri qamoqda chiriyapti. Battar bo‘lsin. Shuncha vaqtdan beri o‘sha sotqin dardisarning bolasiga necha millionlab sarflaganimizni bilsangiz edi... voh... ha bir marta “voh” emas, ming marta “voh”... kafangado bo‘ldik...

Shaytonvachcha bu gaplarni eshitdi-yu, “dod” deganicha boshini changallab o‘tovidan mingga qo‘yib chiqib ketdi. Qayoqqa, nimaga, o‘zi ham bilmaydi. Oxiri holsizlanib, madori qurib, “Gadoy topmas”ning bir joyiga borib yiqildi... ha, boshidan musht yegandek bir ahvolga tushdi. Yaxshiyam cho‘ldagi echkamarlar, ilonlar, kaltakesaklar hali qish uyqusidan to‘la uyg‘onmagan, bo‘lmasa to‘rt tomondan talab, suyagigina qolardi.

Shaytonvachcha peshonasiga dam-badam bosilayotgan muzdek-muzdek narsadan o‘ziga keldi. Ko‘zini ochib, oldiniga osmon to‘la yulduzlarni, yana yulduzga o‘xshagan ikkita narsaning shundoqqina tepasida yiltillab turganini ko‘rdi. Ko‘zlarini kattaroq ochib qarasa Ajinashamol.

– E, bu senmi, Ajinashamol? – o‘rnidan turib ketdi Shaytonvachcha, – seni kim chaqirdi?

– Hech kim xojam, hech kim, ahvolingiz yomonlashganini yuragim sezdi-da... shunga kelovirdim...

– E, yuragim deysanmi, unda senam odamjingga aylanib qobsan-da, qadrdon?

– Bilmadim xojam, bilmadim, undan ko‘ra sizni shu ko‘yga solganni menga ayting, xuddi kukun qilib, “Gadoy topmas”ga sochvoraman, enasini ko‘radi...

Shaytonvachcha ayni muddao degan qarorga keldi-yu, o‘ylanib qoldi. Ha, ne-ne orzularini puchga chiqargan Dadamirzani qaysi go‘rdan bo‘lsa ham topib, enasini ko‘rsatishi kerak. Ham xo‘rdani, ham burdani urgan anavi Soqovxonimni-chi? Uni tek qo‘yadimi? Yo‘q, hech qachon! Agarda u ko‘zini suzmaganda Dadamirza ipini uzmaganda bo‘lardi.

да. Соқовхонимни ҳам топиб, Дадамирзага қўшиб, кукун қилдирворади. Унинг одамий калласи шундай деб васваса қиларди. Аммо шайтоний калласи бошқача васваса қиларди: “Ол ана, икковиниям кукунга айлантириб, энасини кўрсатдинг, дейлик. Хўш нима ўзгаради? Қайтага ер бетини иккита дардисардан тозалаб берасан-ку. Бунақалар қанча кўп бўлса, шунча яхшимасми? Ҳеч бўлмаса ён-атрофга касофати уриб туради. Аслида сен одам болаларисиз яшай олмайсан, аммо одам болалари сенсиз яшай оладилар. Бунга ўзинг гувоҳ бўлиб турибсан. Хўрагингга ҳамманиям илинтира олмайсан. Сен охирини ўйламай қанчадан-қанча бошоғриқ одамларни “Гадоё топмас”га тўплаб олдинг. Энди ўзингдан кўр, ё иймон келтириб мусулмон бўласан, ё анави олиб келтирганларингни ёппасига иймондан чиқарасан. Дадамирзага ютқиздингми, тан олишдан бошқа иложинг йўқ”.

Шундай қилиб, Шайтонвачча мағлубиятини тан олди. Ажинашамолга қараб деди:

– Сен боровур қадрдон, буёғини ўзимга қўйиб бер...

– Хизматингизга жинбаччаларимни юборайми, холам?

– Йўқ, уларни бу ердагилар майиб қилиб қўяди. Ўзим ҳам зўрға муросою мадора қилиб юрибман.

– Унда ўзингизни эҳтиёт қилинг, холам, мен кетдим...

– Яхши бор...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Абомуслим “Гадоё топмас”га олиб келганлар орасида бир кишини ибодатга қўшила олмаётганини сезиб қолди. Сўраб-суриштирган эди, ошқозони касал бўлганига ресторанга кирмай, адашиб художўйларга қўшилиб, “Гадоё топмас”га келаверган экан. Бундан Шохдор раиснинг хуфиялари хабардор бўлиб, мабодо ўша одам қайтиб келиб қолса, унинг шайтонидан

Bitta xotinning nayrangi qirqta eshakka yuk bo'ladi, deganlari shu bo'lsa kerak-da. Soqovxonimni ham topib, Dadamirzaga qo'shib, kukun qildirvoradi. Uning odamiy kallasi shunday deb vasvasa qilardi. Ammo shaytoniy kallasi boshqacha vasvasa qilardi: "Ol ana, ikkoviniyam kukunga aylantirib, enasini ko'rsatding, deylik. Ho'sh nima o'zgaradi? Qaytaga yer betini ikkita dardisardan tozalab berasan-ku. Bunaqalar qancha ko'p bo'lsa, shuncha yaxshimasmi? Hech bo'lmasa yon-atrofga kasofati urib turadi. Aslida sen odam bolalarisiz yashay olmasan, ammo odam bolalari sensiz yashay oladilar. Bunga o'zing guvoh bo'lib turibsan. Xo'ragingga hammaniyam ilintira olmasan. Sen oxirini o'ylamay qanchadan qancha boshog'riq odamlarni "Gadoy topmas"ga to'plab olding. Endi o'zingdan ko'r, yo iymon keltirib musulmon bo'lasan, yo anavi olib keltirganlaringni yoppasiga iymondan chiqarasan. Dadamirzaga yutqizdingmi, tan olishdan boshqa ilojing yo'q".

Shunday qilib, Shaytonvachcha mag'lubiyatini tan oldi. Ajinashamolga qarab dedi:

– Sen borovur qadrdon, buyog'ini o'zimga qo'yib ber...

– Xizmatingizga jinbachchalarimni yuboraymi, xojam?

– Yo'q, ularni bu yerdagilar mayib qilib qo'yadi. O'zim ham zo'rg'a murosas-yu madora qilib yuribman.

– Unda o'zingizni ehtiyot qiling, xojam, men ketdim...

– Yaxshi bor...

## HAY'AT YIG'ILISHI

Abomuslim "Gadoy topmas"ga olib kelganlar orasida bir kishini ibodatga qo'shila olmayotganini sezib qoldi. So'rab-surishtirgan edi, oshqozoni kasal bo'lganiga restoranga kirmay, adashib xudojo'ylarga qo'shilib, "Gadoy topmas"ga kelavergan ekan. Bundan



хамма маълумотларни билиб олмокчи бўлиб юрардилар. Зўр ишчиларни олиб келганига кўчмас мулк-ли бўлиб олган Абомуслим, мулкдан ажраб қолишдан кўрқиб, ўша одамнинг кўлига ими-жимиди озроқ қуруғидан қистириб, озроқ кўрқитиб орқасига қайтарворди. Ўша одамнинг шайтони “Гадоё топмас”да кўрган-кечирганларини айтиб юрди. Мажлисга ана шу муносабат билан йиғилган эдилар.

– Сўзлангиз, – деди Шохдор раис хуфиялар бошлиғига беписандлик билан тепадан қараб.

– Биздаги маълумотларга қараганда, – деди хуфиялар бошлиғи, – Одамшайтон иймон келтириб, мусулмон бўлган.

– Бунга исбот ва гувоҳлар келтиринг.

– Исботи шуки, у ўз атрофига фақат художўйларни йиғиш билан овора. Гувоҳга келсак, бизга бу маълумотларни олиб келган шайтон бор.

– Хўп, мусулмон бўлса бўлгандир у оқпадар, лекин художўйларни нимага йиғяпти экан?

– Одамшайтон ўшаларнинг таъсирида юрса, чалғиб кетмайди-да, илло ўтмишини кўмсамайди.

– Бўмаган гап, – деди ҳайъат азоларидан бири унинг гапига қарши чиқиб, – художўйларни йиғиш у учун бир ниқоб, унинг мақсади бўлак, у бизларни чув туширмоқчи. Бекорга ташқи дунёдан ажраб, “Гадоё топмас”га бориб олгани йўқ.

– Хўш, чув тушириб нима қилмоқчи?

– Нима қилмоқчилигини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Вақтида жигини эза олмадикми, энди кутишдан бошқа иложимиз йўқ, ҳаммасини вақт кўрса-тади.

Шундай қилиб, ҳайъат йиғилиши олдингиларидан ҳам баттар шубҳа ва гумонлар билан тугади. Лекин бу ёқда Шайтонваччанинг ўзиям бир дунё, боши-охирри йўқ жумбоқлар ичида қолиб кетган эди.

Shoxdor raisning xufiyalari xabardor bo'lib, mabodo o'sha odam qaytib kelib qolsa, uning shaytonidan hamma ma'lumotlarni bilib olmoqchi bo'lib yurardilar. Zo'r ishchilarni olib kelganiga ko'chmas mulkli bo'lib olgan Abomuslim, mulkdan ajrab qolishdan qo'rqib, o'sha odamning qo'liga imi-jimida ozroq qurug'idan qistirib, ozroq qo'rqitib orqasiga qaytarvordi. O'sha odamning shaytoni "Gadoy topmas"da ko'rgan-kechirganlarini aytib yurdi. Majlisga ana shu munosabat bilan yig'ilgan edilar.

– So'zlangiz, – dedi Shoxdor rais xufiyalar boshlig'iga bepisandlik bilan tepadan qarab.

– Bizdagi ma'lumotlarga qaraganda, – dedi xufiyalar boshlig'i, – Odamshayton iymon keltirib, musulmon bo'lgan.

– Bunga isbot va guvohlar keltiring?

– Isboti shuki, u o'z atrofiga faqat xudojo'ylarni yig'ish bilan ovora. Guvohga kelsak, bizga bu ma'lumotlarni olib kelgan shayton bor.

– Xo'p, musulmon bo'lsa bo'lgandir, u oqpadar, lekin xudojo'ylarni nimaga yig'yapti ekan?

– Odamshayton o'shalarining ta'sirida yursa, chalg'ib ketmaydi-da, illo o'tmishini qo'msamaydi.

– Bo'magan gap, – dedi hay'at a'zolaridan biri uning gapiga qarshi chiqib, – xudojo'ylarni yig'ish u uchun bir niqob, uning maqsadi bo'lak, u bizlarni chuv tushirmoqchi. Bekorga tashqi dunyodan ajrab, "Gadoy topmas"ga borib olgani yo'q.

– Xo'sh, chuv tushirib nima qilmoqchi?

– Nima qilmoqchiligini o'zidan boshqa hech kim bilmaydi. Vaqtida jig'ini eza olmadikmi, endi kutishdan boshqa ilojimiz yo'q, hammasini vaqt ko'rsatadi.

Shunday qilib, hay'at yig'ilishi oldingilaridan ham battar shubha va gumonlar bilan tugadi. Lekin bu yoqda Shaytonvachchanning o'ziyam bir dunyo, boshi-oxiri yo'q jumboqlar ichida qolib ketgan edi.

## “108-КАНАЛ” ЯНА ЭФИРДА

(Ёки Шайтонваччада умид учқунлари пайдо бўлгани)

Шайтонвачча, Шорасул, Абомуслимлар кечки таомдан кейин янги уйлар қурилишини бошлаш ҳақида гурунглашиб ўтиришарди. Ортиқбой ишлари билан қайдадир қуйманиб юрар, “Гадой топмас”нинг янги вориси кечасию кундузи тиним билмасди. Орзуларининг рўёбга чиқаётганига дам ишониб, дам ишонмасди, бечора. Худди туш кўраётганга ўхшарди. Бу ёқда гишт заводи ишга тушиб кетган, далалар қумдан тозаланиб, боғдорчилик, деҳқончилик ҳам аста-секин йўлга тушиб борарди. “Гадой топмас”га деб дунёнинг ҳамма бурчакларидан алламбало кўчатлар, асл сабзавот уруғлари ёғилиб келарди. Албатта, бу “108-канал”нинг хизмати эди. Неча йиллардан бери қум кўрпаси остида семириб ётган далалар бағрига нима тушса гуркиратиб, ўстириб берарди. “Сопалакқўл” соғин сигирдек мўл-кўл сув бериб ётибди. Кўл сатҳи соат сайин кенгайиб, хонбалиқлар яйрагандан-яйрайди. Художўйлар ўзига ўхшаган таниш-билишларини ташқаридан чақирар, сафлари кундан-кунга ортиб борарди...

Шайтонвачча янги келганларга ҳам хўрак ташлаб, ер майдонларини бўлиб бермоқчи бўлди. Аммо улар ҳам “мулк” деса “йўқ” деб оёқ тираб олишарди. Бир куни Шайтонвачча чидаб туролмади:

– Нимага Аллоҳ берган мулкдан бош тортасизлар, бу менсимаслик, такаббурлик-ку?

– Аллоҳ шундоқ ҳам ер юзини бандаларига бериб қўйибди, уни яна бўлиб олиш кимга керак?

– Хўш... бўлиб олсаларинг нима бўлади?

– Чатоқ бўлади...

– Чатоқни билсак бўладими?

– Бўлади жаноб, бўлади, агарда биз бирон-бир ишни чатоқ қилиб қўйсақ, сизнинг миннатингиз ос-

## “108-KANAL” YANA EFIRDA

*(Yoki Shaytonvachchada umid uchqunlari paydo bo'lgani)*

Shaytonvachcha, Shorasul, Abomuslimlar kechki taomdan keyin yangi uylar qurilishini boshlash haqida gurunglashib o'tirishardi. Ortiqboy ishlari bilan qaydadir kuymanib yurar, “Gadoy topmas”ning yangi vorisi kechasi-yu kunduzi tinim bilmasdi. Orzularining ro'yobga chiqayotganiga dam ishonib, dam ishonmasdi, bechora. Xuddi tush ko'rayotganga o'xshardi. Bu yoqda g'isht zavodi ishga tushib ketgan, dalalar qumdan tozalanib, bog'dorchilik, dehqonchilik ham asta-sekin yo'lga tushib borardi. “Gadoy topmas”ga deb dunyoning hamma burchaklaridan allambalo ko'chatlar, asl sabzavot urug'lari yog'ilib kelardi. Albatta, bu “108-kanal”ning xizmati edi. Necha yillardan beri qum ko'rpsi ostida semirib yotgan dalalar bag'riga nima tushsa gurkiratib, o'stirib berardi. “Sopalakko'l” sog'in sigirdek mo'l-ko'l suv berib yotibdi. Ko'l sathi soat sayin kengayib, xonbaliqlar yayragandan yayraydi. Xudojo'ylar o'ziga o'xshagan tanish-bilishlarini tashqaridan chaqirar, saflari kundan kunga ortib borardi...

Shaytonvachcha yangi kelganlarga ham xo'rak tashlab, yer maydonlarini bo'lib bermoqchi bo'ldi. Ammo ular ham “mulk” desa “yo'q” deb oyoq tirab olishardi. Bir kuni Shaytonvachcha chidab turolmadi:

– Nimaga Alloh bergan mulkdan bosh tortasizlar, bu mensimaslik, takabburlik-ku?

– Alloh shundoq ham yer yuzini bandalariga berib qo'yibdi, uni yana bo'lib olish kimga kerak?

– Xo'sh... bo'lib olsalaring nima bo'ladi?

– Chatoq bo'ladi...

– Chatoqni bilsak bo'ladimi?

– Bo'ladi janob, bo'ladi, agarda biz biron-bir ishni chatoq qilib qo'ysak, sizning minnatingiz ostida qolib

тида қолиб кетамиз-да, миннатли ошдан миннатсиз ёвғон яхши эмасми?..

– Агарда миннат қилмасликка қасам ичсамчи?

– Унда бизни мулкли қилдилар деб, сизга пахта қўя бошлаймиз. Худони эмас, сизни кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қоламиз.

– Иймонинглар шунчалар заиф, шунчалар мўртми?

– Мутлақо ҳақсиз жаноб, инсон зоти заиф яратилган, шунинг учун биз заифмасмиз, дея олмаймиз. Бойлик заифликнинг кушандаси, билсангиз.

– На илож, биз адолат қилмоқчи бўлган эдик, гинангиз ўзингиздан.

Шайтонвачча бунақа тортишувлардан кейин борган сари сиқилиб, “Ғадоё топмас”га сиғмай борарди. Ҳа, худди қафасга тушиб қолган қоплондек. На илож, ё иймон келтириб мусулмон бўлади, ё бу художўйларни иймондан чиқаради. Нима қилиб бўлса ҳам бошлаб қўйган ишини охирига етказди. Бошига тушганини кўраверади энди. Ўзи пиширган ош, айланаиб ҳам ичади, ўргилиб ҳам.

## АБОМУСЛИМНИНГ “ҚОВУН” ТУШИРГАНИ

Шорасулнинг заводидан чиққан ғиштлар тошметин бўлиб, пишган ғишдан фарқи йўқ эди. “Сопалакқўл”нинг лойи олдида манаман деган цементлар ҳам ҳеч нарса бўлмай қолди. Тадбиркор одамлар кулолчиликни йўлга қўйсакмикан деб ўйлай бошлашди ҳам. Ғиштлардан уйлар қуриш вақти келган. Аммо ёғоч масаласи муаммо. Уни вертолётларда ташиб етказиб бўлмайди. Экилган теракларнинг етилишига ҳали ўн, ўн икки қовун пишиғи бор. Ёғоч ва тўсинсиз уйлар қуриш бўйича интернет орқали танлов эълон қилинди. Шундан кейин турли-туман лойиҳалар ёғилиб кетди. Маълум бўлишича, дунёдаги энг чидамли, мустаҳкам уйлар, ёғочсиз қурилганла-

ketamiz-da, minnatli oshdan minnatsiz yovg'on yaxshi emasmi?..

– Agarda minnat qilmaslikka qasam ichsamchi?

– Unda bizni mulkli qildilar deb, sizga paxta qo'ya boshlaymiz. Xudoni emas, sizni ko'proq o'ylaydigan bo'lib qolamiz.

– Iymoninglar shunchalar zaif, shunchalar mo'rtmi?

– Mutlaqo haqsiz janob, inson zoti zaif yaratilgan, shuning uchun biz zaifmismiz, deya olmaymiz. Boylik zaiflikning kushandasi, bilsangiz.

– Na iloj, biz adolat qilmoqchi bo'lgan edik, ginangiz o'zingizdan.

Shaytonvachcha bunaqa tortishuvlardan keyin borgan sari siqilib, "Gadoy topmas"ga sig'may borardi. Ha, xuddi qafasga tushib qolgan qoplonddek. Na iloj, yo iymon keltirib musulmon bo'ladi, yo bu xudojo'ylarni iymondan chiqaradi. Nima qilib bo'lsa ham boshlab qo'ygan ishini oxiriga yetkazadi. Boshiga tushganini ko'raveradi endi. O'zi pishirgan osh, aylanib ham ichadi, o'rgilib ham.

## ABOMUSLIMNING "QOVUN" TUSHIRGANI

Shorasulning zavodidan chiqqan g'ishtlar toshmetin bo'lib, pishgan g'ishtdan farqi yo'q edi. "Sopalakko'l"ning loyi oldida manaman degan sementlar ham hech narsa bo'lmay qoldi. Tadbirkor odamlar kulolchilikni yo'lga qo'ysakmikan deb o'ylay boshlashdi ham. G'ishtlardan uylar qurish vaqti kelgan. Ammo yog'och masalasi muammo. Uni vertolyotlarda tashib yetkazib bo'lmaydi. Ekilgan teraklarning yetilishiga hali o'n, o'n ikki qovun pishig'i bor. Yog'och va to'sinsiz uylar qurish bo'yicha internet orqali tanlov e'lon qilindi. Shundan keyin turli-tuman loyihalar yog'ilib ketdi. Ma'lum bo'lishicha, dunyodagi eng chidamli, mustahkam uylar, yog'ochsiz qurilganlari ekan. Yog'och yillar o'tishi bilan chirir, yoki unga qurt

ри экан. Ёғоч йиллар ўтиши билан чирир, ёки унга курт тушар экан. Гишт билан гумбазсимон, болтасимон курилган бинолар зилзила ва ёғин-сочинларга чидамли экан. Курувчилар уй қуришнинг болтасимон лойиҳасига қизиқиб қолишди. Бинонинг икки тараф деворлари кўтарилиб бориб, юқорида бирлашади. Тепадан қараганда болтанинг юзини осмонга қартиб қўйганга ўхшайди. Унинг ажойиблиги – томнинг икки тарафига куёш батареяларини ўрнатиш мумкин. Ҳар бир хонадон ўз электр манбаига эга бўлади.

Абомуслим, Шорасул, Шайтонвачча учовлон ана шулар ҳақида гаплашиб ўтирган эди, бирдан “108-канал” кўрсатув бошлаб қолди. Бошловчининг ёнида рангида қони йўқ, қоқсуяк бир одам ўтирарди. Уни кўрибқ Абомуслимнинг ранги-қути ўчди. Пешонаси тиришди. Уни таниди.

– Келинлар, шу дардисар каналнинг овозини ўчирайлик, – деди Абомуслим шошиб, – бўлар-бўлмас гаплар билан “Гадой топмас”дагиларнинг хаёлини бўлиб қўйяпти...

Абомуслимнинг гапини эшитиб тургандек бошловчи шундай деб қолди:

– Бугун бўлар-бўлмас гаплар ҳақидамас, бўлган ва бўладиган гаплар ҳақида гаплашамиз. Менинг ёнимда тилларда дoston бўлаётган “Гадой топмас”дан келган хурматли меҳмон жаноблари ўтирибдилар. Ўша ёқлардан бир мужда келармикан деб кўзимиз тўрт бўлиб кутаётган эдик. Мана келдилар.

– Тавба, – деди Шайтонвачча ҳайрон бўлиб, – топган “мужда”сини қаранглар, “пуф” деса учиб кетай дейди-я. “Мужда” жаноблари қайси “Гадой топмас”дан экан, бунақа афт-башарани бу яқин ўртада кўрмаганман, ё сиз кўрганмисиз, – деб Абомуслимга қаради у.

– Й-ў... й-ў... ўлай агар биринчи марта кўриб туришим, – очикчасига тонди Абомуслим. Ошқозони касал бу одамни Абомуслим орқасига қайтариб юбораётганида, агарда у ёққа бориб бу ерда кўрганла-

tushar ekan. G'isht bilan gumbazsimon, boltasimon qurilgan binolar zilzila va yog'in-sochinlarga chidamli ekan. Quruvchilar uy qurishning boltasimon loyihasiga qiziqib qolishdi. Binoning ikki taraf devorlari ko'tarilib borib, yuqorida birlashadi. Tepadan qaraganda boltaning yuzini osmonga qaratib qo'yganga o'xshaydi. Uning ajoyibligi – tomning ikki tarafiga quyosh batareyalarini o'rnatish mumkin. Har bir xonadon o'z elektr manbayiga ega bo'ladi.

Abomuslim, Shorasul, Shaytonvachcha uchovlon ana shular haqida gaplashib o'tirgan edi, birdan "108-kanal" ko'rsatuv boshlab qoldi. Boshlovchining yonida rangida qoni yo'q, qoqsuyak bir odam o'tirardi. Uni ko'riboq Abomuslimning rangi-quti o'chdi. Peshonasi tirishdi. Uni tanidi.

– Kelinglar, shu dardisar kanalning ovozini o'chiraylik, – dedi Abomuslim shoshib, – bo'lar-bo'lmas gaplar bilan "Gadoy topmas"dagilarning xayolini bo'lib qo'yyapti...

Abomuslimning gapini eshitib turgandek boshlovchi shunday deb qoldi:

– Bugun bo'lar-bo'lmas gaplar haqidamas, bo'lgan va bo'ladigan gaplar haqida gaplashamiz. Mening yonimda tillarda doston bo'layotgan "Gadoy topmas"dan kelgan hurmatli mehmon janoblari o'tiribdilar. O'sha yoqlardan bir mujda kelarmikan deb ko'zimiz to'rt bo'lib kutayotgan edik. Mana keldilar.

– Tavba, – dedi Shaytonvachcha hayron bo'lib, – topgan "mujda"sini qaranglar, "puf" desa uchib ketay deydiya. "Mujda" janoblari qaysi "Gadoy topmas"dan ekan, bunaqa aft-basharani bu yaqin o'rtada ko'rmaganman, yo siz ko'rganmisiz, – deb Abomuslimga qaradi u.

– Y-o'... y-o'... o'lay agar birinchi marta ko'rib turishim, – ochiqchasiga tondi Abomuslim. Oshqozoni kasal bu odamni Abomuslim orqasiga qaytarib yuborayotganida, agarda u yoqqa borib bu







рингни оғзингдан гуллаб кўйсанг, одамларимиз кўзингни ўйиб, тилингни кесиб олишади, деб қўрқитган эди. Абомуслимни “Сопалаккўл” васвасаси ана шундай ими-жимиди иш қилишга мажбур қилган эди. Лекин “108-канал” бу одамни қандай қилиб топиб олганига ҳайронлар қолди.

Бошловчи киз томошабинлар эътиборини янада жалб этиш мақсадида кўшимча қилди:

– Сиз азизларга бошқа сайёраликнинг зурриёти бировники бўлиб чиққанини айтган эдик, энди битта эмас, иккита эмас, учта зурриёти ҳақида маълумот бермоқчимиз. Бу ҳақда сал кейинроқ.

– Ўчирайми? – деди Абомуслим шошганича пултни кўлига олиб.

– Йўқ, – дея бош чайқади Шайтонвачча, – билайлик-чи, бу одам қайси “Гадоё топмас”дан экан. “Гадоё топмас” ҳам бемаза ковуннинг уруғидек кўпайиб кетди. Аслида Шайтонваччани ўз зурриётлари ҳақидаги хабар кизиктираётган эди. Ахир, у Соқовхонимнинг анави учала дугоналарига ҳам уруғ ташлаган, барини уйли-жойли қилиб кўйган, Одам болаларига ўхшаб, бор тошингни тер, тўрт томонинг кибла, демаган эди. Бироқ Соқовхонимнинг қорнидаги зурриёти Дадамирзаники бўлиб чиққандан кейин қолганларини ўйламаёқ кўйган эди. Демак, анави бошқа хонимлар ҳақида бир янгилик бор. Ажабо, “108-канал” буни қаердан билди экан? Нима бўлганда ҳам Шайтонваччанинг кайфияти кўтарилди. Каналнинг овозини ўчириш у ёқда турсун, ором курсини янаям экранга яқинроқ суриб олди. Бу ёқда Абомуслимни ғам босди.

– Ҳамма яхши кўрадиган “108-канал”га яна бир бор хуш келибсиз, меҳмон, – деб қоқсуяк одамга юзланди бошловчи, – энди “Гадоё топмас”даги бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

– Яхши, гапирамиз, гапирмайчи, шундоғам гапирайликки... – деди у кутилмаганда жарангдор бир овозда. Овоз шу қоқсуяк жасаддан чиқяптими, ё фо-

yerda ko‘rganlaringni og‘zingdan gullab qo‘ysang, odamlarimiz ko‘zingni o‘yib, tilingni kesib olishadi, deb qo‘rqitgan edi. Abomuslimni “Sopalakko‘l” vasvasasi ana shunday imi-jimida ish qilishga majbur qilgan edi. Lekin “108-kanal” bu odamni qanday qilib topib olganiga hayronlar qoldi.

Boshlovchi qiz tomoshabinlar e‘tiborini yanada jalb etish maqsadida qo‘shimcha qildi:

– Siz azizlarga boshqa sayyoralikning zurriyoti birovniki bo‘lib chiqqanini aytgan edik, endi bitta emas, ikkita emas, uchta zurriyoti haqida ma‘lumot bermoqchimiz. Bu haqda sal keyinroq.

– O‘chiraymi? – dedi Abomuslim shoshganicha pultni qo‘liga olib.

– Yo‘q, – deya bosh chayqadi Shaytonvachcha, – bilaylik-chi, bu odam qaysi “Gadoy topmas”dan ekan. “Gadoy topmas” ham bemaza qovunning urug‘idek ko‘payib ketdi. Aslida Shaytonvachchani o‘z zurriyotlari haqidagi xabar qiziqtirayotgan edi. Axir, u Soqovxonimning anavi uchala dugonalariga ham urug‘ tashlagan, barini uyli-joyli qilib qo‘ygan, Odam bolalariga o‘xshab, bor toshingni ter, to‘rt tomoning qibla, demagan edi. Biroq Soqovxonimning qornidagi zurriyoti Dadamirzaniki bo‘lib chiqqandan keyin qolganlarini o‘ylamayoq qo‘ygan edi. Demak, anavi boshqa xonimlar haqida bir yangilik bor. Ajabo, “108-kanal” buni qayerdan bildi ekan? Nima bo‘lganda ham Shaytonvachchanning kayfiyati ko‘tarildi. Kanalning ovozi o‘chirish u yoqda tursun, orom kursini yanayam ekranga yaqinroq surib oldi. Bu yoqda Abomuslimni g‘am bosdi.

– Hamma yaxshi ko‘radigan “108-kanal”ga yana bir bor xush kelibsiz, mehmon, – deb qoqsuyak odamga yuzlandi boshlovchi, – endi “Gadoy topmas”dagi bunyodkorlik ishlari haqida gapirib bersangiz.

– Yaxshi, gapiramiz, gapirmaychi, shundog‘am gapiraylikki... – dedi u kutilmaganda jarangdor bir

нограммами, ишониб бўлмасди. – Гапиришим учун, – дея ичига ботган катта-катта кўзларини лўқ қилди у, – уч миллион “кўки”га чек ёзиб, телетомошабинлар гувоҳлигида, тантанали равишда менга топширасиз, мен шу заҳоти банкка кўнғироқ қилиб, пул ҳисоб рақамимга ўтганига ишонч ҳосил қилгач, нақ булбул бўлиб сайраб бераман.

– Воҳ, – деб Шорасул кутилмаганда қарса уриб юборди, – уч миллион “кўки” дейдими, шунчалар қимматли маълумотлар бораканми “Гадой топмас”-да?

– Тўхтанг, тўхтанг, – деб меҳмоннинг гапини бўлди бошловчи, – ахир сиз экранга чиккунча гонорарингизни куртдек қилиб санаб олдингиз-ку... яна қанақа “кўки” ҳақида гапиряпсиз?

– Ҳа яшанг, мен эфирга чиқиш учунгина гонорар олдим, мана чиқиб ўтирибман, бирор ёққа қочиб кетганим йўқ. Ахир, гапириладиган гаплар ҳали олдинда-ку, ўша бебаҳо, қимматли гапларга шартнома тузмай, бўл-бўл қилиб буёққа обчиқиб келовурдингиз-ку.

– Хўп, уч миллион “кўки”ни нима учун беришимиз керак, бизга шуни айтинг, тавба-а... одамларга бир нима бўлганми ўзи, нуқул каналимизни пилипининг пайидан бўлишади-я... ўзи зўрға нафас олиб турибмиз-ку...

– Кечирасиз, битта кўзингиз “кўки”да қанча туради?

– Томингиз кетиб қолмаганми, ҳеч жаҳонда кўз ҳам сотиладими?

– Ҳа, яшанг, “Гадой топмас”дан бу ёққа келаётганимда, битта акахонимиз агарда бу ерда кўрганларингизни гапириб юрсанг, олдин иккала кўзингизни ўйиб, кейин тилингизни кесиб оламиз, деган. Мен сиздан шу учала аъзойимнинг баҳосини сўраяпман, холос. Студиядан чиқибок кўзсиз, тилсиз қолишим аниқ.

– Э, нималар деяпсиз, соқчиларимиз бунга йўл қўяди, дейсизми?

ovozda. Ovoz shu qoqsuyak jasaddan chiqyaptimi, yo fonogrammani, ishonib bo'lasidi. – Gapirishim uchun, – deya ichiga botgan katta-katta ko'zlarini lo'q qildi u, – uch million “ko'ki”ga chek yozib, teletomoshabinlar guvohligida, tantanali ravishda, menga topshirasiz, men shu zahoti bankka qo'ng'iroq qilib, pul hisob raqamimga o'tganiga ishonch hosil qilgach, naq bulbul bo'lib sayrab beraman.

– Voh, – deb Shorasul kutilmaganda qarsa urib yubordi, – uch million “ko'ki” deydimi, shunchalar qimmatli ma'lumotlar borakanmi “Gadoy topmas”da?

– To'xtang, to'xtang, – deb mehmonning gapini bo'ldi boshlovchi, – axir siz ekranga chiqquncha gonoraringizni qurtdek qilib sanab oldingiz-ku... yana qanaqa “ko'ki” haqida gapiryapsiz?

– Ha yashang, men efirga chiqish uchungina gonorar oldim, mana chiqib o'tiribman, biror yoqqa qochib ketganim yo'q. Axir, gapiriladigan gaplar hali oldinda-ku, o'sha bebaho, qimmatli gaplarga shartnoma tuzmay, bo'l-bo'l qilib buyoqqa obchiqib kelovurdingiz-ku.

– Xo'p, uch million “ko'ki”ni nima uchun berishimiz kerak, bizga shuni ayting, tavba-a... odamlarga bir nima bo'lganmi o'zi, nuqul kanalimizni shilishning payidan bo'lishadi-ya... o'zi zo'rg'a nafas olib turibmiz-ku...

– Kechirasiz, bitta ko'zingiz “ko'ki”da qancha turadi?

– Tomingiz ketib qolmaganmi, hech jahonda ko'zam sotiladimi?

– Ha, yashang, “Gadoy topmas”dan bu yoqqa kelayotganimda, bitta akaxonimiz agarda bu yerda ko'rganlaringni gapirib yursang, oldin ikkala ko'zingni o'yib, keyin tilingni kesib olamiz, degan. Men sizdan shu uchala a'zoyimning bahosini so'rayapman, xolos. Studiyadan chiqiboq ko'zsiz, tilsiz qolishim aniq.

– E, nimalar deyapsiz, soqchilarimiz bunga yo'l qo'yadi, deysizmi?

– Ҳа, йў-ў... соқчиларингизнинг ўзи ўшаларнинг одами бўлса-чи?

– Унда бундай киламиз, сиз ўз қўлингиз билан ёзиб берасиз, мен ўқиб берақоламан.

– Унда савдомизга яна бир миллион “кўки”дан қўшилиб тўрт миллион бўлади, нимага десангиз икки қўзим, тилимга қўшиб қўлимни ҳам кесишади.

– Ким, қайси жаллод сизга шунақа деди?

– Абомуслим деганлари бор... ў... уни жаллод дея кўрманг... у жуда ҳалим, жуда яхши, мулойим одам. Жаллод деб бўлмайди. Жаллод бўлганда ўшоғда ўлдирворарди. Мени обориб, ими-жимида орқамга қайтарворганам ўша. Сизга айтсам у жойнинг яна битта номи бор, у ҳам бўлса – “Борса келмас!” Шундан у ёғини ўзингиз билиб оловринг. Ҳа-а... каминага раҳм қилди Абомуслим барака топгур. Ўҳ-хў... у ерда бўлаётган ишларни кўрсангиз эди, воҳ-воҳ... қадимги “Сопалакқўл”, хонбалиқлар, эркалар бепуштлигини даволайдиган юмронқозиклар... аёлларни серпушт қиладиган тошбақалар, – дея қизиқтириб нарҳини оширган бўлди меҳмон.

Абомуслим бир чўчиб тушди. Тилинг кесилсин-а, шу жойгача бир яхши гапириб турувдингг-а... исминини тилингга олиб нима қилардинг, нонкўр...

Бошловчи қиз бирдан сергак тортди:

– Абомуслим дейсизми, ахир у “Гадой топмас” сайёрасида юрибди-ку... Мен ўша ёқданман, демай-сизми, мен сизни ўзимиззи “Гадой топмас”данмикан деб ўйлабман. Абомуслимни жа қўй оғзидан чўп олмаган авлиёга чиқариб қўйдингиз, уни кимлигини биздан сўранг, бола-чақасини ташлаб, бошқа сайёраларда ўз хузурини кўриб юрибди, ана шунақа...

Шундай деб, бошловчи меҳмондан ҳафсаласи пир бўлиб, томошабинларга ўгирилди:

– Баъзи бир англашилмовчиликлар учун сизлардан кечирим сўраймиз. Ҳар сафар энди тўғридан-тўғри кўрсатув қилмайман деб ўзимга-ўзим сўз бера-

– Ha, yo‘-o‘... soqchilaringizning o‘zi o‘shalarning odami bo‘lsa-chi?

– Unda bunday qilamiz, siz o‘z qo‘lingiz bilan yozib berasiz, men o‘qib beraqolaman.

– Unda savdomizga yana bir million “ko‘ki”dan qo‘shilib to‘rt million bo‘ladi, nimaga desangiz ikki ko‘zim, tilimga qo‘shib qo‘limni ham kesishadi.

– Kim, qaysi jallod sizga shunaqa dedi?

– Abomuslim deganlari bor... o‘... uni jallod deya ko‘rmang... u juda halim, juda yaxshi, muloyim odam. Jallod deb bo‘lmaydi. Jallod bo‘lganda o‘shog‘da o‘ldirvorardi. Meni oborib, imi-jimida orqamga qaytarvorganam o‘sha. Sizga aytsam u joyning yana bitta nomi bor, u ham bo‘lsa – “Borsa kelmas!” Shundan u yog‘ini o‘zingiz bilib olovring. Ha-a... kaminaga rahm qildi Abomuslim baraka topgur. O‘h-ho‘... u yerda bo‘layotgan ishlarni ko‘rsangiz edi, voh-voh... qadimgi “Sopalakko‘l”, xonbaliqlar, erkaklar bepushtligini davolaydigan yumronqoziqlar... ayollarni serpusht qiladigan toshbaqalar, – deya qiziqtirib narxini oshirgan bo‘ldi mehmon.

Abomuslim bir cho‘chib tushdi. Tiling kesilsin-a, shu joygacha bir yaxshi gapirib turuvdingg-a... ismimni tilingga olib nima qilarding, nonko‘r...

Boshlovchi qiz birdan sergak tortdi:

– Abomuslim deysizmi, axir u “Gadoy topmas” sayyorasida yuribdi-ku... Men o‘sha yoqdanman, demaysizmi, men sizni o‘zimizni “Gadoy topmas”-danmikan deb o‘ylabman. Abomuslimni ja qo‘y og‘zidan cho‘p olmagan avliyoga chiqarib qo‘ydingiz, uni kimligini bizdan so‘rang, bola-chaqasini tashlab, boshqa sayyoralarda o‘z huzurini ko‘rib yuribdi, ana shunaqa...

Shunday deb, boshlovchi mehmondan hafsalasi pir bo‘lib, tomoshabinlarga o‘girildi:

– Ba‘zi bir anglashilmovchiliklar uchun sizlardan kechirim so‘raymiz. Har safar endi to‘g‘ridan to‘g‘ri



ман-у... лекин барибир шуниси қизиқ-да, нима дедингиз? Энди кейинги хабаримизга ўтақоламиз. Аммо айтиб қўяй, сизга етказмоқчи бўлган бу хабарни Соқовхонимдан олишнинг ўзи бўлгани йўқ. Уни ҳам нафси ўпқон экан. “Кўки” билан огзига уришга тўғри келди, “кўки”ни олгандан кейин ўзга сайёралик билан дон олишган бошқа дугоналарини ҳам айтиб берди. Уларни қидира-қидира охири топдик. Бир яхши уй-жойлар қилиб берган экан туғилажак болаларининг отаси. Учовиям ҳомиладор. Мана-мана, яқин кунларда бирин-кетин кўзлари ёриydi. Учалови ҳам Соқовхонимга ўхшаб Қозимирза акахонимизга хиёнат қилмаганмиз, деб қасам ичишди. Шундай қилиб, азизлар тез кунларда сизларни ажойиб ва ғаройиб янгиликлардан хабардор қиламиз.

Кўрсатув тугаши билан Шайтонвачча ўрнидан дик этиб туриб кетди. Кейинги хабардан унинг боши осмонга етган бўлса-да, аммо Абомуслимнинг хоинларча иш тутгани ғазабини кўзгаган эди. Энди нима бўлади? Абомуслим “Сопалаккўл”дан ажраб қолмайин деб ими-жимиди иш битирган эди, бу ёғига анави одам “ковун” туширди...

– Шорасул ака, – деди Шайтонвачча...

– Эшитаман, Гадейбой жаноблари.

– Айтинг-чи, хоин одамнинг ҳукми қандоқ бўлади?

– Ўлим-да...

Абомуслимнинг бир тийин сарфламай катта мулкли бўлиб олгани Шорасулга ёқмаётган эди. Шунга уни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Буни қилмиш-қидирмиш, дейдилар, ўзидан кўрсин.

“Ўлим” дейиши билан Шайтонвачча Шорасулнинг ниятини дарровда тушунди. Ҳа, у имом-домладан қутулмоқчи. Шерикли ошни ит ичмас.

– Бир қошиқ қонимдан кечинглар, – гурс этиб ергатиз чўкди Абомуслим, – аҳмоқлик қилдим, ҳа нодонлик қилдим, нафсимнинг кўчасига кирдим. У одамнинг ошқозони касал экан, шунга ресторанга кирмай

ko'rsatuv qilmayman deb o'zimga-o'zim so'z bera-man-u... lekin baribir shunisi qiziq-da, nima dedingiz? Endi keyingi xabarimizga o'taqolamiz. Ammo aytib qo'yay, sizga yetkazmoqchi bo'lgan bu xabarni Soqovxonimdan olishning o'zi bo'lgani yo'q. Uni ham nafsi o'pqon ekan. "Ko'ki" bilan og'ziga urishga to'g'ri keldi, "ko'ki"ni olgandan keyin o'zga sayyoralik bilan don olishgan boshqa dugonalarini ham aytib berdi. Ularni qidira-qidira oxiri topdik. Bir yaxshi uy-joylar qilib bergan ekan tug'ilajak bolalarining otasi. Uchoviyam homilador. Mana-mana, yaqin kunlarda birin-ketin ko'zlari yoriydi. Uchalovi ham Soqovxonimga o'xshab Qozimirza akaxonimizga xiyonat qilmaganmiz, deb qasam ichishdi. Shunday qilib, azizlar tez kunlarda sizlarni ajoyib va g'aroyib yangiliklardan xabardor qilamiz.

Ko'rsatuv tugashi bilan Shaytonvachcha o'rnidan dik etib turib ketdi. Keyingi xabardan uning boshi osmonga yetgan bo'lsa-da, ammo Abomuslimning xoinlarcha ish tutgani g'azabini qo'zg'agan edi. Endi nima bo'ladi? Abomuslim "Sopalakko'l"dan ajrab qolmayin deb imi-jimida ish bitirgan edi, bu yog'iga anavi odam "qovun" tushirdi...

– Shorasul aka, – dedi Shaytonvachcha...

– Eshitaman, Gadoyboy janoblari.

– Ayting-chi, xoin odamning hukmi qandoq bo'ladi?

– O'lim-da...

Abomuslimning bir tiyin sarflamay katta mulkli bo'lib olgani Shorasulga yoqmayotgan edi. Shunga uni ko'rarga ko'zi, otarga o'qi yo'q edi. Buni qilmish – qidirmish, deydilar, o'zidan ko'rsin.

"O'lim" deyishi bilan Shaytonvachcha Shorasulning niyatini darrovda tushundi. Ha, u imom-domladan qutulmoqchi. Sherikli oshni it ichmas.

– Bir qoshiq qonimdan kechinglar, – gurs etib yerga tiz cho'kdi Abomuslim, – ahmoqlik qildim, ha nodonlik qildim, nafsimning ko'chasiga kirdim. U odamning

бизга кўшилиб келовирган-да, палакат... – деб кўз-ёши қилишга тушди.

– Бўлиши мумкин, – деди Шайтонвачча совуққонлик билан, – сиз ҳам одамсиз, фариштамассиз, билмагансиз, локин нимага буни биздан яширдингиз, ҳамма гап шунда, ахир биз сиз билан битта қайиқда сузаяпмиз-ку, хиёнат қилгани Худодан кўрқмадингизми?

– Ростини айтсам, “Сопалаккўл”дан ажраб қоламан деб кўрқдим, ахир “Сопалаккўл” яхши ишим учун берилган мукофот эди-да. Кейинроқ оёқ остидан бу ишқал чиқиб қолди. Ҳа, нафсим мени еди... Аслида анави дардисар одамни секингина гумдон қиворишим керак эди. Раҳмдиллигим бошимга етди...

– Энди кеч, – деди Шорасул, – модомики бизга чуқур қазиган экансиз, марҳамат қилиб ўша чуқурга ўзлари тушсинлар.

– Шундай қилиб, ҳукм қатъий-а? – сўради Шайтонвачча Шорасулдан.

– Ҳа, муҳокамага ҳожат йўқ!

– Имом-домла айбини бўйнига олиб, тавба қилган бўлса ҳам-а?

– Иложи бўлса тезроқ, туя кўрдингми, йўқ қилиш керак, тамом-вассалом.

Абомуслим дам Шорасулнинг, дам Шайтонваччанинг оёғига йиқилиб, ялинар, ёлборар, уй-жойлари, бола-чақаси, попуқдек чиройли хотини бир-бир кўз олдидан ўтар, ичи ва таши бирдек ёнарди. Ҳа, “Гадой топмас”даги олтин тоғлари олдида унинг жони нима бўпти? Чивиндек гап. Наҳотки уни бу ерларга ажали бошлаб келган бўлса? Наҳотки бежано-за, ном-нишонсиз кетса?

Аммо Шайтонвачча Шорасулнинг айтганини қилмоқчи эмас. Шайтонвачча учун “Гадой топмас”да Абомуслимга ўхшаганлар қанча бўлса, шунча яхши. Уни гумдон қилишдан маъно йўқ. Шорасул бўлса қатъий туриб, уни йўлидан олиб ташламоқчи. Агарда Абомуслимнинг жонини сақлаб қолса у ўла-ўлгунча

oshqozoni kasal ekan, shunga restoranga kirmay bizga qo‘shilib kelovirgan-da, palakat... – deb ko‘zyoshi qilishga tushdi.

– Bo‘lishi mumkin, – dedi Shaytonvachcha sovuq-qonlik bilan, – siz ham odamsiz, farishtamassiz, bilmagansiz, lokin nimaga buni bizdan yashirdingiz, hamma gap shunda, axir biz siz bilan bitta qayiqda suzyapmiz-ku, xiyonat qilgani Xudodan qo‘rqmadingizmi?

– Rostini aytsam, “Sopalakko‘l”dan ajrab qolaman deb qo‘rqdim, axir “Sopalakko‘l” yaxshi ishim uchun berilgan mukofot edi-da. Keyinroq oyoq ostidan bu ishkal chiqib qoldi. Ha, nafsim meni yedi... Aslida anavi dardisar odamni sekingina gumdon qivorishim kerak edi. Rahmdilligim boshimga yetdi...

– Endi kech, – dedi Shorasul, – modomiki bizga chuqur qazigan ekansiz, marhamat qilib o‘sha chuqurga o‘zlari tushsinlar.

– Shunday qilib, hukm qat‘iy-a? – so‘radi Shaytonvachcha Shorasuldan.

– Ha, muhokamaga hojat yo‘q!

– Imom-domla aybini bo‘yniga olib, tavba qilgan bo‘lsa ham-a?

– Iloji bo‘lsa tezroq, tuya ko‘rdingmi, yo‘q qilish kerak, tamom-vassalom.

Abomuslim dam Shorasulning, dam Shaytonvachchaning oyog‘iga yiqilib, yalinar, yolborar, uy-joylari, bola-chaqasi, popukdek chiroyli xotini bir-bir ko‘z oldidan o‘tar, ichi va tashi birdek yonardi. Ha, “Gadoy topmas”dagi oltin tog‘lari oldida uning joni nima bo‘pti? Chivindek gap. Nahotki uni bu yerlarga ajali boshlab kelgan bo‘lsa? Nahotki bejanoza, nom-nishonsiz ketsa?

Ammo Shaytonvachcha Shorasulning aytganini qilmoqchi emas. Shaytonvachcha uchun “Gadoy topmas”da Abomuslimga o‘xshaganlar qancha bo‘lsa, shuncha yaxshi. Uni gumdon qilishdan ma‘no yo‘q. Shorasul bo‘lsa qat‘iy turib, uni yo‘lidan olib

Шорасулга қасдлашиб яшайди ва Шайтонваччанинг қулига айланади. Одам болаларининг азалдан аҳволи шу – олдинига апоқ-чапоқ бўлишади-ю, кейинига бориб қирпичоқ бўлишади.

– Бундай қиламиз, – деди Шайтонвачча Абомуслимга раҳми келган бўлиб, – минг килса ҳам бу кишим “Гадоё топмас”нинг имоми, лекин бу жазодан қутулиб қоладилар дегани эмас, жазо муқаррар. Жазо шуки, мукофот бекор қилинади ва “Сопалакқўл”нинг тасарруфи шу соатдан иборат Шорасул жаноблари ихтиёрига ўтади.

– Майли, майли, мингдан-минг розиман, – юзида ўлим шарпаси кезиб қолган Абомуслимнинг кўзларида умид чироғи ёнди, – “Сопалакқўл” ўзларига муборақ бўлсин, Шорасул жаноблари, барибир унақа бизнес-мизнес деганлар қўлимдан келмасиди.

Шайтонвачча бир ўқ билан икки қаргани урди. Абомуслимни ўлимдан олиб қолди. Шорасулни ҳам хафа қилмади. У энди олтинлар водийсидан ташқари, “Гадоё топмас”нинг жони бўлган “Сопалакқўл”га ҳам эга бўлди. Агарда Шайтонвачча шундай қилмаганида Шорасул, икковининг ўртасида бир гап бор деб, шубҳага бориб қоларди. Аммо барибир Шорасулнинг ичи чиқмаётганини Шайтонвачча сизди. Нимагалигини ҳам тушунди.

– Шугинамас, – деди Шайтонвачча Шорасулни янаям хурсанд қилмоқчи бўлиб, – Абомуслим жаноблари, ғишт заводидан тушадиган “сариги”дан ҳам маҳрум қилинадилар.

– Им-м... – деб инграб юборди Абомуслим, – Аллоҳ таоло тавба қилганларни, ҳатто ёмонликларини ҳам яхшилиқларга алмаштираман деб ваъда берган, ахир. Аллоҳки шундоқ деб турганда, сизлар ҳам озгина раҳм қилсангиз бўларди...

– Тирик қолганингизга шукр қилинг, – деди Шорасул ниҳоят тиржайиб, – менинг олдимда ишончингизни йўқотдингиз, сиздақа шерик билан ишламайман. Сиззи борингиздан йўғингиз яхши.

tashlamoqchi. Agarda Abomuslimning jonini saqlab qolsa u o'la-o'lguncha Shorasulga qasdlashib yashaydi va Shaytonvachchaning quliga aylanadi. Odam bolalari azaldan ahvoli shu – oldiniga apoq-chapoq bo'lishadi-yu, keyiniga borib qirpichoq bo'lishadi.

– Bunday qilamiz, – dedi Shaytonvachcha Abomuslimga rahmi kelgan bo'lib, – ming qilsa ham bu kishim “Gadoy topmas”ning imomi, lekin bu jazodan qutulib qoladilar degani emas, jazo muqarrar. Jazo shuki, mukofot bekor qilinadi va “Sopalakko'l”ning tasarrufi shu soatdan iborat Shorasul janoblari ixtiyoriga o'tadi.

– Mayli, mayli, mingdan ming roziman,– yuzida o'lim sharpasi kezib qolgan Abomuslimning ko'zlarida umid chirog'i yondi, – “Sopalakko'l” o'zlariga muborak bo'lsin, Shorasul janoblari, baribir unaqa biznes-miznes deganlar qo'limdan kelmasidi.

Shaytonvachcha bir o'q bilan ikki qarg'ani urdi. Abomuslimni o'limdan olib qoldi. Shorasulni ham xafa qilmadi. U endi oltinlar vodiysidan tashqari, “Gadoy topmas”ning joni bo'lgan “Sopalakko'l”ga ham ega bo'ldi. Agarda Shaytonvachcha shunday qilmaganida Shorasul, ikkovining o'rtasida bir gap bor deb, shubhaga borib qolardi. Ammo baribir Shorasulning ichi chiqmayotganini Shaytonvachcha sezdi. Nimagaligini ham tushundi.

– Shuginamas, – dedi Shaytonvachcha Shorasulni yanayam xursand qilmoqchi bo'lib, – Abomuslim janoblari, g'isht zavodidan tushadigan “sarig'i”dan ham mahrum qilinadilar.

– Im-m... – deb ingrab yubordi Abomuslim, – Alloh taolo tavba qilganlarni, hatto yomonliklarini ham yaxshiliklarga almashtiraman deb va'da bergan, axir. Allohki shundoq deb turganda, sizlar ham ozgina rahm qilsangiz bo'lardi...

– Tirik qolganingizga shukr qiling, – dedi Shorasul nihoyat tirjayib, – mening oldimda ishonchingizni yo'qotdingiz, sizdaqa sherik bilan ishlamayman. Sizzi boringizdan yo'g'ingiz yaxshi.

Шундай қилиб, Абомуслим бориданам, йўғиданам айрилди. Шайтонвачча унинг бурнидан ип ўтказиб олди. Хоҳлаган ногорасига ўйнатади энди. Ахир у кимсан “Гадоё топмас”нинг имоми-я. Анави кайсар художўй одамлар унинг орқасида туриб намоз ўқийди. Бундан бу ёғига энди Шайтонвачча ўз режаларини фақат Абомуслим орқалигина амалга ошириши мумкин. Бошқа йўли қолмади.

## АБОМУСЛИМ ВА УНИНГ ҚАВМИ

*(Ёки Шайтонваччанинг художўйларга “пахта” қўймоқчи бўлгани)*

Шайтонвачча Абомуслимга дастлабки топширикни берди ва нималар деб, нималар қўйишини ҳам олдиндан тушунтирди. Абомуслим, аввало, “Гадоё топмас”нинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида тўлибтошиб гапириб бўлгач, қурилиш ишларига биринчи ғиштни қўядиган бўлди. Бу жойларнинг ўтмишига тўхталишдан мақсад, унинг бир пайтлар жаннатмакон жойлар бўлгани-ю ва Аллоҳнинг қаҳрига учраб, “Гадоё топмас”га айланиб қолганини писанда қилиб қўйиш эди. Токи бу ҳол қайта такрорланмасин.

Дастлабига маъруза яхши бўлди. “Гадоё топмас”да бир вақтлар яшаб ўтган одамлар Аллоҳнинг берганига шукур қилмай, дехқончиликларидан ушр, бойликларидан садақа, закотларини бермай, бир-бирларига силаи раҳм қилмай Яратганнинг қаҳрига учраганларини жамоадагилар эшитиб, бош қимирлатиб, ачиниб ўтиришди. Аммо Абомуслими тушмагур ортикча донолик қилиб юборди, ўтирганларга қараб:

– Сиз билан биз Яратганнинг ожиз қулларимиз, Унинг қаҳри, азобларидан кўрқиб, ҳа, яна такрорлайман, кўрқиб, ибодатни чиройли қилишингиз керак бўлади, – деди.

– Унда бизлар, – деди ўтирганлардан бири, луқма ташлаб, – сиз айтганча бўлса, ишёқмас, дангаса, ёмон қулга ўхшаб қолмаймизми?

Shunday qilib, Abomuslim beridanam, yo'g'idanam ayrildi. Shaytonvachcha uning burnidan ip o'tkazib oldi. Xohlagan nog'orasiga o'ynatadi endi. Axir u kimsan "Gadoy topmas"ning imomi-ya. Anavi qaysar xudojo'y odamlar uning orqasida turib namoz o'qiydi. Bundan bu yog'iga endi Shaytonvachcha o'z rejalarini faqat Abomuslim orqaligina amalga oshirishi mumkin. Boshqa yo'li qolmadi.

## ABOMUSLIM VA UNING QAVMI

*(Yoki Shaytonvachchanning xudojo'ylarga "paxta" qo'ymoqchi bo'lgani)*

Shaytonvachcha Abomuslimga dastlabki topshiriqni berdi va nimalar deb, nimalar qo'yishini ham oldindan tushuntirdi. Abomuslim, avvalo, "Gadoy topmas"ning o'tmishi, buguni va ertasi haqida to'lib-toshib gapirib bo'lgach, qurilish ishlariga birinchi g'ishtni qo'yadigan bo'ldi. Bu joylarning o'tmishiga to'xtalishdan maqsad, uning bir paytlar jannatmakon joylar bo'lgani-yu va Allohning qahriga uchrab, "Gadoy topmas"ga aylanib qolganini pisanda qilib qo'yish edi. Toki bu hol qayta takrorlanmasin.

Dastlabiga ma'ruza yaxshi bo'ldi. "Gadoy topmas"da bir vaqtlar yashab o'tgan odamlar Allohning berganiga shukur qilmay, dehqonchiliklaridan ushr, boyliklaridan sadaqa, zakotlarini bermay, bir-birlariga silai rahm qilmay Yaratganning qahriga uchraganlarini jamoadagilar eshitib, bosh qimirlatib, achinib o'tirishdi. Ammo Abomuslimi tushmagur ortiqcha donolik qilib yubordi, o'tirganlarga qarab:

– Siz bilan biz Yaratganning ojiz qullarimiz, Uning qahri, azoblaridan qo'rqib, ha, yana takrorlayman, qo'rqib, ibodatni chiroyli qilishingiz kerak bo'ladi, – dedi.

– Unda bizlar, – dedi o'tirganlardan biri, luqma tashlab, – siz aytganча bo'lsa, ishyoqmas, dangasa, yomon qulga o'xshab qolmaymizmi?



– Ёмон кулга ўхшаб қолишдан кўрқсангиз, унда Худого савоб умидида, ҳа, кўпрок савоб ишлаб олиш умидида ибодат қилмоғингиз зарур, – деди Абомуслим сўзини бермай.

– Савоб умидида дейсизми, таксирим, унда ғирт тамагир мардикорга айланиб қоламиз-ку.

– Хўш, нима демоқчисизлар? – бирдан қизишди Абомуслим, – Али десам Вали дейсиз, Вали десам Али дейсиз.

– Й-ў-қ, таксирим, аччиғиз чиқмасин-да, айтмоқчиманки... ҳалиги, ҳим-м... Аллоҳимнинг олдида ёмон кул, ёмон мардикорга ўхшаб қолмайлик, Аллоҳимни беқиёс меҳримиз, жону жаҳонимиз билан яхши кўриб, ибодат қилайлик демоқчиман?

– Яхши, яхши... унақасигаям бўловради, – деб қизариб-бўзарди Абомуслим.

Абомуслим айни дамда ўз жамоасидан бир поғона пастлаб кетди. Ҳа, жамоа ҳақ. Аллоҳга чексиз муҳаббат билан ибодат қилганга нима етсин?! Аслида бу ерда ўтирганлар шунақа одамлар-ку. Нимага бу томонини ўйламади у эси паст? Бўлмаса, ҳар бирини ўзи чертиб-чертиб, танлаб олиб келган-ку. Аллоҳдан кўрқиб ёки бирон нарса умидида ибодат қиладиганлар бориб турган тамагирлар-ку. Ҳа, ақлли одамнинг тили орқасида, аҳмоқнинг тили олдида бўлади, деганлари шу бўлса керак-да.

Айни пайтда Абомуслим бир поғона пастлаган бўлса, Шайтонвачча икки поғона пастлаб кетди. Ахир, у ўз режаларини Абомуслим орқали амалга ошироқчи эди-да. Бунақада одамлар унга эргашадими, йўқми? Уларнинг ишончига кириш учун нима қилиш керак?

Абомуслим ҳозирги “қовун” туширганини дарров эсидан чиқариб, биринчи ғишт кўйиш маросимини масжид қурилишидан бошлашни эълон қилиб қолди. Шу эълондан кейин имом-домла ўзини анча ўнглаб олса керак, деб ўйлади Шайтонвачча. Ахир, биринчи ғишт кўйишни Аллоҳнинг уйидан бошламоқчи-да. Бу албатта кўпчиликка ёқиши керак.

– Yomon qulga o‘xshab qolishdan qo‘rqsangiz, unda Xudoga savob umidida, ha, ko‘proq savob ishlab olish umidida ibodat qilmog‘ingiz zarur, – dedi Abomuslim so‘zini bermay.

– Savob umidida deysizmi, taqsim, unda g‘irt tamagir mardikorga aylanib qolamiz-ku.

– Xo‘sh, nima demoqchisizlar? – birdan qizishdi Abomuslim, – Ali desam Vali deysiz, Vali desam Ali deysiz.

– Y-o‘-q, taqsim, achchig‘iz chiqmasin-da, aytmoqchimanki... haligi, him-m... Allohning oldida yomon qul, yomon mardikorga o‘xshab qolmaylik, Allohni beqiyos mehrimiz, jon-u jahonimiz bilan yaxshi ko‘rib, ibodat qilaylik demoqchiman.

– Yaxshi, yaxshi... unaqasigayam bo‘lovradi, – deb qizarib-bo‘zardi Abomuslim.

Abomuslim ayni damda o‘z jamoasidan bir pog‘ona pastlab ketdi. Ha, jamoa haq. Allohga cheksiz muhabbat bilan ibodat qilganga nima yetsin?! Aslida bu erda o‘tirganlar shunaqa odamlar-ku. Nimaga bu tomonini o‘ylamadi u esi past? Bo‘lmasa, har birini o‘zi chertib-chertib, tanlab olib kelgan-ku. Allohdan qo‘rqib yoki biron narsa umidida ibodat qiladiganlar borib turgan tamagirlar-ku. Ha, aqlli odamning tili orqasida, ahmoqning tili oldida bo‘ladi, deganlari shu bo‘lsa kerak-da.

Ayni paytda Abomuslim bir pog‘ona pastlagan bo‘lsa, Shaytonvachcha ikki pog‘ona pastlab ketdi. Axir, u o‘z rejalarini Abomuslim orqali amalga oshirmoqchi edi-da. Bunaqada odamlar unga ergashadimi, yo‘qmi? Ularning ishonchiga kirish uchun nima qilish kerak?

Abomuslim hozirgi “qovun” tushirganini darrov esidan chiqarib, birinchi g‘isht qo‘yish marosimini masjid qurilishidan boshlashni e‘lon qilib qoldi. Shu e‘londan keyin imom-domla o‘zini ancha o‘nglab olsa kerak, deb o‘yladi Shaytonvachcha. Axir, birinchi g‘isht qo‘yishni Allohning uyidan boshlamoqchi-da. Bu albatta ko‘pchilikka yoqishi kerak.

– Нималар деяпсиз, таксирим, – деди қатъият билан кимдир, – олдин ҳеш, кейин дарвеш, дейдилар, биринчи гиштни мактабга, боғчага қўямиз, кейин уй-жой, ана ундан кейин масжидга бўлса бошқа гап, шундай қилсак Худога ҳам, бандасига ҳам ёқади, ҳа!

– Маъқул гап, болаларимиз жаннатнинг райҳонларидир, – гап қўшди яна бири.

– Ибодатимиз нима бўлади, ибодат-чи? – деди Абомуслим.

– Худо ер юзини саждагоҳ қилиб берган, бу ёғи ёз, намозни яланг жойда ҳам ўқийверамиз, қишгача Худо пошшо...

Шундай қилиб, биринчи рамзий гишталар мактаб, боғча, уй-жойларга қўйилди. Шайтонвачча мум тишлаб, ўй суриб қолди. Ўйларки, барининг думи кесик. Охири йўқ. У одамларни ҳою ҳавасга чақириб, уларни дунё ишлари билан овора қилиб қўймоқчи эди, бўлмади. Улар ўзлари учун тўғри йўлларни танлаб олишяпти. Энди нима қилади?

“Гадой топмас”га кунда, кунора янги одамлар келар, энди уларни қидириб юришнинг ҳам ҳожати қолмаган эди. Бир-бирини йўқлаб, истаб, ҳалол ва пок яхши инсонлар келиб ётибди. Бойлик, маишат, роҳат-фароғат, ортиқча ҳою ҳаваслардан узоқ одамлар. Шунақаям одамлар бўладими? Воҳ! Шайтонвачча нималар қилиб қўйди ўзи? Ўзича катта қадам ташлаб қўймадими? Шунақа бўлдиёв. Шунча ишни бошлаб қўйиб, ҳали “Гадой топмас”дан думи тугилиб кетмаса бўлди эди? Йўқ, бошқача йўл, ҳа, жудаям бошқача йўл тутмаса бўлмайди. У шунақа йўл тутадикки, ҳамма нарсанинг оёғи осмондан бўлади.

– Nimalar deysiz, taqsim, – dedi qat’iyat bilan kimdir, – oldin hesh, keyin darvesh, deydilar, birinchi g’ishtni maktabga, bog’chaga qo’yamiz, keyin uy-joy, ana undan keyin masjidga bo’lsa boshqa gap, shunday qilsak Xudoga ham bandasiga ham yoqadi, ha!

– Ma’qul gap, bolalarimiz jannatning rayhonlaridir, – gap qo’shdi yana biri.

– Ibodatimiz nima bo’ladi, ibodat-chi? – dedi Abomuslim.

– Xudo yer yuzini sajdagoh qilib bergan, bu yog’i yoz, namozni yalang joyda ham o’qiyveramiz, qishgacha Xudo poshsho...

Shunday qilib, birinchi ramziy g’ishtlar maktab, bog’cha, uy-joylarga qo’yildi. Shaytonvachcha mum tishlab, o’y surib qoldi. O’ylarki, barining dumi kesik. Oxiri yo’q. U odamlarni hoyu havasga chaqirib, ularni dunyo ishlari bilan ovora qilib qo’yimoqchi edi, bo’lmadi. Ular o’zlari uchun to’g’ri yo’llarni tanlab olishyapti. Endi nima qiladi?

“Gadoy topmas”ga kunda, kunora yangi odamlar kelar, endi ularni qidirib yurishning ham hojati qolmagan edi. Bir-birini yo’qlab, istab, halol va pok yaxshi insonlar kelib yotibdi. Boylik, maishat, rohat-farog’at, ortiqcha hoyu havaslardan uzoq odamlar. Shunaqayam odamlar bo’ladimi? Voh! Shaytonvachcha nimalar qilib qo’ydi o’zi? O’zicha katta qadam tashlab qo’ymadimi? Shunaqa bo’ldiyov. Shuncha ishni boshlab qo’yib, hali “Gadoy topmas”dan dumi tugilib ketmasa bo’ldi edi? Yo’q, boshqacha yo’l, ha, judayam boshqacha yo’l tutmasa bo’lmaydi. U shunaqa yo’l tutadiki, hamma narsaning oyog’i osmondan bo’ladi.

## ХАЙР, “ГАДОЙ ТОПМАС”...

*(Ёки Шайтонваччанинг гадоЙлик қиёфаси билан хайрлашиши)*

Шундай кунларнинг бирида “108-канал” Шайтонваччани шунақанги орқасидан пичоқ урдики, дунёга келганига минг бора пушаймонлар еди. Нималар бўлди, дейсизми? Стриптизчи аёлларнинг бари биринкетин кўчқордек-кўчқордек ўғил туғиб берди. Бироқ конини текширишганида, бари яна Дадамирзанинг болалари бўлиб чиқди. Дадамирза уларга қамокда ўтириб бўлса ҳам алимент тўлайдиган бўлди. Ана холос, мана холос... Оҳ Дадамирза, воҳ Дадамирза... Сендақа юмшоқ супургининг падарига минг лаънат. Аммо-лекин қойил, бир қойилдан минг қойил... Шайтонгаки фириб бердингми, қандингни ур, азамат! Йўқ, етар, бас! Чегарадан чиқиб кетдинг. Буёғига энди ўзингдан кўр, нафси бузук ҳайитда ўлар, деганлар. Сен учун ҳайит тугади. Куқунга айлантириб, “ГадоЙ топмас”га сочиб юбормасамми, Шайтон отимни бошқа қўяман...

Шу пайт бирдан Шайтонваччанинг фикри олдингидек яна ўзгарди. Ҳа йўқ, ундай қилмайман. Сен ярамас Ажинашамолнинг тегирмонини ҳам ҳаром қиласан. Никоҳсиз туғилган ҳароми болаларингга алимент тўлайман деб қамокхоналарда умринг ўтсин. Шайтонвачча икки ўт ўртасида қолди. Калласида битта савол айланарди. Ажабо, ундан бола бўлмасмикан-а? Наҳотки бепушт бўлса? Наҳотки унинг кулоғи билан думини кесиб, замбаракка солиб отиб юборишганда, наҳотки пуштини ҳам кесиб қўйишган бўлса? Кўз олдига “ГадоЙ топмас”га келганида илк бора қўлига сув қуйган Ортиқбойнинг момақаймоқ қизи келди-ю, калласи ишлаб кетди. Калласида бошохири йўқ шундай режалар қалашиб кетдики, ўзи ҳам шошиб қолди. Дарровда Ортиқбой, Шорасул ва Абомуслимларни машваратга чақирди.

## XAYR, "GADOY TOPMAS"...

*(Yoki Shaytonvachchaning gadoylik qiyofasi bilan xayrlashishi)*

Shunday kunlarning birida "108-kanal" Shaytonvachchani shunaqangi orqasidan pichoq urdiki, dunyoga kelganiga ming bora pushaymonlar yedi. Nimalar bo'ldi, deysizmi? Striptizchi ayollarning bari birin-кетин qo'chqordek-qo'chqordek o'g'il tug'ib berdi. Biroq qonini tekshirishganida, bari yana Dadamirzaning bolalari bo'lib chiqdi. Dadamirza ularga qamoqda o'tirib bo'lsa ham aliment to'laydigan bo'ldi. Ana xolos, mana xolos... Oh Dadamirza, voh Dadamirza... Sendaqa yumshoq supurgining padariga ming la'nat. Ammo-lekin qoyil, bir qoyildan ming qoyil... Shaytongaki firib berdingmi, qandingni ur, azamat! Yo'q, yetar, bas! Chegaradan chiqib ketding. Buyog'iga endi o'zingdan ko'r, nafsi buzuq hayitda o'lar, deganlar. Sen uchun hayit tugadi. Kukunga aylantirib, "Gadoy topmas"ga sohib yubormasammi, Shayton otimni boshqa qo'yaman...

Shu payt birdan Shaytonvachchaning fikri olidingidek yana o'zgardi. Ha yo'q, unday qilmayman. Sen yaramas Ajinashamolning tegirmonini ham harom qilasan. Nikohsiz tug'ilgan haromi bolalaringga aliment to'layman deb qamoqxonalarda umring o'tsin. Shaytonvachcha ikki o't o'rtasida qoldi. Kallasida bitta savol aylanardi. Ajabo, undan bola bo'lmasmikan-a? Nahotki bepusht bo'lsa? Nahotki uning qulog'i bilan dumini kesib, zambarakka solib otib yuborishganda, nahotki pushtini ham kesib qo'yishgan bo'lsa? Ko'z oldiga "Gadoy topmas"ga kelganida ilk bora qo'liga suv quygan Ortiqboyning momaqaymoq qizi keldi-yu, kallasida ishlab ketdi. Kallasida bosh-oxiri yo'q shunday rejalar qalashib ketdiki, o'zi ham shoshib qoldi. Darrovda Ortiqboy, Shorasul va Abomuslimlarni mashvaratga chaqirdi.

– Мени маъзур тутасизлар, кадрдонлар, – деди у оғир тин олиб, – сафарим қариди, кетадиган бўлиб қолдим.

Гадойбой жанобларининг дабдурустдан бундай қарорга келиши йиғилганларни шошириб қўйди. Бу ердаги барча ишлар шу кишидан бошланиб, шу кишига келиб тўхтар эди.

– Э, нималар деяпсиз, Гадойбой жаноблари, шунча ишни бошлаб қўйиб-а? – жон-пони чиқиб кетди Ортиқбойнинг.

– Бунақа ярим йўлда ташлаб кетишга келишмаган эдик-ку, – ўтирган жойидан туриб кетди Шорасул.

– “Гадой топмас”га келиш бор-у, кетиш йўқ, деган ўзлари эмасмиди? – кўзларини соққа қилди Абомуслим.

– Гап шундаки, бу ерларнинг бизнес режаларини тузган мен эмас, унинг ўз эгаси бор, у ҳам бўлса менинг ўғлим, Омонтой. У, гадойчилик қилмайман, деб менинг йўлимдан кетмади, баччағар. Ҳамма ёшлар қатори ўзини бизнесга урди. Шу кунларда бизнес оламида унинг олдига тушадигани йўқ. Манаман деган бизнесменлар ҳам унга қуллуқ қилиб туришади шу кунларда. Ўзиям жуда одамшаванда, улфат йигит, – деб Шорасулга қараб қўйди, – бораман-у, ўрнимни совутмай, буёққа жўнатиб юбораман, – деб энди Ортиқбойга қараб қўйди. – Айтиб қўяй, Омонтойнинг битта камчилиги бор, сал жаҳонгаштарок, бу жиҳати менга тортган, қонида бор-да, Омонтойнинг бўйнига бўйинтурук илиш керак бўлади, токи бу ерга келгандан кейин миҳланиб қолсин. Ҳа, қимирлай олмасин.

– Қанақа бўйинтурукни айтяпсиз, қартани очиброқ ўйнанг-да, – деди Абомуслимнинг тоқати тоқ бўлиб.

– Оббо, сиз-эй, шуни ҳам билмайсизми, тақсирим, шу... Шорасул ака икковингиз Ортиқбой аканикига Омонтойни деб қулчиликка борасизлар, қарабсизки, “Гадой топмас”да гижбадабанг тўй бўлади. Никоҳини ўзингиз ўқийсиз, бўйинтурук деганлари шу-да.

– Meni ma’zur tutasizlar, qadrdonlar, – dedi u og‘ir tin olib, – safarim qaridi, ketadigan bo‘lib qoldim.

Gadoyboy janoblarning dabdurustdan bunday qarorga kelishi yig‘ilganlarni shoshirib qo‘ydi. Bu yerdagi barcha ishlar shu kishidan boshlanib, shu kishiga kelib to‘xtar edi.

– E, nimalar deyapsiz, Gadoyboy janoblari, shuncha ishni boshlab qo‘yib-a? – jon-poni chiqib ketdi Ortiqboyning.

– Bunaqa yarim yo‘lda tashlab ketishga kelishmagan edik-ku, – o‘tirgan joyidan turib ketdi Shorasul.

– “Gadoy topmas”ga kelish bor-u, ketish yo‘q, degan o‘zlari emasmidi? – ko‘zlarini soqqa qildi Abomuslim.

– Gap shundaki, bu yerlarning biznes rejalarini tuzgan men emas, uning o‘z egasi bor, u ham bo‘lsa mening o‘g‘lim, Omontoy. U, gadoychilik qilmayman, deb mening yo‘limdan ketmadi, bachchag‘ar. Hamma yoshlar qatori o‘zini biznesga urdi. Shu kunlarda biznes olamida uning oldiga tushadigani yo‘q. Manaman degan biznesmenlar ham unga qulluq qilib turishadi shu kunlarda. O‘ziyam juda odamshavanda, ulfat yigit, – deb Shorasulga qarab qo‘ydi, – boraman-u, o‘rnimni sovutmay, buyoqqa jo‘natib yuboraman, – deb endi Ortiqboyga qarab qo‘ydi. – Aytib qo‘yay, Omontoyning bitta kamchiligi bor, sal jahongashtarok, bu jihati menga tortgan, qonida bor-da, Omontoyning bo‘yniga bo‘yinturuq ilish kerak bo‘ladi, toki bu yerga kelgandan keyin mixlanib qolsin. Ha, qimirlay olmasin.

– Qanaqa bo‘yinturuqni aytyapsiz, qartani ochibroq o‘ynang-da, – dedi Abomuslimning toqati toq bo‘lib.

– Obbo, siz-ey, shuni ham bilmaysizmi, taqsirim, shu... Shorasul aka ikkovingiz Ortiqboy akanikiga Omontoyni deb qulchilikka borasizlar, qarabsizki, “Gadoy topmas”da gijbadabang to‘y bo‘ladi. Nikohini o‘zingiz o‘qiysiz, bo‘yinturuq deganlari shu-da.

Ortiqboyga bu gap yoqib tushdi. Qizi ham ko‘zga ko‘rinib, bo‘yi yetib qoldi, axir. Xizrdek bir odamga



Ортиқбойга бу гап ёқиб тушди. Қизи ҳам кўзга кўриниб, бўйи етиб қолди, ахир. Хизрдек бир одамга куда бўлса ёмонми? Пойқадами ёқиб, “Гадой топмас” обод бўляпти-ку. Ортиқбой бу жойларнинг яккаю ягона вориси. Куёви таниқли бизнесмен экан бошқаришни унга топширади-қўяди. Шу кунларда на кечаси тиними бор, на кундузи. Бир чимдим уйқуга зор.

Омонтойнинг улфат йигитлиги Шорасулга ҳам ёқди. Омонтой! Исмининг чиройлилигини қаранг, шуни ўзи одамшавандалигини билдириб турибди. Зора “Бренди”, “Марлборо”ларга йўл очилиб қолса. Баъзан хумори тутиб, қонига ташна қилиб юборади, қурғур.

Абомуслим... эҳ, Абомуслим, у нималарни ўйляпти экан? Бир пайтлар кўзларини ўйиб, тилини кесиб олмоқчи бўлган одамнинг бу ердан тезроқ даф бўлиши унга ҳам ёқиб турибди. Зора бу одамнинг “Гадой топмас”дан кўтарилиши билан орқага йўллар очилиб кетса. Чувир-чувир болалари, сочини икки ўрим қилиб, белига ташлаб, соллана-соллана юрадиган хотини кўзига кўринди.

Шундай қилиб, улар Гадейбой жаноблари билан хайр-хўшлашдилар. У кишининг фарзанди аржумани, дунёда тенги йўқ бизнесмен – Омонтойни минг хил хаёллар билан кута бошладилар. Гадейбой жанобларининг ўғли бўлса ҳам, барибир синашта эмас. Синашта бўлмаган отнинг сиртидан ўтма, деган машойихлар...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Шохдор раис гибрид боласи Одамшайтонни ўйлаб, юраги сикилиб, не-не хаёлларга ботиб ўтирган эди, Ахборотчи эшикни тақиллатмаёқ, шошиб кириб келди-да:

– Мени маъзур тутасиз, Жаноби олийлари, Одамшайтон ҳақида янгилик бор экан, хуфиялардан бири шу масалада хузурингизга кирмоқчи, – деди.

quda bo'lsa yomonmi? Poyqadami yoqib, "Gadoy topmas" obod bo'lyapti-ku. Ortiqboy bu joylarning yakka-yu yagona vorisi. Kuyovi taniqli biznesmen ekan, boshqarishni unga topshiradi-qo'yadi. Shu kunlarda na kechasi tinimi bor, na kunduzi. Bir chimdim uyquga zor.

Omontoyning ulfat yigitligi Shorasulga ham yoqdi. Omontoy! Ismining chiroyliligini qarang, shuni o'zi odamshavandaligini bildirib turibdi. Zora "Brendi", "Marlboro"larga yo'l ochilib qolsa. Ba'zan xumori tutib, qoniga tashna qilib yuboradi, qurg'ur.

Abomuslim... eh, Abomuslim, u nimalarni o'ylayapti ekan? Bir paytlar ko'zlarini o'yib, tilini kesib olmoqchi bo'lgan odamning bu yerdan tezroq daf bo'lishi unga ham yoqib turibdi. Zora bu odamning "Gadoy topmas"dan ko'tarilishi bilan orqaga yo'llar ochilib ketsa. Chuvir-chuvir bolalari, sochini ikki o'rim qilib, beliga tashlab, sollana-sollana yuradigan xotini ko'ziga ko'rindi.

Shunday qilib, ular Gadoyboy janoblari bilan xayr-xo'shlashdilar. U kishining farzandi arjumani, dunyoda tengi yo'q biznesmen – Omontoyni ming xil xayollar bilan kuta boshladilar. Gadoyboy janoblarining o'g'li bo'lsa ham, baribir sinashta emas. Sinashta bo'lmagan otning sirtidan o'tma, degan mashoyixlar...

## HAY'AT YIG'ILISHI

Shoxdor rais gibrid bolasi Odamshaytonni o'ylab, yuragi siqilib, ne-ne xayollarga botib o'tirgan edi, Axborotchi eshikni taqillatmayoq, shoshib kirib keldi-da:

– Meni ma'zur tutasiz, Janobi oliylari, Odamshayton haqida yangilik bor ekan, xufiyalardan biri shu masalada huzuringizga kirmoqchi, – dedi.

Bu xabar Raisning yarasiga malham surgandek bo'ldi-yu, ammo odatdagidek sir boy bermadi. U hamisha Odamshaytonni o'zidan nari qilib ko'rsatar,

Бу хабар Раиснинг ярасига малҳам сургандек бўлди-ю, аммо одатдагидек сир бой бермади. У ҳамиша Одамшайтонни ўзидан нари қилиб кўрсатар, аммо уни хуфиёна дил-дилдан ёқтирарди. Унинг нимасигадир ишонарди, нимасидир уни ўзи билан боғлаб турарди. Гарчи Шохдор раисга кўпгина муаммолар тугдириб келаётган бўлса ҳам.

– А? – деди Шохдор раис худди Ахборотчининг гапини эламагандек, – нима, Одамшайтондан бўлак ташвишимиз йўқми, топган гапини каранглар, тавба?

– Кечирасиз, шу... – деб чайналди Ахборотчи. У ўзича Раис жанобларини хурсанд қилмоқчи бўлганди. Шохдор раиснинг анчадан бери чиройи очилмай юрганини Одамшайтондан бўлса керак, деб юрарди. Йўқ ундай эмас экан, нақ юзига тарсаки егандек бўлди.

– Биладан, сенларни, – деди Шохдор раис зарда билан, – ҳаммангнинг дарди-ташвишинг икки миллион “кўки”да. Ҳе, нафси ўпқон, дарди чипқонлар. Шу пайтгача ана, мана деб, мени хўп лақиллатиб келдиларинг. Одамшайтон унақа, Одамшайтон бунақа... Етар, тоқатим тоқ бўлди. Қўлларингдан қўйнинг кумалоғи ҳам келмади. Шуба аъзоларини чақир, Одамшайтон тўғрисида уларга айтадиган муҳим гапим бор.

Шуба аъзолари тасир-тусур билан, шоша-пиша кириб, жойларини эгаллашди. Кўзлари Шохдор раисда. Нима гап, тинчликмикан? Раис кафтини жагига тираб, шердек ҳурпайиб ўтирарди.

– Жаноби олийлари, ҳамма келиб бўлди, – деб вазифасини адо этди Ахборотчи.

– Ҳим-м... кўриб турибман, – деб ўтирганларга ёппасига назар ташлади Раис. У ҳар сафаргидан ҳам бугун важоҳатлироқ кўринарди. – Ҳамма ўнг ва сўл қулоғи билан эшитиб олсин, бугундан бошлаб Одамшайтоннинг бошига тикилган икки миллион “кўки” бекор қилинади. – Ўтирганлар бир-бирларига аланг-жалаң қараб, бир тўлганиб олди. – Шу пайтга-

ammo uni xufiyona dil-dildan yoqtirardi. Uning nimasigadir ishonardi, nimasidir uni o'zi bilan bog'lab turardi. Garchi Shoxdor raisga ko'pgina muammolar tug'dirib kelayotgan bo'lsa ham.

– A? – dedi Shoxdor rais xuddi Axborotchining gapini elamagandek, – nima, Odamshaytondan bo'lak tashvishimiz yo'qmi, topgan gapini qaranglar, tavba?

– Kechirasiz, shu... – deb chaynaldi Axborotchi. U o'zicha Rais janoblarini xursand qilmoqchi bo'lgandi. Shoxdor raisning anchadan beri chiroyi ochilmay yurganini Odamshaytondan bo'lsa kerak, deb yurardi. Yo'q unday emas ekan, naq yuziga tarsaki yegandek bo'ldi.

– Bilaman, senlarni, – dedi Shoxdor rais zarda bilan, – hammangning dardi-tashvishing ikki million “ko'ki”da. He, nafsi o'pqqon, dardi chipqqonlar. Shu paytgacha ana, mana deb, meni xo'p laqillatib keldilaring. Odamshayton unaqa, Odamshayton bunaqa... Yetar, toqatim toq bo'ldi. Qo'llaringdan qo'yning qumalog'i ham kelmadi. Shu'ba a'zolarini chaqir, Odamshayton to'g'risida ularga aytadigan muhim gapim bor.

Shu'ba a'zolari tasir-tusur bilan, shosha-pisha kirib, joylarini egallashdi. Ko'zlari Shoxdor raisda. Nima gap, tinchlikmikan? Rais kaftini jag'iga tirab, sherdek hurpayib o'tirardi.

– Janobi oliylari, hamma kelib bo'ldi, – deb vazifasini ado etdi Axborotchi.

– Him-m... ko'rib turibman, – deb o'tirganlarga yoppasiga nazar tashladi Rais. U har safargidan ham bugun vajohatliroq ko'rinardi. – Hamma o'ng va so'l qulog'i bilan eshitib olsin, bugundan boshlab Odamshaytonning boshiga tikilgan ikki million “ko'ki” bekor qilinadi. – O'tirganlar bir-birlariga alang-jalang qarab, bir to'lg'anib oldi. – Shu paytgacha mukofotga arzigulik ish qilmadilaring. Buning uchun jazo o'rniida ikki million “ko'ki”da jarimaga tortilasanlar!





ча мукофотга арзигулик иш қилмадиларинг. Бунинг учун жазо ўрнида икки миллион “кўки”да жаримага тортиласанлар! Айб ўзларингда, сабримни оёқос-ти қилдиларинг. Шу пайтгача Одамшайтоннинг на ўлигини, на тиригини олиб келдиларинг. Ёлғон-яшиқ билан кўйнимни нуч ёнғоққа тўлдирдиларинг. Бас, етар, тоқатим тоқ бўлди.

Ўртага ғалати сукунат чўкди. Хонада пашша учгани билинди.

Нафсиламрини айтганда Раис жаноблари гибрид боласидан фақат фойда кўрса кўрдик, зарар кўрмади. Аввалига “Лапашанглар, Одамшайтончалик ишламаяпсанлар”, деб шуъба аъзоларининг ярим сармоясини ўз фойдасига туя қилди. Энди бўлса жаримани ўйлаб топиб, яна икки миллион “кўки”ни нақд қилиб олди. Нимагадир ўтирганларнинг ҳеч бири ғиринг демади, қани ғиринг деб кўришсин-чи? Ё думлари ечилиб, кўчага ҳайдалади, ё жаримани тўлаб, ўз жойида қолади. Икковидан биттаси. Бошида Шохдор раиснинг икки миллион “кўки”ни мукофотга тикишдан мақсади, мабодо Одамшайтонни тутиб келишса, у билан юзма-юз гаплашиб олмоқчи, нималар қилмоқчилигини билмоқчи, ҳатто биргалашиб ишламоқчи ҳам эди. Аммо манави ўтирган аммамнинг бузоқлари бу ишни дўндириша олмади. Одамшайтон борган сари жумбоққа, афсонага айланиб боряпти. Хонадаги жимликни яна Раиснинг ўзи бузди:

– Сен, ҳов ҳуфиялар бошлиғи, Одамшайтон ҳақида бир нима демокчимидинг, тайинли гап бўлса гапир, бўлмаса вақтимни олма.

– Мен... мен... – деди у тутилиб, – Одамшайтоннинг шаҳарда пайдо бўлганини айтмоқчийдим, холос...

– Шаҳардамиш, топган гапини, мени олдимда қачон пайдо бўлади, шундан гапир?

– Шу сафар кўп уриндим, Жаноби олийлари, ҳа, бўлмади, – титраб-қақшади ҳуфиялар бошлиғи.

– Хўп, нима қилиб уриндинг-у, нима бўлмади?

Ayb o'zlarinda, sabrimni oyoqosti qildilaring. Shu paytgacha Odamshaytonning na o'ligini, na tirigini olib keldilaring. Yolg'on-yashiq bilan qo'ynimni puch yong'oqqa to'ldirdilaring. Bas, yetar, toqatim toq bo'ldi.

O'rtaga g'alati sukunat cho'kdi. Xonada pashsha uchgani bilindi.

Nafsilamrini aytganda Rais janoblari gibrid bolasidan faqat foyda ko'rsa ko'rdiki, zarar ko'r-madi. Avvaliga "Lapashanglar, Odamshaytonchalik ishlamayapsanlar", deb shu'ba a'zolarining yarim sarmoyasini o'z foydasiga tuya qildi. Endi bo'lsa jarimani o'ylab topib, yana ikki million "ko'ki"ni naqd qilib oldi. Nimagadir o'tirganlarning hech biri g'iring demadi, qani g'iring deb ko'rishsin-chi? Yo dumlari yechilib, ko'chaga haydaladi, yo jarimani to'lab, o'z joyida qoladi. Ikkovidan bittasi. Boshida Shoxdor raisning ikki million "ko'ki"ni mukofotga tikishdan maqsadi, mabodo Odamshaytonni tutib kelishsa, u bilan yuzma-yuz gaplashib olmoqchi, nimalar qilmoqchiligini bilmoqchi, hatto birgalashib ishlamoqchi ham edi. Ammo manavi o'tirgan ammanni buzog'lari bu ishni do'ndirisha olmadi. Odamshayton borgan sari jumboqqa, afsonaga aylanib boryapti. Xonadagi jimlikni yana Raisning o'zi buzdi:

– Sen, hov hufiyalar boshlig'i, Odamshayton haqida bir nima demoqchimiding, tayinli gap bo'lsa gapir, bo'lmasa vaqtimni olma.

– Men... men... – dedi u tutilib, – Odamshaytonning shaharda paydo bo'lganini aytmoqchiydim, xolos...

– Shahardamish, topgan gapini, meni oldimda qachon paydo bo'ladi, shundan gapir?

– Shu safar ko'p urindim, Janobi oliylari, ha, bo'lmadi, – titrab-qaqshadi xufiyalar boshlig'i.

– Xo'p, nima qilib urinding-u, nima bo'lmadi?

– Shu desangiz, shahar posbonlarining eng katta-konini unga qarshi vasvasa qildim, bu gadoymas,



— Шу десангиз, шаҳар посбонларининг энг каттаконини унга қарши васваса килдим, бу гадоймас, юзига никоб тақиб олган фирибгар, ушлаб маҳкамага топширсанг, каттагина мукофот оласан, ҳа... ишонмасанг соч-соқолини бир тортиб кўр, кўлингга илашиб чиқмаса мен кафил, дедим. У олдинига васвасамга юрди. Ранг-рўйи ўзгариб, важоҳат билан Одамшайтоннинг йўлини шундоқ тўсиб чиқди. Ана энди қўлга тушдинг Одамшайтон деб ичимда яйраб кетдим. Аммо эрта суюнган эканман. Одамшайтон бўлса, икки букилиб: “Ассалому алайкум жаноб, мен сизни битта қарашингиздаёқ тушундим, тушунмай ўлибманми, бола-чақа, рўзгор деган нарсалар бор ҳаётда, мана hozир, деб кўйнига қўл солиб, “Бу сиззи дўлянгиз”, деб “кўки”дан кафтига секин қистирса бўладими? Ана, дедим посбонни баттар васваса қилиб, бир айби борки, пул тикиштириб, кутулиб кетмоқчи, бўлақол, никобини еч, шармандасини чиқар, қўлга ол. Посбони тушмагур нима деди денг: Дўляни тушунганинг яхши, қанийди ҳамма гадойлар ҳам сенга ўхшаб дўляни тушунса, тушунишмайди-да, без бўлиб кетишган улар, бундоқ тарбиявий ишлар олиб борсаларинг ўласанларми? деди. “Хўп жаноб, таклифингиз бош устига, бундан буён, гадойлар орасида тарбиявий ишларни кучлантирамиз”, – деб Одамшайтон кўчани ўзиники қилиб кетворди.

– Хасис, зикна, – дея Шохдор раис хуфиялар бошлиғига ўдағайлаб, – посбонга Одамшайтондан олдин “кўки”дан ўзинг берсанг ўлармининг. Й-ў-ўк... бермайсанлар, чўнтакдан пулинг чиққунча, танангдан жонинг чиқиб кетади сенларнинг.

– Зикналигимни тан оламан Жаноби олийлари, бу борада ҳаммамиз бир гўрмиз.

– Хўп, кейин нима бўлди?

– Кейин кўчадан пора олмайдиган бирорта посбон топилиб қолар деб, у билан изма-из боравердим. У шу аҳволида бирдан шаҳардаги энг машҳур стилист-косметологларнинг устахонасига кириб кетди.

yuziga niqob taqib olgan firibgar, ushlab mahkamaga topshirsang, kattagina mukofot olasan, ha... ishonmasang soch-soqolini bir tortib ko‘r, qo‘lingga ilashib chiqmasa men kafil, dedim. U oldiniga vasvasamga yurdi. Rang-ro‘yi o‘zgarib, vajohat bilan Odamshaytonning yo‘lini shundoq to‘sib chiqdi. Ana endi qo‘lga tushding Odamshayton, deb ichimda yayrab ketdim. Ammo erta suyungan ekanman. Odamshayton bo‘lsa, ikki bukilib: “Assalomu alaykum janob, men sizni bitta qarashingizdayoq tushundim, tushunmay o‘libmanmi, bola-chaqa, ro‘zg‘or degan narsalar bor hayotda, mana hozir, deb qo‘yniga qo‘l solib, “Bu sizzi do‘lyangiz”, deb “ko‘ki”dan kaftiga sekin qistirsa bo‘ladimi? Ana, dedim posbonni battar vasvasa qilib, bir aybi borki, pul tiqishtirib, qutulib ketmoqchi, bo‘laqol, niqobini yech, sharmandasini chiqar, qo‘lga ol. Posboni tushmagur nima dedi deng: “Do‘lyani tushunganing yaxshi, qaniydi hamma gadoylar ham senga o‘xshab do‘lyani tushunsa, tushunishmaydi-da, bez bo‘lib ketishgan ular, bundoq tarbiyaviy ishlar olib borsalaring o‘lasanlarmi?” dedi. “Xo‘p janob, taklifingiz bosh ustiga, bundan buyon, gadoylar orasida tarbiyaviy ishlarni kuchlantiramiz”, deb Odamshayton ko‘chani o‘ziniki qilib ketvordi.

– Xasis, ziqna, – deya Shoxdor rais hufiyalar boshlig‘iga o‘dag‘aylab, – posbonga Odamshaytondan oldin “ko‘ki”dan o‘zing bersang o‘larmiding. Y-o‘-o‘q... bermaysanlar, cho‘ntakdan puling chiqquncha, tanangdan joning chiqib ketadi senlarning.

– Ziqnaligimni tan olaman Janobi oliylari, bu borada hammamiz bir go‘rmiz.

– Xo‘p, keyin nima bo‘ldi?

– Keyin ko‘chadan pora olmaydigan birorta posbon topilib qolar deb, u bilan izma-iz boraverdim. U shu ahvolidagi birdan shahardagi eng mashhur stilist-kosmetologlarning ustaxonasiga kirib ketdi. Hoynahoy tilansa kerak-da, bor pulini berib qo‘ydi-ku,

Ҳойнаҳой тиланса керак-да, бор пулини бериб қўйди-ку, деб ўйладим ўзимча. Бош стилист хайрон бўлиб Одамшайтонга қаради. У бўлса, оёғига ялтироқ қора туфли, устига қора костюм-шим кийган маникенни арофидан бир айланди-да: “Мени мана шунақа қилиб қўя оласанми?” деди. Стилист бир зум ўйланиб тургач, бирдан энди у Одамшайтоннинг атрофида айланиб қолди. Ҳатто оғзини очиб тишиниям кўрди. Кейин бир қарорга келди шекилли, суратчисига қараб: “Бунақа материал ҳақида мен кўп ўйлаганман, мана ниҳоят ўз оёғи билан келиб қолди, яхшилаб суратга ол, шаҳардаги ҳамма стилистларни синдирамиз энди”, деб Одамшайтонга тиржайиб қўйди-да, унинг қўлига оппоққина момик жомакор тутиб, ювиниш хонасини кўрсатди. Биласиз, Одамшайтон ҳам аноийлардан эмас, стилистнинг ниятини дарровда тушунди. Стилист бу одам олдин мана бунақа тавиятасқара эди, мени қўлимдан мана бунақа кетворган йигит бўлиб чиқди, деб ўзини ўзи реклама қилмоқчи. “Стилист болам, сен айтган “материал” қанча туришини биласанми?” деди. “Биламан бобой, биламан, сизга хизматлар ҳақи текин”, деди стилист. “Анови маникеннинг устидаги бош-оёқ сарупо-чи? “Й-ў-ў... улар чет элники, жуда қиммат туради, костюм-шимнинг пулини тўлайсиз, бобой”, деди стилист. “Унда савдомиз пишмади деявер, бошқа стилист топаман”, деди Одамшайтон кетишга тараддуланиб. “Розиман, розиман”, деб шошиб қолди стилист. Сарупонинг чўнтагига уч-тўрт сўм солиб қўйишам эсингдан чиқмасин-а? деб кўзларини ўйнатди Одамшайтон. “Хўп”, деб стилист уч-тўрт сўм солиб қўйишга ҳам рози бўлди.

– Воҳ, – деди Шохдор раис, Одам болалари буни сопини ўзидан чиқариш дейишади, қаранглар бир ўқ билан нечта куённи урди-я, азамат. Ёшарди, бош-оёқ сарполик бўлди, яна чўнтаги ҳам куруқ қолмади.

– Ахир, у Одамшайтон-да, Жаноби олийлари, биз бўлса бор-йўғи шайтонмиз, холос, – овозини кўтарди биттаси.

deb o'yladim o'zimcha. Bosh stilist hayron bo'lib Odamshaytonga qaradi. U bo'lsa, oyog'iga yaltiroq qora tufli, ustiga qora kostum-shim kiygan manikenni arofidan bir aylandi-da: "Meni mana shunaqa qilib qo'ya olasanmi?" dedi. Stilist bir zum o'ylanib turgach, birdan endi u Odamshaytonning atrofida aylanib qoldi. Hatto og'zini ochib tishiniyam ko'rdi. Keyin bir qarorga keldi shekilli, suratchisiga qarab: "Bunaqa material haqida men ko'p o'ylaganman, mana nihoyat o'z oyog'i bilan kelib qoldi, yaxshilab suratga ol, shahardagi hamma stilistlarni sindiramiz endi", deb Odamshaytonga tirjayib qo'ydi-da, uning qo'lga oppoqqina momiq jomakor tutib, yuvinish xonasini ko'rsatdi. Bilasiz, Odamshayton ham anoyilardan emas, stilistning niyatini darrovda tushundi. Stilist bu odam oldin mana bunaqa taviya-tasqara edi, meni qo'limdan mana bunaqa ketvorgan yigit bo'lib chiqdi, deb o'zini o'zi reklama qilmoqchi. "Stilist bolam, sen aytgan "material" qancha turishini bilasanmi?" dedi. "Bilaman, boboy bilaman, sizga xizmatlar haqi tekin, dedi stilist. "Anovi manikenning ustidagi bosh-oyoq sarupo-chi? "Y-o'-o'... ular chet elniki, juda qimmat turadi, kostum-shimning pulini to'laysiz, boboy", dedi stilist. "Unda savdomiz pishmadi deyaver, boshqa stilist topaman", dedi Odamshayton ketishga taraddudlanib. "Roziman, roziman", deb shoshib qoldi stilist. "Saruponing cho'ntagiga uch-to'rt so'm solib qo'yisham esingdan chiqmasin-a?" deb ko'zlarini o'ynatdi Odamshayton. "Xo'p, deb stilist uch-to'rt so'm solib qo'yishga ham rozi bo'ldi.

– Voh, – dedi Shoxdor rais, Odam bolalari buni sopini o'zidan chiqarish deyishadi, qaranglar bir o'q bilan nechta quyonni urdi-ya, azamat. Yoshardi, bosh-oyoq sarpolik bo'ldi, yana cho'ntagi ham quruq qolmadi.

– Axir, u Odamshayton-da, Janobi oliylari, biz bo'lsa bor-yo'g'i shaytonmiz, xolos, – ovozini ko'tardi bittasi.

– Бир донишманддан бунча ақли кимдан ўргандинг дейишса, аҳмоқдан деган экан. Сенлар ҳам Одамшайтондан ўрганларинг.

– Э, Одамшайтон аҳмоқ эмас, у бошимизга битган бало, бунақада у бизни кафангадо қилади, – деб икки миллион жаримага писанда қилиб қўйди яна биттаси. Улар ҳалидан бери шу жарима деган нарсани ҳазм қилиша олмаётган эди.

– У ҳозир қаерда? – сўради Раис.

– Воҳ, уми, – дея ҳуфиялар бошлиғи қарсак уриб юборди, – стилисти тушмагурни ростданам қўли гул экан, Одамшайтон шунақанги суқсурдек йигит бўлдики, вой-й... хонадаги малла соч-у қора соч стилист жононлар атрофида гирдикапалак бўлиб қолишди денг, нақ куёвтура бўлиб кетди. Аёл бўлганимдами, ўзимок тегволардим.

– Э, ҳозир буни иши осон, – деди Раис муғамбирона жилмайиб, – думинг билан қулоғингни кесиб, замбаракка қўйиб отамиз, қарабсанки Одамшайтоннинг олдидасан-да. У ёғини мендан яхши биласан. Одам болалари орасида эркакни эркакка, аёлни аёлга никоҳлаш мода бўлган.

– Э, қўйинг-е, Жаноби олийлари бунақа шармандагарчиликни, модалари бошидан қолсин...

– Гапни обқочма, бизга унинг қаердалигини айт, – деб талаб қилиб қолишди ҳайъат аъзолари.

– Бир қошиқ қонимдан кечасизлар ҳурматли ҳамкасабалар, хуллас, шундоқ кетворган Одамшайтонга ёмонлик қилгим келмади, қилолмасдим ҳам, қандингни ур йигит, деб уни ўз йўлига қўйвордим. Айтиб қўйай, бу қилмишим учун ҳар қандай жазога тайёрман.

– Воҳ, ана хоин...

– Ана сотқин...

– Душман ичимизда экан.

– Ўзингдан чиққан балога, қайга борай даъвога деган эканлар.

– Жаноб Раис, уни ҳозироқ думи ечилиб, кўчага ҳайдалишини талаб қиламиз.

– Bir donishmanddan buncha aqlni kimdan o‘r-ganding deyishsa, ahmoqdan degan ekan. Senlar ham Odamshaytondan o‘rganlaring.

– E, Odamshayton ahmoq emas, u boshimizga bitgan balo, bunaqada u bizni kafangado qiladi, – deb ikki million jarimaga pisanda qilib qo‘ydi yana bittasi. Ular halidan beri shu jarima degan narsani hazm qilisha olmayotgan edi.

– U hozir qayerda? – so‘radi Rais.

– Voh, umi, – deya hufiyalar boshlig‘i qarsak urib yubordi, – stilisti tushmagurni rostdanam qo‘li gul ekan, Odamshayton shunaqangi suqsurdek yigit bo‘ldiki, voy-y... xonadagi malla soch-u qora soch sti-list jononlar atrofida girdikapalak bo‘lib qolishdi deng, naqd kuyovto‘ra bo‘lib ketdi. Ayol bo‘lganimdami, o‘zimoq tegvolardim.

– E, hozir buni ishi oson, – dedi Rais mug‘ambirona jilmayib, – duming bilan qulog‘ingni kesib, zambarakka qo‘yib otamiz, qarabsanki Odamshaytonning oldi-dasan-da. U yog‘ini mendan yaxshi bilasan. Odam bolalari orasida erkakni erkakka, ayolni ayolga nikoh-lash moda bo‘lgan?

– E, qo‘ying-e, Janobi oliylari bunaqa sharman-dagarchilikni, modalari boshidan qolsin...

– Gapni obqochma, bizga uning qayerdaligini ayt, – deb talab qilib qolishdi hay‘at a‘zolari.

– Bir qoshiq qonimdan kechasizlar hurmatli hamkasabalar, xullas, shundoq ketvorgan Odamshay-tonga yomonlik qilgim kelmadi, qilolmasdim ham, qandingni ur yigit deb uni o‘z yo‘liga qo‘yvordim. Aytib qo‘yay, bu qilmishim uchun har qanday jazoga tayyorman.

– Voh, ana xoin...

– Ana sotqin...

– Dushman ichimizda ekan.

– O‘zingdan chiqqan baloga, qayga boray da‘voga, degan ekanlar.

– Икки миллион жаримани ҳам биз эмас, шу тўла-син.

Ҳамма Шохдор раиснинг ҳукмини кутарди. Кутилмаганда Раис жаноблари шундай қарор қабул қилди:

– Рост гапирганинг учун мен сени кечирдим, бо-равер, сен ҳам қандингни ур!

– Бу қанақаси Раис жаноблари, ахир бу ноҳақлик-ку.

– Мен рост гапнинг гадосиман, сенлар ғирт ёлғон-чисанлар, суф ҳаммангга.

– Ахир биз шайтонмиз-ку, гапирсак – ёлғон гапи-рамиз, ваъда берсак – бажармаймиз, омонатга хиёнат қиламиз.

– Бу найрангларинг Одам болалари учун, менга қолганда рост гапирларинг, ваъда бўлдимиз – бажар-ларинг, салтанатимга хиёнат қилмаларинг.

## ШАЙТОНВАЧЧА ЖИННИХОНАДА

*(Ёки Одамбой билан Собирбойни афу этгани)*

Шайтонвачча қора соч, малла соч жононларнинг қуршовида минг хил кўринишда суратларга тушиб, униси билан у кафедра, буниси билан бу ресторанда учрашишни ваъда қилиб, бир думалаб, Омонтойга айланиб, стилистлар устахонасидан чиқди. Дарровда иномарка автомобилдек кўчадагиларнинг эътиборини тортди. Шилқим аёллар ҳар қаёқдан гап ҳам ота бошлашди.

Ҳа, бир зумда кўп нарсалар ўзгарди. У Гадейбойдан Омонтойга айланди. Шохдор раис “кўки”дан икки миллионлик бўлиб олди. Шуъба аъзолари эса тиш-тирноғи билан унга қарши. Омонтой тезроқ “Гадей топмас”га қайтишни ўйларди. Ўқлигида бирон қор-қол бўлиб қолишидан қўрқарди. Абомуслим билан Шорасулдан ҳамма нарсани кутса бўлади. Шаҳарга у имижини ўзгартириб, Омонтойга айлангани келган, сайр қилгани эмас. Бу

– Janob Rais, uni hoziroq dumi yechilib, ko‘chaga haydalishini talab qilamiz.

– Ikki million jarimani ham biz emas, shu to‘lasin.

Hamma Shoxdor raisning hukmini kutardi. Kutilmaganda Rais janoblari shunday qaror qabul qildi:

– Rost gapirganing uchun men seni kechirdim, boraver, sen ham qandingni ur!

– Bu qanaqasi Rais janoblari, axir bu nohaqlik-ku.

– Men rost gapning gadosiman, senlar g‘irt yolg‘onchisanlar, suf hammangga.

– Axir biz shaytonmiz-ku, gapirsak – yolg‘on gapiramiz, va‘da bersak – bajarmaymiz, omonatga xiyonat qilamiz.

– Bu nayranglaring Odam bolalari uchun, menga qolganda rost gapirlaring, va‘da bo‘ldimi – bajarlaring, saltanatimga xiyonat qilmalaring.

## SHAYTONVACHCHA JINNIXONADA

*(Yoki Odamboyl bilan Sobirboyni afu etgani)*

Shaytonvachcha qora soch, malla soch jononlarning qurshovida ming xil ko‘rinishda suratlariga tushib, unisi bilan u kafeda, bunisi bilan bu restoranda uchrashishni va‘da qilib, bir dumalab, Omontoyga aylanib, stilistlar ustaxonasidan chiqdi. Darrovda inomarka avtomobilidek ko‘chadagilarning e‘tiborini tortdi. Shilqim ayollar har qayoqdan gap ham ota boshlashdi.

Ha, bir zumda ko‘p narsalar o‘zgardi. U Gadoyboydan Omontoyga aylandi. Shoxdor rais “ko‘ki”dan ikki millionlik bo‘lib oldi. Shu‘ba a‘zolari esa tish-tirnog‘i bilan unga qarshi. Omontoy tezroq “Gadoy topmas”ga qaytishni o‘ylardi. Yo‘qligida biron kor-hol bo‘lib qolishidan qo‘rqardi. Abomuslim bilan Shorasuldan hamma narsani kutsa bo‘ladi. Shaharga u imijini o‘zgartirib, Omontoyga aylangani kelgan, sayr qilgani emas. Bu ish u o‘ylagandan ham oson amalga oshdi. Endi nima qiladi? Ha, momaqaymoqqa kelin uzu-







иш у ўйлагандан ҳам осон амалга ошди. Энди нима килади? Ҳа, момақаймоққа келин узугини олади. Чўнтагига қўл солган эди, анчагина пул чикди, чўғликкина. Стилисти тушмагур, анча-мунча сахийлик қиворибди. У эндигина заргарлик дўконига кирмоқчи бўлиб турган эди, бир кампир рўпарасидан чиқиб, “Вой айланай сендан, бўйларингга қоқиндиқ, деб пешонасидан ўпиб кўришди-да, “бунчаям хушрўй бўлмасанг болам, ҳамманинг кўзи сенда-я, яна кўз тегиб кетмасин-а, туф-туф-ей”, деди шанғиллаб. Кейин секингина: “Мен анави ёқданман, Шохдор раиснинг одамлари изингга тушган, ҳеч бўлмаса кийимингни ўзгартириб ол, хайр”, деди-да, кўздан ғойиб бўлди. У рост гапириб, жазодан қутулиб кетган анави шайтон эди. Хайр қилсанг бутун қил деб, у Одамшайтонга охиригача яхшилик қилмоқчи бўлди шекилли.

Омонтой дарров хушёр тортди. Кимдир у ёқдан ёрдам бермоқчи бўляптими, демак, ораларида бўлиниш бор. Баттар бўлишсин. У тезда дуч келган кийим-кечак дўконига ўзини урди. Устидаги битта костюм-шимнинг пулига бир эмас, учта костюм-шим алмашлаб олди. Ростдан ҳам қиммат мол экан устидаги. Бирини ўзи кийди, бошқасини Одамбой билан Собирбойга олиб қўйди. Уларни “Гадоё топмас”га олиб кетиш ҳақида олдиндан ўйлаб қўйган эди. “Гадоё топмас”даги ҳамма ишлар энди қайтадан бошланади.

Кийим-кечак дўконидан чиқиб, заргарлик дўконига кирди. Келинболага узук олди. Сўраб-суриштириб жиннихонани ҳам топди. Дарвоза қоровулига озроқ қоруғидан узатиб, аввал Одамбой билан Собирбойнинг аҳволини билмоқчи бўлди. Ўлик-тириклигини билиб, кейин бу ердан олиб кетади. Ҳартугул икковиям тирик экан. Ярим яланғоч, қоқсуяк бўлиб қолишибди бечоралар. Албатта, улар Омонтойни танимади. Мўлтираб қараб тураверишди. “Гадоё топмас”дан келганлигини айтгандан кейин, ув тортиб йиғлаб, жиннихонани бошларига кўтарди. Бири ака, бири ука деб, “Бизни бу шармандахонадан

gini oladi. Cho‘ntagiga qo‘l solgan edi, anchagina pul chiqdi, cho‘g‘likkina. Stilisti tushmagur, ancha-muncha saxiylik qivoribdi. U endigina zargarlik do‘koniga kirmoqchi bo‘lib turgan edi, bir kampir ro‘parasidan chiqib, “Voy aylanay sendan, bo‘ylaringga qoqindi, deb peshonasidan o‘pib ko‘rishdi-da, bunchayam xushro‘y bo‘lmasang bolam, hammaning ko‘zi senda-ya, yana ko‘z tegib ketmasin-a, tuf-tuf-ey”, dedi shang‘illab. Keyin sekingina: “Men anavi yoqdanman, Shoxdor raisning odamlari izingga tushgan, hech bo‘lmasa kiyimingni o‘zgartirib ol, xayr”, dedi-da, ko‘zdan g‘oyib bo‘ldi. U rost gapirib, jazodan qutulib ketgan anavi shayton edi. Xayr qilsang butun qil deb, u Odamshaytonga oxirigacha yaxshilik qilmoqchi bo‘ldi shekilli.

Omontoy darrov hushyor tortdi. Kimdir u yoqdan yordam bermoqchi bo‘lyaptimi, demak, oralarida bo‘linish bor. Battar bo‘lishsin. U tezda duch kelgan kiyim-kechak do‘koniga o‘zini urdi. Ustidagi bitta kostum-shimning puliga bir emas, uchta kostum-shim almashlab oldi. Rostdan ham qimmat mol ekan ustidagi. Birini o‘zi kiydi, boshqasini Odamboyl bilan Sobirboyga olib qo‘ydi. Ularni “Gadoy topmas”ga olib ketish haqida oldindan o‘ylab qo‘ygan edi. “Gadoy topmas”dagi hamma ishlar endi qaytadan boshlanadi.

Kiyim-kechak do‘konidan chiqib, zargarlik do‘koniga kirdi. Kelinbolaga uzuk oldi. So‘rab-surishtirib jinnixonani ham topdi. Darvoza qorovuliga ozroq qurug‘idan uzatib, avval Odamboyl bilan Sobirboyning ahvolini bilmocqchi bo‘ldi. O‘lik-tirikligini bilib, keyin bu yerdan olib ketadi. Hartugul ikkoviyam tirik ekan. Yarim yalang‘och, qoqsuyak bo‘lib qolishibdi bechoralar. Albatta, ular Omontoyni tanimadi. Mo‘ltirab qarab turaverishdi. “Gadoy topmas”dan kelganligini aytgandan keyin, uv tortib yig‘lab, jinnixonani boshlariga ko‘tardi. Biri aka, biri uka deb, “Bizni bu sharmandaxonadan obchiqib keting”, deb yolvorishdi.

обчиқиб кетинг”, деб ёлворишди. Ёлворишларидан билдики ақл-хушлари жойида. “Обчиқиб кетишни ўзи бўлмайди-да, жуда катта пул керак”, деди Омонтой. “Гадоё топмас”да бир қўтон, бир қўтондан икки қўтон қўйимиз бор, обчиқиб кетишга етадимиз,” сўрашди иккови бараварига. “Алдамаяпсизларми”, билиб туриб сўради Омонтой. “Агарда алдасак, мана шу жиннихона урсин”, деб қасам ичишди. Омонтой битта қоғозга бир нималар ёзиб, секингина уларнинг қўлига тутқазди-да: “Қоғозда ёзилганларни бир соат ичида ёдлаб олсаларинг, обчиқиб кетишга ҳаракат қиламан, фақат сизлар мени кўрмадинглар, танимайсизлар, ўрага сичқон тушди – гулдур-гуп”, деди.

Бир соатдан кейин Одамбой билан Собирбойни одамбашара қилиб кийинтириб, жиннихонанинг катта дўхтири ўтирадиган хонага олиб келишди. Омонтой чиройли ҳамшираларга кўз қисиб, бош дўхтир ёнида ўзини бепарволикка солиб ўтирарди. Бош дўхтир ҳар икковини текширган бўлиб, исмларини, кейин болаларининг, хотинларининг ҳам исм-шарифларини сўради. Бир яхши, аниқ-тиниқ жавоб беришди. Ҳатто туғилган йилларини, неча ёшга кирганигача айтишди. Бош дўхтир хайрон бўлиб ходималарига қаради:

– Буларни нима қилиб олиб ўтирибсизлар, ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ қилиб? – деди.

– Буларни эси кирди-чикди бўлиб қолган, бош дўхтир жаноблари, ҳозир эслари кириб турган пайти, – деган жавоб бўлди.

– Бекор айтибсиз, ўзингизни эсингиз шунақа, бир кун дори бериб, ўн кун дори бермайсиз.

– Бўлиши мумкин, буни касб касаллиги дейдилар, – деб ҳамширанинг ёнини олди бош дўхтир.

– Қани менга айтинглар-чи, – деди бош дўхтир уларни яна имтиҳон қилган бўлиб, – кеча нонуштага, пешинга, кейин кечкурунга қанақа овқатлар еганингизни айтиб беринглар, масалан, мен эслолмайман.

Одамбой билан Собирбой хахолаб кулиб юборишди-да:

Yolvorishlaridan bildiki aql-hushlari joyida. “Obchiqib ketishni o‘zi bo‘lmaydi-da, juda katta pul kerak”, dedi Omontoy. “Gadoy topmas”da bir qo‘ton, bir qo‘tondan ikki qo‘ton qo‘yimiz bor, obchiqib ketishga yetadimi,” so‘rashdi ikkovi baravariga. “Aldamayapsizlarmi”, bilib turib so‘radi Omontoy. “Agarda aldasak, mana shu jinnixonona ursin”, deb qasam ichishdi. Omontoy bitta qog‘ozga bir nimalar yozib, sekingina ularning qo‘liga tutqazdi-da: “Qog‘ozda yozilganlarni bir soat ichida yodlab olsalaring, obchiqib ketishga harakat qilaman, faqat sizlar meni ko‘rmadinglar, tanimaysizlar, o‘raga sichqon tushdi – guldur-gup”, dedi.

Bir soatdan keyin Odamboy bilan Sobirboyni odambashara qilib kiyintirib, jinnixonaning katta do‘xtiri o‘tiradigan xonaga olib kelishdi. Omontoy chiroyli hamshiralarga ko‘z qisib, bosh do‘xtir yonida o‘zini beparvolikka solib o‘tirardi. Bosh do‘xtir har ikkovini tekshirgan bo‘lib, ismlarini, keyin bolalarining, xotinlarining ham ism-shariflarini so‘radi. Bir yaxshi, aniq-tiniq javob berishdi. Hatto tug‘ilgan yillarini, necha yoshga kirganigacha aytishdi. Bosh do‘xtir hayron bo‘lib xodimalariga qaradi:

– Bularni nima qilib olib o‘tiribsizlar, oshga o‘rtoq, boshga to‘qmoq qilib? – dedi.

– Bularni esi kirdi-chiqdi bo‘lib qolgan, bosh do‘xtir janoblari, hozir eslari kirib turgan payti, – degan javob bo‘ldi.

– Bekor aytibsiz, o‘zingizni esingiz shunaqa, bir kun dori berib, o‘n kun dori bermaysiz.

– Bo‘lishi mumkin, buni kasb kasalligi deydilar, – deb hamshiraning yonini oldi bosh do‘xtir.

– Qani menga aytinglar-chi, – dedi bosh do‘xtir ularni yana imtihon qilgan bo‘lib, – kecha nonushtaga, peshinga, keyin kechqurunga qanaqa ovqatlar yegani-gizni aytib beringlar, masalan, men eslolmayman.

Odamboy bilan Sobirboy xaxolab kulib yuborishdi-da:

– Сиз ҳам уч маҳал қотган нон еб, сув ичинг, ҳечам эсингиздан чиқармайсиз, – дейишди.

Бош дўхтир энди ўтирганларига хўмрайиб қараб қўйди. Вазиятни Омонтой ўнглаб юборди.

– Келинглар, – деди у хушчақчақлик билан, – у гап бу гапдан айланиб кетсин ҳурматли бош дўхтир, – ҳозир кичкинагина мусобақача ўтказсак, нима дейсиз? Мусобақачамизда мабодо жиннилар ютқизиб қўйса бу жаннатмакон жойда абадий қолишади, мабодо ютишса жавоб берасиз, ўртада гинахонлик бўлмайди.

– Кўрайлик-чи, қанақа мусобақача экан, – деди бош дўхтир қизиқиб.

– Ҳаммага битта савол, олти қарра олти неча бўлади?

Ўтирганлар қўл телефонларида ҳисоблагунча Одамбой билан Собирбой жавоб беришди.

– Ўттиз олт.. бўлади.

– Бир-у ноль, – жиннилар фойдасига, – деди Омонтой қарс уриб, – тўққиз қарра тўққизчи?

– Тўқсон бир бўлади.

– Икки-ю ноль жиннилар фойдасига, – олти қарра етти-чи?

– Қириқ икки бўлади...

– Уч-у нол жиннилар фойдасига, жиннимаслар ютқизди, – деб баралла чапак чалиб юборди Омонтой. Омонтой билан Собирбой “ура!” деб ўринларидан туриб ёш боладек ирғишлашди.

– Уят, – деди бош дўхтир ходимларига қараб, – жудаям уят, бу кетишда бу жаннатмакон жойингиздан ажраб қолишингиз ҳеч гапмас.

Шундай қилиб, Омонтой Одамбой билан Собирбойни олиб “Ғадоё топмас”га жўнади.

– Siz ham uch mahal qotgan non yeb, suv iching, hecham esingizdan chiqarmaysiz, – deyishdi.

Bosh do‘xtir endi o‘tirganlariga xo‘mrayib qarab qo‘ydi. Vaziyatni Omontoy o‘nglab yubordi.

– Kelinglar, – dedi u xushchaqchaqlik bilan, – u gap bu gapdan aylanib ketsin hurmatli bosh do‘xtir, – hozir kichkinagina musobaqacha o‘tkazsak, nima deysiz? Musobaqachamizda mabodo jinnilar yutqizib qo‘ysa bu jannatmakon joyda abadiy qolishadi, mabodo yutishsa javob berasiz, o‘rtada ginaxonlik bo‘lmaydi.

– Ko‘raylik-chi, qanaqa musobaqacha ekan, – dedi bosh do‘xtir qiziqib.

– Hammaga bitta savol, olti karra olti necha bo‘ladi?

O‘tirganlar qo‘l telefonlarida hisoblaguncha Odamboy bilan Sobirboy javob berishdi.

– O‘ttiz olti bo‘ladi.

– Bir-u nol, – jinnilar foydasiga, – dedi Omontoy qars urib, – to‘qqiz karra to‘qqizchi?

– To‘qson bir bo‘ladi.

– Ikki-yu nol, jinnilar foydasiga, – olti karra yettichi?

– Qiriq ikki bo‘ladi...

– Uch-u nol, jinnilar foydasiga, jinnimaslar yutqizdi, – deb baralla chapak chalib yubordi Omontoy. Omontoy bilan Sobirboy “ura!” deb o‘rinlaridan turib yosh boladek irg‘ishlashdi.

– Uyat, – dedi bosh do‘xtir xodimlariga qarab, – judayam uyat, bu ketishda bu jannatmakon joyingizdan ajrab qolishingiz hech gapmas.

Shunday qilib, Omontoy Odamboy bilan Sobirboyini olib “Gadoy topmas”ga jo‘nadi.



## ЯНГИ МАШМАШАЛАР

*(Ёки Одамбой билан Собирбойнинг Омонтойнинг қўйчивонига айланиб қолгани)*

Божаларнинг “Гадой топмас”га қайтиб келишлари бамисоли тўй бўлиб кетди. Холпош билан Норпош Омонтойнинг пойига пояндозлар ёздилар. “Вой хушрўй йигит, вой суксур йигит, вой пойқадами қутлуғ йигит, вой ўзим айланай сиздан, бунчаям Ортикбойнинг кизи бахтли экан”, деб атрофида парвона бўлдилар. Исириқлар тутатдилар. Бу тантаналарда Ортикбой билан Абомуслим иштирок этар, Шорасул қайдадир ўз ишлари билан юарди. Қолаверса, бу иккала бошоғриқ одам бу жойларга қайтадими, йўкми унга барибир эди. Қачонки гап икки кўтон қўйга етганда тўс-тўполон бошланди. Опа-сингил дод солиб, ҳаммаёқни бошига кўтарди. Ҳозиргина тилларидан бол томиб, айланай, ўргилай қилиб турган Омонтойни талаб ташлашди.

– Туркинг курсин, шумоёқ...

– Омонтоймас – Ёмонтой...

– Икки кўтон қўймиш-а, битта тиррақига ҳам арзимайди бу эркақлар, боридан йўғи, қаттан обкеган бўлсанг ўша ёққа гумдон қил, йўқот кўзимиздан.

Шу пайт Одамбой ўтовга югуриб кирди-да, ойболта олиб чиқиб, хотинига қараб югуриб қолди. Ҳамма кўрқиб кетди. Бола-чақалар чириллаган. Одамбойнинг хотини “Вой ўлдим”, деб Омонтойнинг орқасига беркинган.

– Нималар қияпсиз, Одамбой ака, ўзингизни бо-синг, – деб Омонтой кулочини икки ёққа ёзди.

– Э, нимаям қилардим, Омонтой укажон, шу болтани Норпошга бермоқчиман, – деб болтани оёқ тагига ташлади. – Ҳов Норпош, айланай сендан, болтани ол-да, мени шартта чопиб ташла. Жиннихонага боргунча ўлигим шетта қолсин. Воҳ, у ерда кўрган-кечирганларим, душманамгаям раво кўрмайман. Жиннихонаниям сенга ўхшаган аёллар зоти босиб кетган. Ҳаммаси шармандаю шармисор, бундоқ қа-

## YANGI MASHMASHALAR

*(Yoki Odamboyl bilan Sobirboyning Omontoyning  
qo'ychivoniga aylanib qolgani)*

Bojalarning "Gadoy topmas"ga qaytib kelishlari bamisoli to'y bo'lib ketdi. Xolposh bilan Norposh Omontoyning poyiga poyandozlar yozdilar. "Voy xushro'y yigit, voy suqsur yigit, voy poyqadami qutlug' yigit, voy o'zim aylanay sizdan, bunchayam Ortiqboyning qizi baxtli ekan", deb atrofida parvona bo'ldilar. Isiriqlar tutatdilar. Bu tantanalarda Ortiqboy bilan Abomuslim ishtirok etar, Shorasul qaydadir o'z ishlari bilan yurardi. Qolaversa, bu ikkala boshog'riq odam bu joylarga qaytadimi, yo'qmi unga baribir edi. Qachonki gap ikki qo'ton qo'yga yetganda to's-to'polon boshlandi. Opa-singil dod solib, hammayoqni boshiga ko'tardi. Hozirgina tillaridan bol tomib, aylanay, o'rgilay qilib turgan Omontoyni talab tashlashdi.

– Turqing qursin, shumoyoq...

– Omontoymas – Yomontoy...

– Ikki qo'ton qo'ymish-a, bitta tirraqiga ham arzi maydi bu erkaklar, boridan yo'g'i, qattan obkegan bo'lsang o'sha yoqqa gumdon qil, yo'qot ko'zimizdan.

Shu payt Odamboyl o'tovga yugurib kirdi-da, oybolta olib chiqib, xotiniga qarab yugurib qoldi. Hamma qo'rqib ketdi. Bola-chaqalar chirillagan. Odamboylning xotini "voy o'ldim" deb Omontoyning orqasiga berkingan.

– Nimalar qilyapsiz Odamboyl aka, o'zingizni bosing, – deb Omontoy qulochini ikki yoqqa yozdi.

– E, nimayam qilardim Omontoy ukajon, shu boltani Norposhga bermoqchiman, – deb boltani oyoq tagiga tashladi. – Hov Norposh, aylanay sendan, boltani ol-da, meni shartta chopib tashla. Jinnixonaga borguncha o'ligim shetta qolsin. Voh, u yerda ko'rgan-kechirganlarim, dushmanimgayam ravo ko'rmayman. Jinnixonaniyam senga o'xshagan ayollar

рагани уяласан киши. Шунга, илтимос мени ўлдириб кўяқолинглар, мингдан-минг розиман, давойим йўк...

– Мениям, – деб пиқиллади Собирбой, – божалар ўз жойимизда кўшмозор бўлақолайлик.

– Бай-бай, – деди Абомуслим бошини ликиллашиб, дўзах аҳлининг кўпчилиги аёллар бўлади, деб ўқиган эдим, жиннихонадаям шунақа эканда-а... бу дейман икки ўртоқ дўзахнинг қок ўртасига тушиб чиқибсизларда-а, астафидуллох?

Омонтойга жон битди:

– Ҳа, ўша дўзахдан обчиқишнинг ўзи бўгани йўк, нақ икки кўтон кўйнинг пули кетди. Обчиқмаганимда аллақачон тўнғиз кўпарди буларни. Жанозаям буюрмасиди. Энди обориб кўйишга ҳам икки кўтон кўйнинг пули керак, янгажонларимда шунақа пул бормикан?

– Э, – деди Ортиқбой кўлини пахса қилиб, – ҳов сен хотинлар, ҳаддиларингдан ошмаларинг, нима болаларингнинг отасини бир кўтон кўйчалик қадри йўқми? Ўша жиннихонага ўзи сенларни обориб ташлаш керак.

– Ахир, биз бор-йўғимиздан ажраб, кўчада қолдик-ку, нима еб, нима ичам-и-и-з? – изиллади Норпош.

– Бу дунёда ҳақиқат борми, ҳай одамлар? – деб ув-в... солди Холпош.

– Ҳақиқат бор, ҳақиқат ерга кириб, осмонга учиб кетгани йўк, ҳақиқат шетта турибди, – деди Омонтой кўкрак кериб, – Худойимнинг даргоҳи кенг, шу пайтгача ҳеч ким кўчада қолиб, очидан ўлмаган, мен Одамбой ака билан Собирбой акани ўзимга кўйчивон қилиб оламан, мўмайгина ойлик тўлайман, дорил-амон яшайверасизлар.

– Нақадар отангиз Гадейбой жанобларига ўхшаган, сахийсиз, Омонтой жаноблари. Отангиз “Гадей топмас”га келганларнинг ҳаммасига кўчмас мулк қилиб бўлиб-бўлиб бермоқчи бўлган эдилар, ноз қилишди, қаранг. Аллох умрингизни узун қилсин, – деб дуо қилди Абомуслим.

zoti bosib ketgan. Hammasi sharmanda-yu sharmisor, bundoq qaragani uyalasan kishi. Shunga, iltimos meni o'ldirib qo'yaqolinglar, mingdan ming roziman, davoyim yo'q...

– Meniyam, – deb piqilladi Sobirboy, – bojalar o'z joyimizda qo'shmozor bo'laqolaylik.

– Bay-bay, – dedi Abomuslim boshini likillatib, do'zax ahlining ko'pchiligi ayollar bo'ladi, deb o'qigan edim, jinnixonadayam shunaqa ekanda-a... bu deyman ikki o'rtoq do'zaxning qoq o'rtasiga tushib chiqibsizlarda-a, astag'firulloh?

Omontoymga jon bitdi:

– Ha, o'sha do'zaxdan obchiqishning o'zi bo'gani yo'q, naq ikki qo'ton qo'yning puli ketdi. Obchiqmaganimda allaqachon to'ng'iz qo'pardilarni. Janozayam buyurmasidi. Endi oborib qo'yishga ham ikki qo'ton qo'yning puli kerak, yangajonlarimda shunaqa pul bormikan?

– E, – dedi Ortiqboy qo'lini paxsa qilib, – hov sen xotinar, haddilaringdan oshmalaring, nima bolalaringning otasini bir qo'ton qo'ychalik qadri yo'qmi? O'sha jinnixonaga o'zi senlarni oborib tashlash kerak.

– Axir, biz bor-yo'g'imizdan ajrab, ko'chada qoldik-ku, nima yeb, nima icham-i-i-z? – izilladi Norposh.

– Bu dunyoda haqiqat bormi, hay odamlar? – deb uv-v... soldi Xolposh.

– Haqiqat bor, haqiqat yerga kirib, osmonga uchib ketgani yo'q, haqiqat shetta turibdi, – dedi Omontoy ko'krak kerib, – Xudoyimning dargohi keng, shu paytgacha hech kim ko'chada qolib, ochidan o'lmagan, men Odamboy aka bilan Sobirboy akani o'zimga qo'ychivon qilib olaman, mo'maygina oylik to'layman, dorilamon yashayverasizlar.

– Naqadar otangiz Gadoyboy janoblariga o'xshagan saxiysiz, Omontoy janoblari. Otangiz "Gadoy topmas"ga kelganlarning hammasiga ko'chmas mulk

– Қўшнинг тинч, сен тинч, – деди Ортиқбой, – неча йиллик қадрдон қўшнимиз, ана қуриб битказилган уйларнинг олди сизларники, бугуноқ кўчиб ўтаверинглар.

– Воҳ... Воҳ... бераман деса Ўзига осон-да, Ҳотами Той бўбкетинг-е, Ортиқбой жаноблари, уй тўйларининг ошини ерканмиз-да энди. Воҳ... ҳозиргина кўзларимиздан тўкилаётган аччиқ кўз ёшларини хурсандчилик ёшларига айлантириб қўйган Аллоҳга беадад ҳамду санолар бўлсин, – деб Абомуслим гўё жанжалга яқун ясаган бўлди.

Опа-сингил Норпош билан Холпош раҳми келибми, ё жиннихонадаги шармандалардан қизғанибми, ишқилиб, эрларига қараб жилмайиб қўйишди, божалар бўлса халоскори Омонтойга икки букилиб таъзим қилдилар. Бундан бу ёғига ўла-ўлғунимизча қулингизмиз, дейишди. Ҳа, энди бола-чақалари билан у кишининг хизматида бўладилар...

## УНАШТИРИШ МАРОСИМИ

*(Ёки кўп нарсаларнинг оёғи осмондан бўлгани)*

Бу машмашалардан кейин Омонтойни Ортиқбойнинг қизига унаштируви бўлди. Тўй кунини белгилашга келганда нимагадир Омонтой уни орқага сурди.

– Мен, – деди у, – келинболани у ўтовдан олиб бу ўтовга туширадиган йигитларданмасман. Олдин қулинг ўргилсин битта кошона қуриб олай, ана ундан кейин гумбира-гум тўй қиламиз. Катта-катта артистлар чақирамиз. Муҳтарам қайинотамиз, қайинонамиз, келинпошшолар ана шунақа эҳтиромга лойиқлар.

– Ана, тайёр уйлар, бирин-кетин битяпти-ку, ортиқча харажатнинг нима кераги бор, – деди Шорасул Омонтойнинг гапларидан юраги пўкиллаб. Ахир, “Гадой топмас” ёпиқ жой-ку. Бу ерга гумбура-гум артистлар чақириб, отбозор қилиб бўладими?

qilib bo‘lib-bo‘lib bermoqchi bo‘lgan edilar, noz qilishdi, qarang. Alloh umringizni uzun qilsin, – deb duo qildi Abomuslim.

– Qo‘shning tinch, sen tinch, – dedi Ortiqboy, – necha yillik qarddon qo‘shnimiz, ana qurib bitkazilgan uylarning oldi sizlarniki, bugunoq ko‘chib o‘taveringlar.

– Voh... Voh... beraman desa O‘ziga oson-da, Hotami Toy bo‘bketing-e, Ortiqboy janoblari, uy to‘ylarining oshini yerkanmiz-da endi. Voh... hozirgina ko‘zlarimizdan to‘kilayotgan achchiq ko‘z yoshlarini xursandchilik yoshlariga aylantirib qo‘ygan Allohga beadam hamd-u sanolar bo‘lsin, – deb Abomuslim go‘yo janjalga yakun yasagan bo‘ldi.

Opa-singil Norposh bilan Xolposh rahmi kelibmi, yo jinnixonadagi sharmandalardan qizg‘anibmi, ish-qilib, erlariga qarab jilmayib qo‘yishdi, bojalar bo‘lsa xaloskori Omontoyga ikki bukilib ta‘zim qildilar. Bundan bu yog‘iga o‘la-o‘lgunimizcha qulingizimiz, deyishdi. Ha, endi bola-chaqalari bilan u kishining xizmatida bo‘ladilar...

## UNASHTIRISH MAROSIMI

*(Yoki ko‘p narsalarning oyog‘i osmondan bo‘lgani)*

Bu mashmashalardan keyin Omontoyni Ortiqboyning qiziga unashtiruvi bo‘ldi. To‘y kunini belgilashga kelganda nimagadir Omontoy uni orqaga surdi.

– Men, – dedi u, – kelinbolani u o‘tovdan olib bu o‘tovga tushiradigan yigitlardanmasman. Oldin quling o‘rgilsin bitta koshona qurib olay, ana undan keyin gumbira-gum to‘y qilamiz. Katta-katta artistlar chaqiramiz. Muhtaram qayinotamiz, qayinonamiz, kelinposhsholar ana shunaqa ehtiromga loyiqlar.

– Ana, tayyor uylar, birin-ketin bityapti-ku, ortiqcha xarajatning nima keragi bor, – dedi Shorasul

– Хафа бўманг, кураётган уйларингиз менинг дидимга тўғри келмайди.

– Лекин бу ерда сиз ўйлагандек қурилиш қилиб бўлмайди, ёғоч муаммоси бор, – уни фикридан қайтармоқчи бўлди Шорасул.

– Бундан хабарим бор, менинг ҳам лойиҳам ёғочсиз қурилади, ой деса ойдек, кун деса кундек уй бўлиб тушади.

– Лекин курувчиларимиз сиз айтаётгандек ой деса ойдек, кун деса кундек уйларни қуришга рози бўлишмайди, улар кўпроқ оддийликни ёктиришади, – деди Шорасул.

– Шунинг учун ҳам мен уларга тегмайман, ўз курувчиларимни олиб келаман, – деди Омонтой ишчанлик билан қафтларини ишқаб, – бир уй қурайки, дунё тургунча турсин.

– Ҳамма гап шундаки, художўй усталарни топишингиз амри маҳол бўлади, бу ерга фақат ўшанақа одамлар қадамизи қилиши керак, – деди Абомуслим.

– Камина бу ерга ғусул қилиб, икки ракат намоз ўқиб келганман, – деди Шорасул пешонаси тиришиб.

– Бе-е, – деди Омонтой, – уй қуришга таквонинг нима алоқаси бор? Ана верталётда келдик, нима, уни мусулмон одам ҳайдаб келди, деб ўйлайсизми, нима, мусулмонмас деб мошинасига чиқмаслик керакми? Бўмаган гап. Эчки бўлсин, така бўлсин – сути бўлсин.

– Узр-у, отангиз Гадойбой жаноблари эшитиб қолсалар сизданмас, кўпроқ биздан хафа бўладилар, ўғлимни йўлга солишмапти деб, бу ерга синалмаган одамларни обкелиб бўлмайди, нозик томонлари жуда кўп, – астойдил оёқ тиради Шорасул.

– Тўғри, падари бузрукворимиз билан қарашларимиз орасида озгина пасту баландлик бор, буни сизлардан яширмайман. У кишини қотиб қолган дея олмайман-у, лекин жудаям бир томонлама ўйлайдилар. Динда зўрлаш йўқ, деган гапни ҳечам тан олмайдилар. Аслида иймон деган неъмат одамзоднинг мана

Omontoyning gaplaridan yuragi po'killab. Axir, "Gadoy topmas" yopiq joy-ku. Bu yerga gumbura-gum artistlar chaqirib, otbozor qilib bo'ladimi?

– Xafa bo'mang, qurayotgan uylaringiz mening didimga to'g'ri kelmaydi.

– Lekin bu yerda siz o'ylagandek qurilish qilib bo'lmaydi, yog'och muammosi bor, – uni fikridan qaytarmoqchi bo'ldi Shorasul.

– Bundan xabarim bor, mening ham loyiham yog'ochsiz quriladi, oy desa oydek, kun desa kundek uy bo'lib tushadi.

– Lekin quruvchilarimiz siz aytayotgandek oy desa oydek, kun desa kundek uylarni qurishga rozi bo'lishmaydi, ular ko'proq oddiylikni yoqtirishadi, – dedi Shorasul.

– Shuning uchun ham men ularga tegmayman, o'z quruvchilarimni olib kelaman, – dedi Omontoy ishchanlik bilan kaftlarini ishqab, – bir uy qurayki, dunyo turguncha tursin.

– Hamma gap shundaki, xudojo'y ustalarni topishingiz amri mahol bo'ladi, bu yerga faqat o'shanaqa odamlar qadamizi qilishi kerak, – dedi Abomuslim.

– Kamina bu yerga g'usul qilib, ikki rakat namoz o'qib kelganman, – dedi Shorasul peshonasi tirishib.

– Be-e, – dedi Omontoy, – uy qurishga taqvoning nima aloqasi bor? Ana vertalyotda keldik, nima, uni musulmon odam haydab keldi, deb o'ylaysizmi, nima, musulmonmas deb moshinasiga chiqmaslik kerakmi? Bo'magan gap. Echki bo'lsin, taka bo'lsin – suti bo'lsin.

– Uzr-u, otangiz Gadoyboy janoblari eshitib qolsalar sizdanmas, ko'proq bizdan xafa bo'ladilar, o'g'limni yo'lga solishmapti deb, bu yerga sinalmagan odamlarni obkelib bo'lmaydi, nozik tomonlari juda ko'p, – astoydil oyoq tiradi Shorasul.

– To'g'ri, padari buzrukvorimiz bilan qarashlarimiz orasida ozgina past-u balandlik bor, buni sizlardan yashirmayman. U kishini qotib qolgan deya



бу ерида бўлиши керак, ҳа шу ерида, – деди Омонтой бош бармоғи билан кўкрагига нукиб, – уни ташқаридан обкириб бўмайди. Ташқаридан кирган ҳар қандай нарсанинг қайнаса қони кўшилмайди. Олинг ана, дунёдаги ҳамма художўйларни “Гадой топмас”га обкеволдик ҳам дейлик. Хўш, дунёдан ажраб қаёққа борамиз? Жаннатгами? Ҳеч қачон! Фақат ўзини ўйлайдиган худбин одамлар ҳеч қачон жаннатга кирмайдилар, уларнинг борар жойи дўзах. Билсангиз, Ислом дарахти бижғиган маконларда илдиз отиб, барг ёзган. Бир ўйлаб кўринг, Қуръони Карим қаерга тушди? Ичкилик, фирибгарлик, судхўрлик, зинокорлик, сеҳру жоду, э ҳа... ҳамма шармандаликлар бижғиган араб дунёсига тушди. Ислом ўша ерда камолга етиб, бутун дунёга ёйилди. Узр, мени маъзур тутасизлар, – деб оғир сўлиш олди Омонтой, кейин орқасидан қўшиб қўйди, – мени қарашларим ана шунақарок.

Ўтирганлар бу гаплардан кейин ҳайрону лол бўлиб қолишди. Хаёлларида “Гадой топмас”даги ҳамма нарсанинг оёғи осмондан бўлиб кетгандек. Ҳа, ҳаммаси чапараста. Лекин Омонтой унақасига ҳам, бунақасига ҳам ҳаққа ўхшарди. Жимликни Абомуслим бузди.

– Балли, илмингиз шунчаларки, дунё қадар... ҳа... таърифга тил ожиз, мен сиз томондаман, ойни этак билан ёпиб бўлмайди, ахир. Абомуслимнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек, енгил хўрсиниб қўйди.

Омонтойнинг гаплари Шорасулни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. “Гадой топмас”га бўлар-бўлмас одамлар кела бошласа унинг олтин тоғлари нима бўлади? Ҳозирча иси чикмай турибди. Лекин яна ким билади? Келганлар ис олиб қолса, қирпичок кунлар бошланиб кетмасмикан? Унда унинг сармояси нима бўлади? Бу Омонтой деганлари ҳалитдан босар-тусарини билмай қолди-ку? Бу ота-болалар бир-бирига ғирт тесқари-ку, бамисоли ўт билан сув.

– Энди, – деди Ортиқбой ҳам енгил хўрсиниб, – мен ҳам кўнглимдагиларни айтиб олсам. Гадойбой

olmayman-u, lekin judayam bir tomonlama o'ylaydilar. Dinda zo'rlash yo'q, degan gapni hecham tan olmaydilar. Aslida iymon degan ne'mat odamzodning mana bu yerida bo'lishi kerak, ha shu yerida, – deb Omontoy bosh barmog'i bilan ko'kragiga nuqib, – uni tashqaridan obkirib bo'maydi. Tashqaridan kirgan har qanday narsaning qaynasa qoni qo'shilmaydi. Oling ana, dunyodagi hamma xudojo'ylarni “Gadoy topmas”ga obkevoldik ham deylik. Xo'sh, dunyodan ajrab qayoqqa boramiz? Jannatgami? Hech qachon! Faqat o'zini o'ylaydigan xudbin odamlar hech qachon jannatga kirmaydilar, ularning borar joyi do'zax. Bilsangiz, Islom daraxti bijg'igan makonlarda ildiz otib, barg yozgan. Bir o'ylab ko'ring, Qur'oni Karim qayerga tushdi? Ichkilik, firibgarlik, sudxo'rlik, zinokorlik, sehr-u jodu, e ha... hamma sharmandaliklar bijg'igan arab dunyosiga tushdi. Islom o'sha yerda kamolga yetib, butun dunyoga yoyildi. UZR, meni ma'zur tutasizlar, – deb og'ir so'lish oldi Omontoy, keyin orqasidan qo'shib qo'ydi, – meni qarashlarim ana shunaqaroq.

O'tirganlar bu gaplardan keyin hayron-u lol bo'lib qolishdi. Xayollarida “Gadoy topmas”dagi hamma narsaning oyog'i osmondan bo'lib ketgandek. Ha, hammasi chaparasta. Lekin Omontoy unaqasiga ham, bunaqasiga ham haqqa o'xshardi. Jimlikni Abomuslim buzdi.

– Balli, ilmingiz shunchalarki, dunyo qadar... ha... ta'rifga til ojiz, men siz tomondaman, oyni etak bilan yopib bo'lmaydi, axir. Abomuslimning yelkasidan tog' ag'darilgandek, yengil xo'rsinib qo'ydi.

Omontoyning gaplari Shorasulni qattiq tashvishga solib qo'ydi. “Gadoy topmas”ga bo'lar-bo'lmas odamlar kela boshlasa uning oltin tog'lari nima bo'ladi? Hozircha isi chiqmay turibdi. Lekin yana kim biladi? Kelganlar is olib qolsa, qirpichoq kunlar boshlanib ketmasmikan? Unda uning sarmoyasi nima bo'ladi? Bu Omontoy deganlari halitdan bosar-tusarini bilmay

жаноблари Омонтойни бизга ҳам ўғил, ҳам куёв қилиб юбормоқчи бўлганларида “Гадой топмас”даги ишларни куёвимга топширишни ният қилиб қўйган эдим. Мана келдилар, қизимиз билан унаштирдик, бундан буёғига камина бу кишига ота, у киши менга ўғил бўлдилар. Асл мақсадларини ҳам яширмай айтдилар, эшитдик. Жуда бошқача, жуда одамни ҳайратга соладиган гаплар. Сезишимча “Гадой топмас”да бундан буёғига бошқача ҳаёт бошланадиган кўрилади. Шундай экан, бу жойларнинг тасарруфи энди куёвимизга ўтса деган эдим. Ростини айтсам мен ҳалитдан чарчаб қолдим. Қозонимиз битта бўлгач, “Гадой топмас”ни ким бошқаришининг нима фарқи бор? Кейин ўз қўйларимни ҳам анови икки қўтон қўйга қўшворсам дегандим. Шундай қилиб, “Гадой топмас”даги чорвалар яхлит Омонтойнинг қарамоғига ўтади-қўяди. Камина ёнларида дуоижонларини қил-е-б юрсам дейман.

– Қандай бўларкин, – деб ўзини ноқулай сезгандек кўрсатди Омонтой, – камина энди келган бўлсам... тўғри, отамиздан бу ернинг паст-баланди ҳақида озроқ дарс олдим, лекин барибирам одам чўчиркан-да.

– Чўчиганингиз яхши, – деди Ортикбой, – ҳушёр юрасиз, одатда, чўчимаган одамдан чўчиш керак, мен сиздан хотиржамман, ўғлим.

– Ортикбой жаноблари жудаям тўғри ўйлабсиз, – деди Абомуслим ялтоқланиб, – сув бошидан тингани яхши. Жуда узокни кўзлабсиз, яшанг. Айтганингиздек, Омонтой жанобларининг сўзлари жуда хур, худди осмондаги қушдек озод. Эшитяпман-у ўзимам қанот боғлаб учиб кетяпман... шу десангиз... Омонтой жаноблари, мени ҳам жичча дардим бор... шу... камина қулингизга икки-уч кунга рухсат тегиб қолармикан деган андишада эдим. Шу... бола-чақа кўздан ўтиб, жуда соғиндик-да.

Абомуслим бу билан “Гадой топмас”даги чекловлар – тил кесиш, кўз ўйишлар кучдами, йўқми шуни билмоқчи бўлди.

qoldi-ku? Bu ota-bolalar bir-biriga g'irt teskari-ku, bamisoli o't bilan suv.

– Endi, – dedi Ortiqboy ham yengil xo'rsinib, – men ham ko'nglimdagilarni aytib olsam. Gadoyboy janoblari Omontoyni bizga ham o'g'il, ham kuyov qilib yubormoqchi bo'lganlarida “Gadoy topmas”dagi ishlarni kuyovimga topshirishni niyat qilib qo'ygan edim. Mana keldilar, qizimiz bilan unashtirdik, bundan buyog'iga kamina bu kishiga ota, u kishi menga o'g'il bo'ldilar. Asl maqsadlarini ham yashirmay aytdilar, eshitdik. Juda boshqacha, juda odamni hayratga soladigan gaplar. Sezishimcha “Gadoy topmas”da bundan buyog'iga boshqacha hayot boshlanadigan ko'rinadi. Shunday ekan, bu joylarning tasarrufi endi kuyovimizga o'tsa degan edim. Rostini aytsam men halitdan charchab qoldim. Qozonimiz bitta bo'lgach, “Gadoy topmas”ni kim boshqarishining nima farqi bor? Keyin o'z qo'ylarimni ham anovi ikki qo'ton qo'ygga qo'shvorsam degandim. Shunday qilib, “Gadoy topmas”dagi chorvalar yaxlit Omontoyning qaramog'iga o'tadi-qo'yadi. Kamina yonlarida duojonlarini qil-e-b yursam deyman.

– Qanday bo'larkin, – deb o'zini noqulay sezgandek ko'rsatdi Omontoy, – kamina endi kelgan bo'lsam... to'g'ri, otamizdan bu yerning pasti-balandi haqida ozroq dars oldim, lekin baribiram odam cho'chirkan-da.

– Cho'chiganingiz yaxshi, – dedi Ortiqboy, – hushyor yurasiz, odatda, cho'chimagan odamdan cho'chish kerak, men sizdan xotirjamman, o'g'lim.

– Ortiqboy janoblari judayam to'g'ri o'ylabsiz, – dedi Abomuslim yaltoqlanib, – suv boshidan tingani yaxshi. Juda uzoqni ko'zlabsiz, yashang. Aytganingizdek, Omontoy janoblarining so'zlari juda hur, xuddi osmondagi qushdek ozod. Eshityapman-u o'zimam qanot bog'lab uchib ketyapman... shu desangiz... Omontoy janoblari meni ham jichcha dardim bor... shu... kamina qulingizga ikki-uch kunga ruxsat tegib qolarmikan degan andishada edim. Shu... bola-chaqa ko'zdan o'tib, juda sog'indik-da.

– Марҳамат, ким сизни ушлаб турибди, – хайрон бўлди Омонтой, – боринг кўринг, иложи бўлса болачақаларни обкелинг.

– Яшанг, Омонтой жаноблари, дунё тургунча туринг, – деб яйраб кетди Абомуслим.

Ҳа, тилинг кесилиб, кўзинг ўйилсин-а, сен огмачини, деб ичидан зил кетди Шорасул. У мутлақо ўзини қўйишга жой тополмай колди. Ортиқбой ҳам, Абомуслим ҳам анави отасини танимаган “оқпадар”-нинг тарафига ўтиб олди. Шорасул очикдан-очик яккаланиб Омонтойнинг душманига айланди-колди. Бу ёғи нима бўлади энди? Аммо “оқпадар”лар тарихда узоқ яшамаган. Ажалидан олдин гумдон бўлишган. Ҳа, уни эрта кунда гумдон қилиш керак тамом, вассалом. Бу думбул-тентакнинг гўштини эчкемарларга едириш керак. Бироқ бу ишни шундай қилиш керакки, ҳеч ким Шорасулдан гумон қилмасин. Шундоқ ҳам унинг Омонтойга қарши бўлиб қолганини анави огмачилар билиб қолишди...

*(Давомини кутинг)*

Abomuslim bu bilan “Gadoy topmas”dagi cheklovlar – til kesish, ko‘z o‘yishlar kuchdami, yo‘qmi shuni bilmocqchi bo‘ldi.

– Marhamat, kim sizni ushlab turibdi, – hayron bo‘ldi Omontoy, – boring, ko‘ring, iloji bo‘lsa bola-chaqalarni obkeling.

– Yashang, Omontoy janoblari, dunyo turguncha turing, – deb yayrab ketdi Abomuslim.

Ha, tiling kesilib, ko‘zing o‘yilsin-a, sen og‘machini, deb ichidan zil ketdi Shorasul. U mutlaqo o‘zini qo‘yishga joy topolmay qoldi. Ortiqboy ham, Abomuslim ham anavi otasini tanimagan “oqpadar”ning tarafiga o‘tib oldi. Shorasul ochiqdan ochiq yakkalanib Omontoyning dushmaniga aylandi-qoldi. Bu yog‘i nima bo‘ladi endi? Ammo “oqpadar”lar tarixda uzoq yashamagan. Ajalidan oldin gumdon bo‘lishgan. Ha, uni erta kunda gumdon qilish kerak tamom, vassalom. Bu dumbul-tentakning go‘shhini echkemaarlarga yedirish kerak. Biroq bu ishni shunday qilish kerakki, hech kim Shorasuldan gumon qilmasin. Shundoq ham uning Omontoyga qarshi bo‘lib qolganini anavi og‘machilar bilib qolishdi...

*(Davomini kuting)*

Adabiy-badiiy nashr

**Erkin MALIK**

**SHAYTONVACHCHANING NAYRANGLARI**

(To‘rtinchi kitob)

*(Katta yoshdagilar uchun)*

*(Ma‘rifiy qissa)*

“Sharq” nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
Bosh tahririyati  
Toshkent – 2018

Muharrir *Qodirjon Qayumov*  
Rassom *Husan Sodiqov*  
Badiiy muharrir *Tolib Qanoatov*  
Texnik muharrir *Ra‘no Boboxonova*  
Sahifalovchi *Mastura Atxamova*  
Musahhah *Ma‘mura Ziyamuhamedova*

**Nashr litsenziyasi AI № 208, 28.08.2011-yil.**

Bosishga ruxsat etildi 17.02.2018. Bichimi 84x108<sup>1/32</sup>. «TimesNew-Roman» garniturası. Ofset bosma. Shartli bosma tabog‘i 13,44. Nashriyot-hisob tabog‘i 12,1. Adadi 3000 nusxa. Buyurtma № 4491. Bahosi kelishilgan narxda.

**“Sharq” nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi,  
100000, Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41.**